

**Садулла Отамуратов, Сарвар Отамуратов**

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-  
РУҲИЙ ТИКЛАНИШ**  
(социал-фалсафий таҳлил)

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўлланма  
сифатида тавсия этрам.*

**“ЯНГИ АСР АВЛОДИ”  
ТОШКЕНТ — 2003**

**Отамуратов Садулла, Отамуратов Сарвар. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. Т., “ЎАЖБНТ” Маркази, 2003, 265 б.**

Мазкур китоб фалсафа фанлари доктори, профессор Садулла Отамуратов ва социология фанлари номзоди Сарвар Отамуратовлар ҳамкорлигида ёзилган бўлиб, у республикаимизда кам ўрганилган миллат, миллий ўзликни англаш, миллий маънавият, миллий тикланиш, миллий онг, миллий ғоя, миллий тарбия, миллатпарварлик, шовинизм ва бошқа бир қатор тушунчаларнинг социал-фалсафий таҳлиliga, уларнинг миллат абадийлигини таъминлашдаги роли ва аҳамиятини ёритиб беришга бағишланган.

Китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига, миллий тараққиёт, миллий ғоя, миллий маънавият, миллий ўзликни англаш жараёнлари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Тақризчи:** социология фанлари доктори,  
профессор М.Б.Бекмуродов

**ISBN №5-633-00170-2**

© “ЎАЖБНТ” Маркази, 2003.

## МУҚАДДИМА

Агар қачонлардир тилим ўлишини  
билсам, бугун ўлишга тайёрман.  
*Расул Ҳамзатов*

Оламда мавжуд бўлган табиат ҳайвонот ва инсон гўзалликлари қаторида миллатнинг ҳам ўз ўрни бор. Унинг гўзаллиги тиллари, маданиятлари, урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларида намоён бўлади.

Миллатнинг такрорланмас гўзаллиги фақат юқорида келтирилган ўзига хослик билан чекланиб қолмайди. Улар билан бир қаторда миллатнинг бевосита ички-руҳий ҳолати билан боғлиқ ҳис-ҳаяжонлар, хатти-ҳаракатлар, ижтимоий тараққиётдаги хусусиятлари, ўзга миллатлар, давлат ва жамоат тизимларига бўлган муносабатларда ҳам ўз ифодасини топади.

Аммо миллат бошқа мавжудотларга нисбатан мавҳумдир. У ўзига хос хусусиятлари билан уни ташкил этувчи вакиллар ҳисобланган шахслар орқали намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у ёки бу миллат ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, уни ташкил этадиган шахслар, уларни бирлаштириб турадиган менталитет, яшайдиган ҳудуд, улардаги ўзига хос хусусиятлар, қадриятлар назарда тутилади.

Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шундан иборатки, шахсларни манфаатлари, мақсадлари, ички-руҳий олами, ташқи оламга муносабатлари, моддий ва маънавий бойликларни яратишдаги қобилиятлари ҳамда уни истеъмол қила билишдаги маданияти жиҳатидан ҳеч қачон бир хил даражага келтириш мумкин бўлмаганидек, миллатларни ҳам бир-бирига “қўшиб”, улардаги мавжуд хусусиятларни “ягона” ўлчам ёки меъёрга келтириш мумкин эмас. Шахслар каби миллатларнинг ҳам характерлари, манфаатлари ва ички-руҳий олами турлилиги исбот топиб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шу маънода ҳам уларни ягона ўлчамга келтириб бўлмайди. Бу эса миллат, миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатлар муаммоларининг ҳар доим долзарблигини сақлаб тураверади.

Миллатнинг мавжудлиги олам гўзаллигининг элементи сифати қанчалик зарур ва инсоният тараққиётининг эҳтиёжи бўлмасин, у ўзига хос жуда мураккаб ва ўта қалтис бирлик ҳисобланади.

Миллатнинг мураккаб бирлик эканлиги унинг мавжудлигини ифода этувчи манфаатлар билан боғлиқдир. Ўз навбатида қаярда ва қайси жараёнда манфаатлар мавжуд экан, у ерда қайсидир даражада бўлмасин “тўқнашувлар” вужудга келади. Манфаатлар тўқнашуви эса қарама-қаршилиқларга олиб келади. Бу салбий ҳолатларнинг олдини олиш эса давлат олиб борадиган сиёсатга боғлиқдир.

Миллатнинг ўта қалтислиги унинг ички маънавий-руҳий оламининг салоҳияти билан боғлиқдир. Бу салоҳият миллий эркинлик, ор-номус, қадр-қиммат, иззат-нафс, туйғу, ғуруҳ каби-ларда намоён бўлади. Агар уларга ташқаридан салбий хатти-ҳаракат ёки таъсир кўрсатилса, миллатлараро ва давлатлараро муносабатлар жараёнида тузатиб бўлмайдиган оғир мусибатлар олиб келиши мумкин.

Ана шу иккала ҳолатдан кўриниб турибдики, миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатларни барқарор ривожлантира билиш фақат миллатнинг абадийлигини “сақлаб” қолиш учунгина эмас, шунинг билан бирга жамиятнинг (давлатнинг) ҳам барқарор ривожланиши учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Худди шунинг учун мазкур муаммони ўрганиш, тегишли илмий концепциялар ишлаб чиқиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш олимлар ва давлат фаолияти диққат марказида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Бугунги кунда жаҳонда мавжуд бўлган 200 дан ортиқ мамлакатларда 2 мингдан ортиқ миллат, элат ва қабилалар яшайди. Улар 5 ярим мингдан ортиқ тилларда сўзлашади. Ана шу тиллардан 2 мингтасидан кўпроғининг ўз ёзувлари йўқ. Мана шундай шароитда миллатлар ёки элатларгина эмас, ҳатто энг кичик қабилалар ҳам ўзaro “қўшилиб” кетмасдан, балки мустақилликка эришиш ва ўзлигини сақлаб қолиш учун курашмоқдалар.

Аммо марксизм ғоя сифатида шаклланибдики, миллатнинг “ўткинчи” лиги ҳақидаги назариялар ҳам дунёга келди. Оқибатда марксистлар миллатни сақлаб қолиш эмас, балки уни тезроқ “қўшилиб” кетишига қаратилган йўлдан бордилар ва уни амалга ошириш учун бир қатор реал тадбирларни ҳам амалга оширдилар.

К.Маркс ва Ф.Энгельс пролетариат манфаатларини ҳар қандай манфаатдан, шу жумладан, миллий манфаатдан ҳам

устун кўйишдан нарига ўта олмадилар. Улар ишлаб чиққан таълимотнинг ҳалокатга учраганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам шундадир.

Шунингдек, уларнинг издошлари ҳам миллатнинг ижтимоий муносабатлар тизими ва жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида қанчалик кўп ва “олижаноб” назариялар ишлаб чиққан бўлмасинлар, бу назариялар ҳам миллатнинг абадийлигини “инкор” қилишга қаратилган эди. Агар Маркс ва Энгельс миллатни пролетариат манфаатлари йўлида “қурбон” қилган бўлса, Ленин ва унинг издошлари “ривожланмаган” “қолоқ” миллатларни “буюк” миллатлар манфаати йўлида қурбон қилишга ҳаракат қилдилар. Хусусан, чоризм миллий ўлкалар ўз империясининг бир бўлаги эканлиги ҳақида очикдан-очик дунёга жар солган бўлса, Ленин ғояларига таянган Россия болшовойлари ўз Ватанларида Октябрь тўнгаришини амалга оширганларидан кейин уни зўравонлик йўли билан миллий ўлкаларга кўчирдилар ва улар бу ерда миллатнинг “уйғонишидан” кўрқиб, “ягона душман” ва “ягона ватан” деган сохта ғоялар атрофига бирлаштириш учун кураш олиб бордилар.

Ленин ва унинг издошлари марксизм таълимотини догма ҳолатида қабул қилиб, миллатнинг дунёга келишига эксплуатацияга асосланган капитализм “айбдор”, агар ана шу жамият ичида мавжуд бўлган эксплуатация тугатилса, миллий зулм ҳам тугайди, миллатлар ўзаро “байналмилаллашиш” натижасида “қўшилиб” кетадилар, деган ғайриилмий ғоялардан нарига ўта олмадилар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар иккала ҳолатда ҳам манфаатларни ҳимоя қилиш учун курашлар миллатнинг реал статусини белгилаш эмас, балки уни “ўткинчилигини” “исботлаш” учун асосий мақсад бўлган.

Худди ана шунинг учун миллатнинг келиб чиқиши, унинг тушунчаси ва белгиларига берилган таърифлар унинг “юзадаги” ҳолатини ифодалаган, холос. Хусусан, халқнинг “буюк даҳоси” И.Сталин таърифида миллат одамларнинг тўртта асосий аломат бирлиги заминида: тил бирлиги, ҳудуд бирлиги, иқтисодий турмуш бирлиги ва маданият бирлиги заминида вужудга келиб тарихан таркиб топган мустақкам бирлигидир.

Ташқаридан қараганда бу таърифда миллат учун зарур бўлган “барча” белгилар ўз ифодасини топгандай кўринади ва эътирозга ўрин ҳам қолмагандай сезилади. Лекин уни чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, савол устига саволлар чиқаверади. Ху-

сусан, бу таърифга биноан коммунизм жамиятида ягона тил шаклланади, ҳудудларнинг бўлинишига эҳтиёж қолмайди, иқтисодий ҳаёт ўз-ўзидан умумлашади, маданиятнинг “байнал-милаллашиши” оқибатида ягона коммунистик маданият вужудга келади. Боз устига мазкур таърифда маданият адабиёт, санъат, урф-одат, анъаналар ва бошқа тармоқлар шаклида тушунилган ҳамда талқин этилган.

Агар бу таъриф тўғри бўладиган бўлса ва у миллатнинг салоҳиятини ифода этадиган бўлса, уни салоҳият жиҳатдан юқори бўлмаган, оддий, бир-бирига яқин кишилардан иборат бўлган бирлик эканлиги келиб чиқади.

Агар шундай ҳисоблайдиган бўлсак, миллий ва миллатлараро муносабатларнинг куч-қудратидан “ваҳимага” тушишнинг ҳам ҳожати қолмайди. Чунки фақат иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш миллатлараро муносабатларнинг асоси бўлиб қолаверади. Бугунги кундаги реал ҳаётда эса бунинг акси содир бўлмоқда. Миллатлараро муносабатлардаги зиддиятлар мамлакатларнинг ҳаётини издан чиқармоқда, уларнинг ичида бўлинишларга олиб келмоқда ва бир бутун ягона минтақаларда парокандаликлар содир бўлишига бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилишига сабаб бўлмоқда. Буларга мисолни ер шарининг исталган жойидан келтириш мумкин. Бу салбий жараёнлар нафақат иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган ҳудудларда содир бўлмоқда, балки иқтисодий жиҳатдан ривожланган ёки ривожланаётган миллатнинг хатти харакатларида ҳам юз бермоқда. Хусусан, бунга Канадада содир бўлган воқеани мисол қилиш мумкин: 1995 йилнинг октябр ойида Канаданинг Квебек штатида яшаётган келгинди французлар ўз она тилларига давлат мақомини бериш, анъана, урф-одатлари, қадриятларини тиклаш ва маданиятларини ривожлантиришда чекланмаган имкониятни қўлга киритишни мақсад қилиб, штатни Канада давлатидан ажратиб олиш учун референдум ўтказишга муваффақ бўлган эдилар. Гарчанд бу референдум кутилган натижани бермаган (атига 2 фоизгина етмаган эди) бўлса ҳам, унинг мустақил бўлиши учун кураш ҳамон давом этмоқда.

Демак, миллат учун иқтисодий тенгсизлик эмас, балки ўзини сақлаб қолиш, ўзлигини тиклаш муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Аслини олганда, Иосиф Сталин берган таъриф ва ундан кейинги адабиётларда (асосан, у ёки бу белгиси ҳақида турли мунозаралар юритилган) такрорланаётган ва анъанага айлланиб қолган таърифларда миллат шаклланиши учун объектив шарт-

шароитлар ва омиллар (худуд, тил, иқтисодий ҳаёт ва маданият бирликлари) кўрсатилиб келинган. Аммо миллатни тарих субъекти сифатида тавсифловчи омиллар ҳамда унинг тарихий фаолиятини белгилаб берувчи, уни ҳаракатга келтирувчи кучлар ўз ифодасини топмаган. Хусусан, бу кучлар нафақат ҳаракат келтиради, шунинг билан бирга миллат абадийлигининг кафолати ҳамдир. Миллий ўзликни англаш, миллий манфаатни ҳимоя қилиш, миллий қадриятни сақлаб қолиш, миллий гуруҳ кўркемлигини ҳимоя қилиш, ўзга миллатлар олдида ўз обрў-эътиборига эга бўлиш, юксак маънавият билан гуруҳланиш, давлатта ва тарихий тажрибага эга бўлиш, жаҳон тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилиш каби омиллар — миллатнинг ички маънавий-руҳий омиллари юқоридаги таърифларда ўзининг мустақил мақомини олмаган эди.

Миллат тушунчасига таъриф беришдаги қотиб қолган андозаларни такрорлашлар ёки чалкашликлар шунга бориб етдики, 70-йиллардан кейин эълон қилинган бир қатор “илмий” адабиётларда нафақат миллатнинг ички маданий-руҳий салоҳияти ҳақида фикр юритилмади, шунинг билан бирга илгари унинг асосий белгиси сифатида қўпчилик томонидан тан олинган белгиси тилнинг роли ҳам инкор қилина бошланди. Боз устига маданиятнинг моҳияти тўлақонли кўрсатилмаганлиги оқибатида унинг миллийликлиги салоҳияти ҳам “сояда” қолдириб кетилган эди. Айниқса миллий ўзликни англаш ва миллий маданиятлар ўртасидаги диалектик боғлиқлик муаммолари деярли “теша” тегмасдан қолиб кетаверди. Бу эса собиқ Марказга миллий жараёнларнинг ўзини ҳам бир “қолипда” ушлаб туриш имконини берди.

Миллат ва миллий ривожланишга бўлган ана шундай ғайриилмий назариялар ҳамда уларнинг реал ҳаётга татбиқ қилиниши собиқ совет тузуми ва ягона мафкура манфаатларига хизмат қилиб келди. Бу сиёсат собиқ СССР ҳудудларида яшаётган миллат ва элатларнинг хоҳиш-иродаларига зид эди. Уларнинг бу олиб борилган сиёсатдан норозилиги “юзада” эмас, балки зимдан катта “портланувчи” куч сифатида ривожланиб келган эди. Уни “ташқарига” чиқаришнинг имкониятлари ниҳоятда чекланган эди. Мавжуд тузум кучлари ва “ягона” мафкура имкониятлари миллатнинг норозилигини ташқарига чиқаришга қаратилган ҳар қандай кучлардан бақувватроқ эди. Миллий ғояларнинг эса сохта байналмилаллилик ғояларидан устувор бўлишга ҳам имконияти йўқ эди. Чунки ана шу зўравонликлар сиёсатининг тамал тошлари собиқ совет тузумига асос солинишидан олдин қўйилган эди

ва у СССРни ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш жараёнида изчиллик билан мустақамланиб борилган эди.

Аммо собиқ СССРнинг миллий “ривожланиши” ва миллатлараро муносабатлардаги тажрибаси кўрсатдики, зўравонликка асосланган миллий сиёсат қанчалик маккорона ва қудратли бўлмасин ҳалокатга маҳкумдир. Миллат зўравонликка бардош бера олмайди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай шароитда ўзлигини сақлашга, уни ҳимоя қилишга қодир бўлган кучларни ўзининг тақдири учун мураккаб шароитда “пинҳонан” тўплаб боради ва қулай шароитлар вужудга келган пайтда уни “ишга” солади.

Бунинг реал кўринишини собиқ совет тузумининг парчаланиб кетиш жараёнини тезлаштиришда, у парчаланиб кетгандан кейин эса собиқ жаҳон социализм тизимига кирган мамлакатларда содир бўлган, ҳатто бугунги кунда ҳам давом этаётган айрим мамлакатларнинг аччиқ тажрибаларида кўрдик ва кўрмоқдамиз.

Агар миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатларнинг тажрибаларини таҳлил қиладиган, миллатнинг абадийлиги ва доимо “уйғоқ” эканлигини назарда тутадиган бўлсак, миллатнинг тараққиёти миллий мустақилликдир. Фақат мустақил бўлган миллатгина ривожлана олади ва маънавияти мустақамлана олади ҳамда жаҳон тараққиётига ўз ҳиссасини қўша олади. Шунинг учун ҳам республикаимиз Президенти И.А.Каримов мустақиллигимиз шароитида “халқни маънавий-руҳий мустақамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир”<sup>1</sup> деб таъкидлаган эди.

Бугунги кунда Оврўпанинг тараққий этган мамлакатлари интеграциялаш, ўзаро яқинлашиш томон бораётган бир шароитда собиқ СССР ҳудудидаги бугунги мустақил давлатлар бир-бирларига ишончсизлик, бир-бирига яқинлашишдан ҳадиксираш ва ниҳоят бир-биридан бутунлай “воз кечиш” кайфиятидан батамом қутула олмадилар.

Бу ҳам объектив жараёндир. Чунки эришилган мустақилликни қандай иқтисодий қийинчилик бўлмасин сақлаб қолишга интилиш, собиқ совет тузуми даврида миллий ривожланишда бой берилган вақт ва имкониятларни тиклаш миллий тараққиётнинг бош йўналишини ташкил қилмоқда.

Бу жараёнда асрлар давомида шакланган миллий истиқлол ғоямиз асосий манба бўлмоқда. Шунинг учун Президентимиз уни тараққиётимизнинг барча соҳаларига ва ёш авлодни тарбия-



лашишига кенг татбиқ этиш борасида олдимизга аниқ вазифалар қўйдилар. Жумладан, улар шундай ёзадилар: "Мен миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждоларимизнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан"<sup>2</sup>.

Юқорида илгари сурилган фикрлардан кўриниб турибдики, мазкур китобда унинг миллат абадийлигини ифодаловчи омиллар миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатларни тақомиллаштиришнинг методологик ва назарий қирраларини таҳлил қилиш мақсад қилиб қўйилган.

Қўйилган масалаларни ёритишда собиқ СССР даврида эълон қилинган аксарият кўпчилик адабиётлар миллатлар тараққиётини реал жараёнлар билан солиштириш, таҳлил қилиш, тегишли илмий хулосалар чиқариш мақсадида фойдаланилади. Уларга муносабат билдиришда ҳам муаллифлар ҳар бир даврнинг хусусиятларини ҳисобга олишга ҳаракат қиладилар.

Мазкур муаммоларнинг ўта мураккаблигини ва чексиз бепоён эканлигини ҳисобга олиб, муаллифлар ўзи илгари сураётган концептуал ғояларини охириги ҳақиқат дейишдан йироқдир. Шунинг учун ҳам китобхонлар томонидан билдирилган ҳар қандай фикрларни қабул қилишга ва ўзаро фикр алмашишга тайёрдирлар.

## **БИРИНЧИ БОБ. МУАММОНИНГ МЕТОДОЛОГИК ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Инсоният тарихида халқлар ўртасидаги ўзаро муносабат масаласидан ҳам мураккаб, жиддий ва мушкулроқ муаммоси йўқ. Чунки тарихий тажриба улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тенг ҳуқуқли нормаларини қарор топиштиришдек масаланинг қийин вазифа эканлигини кўрсатади. Бу бир томондан, жамият ўзига ўтмишдан мерос бўлиб қолган миллатлараро адоват, зиддиятлар ва низоларни енгиши керак. Акс ҳолда у ривожланмайди. Иккинчи томондан эса, халқлар устидан зўравонлик қилиш буюк миллатчилик, миллатлараро адоватни авж олдириш заминида маълум цивилизациянинг манфаатлари ётади. Зеро манфаатларни англаб етиш истиқбол учун ҳаракат қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Аммо бу жараён цивилизациянинг моҳияти билан сиғиша олмайди ва шу сабабли уларнинг ўз-ўзини инкор этишига олиб боради. Цивилизациянинг моҳиятига мос келадиган бирдан-бир тўғри йўл барча миллат ва элатларнинг ўз туб манфаатлари муштаракли, дўстлик ҳамда мустақил давлатлар доирасида ҳар бир миллат, элат, улар маънавиятларининг ривожланиши асосида ҳамма эркин тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишидан иборатдир. Бу йўлдан озгина бўлсада четга тойиш ғоят ҳалоқатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Масаланинг бу ўта мураккаблигидан кўриниб турибдики, миллатлар ҳақидаги ҳақиқий билим сифатидаги чинаккам фан ғоят зарур. Ана шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда тарихда биринчи марта ўлароқ XIX-XX асрларда миллатлар ва миллий муносабатларнинг шаклланиши илмий назарияси ишлаб чиқилди, миллатнинг моҳияти ва унинг бошқа ижтимоий ҳодисалар силласидаги ўрни таҳлил қилинди, миллатлар тараққиётининг асосий тенденциялари тахмин қилинди.

Кейинчалик миллий жараён кўпмиллатли собиқ СССРнинг конкрет тарихдаги ҳар бир аниқ босқичга мувофиқ равишда ўрганилди ва таҳлил қилинди. Бироқ миллат ва унинг ривожла-

нишига бағишланган бу “концепциялар” мафкуравий манфаатлар позициясидан ишлаб чиқилган эди.

70-йилларнинг охири ва 80-йилларни бошларига келиб, социализм тизимининг айниқса, собиқ совет тоталитар тузуми инқирозининг кучайиши содир бўлди. Бу ўз навбатида миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатларда ҳал этилмаган ҳамда собиқ тузум даврида қўшимча равишда тўпланган муаммоларнинг “ичкаридан ташқарига” чиқишни тезлашгирди. Оқибатда худди ана шу жараён собиқ СССРнинг бир қатор минтақаларида миллатлар, элатлар ўртасида очикдан-очик қонли жангларнинг бошланиб кетишига сабаб бўлди.

Аслида миллий тараққиёт ва миллатлараро муносабатларда бугунги кунда содир бўлаётган даҳшатли фожиаларга сабаб нимада? Ахир миллатлар устидан зўравонлик ўтказиб келаётган собиқ совет тоталитар тузуми ва жаҳон социализми тизими қўлади, унинг ўрнида мустақил давлатлар вужудга келди, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муаммолари ҳал этилган, уларнинг айримлари ўзаро бирлашиб ягона иқтисодий макон ва пул бирлигини вужудга келтирмоқда. Ўз навбатида инсониятнинг ақл ва ўз-ўзини англаш салоҳияти юксаликка эришди. Ана шундай шароитда ҳамон ҳар бир миллатнинг “менлигини” таъминлаш учун курашининг кучайиб бораётганлигига сабаб нимада?

Бундай саволларга жавоб излаш ҳозирги даврнинг энг мураккаб ва долзарб вазифалари бўлиб қолмоқда. Худди ана шу нуқтаи назардан “миллат” тушунчасининг моҳиятини очиб бериш, уни ҳаракатга келтирувчи ички ресурсларни аниқлаш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

### **1.1. Миллий ўзликни англаш: моҳияти ва мақоми**

Собиқ совет даврида эълон қилинган илмий адабиётларда (улар мафкуравий манфаатлар нуқтаи назарида бўлишидан қатъи назар) мавжуд бўлган айрим ижобий фикрларни ҳисобга олмай туриб, миллий ривожланиш, миллалараро муносабатларда юзага чиққан янги тенденцияларни англашга уриниш самара бермайди. Чунки, ҳар қандай янги ғоялар ҳам қандай бўлмасин мавжудларини таҳлил қилишни ва ўрганишни тақозо этади.

Ана шундай фикрдан келиб чиқилдиган бўлса, энг аввало, “миллат” тушунчасининг пайдо бўлиши ва у тўғрисидаги мунозараларни таҳлил қилиш лозим бўлади. “Миллат” тушунчаси устидаги баҳс-мунозаралар собиқ совет адабиётида 1966 йилларда бошланган эди. Адолат юзасидан айтиш керакки, миллий масалага бағишланган кўпгина жиддий илмий изланишлар бўлиб, уларнинг аҳамиятини асло инкор этиб бўлмайди, чунки бу тадқиқотларнинг айримларида асосли хулосалар мавжуд. Энг муҳими улардаги умумий фикр — миллий ривожланиш муаммоларининг мавжудлигини эътироф этилишидир. Лекин улар қоғозда қолиб кетди ёки “назарга тушмади”. Шу билан бирга айрим илмий тадқиқотларда миллий тараққиёт ва миллий масала “муаммосиз” қилиб кўрсатилади. Миллий муаммоларни ҳал қилишдаги “муваффақиятлар” кўкларга кўтарилар, социализм шароитида миллатлар ва элатлар ўртасида зиддиятлар ва низолар “йўқлиги” кўрсатилар эди. Тажриба миллий муносабатлар, айниқса, ўтмишда эзилиб кетган, забун миллатлар ва элатлар эркин ривожланиш имконига эга бўлиши ғоят мураккаб эканлигини кўрсатди. Эски жамиятдан қолган “ирсий касалликларни” даволаш жуда узоқ давом этди. Бу “касалликни” даволашнинг назарий концепцияси ишлаб чиқилмас ва уни реал ҳаётда татбиқ этилмас экан жамият ҳамда давлат барқарор тараққий эта олмайди ва инсоният ҳаётидаги даҳшатли хавфни ҳам тугатиб бўлмайди. Бу хавф миллатнинг мустақил субъект сифатида мавжудлиги билан эмас, балки уларнинг ўзгалар манфаатларини ҳисобга олишни хоҳламаслиги ёхуд ҳукумронлик қилишга мойилиги билан боғлиқдир. Нима бўлишдан қатъи назар миллатнинг шаклланиш жараёнига илмий адабиётларда бир томонлама қараб келинган. Хусусан, бу қарашлар заминида марксизм-ленинизмнинг миллат тўғрисида яратган таълимотлари туради. К.Маркс ва Ф.Энгельс биргаликда ёзган “Коммунистик партия манифести” (1848 й.) асарларидаёқ “Буржуазия ишлаб чиқариш воситаларининг, мулкнинг ва аҳолининг тарқоқлигини борган сари йўқ қилмоқда. У аҳолининг ғуж яшайдиган қилди, ишлаб чиқариш воситаларини марказлаштирди, мулкни озгина одамлар қўлига тўплаб берди. Бунинг муқаррар натижаси эса сиёсий жиҳатдан марказлашиши бўлди. Манфаатлари, қонунлари, ҳукуматлари ва божхона пошлиналари бошқа-бошқа бўлиб, деярли фақат иттифоқдошлик муносабатлари билангина бир-бирларига боғлиқ бўлган вилоятлар

ҳукумати бир, қонунчилиги бир, миллий синфий манфаати бир, божхона ҳегараси бир бўлган бир миллат бўлиб бирлашдилар”<sup>2</sup>, деб ёзган эдилар. Шу асарнинг иккинчи бир жойида “Бир индивидумни иккинчи бир индивидум эксплуатация қилиш йўқола борган сари, бир миллатни иккинчи бир миллат эксплуатация қилиши ҳам йўқола боради.

Миллатлар ичидаги синфий антогонизм йўқолиши билан миллатлар ўртасидаги душманлик муносабатлар ҳам тугайди”<sup>3</sup>, деб кўрсатган эдилар.

Кўриниб турибдики, улар миллат шаклланишини капитализм жамиятининг вужудга келиши билан боғлайди ва миллий қарама-қаршилик сабабчиси синфлар ўртасидаги қарама-қаршилик, деб кўрсатади. Яъни улар синфларнинг барҳам топиши миллатларнинг турли манфаатларга бўлинишига ҳам барҳам беради, деб ҳисоблайдилар.

Бу таълимотдан агар жамиятнинг синфларга бўлиниши бўлмаганда турли миллатлар ҳам шаклланмаган бўлур эди, деган мантиқий хулосанинг келиб чиқишига олиб келади.

Миллат шаклланиши масаласига Ленин ҳам ўз устозлари таълимотининг давомчиси сифатида қараган эди. У “Миллат — бу ўрта аср уруғчилигининг давоми эмас. Миллат ижтимоий муносабатларнинг тубдан ўзгариши, миллатгача бўлган кишилик бирлиги (элат, қабила)нинг ҳаёти асосида пайдо бўлган “ижтимоий тараққиётдаги буржуа даврнинг муқаррар маҳсули ва муқаррар формасидир”<sup>4</sup>, деб ёзган эди.

Лениннинг фикрича ҳам миллатнинг шаклланишида капиталистик жамият асосий “айибдор” ҳисобланади. Назариядаги калтабинлик шундаки, капиталистик жамиятдаги мавжуд синфларни йўқ қилиш, миллий зулмнинг ҳам йўқ бўлиб кетишига олиб келади, деган таълимот марксизм-ленинизмнинг миллий масала тўғрисидаги назариянинг асосий мағзини ташкил қилиб келган. Хусусан, Ленин шундай ёзган эди: “Капитализм даврида миллий (ва умуман сиёсий) зулмни йўқ қилиб бўлмайди. Бунинг учун синфларни йўқ қилиш, яъни социализмни жорий қилиш зарур”<sup>5</sup>.

Бу келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, уларнинг таъкидлашича, миллат объектив тараққиётнинг маҳсули эмас, балки инсониятнинг ашадий “душмани” бўлмиш капитализмнинг маҳсули ва қарама-қарши синфлар юзага келмаса миллатнинг вужудга келишига “зарурият” ҳам туғилмас эмиш. Улар томонидан ишлаб чиқилган миллат ва миллий муносабатлардаги асосий камчилиги ҳам шунда бўлган эдики, синф миллатдан устун қўйилган

ва миллий манфаатларга бўйсундирилган. Реал ҳаётда эса, капитализм тараққий қилган сари синфий қарама-қаршиликлар аста-секинлик билан барҳам топа бошлади, аммо миллий низолар авж олиб келди. Улар шу тариқа истиқболни кўра олмадилар.

Энг ачинарлиси шундаки, уларнинг издошлари ҳам ўз устозларининг "назарияларини" охириги ҳақиқат шаклида қабул қилдилар ва тарихий тараққиётнинг барча босқичлари учун жавоб берадиган таълимот, деб қараб келдилар. Оқибатда реал ҳаётда назария билан амалиёт ўртасидаги масофа узоқлашиб бораверади. Энг ачинарлиси шундаки, марксизм-ленинизмнинг издошлари ўз асарларида миллий тараққиётида содир бўлаётган ўзгаришларни, миллий омил ролининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларга кўрсатаётган таъсири кучайган сари миллатларни зўравонлик йўли (пинҳоний) билан яқинлаштириш концепцияларини илгари сураверадилар. Амалда эса миллатларнинг бир-бирларидан узоқлашиш тенденцияси кучайди. 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида собиқ совет тоталитаризми ва жаҳон социализм тизимининг қулашида миллий омилларнинг қудратли таъсири ҳамда жаҳондаги қўпгина ривожланган мамлакатларда миллий муносабатлардаги қарама-қаршиликларнинг кучайиш жараёни содир бўлди. Бу ўз навбатида тадқиқотчиларнинг "миллат" тушунчаси ва у билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганишга қизиқишларини кучайтириб юборди. Қизиғи шундаки, жаҳонда миллий омил устувор даражага кўтарилган бир шароитда айрим тадқиқотчилар "ғарбда ва бошқа мамлакатларда миллий масала сўниб бармоқда"<sup>6</sup>, — деб ёзган бўлса, рус олими П.А.Сорокин, миллат ижтимоий борлиқ сифатида мавжуд эмас<sup>7</sup>, деб ёзди. Яна бир рус олими В.А.Тишков эса "Миллат — бу сиёсий шиор ва сафарбар қилувчи восита, аммо у илмий тушунча эмас.... унинг яшашга ҳуқуқи йўқ ва у илмий тилдан олиб ташланиши керак"<sup>8</sup>, деб даво қилди.

Шунинг билан бирга миллатнинг дунёга келишини яна ўша марксча таълимот нуқтаи назаридан қарайдиганлар бугун ҳам мавжуддир. Хусусан, И.Г.Яковенко, "Миллат ўрта аср яхлитлигининг емирилишида юзага келади..."<sup>9</sup>, деб ёзди.

Ўзбек олимларидан ўз умрини миллий масалага бағишлаб келган устоз олим Қ.Хоназаров миллатнинг бирлик бўлиб уюшишини маълум тарихий даврлар билан боғлайди. Ана шунга муваффиқ у "X-XX асрлар оралиғида халқимиз 3 марта миллат бўлиб уюшиб, XX асрнинг охириги ўн йиллигидан бошлаб тўртинчи марта энг юксак даражадаги ҳозирги замон миллат

сифатида юзага чиқаётгани ҳар биримизни мағрурлантирмасдан иложи йўқ”<sup>10</sup>, деб ёзади.

Бундай турли фикрларнинг илгари сурилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки “миллат” тушунчасини таърифлаш қанчалик мураккаб бўлса, унинг бирлик бўлиши учун шарт бўлган мезонларни белгилаш ҳам шу даражадаги энг мураккаб масала ҳисобланади.

Миллат реал инсонлардан ташкил топган, шу боис улар турли ички ҳис-ҳаяжон, руҳий салоҳиятларга эгадир. Уларнинг даражаларига охириг нутқани қўйишга интилишнинг ўзи масалага ғайри илмий ёндашувдан бошқа нарса эмас. Чунки миллий жараён узликсиз, доимо ҳаракатдадир. Ана шунга мувофиқ, бу ерда тўртта муҳим масалага аниқлик киритилиши тақозо этмоқда: биринчидан, миллат реал омил сифатида мавжудми ёки йўқми? Иккинчидан, унинг шаклланишида нима асосий омил ролини ўйнаган? Учунчидан, этнослар миллат мақомини олиши учун қандай мезонлар белгиланиши керак? Ва ниҳоят “миллат” яхлитлигини қандай омиллар таъминлайди?

Аввало, шунди таъкидлаш лозимки, миллат реал омил сифатида мавжуддир. Инсоннинг мавжудлиги қанчалик ҳақиқат бўлса, миллатнинг реаллиги учун ҳеч қандай шубҳа йўқ. Инсонлар маълум миллатларнинг вакиллари ҳисобланади. Улар орқали миллат яхлитлиги вужудга келади. Миллати бўлмаган инсон ўзлигини йўқотган манқуртдир. Миллатнинг ўлиши муқаррар равишда инсоният ҳаётининг тугашини билдиради. Миллат мавжудлигини инкор этиш эса, табиат ва инсоният гўзаллигини ҳис қилиб билмаслигининг белгисидир.

Миллат мавжуд омил сифатида инсониятни эртанги истиқболга эришишга ҳаракат қилдириб тураверади.

Агар миллат шаклланиши тўғрисидаги ана шу мавжуд фикрларга чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, миллатларнинг дунёга “келишига” асосий сабаб фақат ишлаб чиқариш омили экан деган хулоса келиб чиқади. Тўғри, ишлаб чиқариш тараққиёти ва ижтимоий иқтисодий омилларининг ролини барча ривожланишнинг, шу жумладан, миллат асосий негизи эканлигини инкор қилиш мумкин эмас. Чунки уларсиз тараққиётнинг, шу жумладан, миллий тараққиёт даражаларини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо, худди мана шу жойда феодал ёки капиталистик жамият вужудга келмасдан аввал ҳам миллатнинг хусусиятларини ўзида намоён этадиган айрим белгилар ёки омиллар

мавжуд бўлганми? Ёки фақат ана шу ижтимоий, иқтисодий тузум миллатнинг бирлик бўлиб шаклланишига олиб келганми? — деган саволлар туғилади.

Адабиётларда миллатнинг шаклланиши одамларнинг гала-гала (пода шалкида) бўлиб яшашидан уруғчилик, қабила, элат, халқлар миллат каби бирликлар даражаси томон тараққий қилиб келганлиги тўғрисида умумий фикрлар бор. Лекин бу бирликларнинг мустақил равишда юзага келишига уларнинг турли ҳудудларга бўлиниб моддий манфаатлар юзасидан ўзаро бирлашишлари сабаб қилиб кўрсатилади. Ўз навбатида ана шу моддий зарурият уларнинг мустақил (ягона) тил, маданият (кенг маънода) ва ягона урф-одатлари шаклланишига олиб келган, деган фикрлар илгари сурилган.

Ана шу фикрларни миллат шаклланишининг илмий концепциясининг асоси, деб ҳисоблайдиган бўлсак, бугунги кунда жаҳоннинг барча мамлакатларида ўзга мамлакатлардан келиб яшаётган турли миллатлар ва элатларнинг “келгинди” вакиллари яшаётганлигини, уларнинг иккинчи ва ҳатти учинчи авлодлари ана шу мамлакатларида яшаётган бўлсалар ҳам ўзларининг она тилларини урф-одатлари, анъаналарига мерос сифатида қолдиришга ҳаракат қилаётганлигининг сабабини нимадан изламоқ керак?

Бундан ташқари, агар юқоридаги фикрлар доираси билан чегараланиб қоладиган бўлсак, бугунги кунда жаҳон халқлари иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш мақсадида ягона иқтисодий минтақаларни ёки ҳудудий бирликларнинг вужудга келтириш томон интилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турганимизда, келажакда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий омиллар миллатларнинг қўшилиб кетишига олиб келади, деган анъанавий хулосаларни тан олишимиз керак-ми?

Юқорида келтирилган бир қатор саволларга жавоб топиш анча мураккаб масаладир. Аммо, имконият даражасида миллатнинг реал салоҳиятини ҳисобга олиб, бу саволларга жавоб излашимиз лозим бўлади. Чунки, миллатнинг шаклланиши, ривожланиши ва “қўшилиб” кетиши тўғрисида анъанавий хулосалар ўзининг тўғрилигини на фақат исботлай олмади, аксинча, миллий ривожланиб, илгарилаб борган сари инсоният тушуниб, илғаб олиши мураккаб бўлган янги-янги муаммолар юзага келмоқда. Ана шу мураккаб масалага жавоб излаш янги илғор фикрларни ишлаб чиқиш ва ўз ўрнида уни яна сўнгги ҳақиқат, деб ҳисобланмасдан, миллий ривожланишнинг ҳар бир реал тараққиётидан келиб



чиққан ҳолда янги фикрларни ишлаб чиқишга ҳам ўрин қолдирган масалага реал қараш лозим бўлади.

Шу фикрларни ҳисобга олиб, миллат шаклланиши ва ривожланишига бағишланган адабиётларда тўплаган илмий хулосаларни ижодий ўрганган ва миллий тараққиётнинг ҳозирги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда куйидаги фикрларимизни билдиришимиз мумкин:

**Биринчидан**, миллатнинг бирлик бўлиб шаклланиши ва ривожланишида моддий омилларнинг (иқтисодий, ҳудудий ва ҳ.к.) ролина эътироф этган ҳолда бу жараёни феодализм ёки капитализм жамиятлари билан боғлаш, агарда шу жамиятлар бўлмаса, миллат шаклланмас эди ёки қарама-қарши синфларини йўқолиб бориши миллатларнинг ҳам “қўшилиб” кетишига олиб келади, деган хулосаларга мутлақ ҳақиқат сифатида қараб бўлмайди. Фикримизча, одамларнинг ҳали гала-гала (пода шаклида) яшаган даврлардан тортиб, то уларнинг миллат даражасида ўсишигача бўлган даврларда ҳам уларни на фақат моддий омиллар, балки шунинг билан бирга ҳали одамзотнинг ақлзақовати охиригача илғаб ололмаган ички маънавий омиллари ҳам мавжуд бўлган. Худди ана ш; маънавий омиллар миллат шаклланиши томон бораётган жараёнларда етақчилик ролини эгаллаб борган. Демак, миллат икки маънавий омилларнинг етақчилиги асосида шаклланган. У инсон давомилигини таъминловчи табиат ва жамият тараққиётининг меваси ҳисобланади. Инсон тараққиётида бўлгани каби миллат шаклланишида ва ривожланишида ички ирсий ворисийлик қонунлари амал қилган ва қилаётган бўлса ажаб эмас. Ахир, бир миллат вакилида мавжуд бўлган на фақат маънавий салоҳиятдаги турли-туманлик, шунингдек, хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатлардаги бири иккинчисига ўхшамаслик ҳам ички ирсий ворисликнинг давомилиги билан боғлиқ, дейиш мумкин-ку. Улар йўқ жойдан бирдангина пайдо бўлмаган: у ворислик (ички руҳий, ахлоқий омиллар) қонунининг иникоси ҳисобланади.

**Иккинчидан**, феодализм ва капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари жамият ичида синфий курашни ҳамда бойлик ортириш мақсадида ўзга халқларни талаш, уларни зўровонлик йўли билан бўйсундириш йўлида миллатлараро курашни авж олтирган. Бу эса ўз навбатида миллий бирликнинг ривожланишида янги босқич бўлган. Анъанавий хулосаларда таъкидланганга

нидек, эксплуаторлар синфига қарши кураш ҳали миллий манфаатлардан устун эмас эди. Боз устига миллий манфаатлар учун кураш ҳар қандай мамлакатда унинг ким бўлиши, бойми ёки камбағалми уларни бирлаштириб турадиган асосий омил ҳисобланади. Уни синфлар манфаатларига бўйсундириб бўлмайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, миллат ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлиши билан бирга табиат оламининг буюк меваси ҳамдир.

Худди шу маънода ҳам таниқли инглиз олими Эрнеста Геллнернинг “миллатни инсон яратган, миллат инсон онгининг маҳсулидир”<sup>11</sup>, деган фикри ҳақиқатга яқинлашади. Яъни инсоннинг ўз-ўзини англаши, унинг қайси миллат вакили эканлигини билишга интилиши билан ҳам белгиланади.

Аmmo шунини таъкидлаш лозимки, миллатга хос бўлган, унинг барча қирраларини мукамал ифода қилаоладиган охириги мезонларни белгилаш мутлақо мумкин эмас. Чунки у инсоннинг ўзи каби доимо ҳаракатда, ривожланишида ва мукаммаликка интилишдаги жараёндир.

Миллат тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият ҳаётидаги ўрнини кўрсатиш масаласини ўрганиш собиқ совет тузуми шароитида собиқ марказ олимларининг “монополияси” қилиб белгиланган эди. Собиқ иттифоққа кирувчи республикалардаги олимлар эса “Марказ”даги олимлар фикрларини ўзларининг илмий ишларига асос қилишга мажбур эдилар (Гарчанд улар юраги қалби билан ўз миллатининг эҳтиёжлари, орзу-умидларини ва интилишларини ҳис қилса ҳам). Улар миллий ривожланишга хизмат қиладиган омилларни ўрганиши мумкин эмас эди. Балки миллатларнинг “қўшилиб” кетишига хизмат қилишга қаратилган сохта байналмилалликни ўрганиши ва тарғибот қилиши мажбур эдилар. Республикамизда эълон қилинган олимлар илмий адабиётлари ҳам бундан истесно эмас. Уларнинг асарларида ҳам миллатнинг тўлиқ моҳиятини ифода этадиган омилларни очиб бериш ҳам бир томондан мафкуравий ва тузум манфаатларидан келиб чиқилган бўлса, иккинчи томондан бир қатор олимлари асаларида миллатнинг белгиси сифатида у ёки бу омилни кўрсатиш ҳоллари бўлган бўлса, у илмий қиёмига етказилмасдан йўл-йўлакай кўрсатиб кетилаверган, учинчи томондан эса собиқ марказда эълон қилинган илмий асарларнинг кўпчилигининг муаллифларда миллийлик устидан байналмилаллик “ғалаба” қилганлигига қатъий ишонч ҳам қарор топган эди. Бу ўз навба-

тида миллий омилнинг роли ва аҳамияти ҳақида эркин фикр билдириш имкониятини бутунлай чеклаб қўйган эди.

Аслида миллий омил зўравонликнинг кучайишига қарамасдан зимдан юксалиб келган эди. Чунки унинг ички имкониятлари ниҳоятда бақувват эди. Бу фикримизни асослаш мақсадида миллат тушунчаси тузилмасида мавжуд бўлган омиллар ҳақида батафсил фикр юритишга ўтамиз.

“Миллат” таърифига унинг умум эътироф этилган белгилари (ҳудуд, тил, иқтисодий ҳаёт, маданиятлар, анъаналар ва турмуш хусусиятлари бирлиги)дан ташқари этник мансубликни англаш, руҳият ва хусусиятлари, илғор анъаналари ҳам қўшишади”<sup>12</sup>. М.С. Жунусов миллий ўзлигини англашга, миллий белгиси сифатида қарайди<sup>13</sup>. С.М. Калтахчан эса, гарчи, миллий ўзлигини англаш миллатнинг белгиси, деб қарамаса ҳам, уни миллатнинг бундан буён ҳам<sup>14</sup> мавжуд бўлиши ва ривожланишининг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблади<sup>15</sup>. М.М. Куличенко эса миллий ўзлигини англаши миллатнинг белгиларидан бири, деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклиф эътиборга лойиқ дея ёзади<sup>16</sup>.

Э.А. Баграмов ҳамда И.П.Цамерянлар “миллат” тушунчасига берган таърифларда миллий ўзлигини англаш миллатнинг белгиси эканлиги тўғрисида гап бормади<sup>17</sup>. Г.Е.Глезерман гарчи, миллатнинг шаклланиши ва уйғонишида миллий ўзлигини англашнинг ролини таъкидласада, “барибир миллий ўзлигини англаш миллатнинг тузилишини белгилайдиган бирламчи омил эмас”<sup>18</sup>, деб ҳисоблайди. Энг асосийси ана шундай ғоялар ўзининг илмий хулосасини топиши ўрнига, собиқ СССРда “ривожланган социализмнинг қурилиши ягона совет халқининг вужудга “келтирганлигини” асослашга устувор йўналиш бўлиб қолганлиги бўлган эди.


“Миллат” тушунчаси тузилмасига кирувчи омилларнинг бутунги кунгача на фақат Ўзбекистонда, худди шунингдек, МДХ давлатларида эълон қилинаётган китобларда ҳам ўзининг тўлақонли илмий таҳлилини топмаган. Шунинг ҳисобга олиб, яна юқорида собиқ Совет даврида, собиқ марказда эълон қилинган асарлардаги фикрларга мурожаат қилишга тўғри келганлигини ҳам такидлаш лозимдир. Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган қарашлар ғоят хилма-хил. Шундай экан, бизни мунозарага сабаб бўлаётган ҳамма масалалар эмас балки миллий ўзлигини англаш “миллат” тушунчасига мустақил белги сифатида кириш-кирмаслиги

қизиқтиради. Бу ҳиссиёт ҳақида фикр юритишимизга боис шуки, демократик жараёнлар бошланиб, миллатлараро муносабатлар қарама-қаршилиқ кучайган бир пайтида, уларни ўз манфаатларида ҳимоя қилишдаги курашларни авж олишида қайси омил етакчи ўринни эгаллади? Боз устига миллий ўзликни англашни миллатнинг белгиси сифатида қараганлар, ёхуд уни инкор этган олимларнинг биронтаси ҳам ўзларининг фикрларини илмий асослаб бермаганлар ва нима учун, деган саволга жавобни юзаки берганлар холос. Яъни реал ҳаётда шу кунгача маълум бўлган анъанавий омиллардан қайси бири мунозаралар даражасида қолиб кетаётган қайси омиллардан бир моддий кучга айланди? Агар миллий ўзликни англаш миллатнинг етакчи белгисига кирса, у ҳолда бунинг учун қандай асос бор.

Шундай асослар ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, миллат тузилиши тушунчаси тузилмасида тарихан белгилаб келинган омиллар билан шаклланиб бўлган буюк бир миллат ва унинг кейинги ривожланиши ўртасидаги фарқни доим ҳам кўравермасликларини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу омиллар биргинами ёки ҳар хил эканлигини ҳар қандай ҳолатда ҳам текшириш, тадқиқ қилиш лозим. Масалан, миллат вужудга келиши учун зарур бўлган умумий ҳудуд ва ўз давлатчилиги йўқлигига қарамасдан юзлаб йиллар мобайнида миллатнинг парчаланишига, унинг йўқолиб кетишига олиб келмаслигини нима билан изоҳлаш мумкин? Яхудий, арман, ўзбек, рус ва бошқа миллатлар, диаспоралар ва ҳоказоларнинг тарихи буни кўрсатиб турибди. Гарчи бундай парчаланиш хавфи бўлсада, ўз тили, анъаналари, урф-одатлари, қадриятлари маданиятини онгли равишда эҳтиёт қилиб келаётган халқларнинг яшовчанлиги эътиборга лойиқдир. Хўш, унга эҳтиёж нимада ва унга нима мажбур этмоқда?

Бу саволларга жавоб излашда яна ўша анъанавий таърифларда кўрсатилиб келинаётган омилларга (белгилар) устуворлик нуқтаи назардан қараб бўлмайди. Чунки турли сабаблар билан ўз миллати ва Ватанидан ажралиб, ўзга мамлакатлардан яшаётган диаспоралар қанчалик бадавлат яшамасинлар ёки катта бойликка эга бўлмасинлар, ўз миллати хусусиятларини, тилларини, қадриятларини авайлаб сақлашни ҳар қандай бойликдан устун қўйиб яшамоқдалар. Бунга жуда кўплаб аниқ маълумотлар келтириш мумкин. Хусусан, мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин ўтган давр ичида турли сабаблар билан хорижий мамла-

катларга кетган ватандошларимиз Ўзбекистонга келганларида, улар билан бўлган учрашувларда бунга гувоҳ бўлганмиз. Уларнинг айримлари ўзбек тилида, мамлакатимизда яшаб келаётган баъзи бир миллатдошларимиздан чиroyйлироқ гапиришлари одамни ҳайратга солади. Ахир уларнинг оталари ўзга юртларда оламдан ўтган, ўзлари бирон марта ҳам Ўзбекистонда бўлмаганлар. Лекин она тилини ўзларининг асосий бойлиги сифатида сақлаб қололганлар.

Демак, миллатни абадийлигини таъминловчи кучни излашда моддий омилдан эмас (албатта, унинг муҳимлиги ва зарурлигини эътироф этган ҳолда), балки маънавий омилдан излаш зарур бўлади. Бунда халқимизнинг ҳаёт мезонига айланган “қорнимга эмас, балки қадримга йиғлайман”, деган мақоли худди миллат 

Агар ана шу мақоладан келиб чиқадиган бўлсак, миллатни қаддини кўтариб, гурури ва абадийлигини таъминлайдиган қудратли куч унинг ички руҳий салоҳияти ҳисобланган ўз-ўзини англаш омилidir. Яна мулоҳазаларни давом эттирамиз.

“Ижтимоий турмуш бирламчи, у ижтимоий онгни белгилаб беради ва бинобарин, миллатнинг тузилишида муҳим бўлган белгилар айна ижтимоий турмушга қарашли бўлмоғи лозим, яъни “маишийлик” мақомига эга бўлмоғи лозим”, деб мулоҳаза юритувчилар табиатдан фарқли ўлароқ, жамиятнинг ўзига хосликларини эътибордан четда қолдирадилар. “Турмуш онгни белгилайди”, деган умумий иборадан нарига ўтаолмайдилар. Ушбу мантиққа биноан, ҳар қандай маънавий омиллар “иккинчи даражали” холос, бинобарин, уларнинг турмушга “акс таъсири” қанчалик кучли бўлмасин, номуҳимдир. Чунончи, материализм фалсафасининг, яъни марксчиларнинг дунёқараш соҳасидаги мавқеини айна шу ҳолат белгилаб бергани тўғрисида муаммога бундай ёндашувдан озгина бўлсада “четга чиқиш” салбий қабул қилинар, марксча-ленинча методологиядан жиддий чекиниш сифатида баҳоланарди. Бироқ амалда, аллақачоноқ миллат таърифга “миллий психология” ва ҳоказо тушунчалар киритила бошланганини, бир қатор муаллифлар унга миллий ўзлигини англашни киритиш зарур, деб ҳисоблаётгани билан ана шу умум андозага айланиб қолган методологиянинг тараққиёт қонунларига жавоб бермаётганлигини таъкидлай бошлаган эдилар.

“Ижтимоий турмуш ижтимоий онгни белгилайди”, деган марксча-ленинча концепция ижтимоий ҳаётни изоҳлаш учун

етарлимикан? Йўқ, етарли эмас. Жамиятга нисбатан таъбиқ этилган диалектика тарихий материализм назариясининг негиз-негизига сингдириб юборилган зиддият (қарама-қаршиликлар бирлиги) унинг икки муҳим асосининг тўқнашуви сифатида келтирилади. Бу асослардан бири жамият тарихи инсонлар ихтиёрий ва онгига боғлиқ бўлмаган тарихий жараён. Иккинчи, қарама-қарши асос шуки, инсонлар ўз тарихини ўзлари яратадилар. Тарих инсон фаолиятининг натижасидир. Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг, шу жумладан, миллатнинг ҳам конституциявий асоси фақат ва фақат инсонларнинг онгли фаолиятдан иборатдир. ✓

Табиийки, асосларда бу қарама-қаршиликлар ажратиб ташланган, бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Айни шу ҳолат ҳал этилиши лозим бўлган муаммони қўйиш усули бўладиган, унинг ечимли воқеа ва жараёнларнинг бир-бири билан боғлиқлиги туғрисидаги реал диалектик назария мазмунини ташкил қилади. Инсонни онгли фаолиятини белгилловчи омилларнинг назарий таҳлили унинг амал ва сабабга бўлинишидан бошланади. Айни мана шу жамиятнинг табиатдан асосий тафовутланишига олиб келади-ки, инсоннинг ҳаракати идеал туртки кучлар, унинг онгли мақсадлари билан белгиланади. Бундай ҳолатда бизнинг ҳис-ҳаяжонимиз, онгимиз инсонлар фаолиятини ва бинобарин, миллатнинг фаолияти жараёнида уларнинг тузилишининг бевосита асоси сифатида намоён бўлади. Тарих нуқтаи назаридан тушунтирилишича, назарияда бу фактни инкор қилиш ёки унинг аҳамиятини камайтириб кўрсатишдан эмас, балки масала қўйилишидан иборатдир. Чинаккам назариянинг ҳақиқийлиги у рад қилиб бўлмайдиган даражада исботлашда, тарих субъекти бўлиши инсоннинг онгли фаолияти, пировард натижасида, объектив зарурат тарихий жараён қолиглари билан белгиланишидандир. Фақат шутгина бизга одамларнинг ижтимоий турмушини одамларнинг иродасини ва онгига боғлиқ бўлмаган ушбу онгли иродани белгилловчи заруратнинг амал қилиши натижаси сифатида кўриб чиқиш ҳуқуқини беради.

Назариянинг ўтмишда халқ оммасининг тарихдаги ролини камайтириб кўрсатишга инсонни, унинг жамиятдаги ролини винтга (буралувчи винтга), “ижрочи” ҳолатигача ва ҳоказо даражада пасайтириб кўрсатишга йўналтирилган амалиёт билан алоқадаги догматизм тарихда объектив қонунийликнинг аҳамиятини ҳаддан ташқари ошириб кўрсатишда уларни инсонга, унинг эҳтиёжларига, қадриятларига, мақсадларига, интилишлари-

га қарама-қарши қўйишдир. Инсоннинг жамиятдаги роли эътироф этилган ҳолларда намоён бўладиган яна бир тамойил — бу эҳтиёж ва манфаатларни “объектив” ҳодиса сифатида қарашни тарғиб этади. Бундай талқин механизми одагдигилардан фарқ қилмасди. Одамларнинг ва уларнинг бирон-бир гуруҳларининг (шу жумладан, синфлар, миллатларнинг ҳам) субъектив эҳтиёж ва манфаатлари объектив жиҳатдан тақозо этилган ва шу маънода улар албатта, тақозо этилгандир. Бошқа барча масалада (мансублик, ҳаёт негизининг усули ва ҳоказоларда) улар субъективлиги, юқоридагилар фақат ва фақат инсонлар, синфлар, миллатлар томонидан англандидагина юзага келиши, шаклланиши мумкинлиги тўғрисидаги масала назарий жиҳатдан таҳлил қилинмаган.

Инсоннинг ижтимоий турмушга муносабатдаги догматизмни бартараф этиш учун, биринчи навбатда, одамлар (ўтмиш авлодлар) бу турмушни ўз фаолияти учун шарт бўлган қонунларга мувофиқ бунёд этадилар ва бу қонунлардан ташқари ҳаракат қилмайдилар. Ҳатто бозорнинг, синфларнинг, миллатларнинг ва ҳоказоларнинг стихияли шаклланиш жараёни ҳам назарий онг орқали ўтмай, (“синф тузиш”, “миллатни маърифатли қилиш”) онгни четлаган ҳолда содир бўлмайди. Устига-устак, айти шу ҳолатда “оммалашган” “одатий” онг ҳамда унинг миллионлаб одамларнинг интилишларини бирлаштириб юбора оладиган синфлар, миллатлар, жамиятлар хоҳиш-иродаси ва хатти-ҳаракатларининг қудратли оқимларини юзага келтирувчи механизмлари улкан рол ўйнайди. Иккинчи, янги авлодларга муносабатда уларнинг онги ва фаолияти мерос бўлиб ўтган мавжуд ижтимоий турмуш белгилаши билангина (гарчи, бу нарса зурур бўлса-да) чекланиши етарли эмас.

Шу боис миллат белгисидан онгни “қувиб чиқариб”, унда фақат объектив, маиший омилларни (ҳудуднинг, иқтисоднинг умумийлиги давлатчиликнинг мавжудлиги ва ҳоказоларни)гина қолдирдик, деб ўйлаш ёки бу фикрни ҳимоя қилиш бир ёқламалик, реал қудратли кучнинг устуворлигини инкор қилиш бўлган бўлур эди. Аслида ушбу амалларнинг ўзи, миллатни вужудга келтирган одамларнинг тарихий ижодкорлиги натижасидир. Ҳатто бундай жараёнларнинг стихияли ҳаракатларига (одамларнинг онгли ҳаракати натижаси улар қўзлаган ният, мақсадга мос бўлиб чиқмагани учун ҳам “онгсиз” характери, дейиш мумкин) ишора қилиш ҳам етарли натижа бермайди, чунки у омманинг тарихий жараёни характерлантирувчи куч

сифатидаги бундай “стихияли” ҳаракатнинг ролини эътиборга олмайди. Одамлар қон-қариндошчилик, уруғчилик нуқтаи назардан бирлашувини ҳудудий бирлашув билан алмаштиришнинг, ёки ўз давлатчилигини яратишнинг тарихий зарурлигини англаш шаклидан муаммога киришишда, уларни бирлашишга, омманинг миллий ҳаракатидан ҳоли равишда бу омиллар юзага келмаслигига асосий эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Шу боис биз бу борада миллат таърифига миллатнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларида онгнинг уларнинг бево-сита асоси сифатидаги муҳим ролини умумлаштириб ифодаловчи ва айна маҳалда миллатнинг фаолиятини (ҳаётий фаолиятини) унинг барча кўзғовчи, ҳаракатга келтирувчи сабабларини бирлаштирган ҳолда изоҳлаш имконини берувчи белгини (омилни) қўйиш зарурлигидан келиб чиқиш лозимлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Бундай бирлаштирувчи омил — бу ҳар бир миллатнинг миллий ўзлигини англашидир. Миллий ўзини англаш таърифи оид нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, айрим муаллифлар бу мураккаб ҳодисанинг баъзи жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилганликларини, улар фикрларида фарқлардан кўра ўхшашликлар қўплигини юқорида кўриб ўтган эдик. Аммо мавжуд адабиётларда миллий ўзликни англашнинг миллат белгиси сифатидаги илмий мақоми ишлаб чиқилмаган. Бунга бир томондан мавжуд тузумнинг миллий тараққиётига бўлган салбий муносабати, иккинчи томондан эса бу омил зўравонлик сиёсати оқибатида юзага чиқаолмаганлиги асосий сабаб бўлган.

Бундан ташқари миллий ўзликни англаш миллат абадийлигини таъминлайдиган, унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган омил сифатида унинг ўсиб боришига таъсир кўрсатиш билан бирга ўзи ҳам тақомиллашиб боради. Бу жараёнда унинг илгари мавжуд бўлган қирралари бақувватлашади ва янгилари вужудга келади. Аммо, уларнинг ҳаммаси фақат миллатнинг эҳтиёжи ва манфаатлари ўсиб бориш доираси билан чекланмасдан, шунинг билан бирга ҳар бир тарихий босқичда миллий ҳаётга нисбатан амалдаги ҳокимиятнинг олиб борадиган сиёсати ва миллатлар-аро юзага келадиган муносабатлар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Бу жараёнларнинг доимийлиги миллий ўзликни англаш тушунчасига нисбатан турли фикрлиликнинг ҳам давом этишига олиб келади. Аммо, Ўзбекистонда чоп этилган ёки чоп этилаётган адабиётларда бу масала ҳамон четда қолиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам яна собиқ марказ олимларининг фикрларига му-



рожаат қилишга тўғри келмоқда. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш лозимки, миллат назарияси масаласини муҳокама қилишда иштирок этган олимлар (1966) масалани икр-чикирларига “ўрганган” ва собиқ совет тузуми шароитида шу соҳанинг йирик мутахассиси, деб тан олинган олимлардан баъзи бирлари “миллий ўзликни англашнинг борлигини тан олсада, уни ҳаспўшлаш билан чегараланиб қолганлар. Жумладан, М.С. Жунусов, П.М. Рогачев ва М.А. Свердлинларнинг (гарчанд, уларда фикрлар илмий асосланмаган бўлса ҳам) миллатнинг бирламчи белгиси миллий ўзини-ўзи англаш, деган фикрига қўшилмаган Т.Ю. Бурмистрова “Миллий ўзини англаш миллий маданиятда бирламчи компонент бўлиб, унинг миллатнинг алоҳида белгиси сифатида ажратиш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак”, деган ғояни илгари суриб келган. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, миллий ўзликни англаш миллатнинг муҳим белгиси сифатидаги мустақил мақоми собиқ марказ олимлари томонидан тан олинмаган, айримлари унга “шубҳа”, иккиланиш ёки ишончсизлик билан қараганлар.

Ўзбекистонда мазкур масалага қизиқиш 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошларида миллатлараро муносабатларда мавжуд бўлган қарама-қаршилиқларнинг “ичкаридан” “ташқарига” чиқиши оқибатида қонли тўқнашувлар бошланган шароитда ортиб борди. Бугунги кунда бу масалага бағишланган 2-3 та докторлик ва 2-3 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Аммо ўзбек тилида йирик фундаментал асарлар чоп этилганича йўқ. Бугунги кундаги эълон қилинаётган мақолалар ёки китобларнинг аксарият қисмини публицистик мақолалар ташкил қилмоқда. Бу эса миллий тараққиётнинг амалиёти учун зарур бўлган назариялар ишлаб чиқилишига эҳтиёжни кучайтирмоқда. Чунки Ўзбекистон кўпмиллатли мустақил давлатдир. Унинг истиқболи миллий жараёнларни мунтазам равишда такомиллаштириб бора билишига боғлиқдир. Афсуски, бу мураккаб муаммони илмий таҳлил қилиш миллий жараёнлар эҳтиёжларидан ҳамон орқада қолмоқда.

Яна миллий ўзликни англашнинг миллатнинг муҳим белгиси эканлиги ҳақидаги фикрни давом эттирар эканмиз, унинг “ички” ва “ташқи” салоҳияти устида тўхтаймиз.

Миллий тараққиётнинг на фақат айрим олинган, илгари қарам бўлган, бугунги кунда эса мустақилликка эришган миллатлар, шунинг билан бирга бутун жаҳон мисолида, ҳатто тараққий этган миллатлар ёки қашшоқликнинг энг оғир кунларини ўз бошидан кечираётган миллатларнинг бугунги ҳаёти ва интилишларини таҳлил қилиш кўрсатмоқдаки, уларни ҳаракатга ва жўшқин

ҳаёт кечиришни ташкил этган куч бу ҳар бир миллатнинг ўзлигини англаш омили ҳисобланади. Бу хулоса куйидагиларга асосланади: **биринчидан**, миллий ўликни англаш ривожда “портилаш” бўлган шароитларда миллатнинг умумий тан олинган белгилари (иқтисодий, ҳудудий, тилнинг умумийлиги ва маданият, анъана, одатлари, хусусиятлари ва бошқалар) миллий ривожланишдаги тараққий этаётган йўналишларни тўлиқ ифодамайди. Аммо илмий мақолаларда ҳамон миллатнинг ривожланишида иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омиллар асосий тамойиллардир, деган фикр қатъий бўлиб келаётганлиги кўзга ташланмоқда. Боз устига бу омилларнинг ўзаро алоқаси ҳамда бири-бирини тақозо этиши уларнинг диалектик бирлигида кўриб чиқиляётгани йўқ. Айрим ҳолларда эса миллий ўзини англашнинг ўсиши тўғрисида ижтимоий ҳаётни “байналмилаллаштиришни” рағбатлантирувчи омил сифатида гапирилиб, унинг оқибатида юзага келган муаммолар ва зиддиятлар эътибордан четда қолмоқда. Миллий ўзини англаш ўз табиатига кўра эмоционал (психологик) ҳодисадир ва унинг ҳақиқий “қийфаси” миллатнинг манфаатларини, ор-номус, ғурурларини ва қадриятларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Миллий ривожланишда эҳтиёжларнинг номувофиқлиги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда бу ўз-ўзидан унчалик “сезиларли” кўзга ташланмайди, улар миллий ўзлигини англашда, унинг моддий кучга айланишида ўзининг тўлиқ аксини топади. Моддий ва маънавий қадриятлар тақсимоотида адолатсизлик ҳукм сурган шароитда миллий ўликни англаш қудратли моддий кучга айланиб, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятларни жонлантирувчи омил бўлиб юзага чиқади ва миллатни “ҳаракатга” келтиради.

Миллий жараёнлар ривожланишнинг ҳозирги тарихий босқичи кўрсатишича, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омиллар миллат ривожланишида муҳим омил ҳисобланади, аммо миллий ўликни англашни ҳисобга олмаслик иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омилларнинг салоҳиятини тўлақонли кўрсатишга ҳалақит беради. Яъни унинг акс таъсири жараёни ўзининг ифодасини тополмайди. **Иккинчидан**, миллат мавжуд экан миллий ўзини англашнинг ўсиш тенденцияси барқарорлик характерини касб этади. Чунки миллатни мустақил субъект эканлигини худди ана шу омил белгилаб келади. Бундан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий салоҳиятнинг “қолдиқ” шароитларида ҳам ҳар бир миллат “ўзини сақлаб қолишга” ҳаракат қилиши ҳақиқат эканлиги келиб чиқади.

Миллий ўзини англашнинг қарор топиши ижтимоий та-  
раққиётнинг муҳим омили ҳисобланиши билан бирга у жамият-  
нинг янгилашиб боришига, миллат эҳтиёжларини кучайиб бо-  
ришини таъминлайди. Айни бир вақтда у жамиятдаги “оғриқ”  
жойларни юзага чиқишига олиб келишида ҳам устувор омилга  
айланиши мумкин. Ана шу хулосаларга асосланиб, миллий  
ўзликни англашга қуйидагича тасниф бериш мумкин:

Шундай қилиб, ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини реал мавжуд  
субъект, муайян моддий ва манавий бойликларни ифодаловчиси,  
ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга ман-  
сублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб  
етишга миллий ўз-ўзини англаш, дейилади.

Миллий ўз-ўзини англаш миллат шаклланишининг маълум  
нисбий юқори босқичининг мезонидир. Миллат ўзига хос  
бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириши  
ва давлат атрофига бирлашишлари мумкин. Аммо унинг миллий  
ўз-ўзини англаши даражасига кўтарилиши мураккаб жараён  
ҳисобланади. Чунки у миллат вакилларининг аксарият кўпчилик  
қисмининг моддий ва маънавий бойликларга эга эканлиги  
ҳиссиётининг тор даражада мавжуд бўлиши манфаатларидан  
умуммиллат манфаатларини устувор қўя билиш даражасига  
кўтарила билиши билан боғлиқдир.

Миллий ўз-ўзини англаш миллий онгдан фарқ қилади. Мил-  
лий онг ҳар миллатнинг ягона тили, урф-одатлари, анъаналари,  
қадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқорига, оддийдан му-  
раккабга томон ривожланиб боришининг муҳим кўрсаткичи  
ҳисобланади. Ўз навбатида миллий онгнинг ривожланиб бори-  
ши ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши даражасига кўтаради.

Миллий онг миллатни ўзига ҳослиги асосида ривожланиб бориш-  
даги кўрсаткич бўлса, миллий ўз-ўзини англаш манфаатларни ҳимоя  
қилишда ҳаракатга келтирувчи ички маънавий-руҳий салоҳиятдир.

Миллий ўз-ўзини англаш реал моддий куч сифатида миллат  
шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймол этил-  
ганда ёки миллатнинг моддий ва маънавий манфаатларига зид  
иккинчи бир томондан зўравонлик ҳаракатлар юзага келтирил-  
ган ҳолатларда намоен бўлади. Шаъни, кадр-қиммати, ор-  
номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймол этилган миллат  
вакллари қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал  
бўлишидан қатъи назар ягона умуммиллий куч бўлиб бирлаша-  
дилар ва ўзлигини ҳимоя қиладилар.

Шу тариқа миллий ўз-ўзини англаш миллат манфаатларини  
ҳимоя қилувчи моддий кучга айланади.

Бундан ташқари у фақат миллий манфаатларини ҳимоя қилиш билан чекланмайди, шунинг билан у турли “оғриқлар” ёки муаммолар юзага келган шароитда ҳам миллатни “ҳаракатга” келтиради ва уни бирлаштириб туради. Хусусан, миллат тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда ҳам у миллатни бирлаштиради ва уни умуммақсадлар йўлида ҳаракатга келтиради, у ҳар қандай миллат учун етакчи белги ҳисобланади. У ўзининг катта салоҳияти билан миллат учун зарур асосий ўзига ҳос белгилари тизимида етакчи ўринни эгаллайди. У миллатнинг юраги, қалби томирларида оқадиган қони ва гавдасини тик ушлаб турувчи жондир. Ўзлигини англашдан тўхтаган ёки ундан маҳрум бўлган ҳар қандай миллат ўлимга маҳкумдир. У ўзга миллатларга “ем” бўлиб, уларга ассимиляция орқали қўшилиб, оқибатда йўқ бўлиб кетади.

Худди шу маънода ҳам миллий ўз-ўзини англаш миллат абадийлигини таъминлашнинг ҳам муҳим омилidir. Чунки бу салоҳият миллатнинг ўзига хослигини ва манфаатларини ҳимоя қилиб туради.

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни чор империяси бу ўлкани босиб олгандан кейин ўз мустақиллиги учун курашларда, шўролар тузуми шароитида ўзлигини сақлаб қолишга бўлган ҳаракатларда моддий кучга айланиб келди. У ўзбек миллатининг ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ўз-ўзини англаши икки йўналишда: собиқ шўролар даврида топталган урф-одатларини, кадр-қимматини, қадриятларини тиклаш ва маънавий меросларини ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда ва янги адолатли демократик ҳуқуқ устуворлигига асосланган жамият қуриш билан боғлиқ бўлган ислоҳотларни ўтказиш жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал қилишдаги умуммиллий ҳаракатларда намоён бўлмоқда.

Миллий ўз-ўзини англашнинг ривожланиб бориши ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажратиб кетишига олиб келмайди, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларнинг мустақкамланиб боришига ёрдам бериб бораверади.

Миллатларнинг ўз-ўзини англаши қанчалик мустақкам бўлса, унинг ўз муаммоларини ҳал қилиш имконияти ҳам кенгайиб боради. Ўз-ўзини англаган миллатнинг миллий бирлиги ҳам мустақкам бўлади. Миллий бирлик ўз навбатида миллат абадийлигининг барқарор муҳим шarti ҳисобланади. Шунинг учун мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир.

## 1.2. Миллий маданият — миллат белгиси

Миллий ўзликни англаш миллатнинг устувор белгиси эканлиги тўғрисида фикр юритганимизда миллий маданият тўғрисида тўхталмадик. Бунинг сабаби бор, албатта. Миллий маданият ўзликни англаш омили билан мустақкам боғлиқ бўлиши асосида мустақил мақомга ҳам эгадир. Боз устига миллий ўзликни англашнинг асосий “захираси” (моддий асоси) миллий маданият ҳисобланади.

Мавжуд илмий адабиётларда маданият миллатнинг муҳим белгиларидан бири эканлиги таъкидланиб келинган. Лекин собиқ совет тоталитаризм шароитида бу масалани талқин этишда бир қатор чалкашликлар ва ноаниқликларга йўл қўйилиб келинган. Хусусан, “маданият”ни “маънавият” тушунчасига нисбатан кенг маънода талқин этилиб, маънавиятни маданиятнинг бир “элементи” сифатида асосланиб келинган. Оқибатда бундай қарашлар миллатнинг ички, руҳий салоҳияти назарияда четда қолган ва амалиётда маънавиятнинг миллий ўзликни англашнинг “захираси”, унинг ички ва ташқи қиёфасини ифода эттирувчанлик мақоми ўзининг тўлақонли ифодасини топмай келинган.

Улар ўртасидаги муносабатларга китобнинг кейинги қисмларида батафсил тўхтаймиз. Бу ерда маданиятнинг ўзи ҳақида фикр юритамиз.

Маданиятга берилган таърифлар, ёндашувлар хилма-хил бўлишига қарамай, улардан икки асосий жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бир томондан, маданият доимо предметли шаклда моддий ва маънавий қадриятлар, тил, адабиёт, санъат, анъаналар, урф-одатлар шаклида тасаввур этиб келинган ва янги авлод катта авлоддан уларни шу тарзда мерос қилиб олади, деган фикр таъкидланган. Адабиётларда аждоқларимиздан қолган бу мероснинг улкан аҳамияти маданиятни фақат мерос мақомидан иборат қилиб қўйишга интилишда ўз ифодасини топиб келган. Аммо бу бойликдан ташқарида ва у сиз, уни ўзлаштирмай туриб, янги авлодни шакллантириш мумкин эмаслиги ҳам эътиборсиз қолдирилган. Айни шунинг учун ҳам ушбу бойликни ўз фаолияти билан яратувчиларнинг ўзлари гўё маданиятдан “ташқарида” қолдирилиб келинаверган. Яъни маданият фақат мерос, мавжуд предметлар шаклида талқин қилинган. Аммо фаолият яна эътибордан қолдирилиб келинган.

**Иккинчи жиҳатдан** маданиятнинг ушбу бойлигини ўзлаштирган (ўзиникига айлантирган) ва фақат шу туфайли “маданиятли” бўлишга қодир мавжудот сифатида шаклланган маданиятнинг муносиб вакили сифатида иш кўрсатган ва уни ривожлантирган инсоннинг ижодий фаолиятдан иборатлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Бу жиҳатдан олиб қараганда, инсонларни онглари ва уларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги фаолияти маданиятдан, жумладан, миллий ўзлигини анлашни ҳам ўз ичига олади. Маданият миллий ўзликни англашнинг “захираси” бўлиши билан бирга миллатнинг ички ва ташқи қиёфасини (кенг маънодаги) ифодаловчи белгиси ҳамдир.

Миллий маданиятни ривожлантириш муаммоларига бағишлаб кўглаб илмий тадқиқотлар олиб бориш ва диссертация ишлари ҳимоя қилинган бўлса-да, афсуски, ушбу ишларда ҳозирги кунга қадар ҳам миллий маданиятга муаллифларнинг ягона фикрига асосланган аниқ илмий таъриф берилмаган.

70-йиллардан кейин адабиётларда асосий эътибор миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири, ўзаро бойиш ва “яқинлашуви” муаммоларига асосий эътибор қаратилди (табиийки, бундай ёндашув собиқ СССР халқларининг “байналмилал” бирлиги шароитида миллий маданиятларни сунъий равишда “байналмилаллаштиришда” ўз аксини топди). Миллий маданиятнинг моҳияти ва табиатнинг таҳлили эса иккинчи даражали масала сифатида қаралди. Баъзан эса “ривожланган социализм” шароитида миллий маданиятнинг мавжудлигини эътибордан соқит қилишга интилиш ҳам кучайди. Булар ақл бовар қилмайдиган ҳодиса бўлиб, миллий маданиятларнинг байналмилал ва умуминсоний сифатлари моҳиятининг шаклланиши бузиб тушунилишга олиб келди.

Юқоридаги фикрларни тасдиқлаш мақсадида миллий маданият таърифи борасида бир неча муаллифлар билдирган фикрни келтирамиз. Чунончи, айрим муаллифлар “бир-мунча умумий тарзда олиб қаралганда у (миллий маданият) умуминсоний маданиятни конкрет халқ доирасида чеклаб қўйишдир”<sup>1</sup>, деб ҳисоблайдилар. Бошқаларнинг фикрича эса “миллий маданият умуминсоний, ижтимоий-синфий ва миллий ўзига ҳосликнинг мураккаб синтезида намоён бўлади”<sup>2</sup>.

Шу муаллиф ўз фикрini қуйдагича давом эттиради: “Миллийлик маданиятда ижтимоий ғояларни ифодалаш сони, воқеалар алоқасининг муайян тизимдаги, аниқроғи синфий ва

миллий жиҳатлар нисбатидаги ифода воситалари тизими сифатида воқе бўлади”<sup>3</sup>. Бошқа бир муаллиф эса “социализм даврида маданиятдаги миллийлик — ривожланиш жараёнида олинган синфийлик (социалистик), байналмилаллик ва миллийликнинг мажмуидир”<sup>4</sup>, дейди.

Миллий маданият деганда, шу халқ яратган ва ўзлаштирган моддий ҳамда маънавий қадриятларнинг бутун мажмуи тушунадиган муаллифлар ҳам бор<sup>5</sup>. Маданиятнинг миллий ўзгача хослиги ёзишда бошқа муаллиф эса аввало, барча миллатлар ва халқлар учун универсал умумий ҳисобланадиган маданият элементларини индивидуал нотақорий бириктиришда, жамият ҳаётини ўзига ҳос ташкил этилишида муносабатлар ва қадриятлар тизимини уйғун бириктиришдан иборат бўлади<sup>6</sup>, деб ҳисоблайди.

Келтирилганлардан ташқари адабиётларда социализм шароитларида миллий маданиятни ривожлантиришнинг объектив воқеликка қарама-қарши бўлган фикрлар ҳам етарли даражада учрайди. Жумладан, П.М. Рогачев ва М.А. Свєрдлин “Миллий маданият тушунчасини совет умумийлиги ичида абсолютлаштириш мумкин эмас, маданият ҳеч қачон ягона халқ ҳисобланадиган совет умумийлигида эҳлит ўзининг барча элементларида миллий бўлмайди”<sup>7</sup>. Бошқалари бир бутун бўлган миллий маданият мавжуд эмас, деган хулосани ифодалайдилар<sup>8</sup>. Миллий маданиятнинг барқарорлиги, уни хусусиятларининг сақланганлигини “гумон” қиладиган ҳамда “ривожланган социализм” шароитларида миллий маданиятларни сунъий бирлаштиришга йўлланган фикрлар ҳам бор эди. “Маданиятнинг кўплиги тўғрисидаги ғоялар, — деб ёзади П.С.Гуревич, — бирорта миллий маданиятни камситмайди, аммо у бу маданиятлари бирлигини назарда тутаяди, маълум истиқболда ривожланган социализмнинг замонавий маданияти аниқ миллий маданиятларидан иборат бўлади. Аммо бу умуминсоний маданият ютуқлари мавжуд бўлишига зидлик қилмайди. Маданиятлар бирлашиши объектив ижтимоий қонуниятлардан келиб чиқади”<sup>9</sup>.

П.С.Гуревич фикрининг тарқоқлиги ҳамда “турлилиги” уни тушунишни қийинлаштиради. “Маданиятларнинг “бирлашиши” объектив ижтимоий қонуниятлардан келиб чиқади” ёки миллий маданиятларнинг мавжудлиги “умуминсоний маданият ютуқлар мавжуд бўлишига зидлик қилмайди”, каби умумий ҳолатларнинг тақорланиши бу аниқ муаммоларни тадқиқ қилишдан кўра, уларни четлаб ўтишга интилиш бўлиб кўринади. Бу

қонуниятлар бирортаси ҳам таҳлил қилинмаганлиги ва шундайлигича қуруқ фикрлар даражасида қолиб кетганлиги яққол кузга ташланади, миллийлик ва умуминсонийликнинг ўзаро муносабати масаласи ҳатто илгари сурилмаган ҳам эди. Унинг ўрнига “интернационализм” ғояси илгари сурилиб келинган. Боз устига у миллийликдан устун қўйиб келинган ва миллий омилларнинг ривожланиши “интернационализм” манфаатларига “зид” жараён сифатида талқин қилиниб келинган.

Юқорида номлари келтирилган олимлардан ташқари “байналмилаллик” (интернационализм) ғояларининг устуворлигини таъминлаш йўлида миллийликни қурбон қилиш борасидаги уринишлар яна бир қатор муаллифлар асарларида ҳам мавжуд эди. Аслида бундай уринишлар заминида катта сиёсат турган эди. У ҳам бўлса, маданиятдаги миллийликни сиқиб чиқариш, унинг ўрнига катта “оға” маданияти билан тўлғазиш мақсади турган эди. Бу мақсад амалга ошган тақдирда барча “укалар” маънавий жиҳатдан қарам бўлиб қолар эди. Маънавий қарамлик эса ўз-ўзидан ўзгаларнинг итбаткор бандасига айланиши муқарар эди.

Бу улкан сиёсатнинг бошида эса собиқ марказнинг кўзга кўринган олимлари турар эдилар. Собиқ иттифоқдош республикадаги олимлар эса уларнинг ғояларини охириги ҳақиқат сифатида қабул қилар ва уларни қўллаб-қувватлашдан нарига ўтолмас эдилар.

Аслида, тарихдан маълумки, “интернационализм” К.Маркс ва Ф.Энгельс томонидан XIX асрнинг 40-йилларида хусусий мулкка асосланган капитализмга қарши бутун жаҳон пролетариатини (йўқсиларни) бирлаштириш назарияси ва мафқураси сифатида ишлаб чиқилган эди. Ундаги ғоялар миллийликни “байналмилаллик” манфаатлари йўлида батамом йўқ қилиб юборишга йўналтирилган эди.

Бу ғоянинг тарғиб қилиниши ва зўравонлик билан давлатлар ва халқларнинг мафқурасига айлантириш оқибатида Россияда давлат тўнтариши амлага оширилди ва жаҳон «зўровон» социализм тизими вужудга келтирилди.

Бу ғоянинг кўпгина мамлакатларда ҳукмрон мафқурага айланиши ва социализмнинг вужудга келиши оқибатида на фақат жамиятнинг барқарор тараққий этишига зарба берилди, шунинг билан бирга дунёнинг иккита қутбга ажралишига, синфлар ўртасидаги курашнинг авж олдирилишига, оммани мулксизликка маҳкум этилишига ва тузум манфаатлари йўлида итбаткор бўлиб қолишига олиб келди.



Бундай салбий омилар ўз навбатида жаҳонда манфаатларни химоя қилиш байроғи остида қуролланиш пойгасининг ва дунё уруш хавфининг кучайишига, оддий инсонларнинг яратувчилик фаолиятининг сўниб боришига ўзининг таъсирини ўтказди.

Ўз навбатида инсонларнинг яратувчилик фаолиятининг сўниши эса социализмни ҳалокатга олиб келди. Шундай қилиб, “интернационализм” гоё сифатида ўзини оқламади ва аксинча зўронлик миллатларни маънавий жиҳатдан қошшоқлашувига олиб келди.

Аслида “интернационализм” фақат пролетариатнинг (битта йўқсиллар синфининг) гоёси бўлиб, уларни капитализмга ва мулкдорлар синфига қарши курашга хизмат қилади. Унинг яна бир хусусияти шундаки, у фақат ўзининг тараққиётга хизмат “қилувчи охирги ҳақиқат” эканлигини тарғиб қилади. У турли фикрлилик ва диний қадриятларни ҳам инкор этади.

Миллий ва инсоний манфаатларга “интернационализм” гоёлари эмас, балки умуминсоний гоёлар хизмат қилади. Чунки умуминсонийлик кенг тушунча бўлиб, ер юзидаги барча инсонларни мулкий, диний муносабатлари, дунёқарашлари, миллати, ирқи, яшаш жойи ва бошқа ўзига хосликларидан қатъи назар манфаатларини ифода эттиради. Унинг объекти битта синф (пролетариат) эмас, балки умуман инсон зотидадир. Унинг бош мақсади, мулкдор ёки қашшоқ, диндор ёки динсизми, миллат вакилими ёки миллий хусусиятлардан маҳрум бўлганми, булардан қатъи назар инсон зотини улуғлашдир ва унинг манфаатларини химоя қилишдир. Бу гоёнинг хусусияти шундаки, у миллий омиларнинг ўсишини табиий жараён сифатида қарайди, ҳар бир миллатнинг у кўп сонлими ёки оз сонлими, бой ёки қошшоқми, ундан қатъи назар ўзига хослигини ривожлантиришга ҳуқуқи борлигини ўзида акс эттиради. У интернационализмга ўхшаб маъхум эмас, балки миллий замонларни ўзида мужассамлаштириб боради.

Бугунги кунда инсоният олдида пайдо бўлган энг даҳшатли глобал муаммоларни ҳал қилишда “интернационализм” эмас, балки умуминсонийлик гоёси аҳамиятининг ошиб бораётганлиги ҳам шундадир.

Бу келтирилган фикрларимиздан кўриниб турибдики, интернационализм гоёларининг қўйилиши назарий жиҳатдан бир ёқламалик бўлиб, амалиётда инсонларни бир-бирига яқинлаштиришга, миллий ўзига хосликни ривожлантиришга хизмат қилмасдан, миллийликнинг “сўниб” боришга, инсонлар ўртасида қарама-қаршиликлар кучайишига ва мулксизлик кайфиятининг қарор топишига ўзининг таъсирини ўтказиб келди.

Шунинг учун ҳам илмий истеъмол амалиётида умуминсонийлик ғоясини ривожлантириш ҳозирги кунимизнинг энг долзарб вазифалардан бирини ташкил қилиб турибди.

Ана шу концепциядан келиб чиққан ҳолда миллийликнинг энг илғор қирраларини ўзида мужассамлаштирувчи ва унинг тараққий қилиб боришига ижобий таъсир кўрсатувчи умуминсонийлик ғоясини маънавий тараққиётнинг бош йўналиши сифатида қараш лозим бўлади. Шу муносабат билан яна П.С. Гуревич томонидан илгари сурилган фикр бўйича мулоҳаза юритишни давом эттириб, шуни айтиш мумкинки, унинг “маълум истиқболда” жамиятимизнинг замонавий маданияти аниқ миллий маданиятлардан таркиб топади, деган таъкиди кишида икки маънолилиқ таассуротини уйғотади, чунки у маданият, айниқса, умуминсоний мазмунда миллий бўлмай қоладиган қандайдир бошқа “истиқболлар” бўлиши мумкинлигини эҳтимол қилади. Муаллиф таъкидлаётган маданиятлар бирлиги қайси асрда мавжуд бўлиши ва ҳар бир миллий маданият ривожланиш жараёнлари натижасида улар ўрталаридаги масофа “узоқлашиб” кетиши мумкинлиги эҳтимоли тўғрисида ҳам аниқлик йўқ. Бу жуда муҳим. Зеро, бу масалада назарий аниқликнинг йўқлиги маданиятни ривожлантириш объектив жараёнларини сунъий жадаллаштириш мумкинлиги тўғрисидаги хом ҳаёллар уларнинг миллий маданиятлар тараққиёти сифатида ва ҳатто унинг моҳиятига зид бирлигини таъкидлашга ўринишлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умуминсоний маданий қадриятлар ва ютуқларнинг мавжудлиги тўғрисидаги фикр борасида қуйидагиларни айтиш мумкин: Аслини олганда, бунинг ўзи ҳеч қандай баҳсга муҳтож эмас. У “янги тафаккурнинг” қарор топиши муаммоси муносабатидагина долзарб бўлиши мумкин. Асосий масала бундай маданий қадриятлар миллий маданиятдан ташқарида юзага келиши мумкин эмаслиги ёки тўғрироғи улар халқлар у ёки бу миллатлар (улар пайдо бўлганларидан сўнг) маданий тарихий ижодидагина пайдо бўлишидадир.

Табиийки, энг аввало, масалани қадриятнинг ўзи нима эканлигини англаб олиш зарур бўлади. Акс ҳолда у ҳақдаги ҳар қандай назарий (мушоҳада) фикр-мулоҳаза “қум” устига қурилган уй бўлиб қолади. Ҳўш, нега қадрият тушунчаси ҳақида мулоҳаза юртишимиз лозим, унинг маданият ва маънавият билан қандай алоқаси бор?

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, адабиётларда маънавиятни инсон (миллат) яратганлиги алақачонлар илмий жиҳатдан асосланган. Аммо қадрият тушунчаси, унинг маданият (маънавият) билан муносабатлари ҳали ўзининг тўлақонли илмий таҳлилини топмади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда маскур масаланинг тўлақонли таҳлили устида тўхтамасдан, унинг айрим томони ҳақида ўз мулоҳазамишни билдиришни лозим топмоқдамиз.

Маълумки, маданият (маънавият) инсон ва миллат билан бир вақатда пайдо бўла бошлаган, у ҳам инсон ва миллат каби пастан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиб борган. Масаланинг энг муҳим томони шуки, уни инсон ва миллат яратгани билан бирга унинг эҳтиёжига айланган. Шу маънода у ҳам инсонни — “инсон”, миллатни — “миллат” даражасига кўтарган асосий омиллардан бири ҳамдир.

Маданиятнинг инсон ва миллатнинг эҳтиёжига айланиши, тарихий тараққиётнинг муҳим омили эканлиги унинг қадриятга айланишини билдиради. Демак, маданият (маънавият) инсон ва миллатнинг муҳим белгиси бўлиши билан бирга унинг ўзига хос томонларини акс эттиради ва ўз навбатида унинг эҳтиёжига айланган қадрияти ҳамдир.

Ана энди қадрият тушунчаси ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён қилишга ўтамиз. “Қадрият” тушунчаси илмий атама сифатида XIX асрнинг 90-йилларида немис файласуфи Герман Лотце томонидан биринчи бор қўлланилган. Шундан кейинги ўтган даврда бу масалага қизиқиш анча ўсган, унга бағишланиб турли анжуманлар ўтказилган.

Бугун ҳам жаҳонда содир бўлаётган турли алғов-далғовлар, юзага келаётган янги цивилизациялар қадрият масаласини ўрганишга қизиқишнинг ортиб боришига туртки бўлмоқда. Қувончлиси шуки, кейинги лойҳаларда бу масалани ўрганишга ўзбек олимлари ҳам катта қизиқиш билан қарай бошладилар.

Аммо ҳали унинг жуда кўп қирраларини, шу жумладан, миллат ва қадрият тушунчалари, уларнинг ўзаро муносабатларини мукамал ўрганиш кун тартибида турган муҳим масалалар қаторидадир.

Назаримизда “қадрият” тушунчасига таъриф беришда, моддийликнинг боқийликка ва эҳтиёжга айланишини назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам, қадрият объектив ва субъектив, абсолют ва нисбий, ҳозир ва келажак бирлигидир.

У инсон ва миллат фаолиятининг тайёр натижалари йиғиндисидир. Қадриятлар инсон ва миллатга нисбатан олинган моддий ва маънавий объектлар оламидир. Қадрият тушунчасини яна ҳам кенгроқ қараладиган бўлса, у жамият тараққиётининг моддий, маънавий, ижтимоий ва сийсий бойликларининг ривожининг энг юқори натижаси, яқуни, инсон ва миллат камолотининг келажак учун ҳам катта аҳамият касб этадиган ижобий маҳсулидир.

Қадрият қачонки, инсон ва миллатнинг онги дунёқараши ва эътиқоди даражасига кўтарилиб, унинг ҳаёт фаолиятига айлагандагина моддий куч сифатида ўзини яққол намоён этади. Қадриятлар бир неча турларга (йўналишларга) бўлинади. Улар ҳар бир аниқ жараён ва омилларга оид бўлади. Гап бу ерда қадриятнинг миллат маданияти билан боғлиқ томони ҳақида кетар экан, миллат маданиятидаги энг илғор, тараққиётнинг кейинги босқичи учун тайёр ресурсга (базага) айланган элементлари, хусусиятлари ўзига хос томонлари қадрият даражасига кўтарилишини ва улар миллат маданиятини (маънавияти) умрбоқийлигини таъминлаб туришини назарда тутмоқ керак бўлади.

Шу ўринда, миллат маданиятидаги элементлар ёки хусусиятларнинг ҳаммаси ҳам қадриятга айланмаслигини эътиборга олиш лозим. Чунки миллатнинг абадийлиги, унга хос бўлган барча хусусиятларининг ўзгармаслигини билдирмайди.

Миллат ва унинг маданияти ҳар бир тарихий босқичда ривожланиб, такомиллашиб боради ва бу жараёнда унинг эҳтиёжларига жавоб бераолмай қолган хусусиятлари, анъаналари ўзининг ўрнини янгиларига “бўшатиб” беради. Фақат миллат ва унинг маданиятидаги (маънавиятидаги) қадрият даражасига кўтарилган қисми ва хусусиятларигина “абадийлашиб” бораверади. Миллат барҳаётлигини худди ана шу қадриятларга айланиб қолган қисми таъминлаб туради. Шу маънода ҳам маданият миллатнинг муҳим белгиси ва ривожланиш омили ҳисобланади. Маданиятда миллатнинг барча ўзига хос хусусиятлари мужассамлашади. Шунинг учун ҳам миллий маданият деб юритилади.

Юқоридаги фикрларимизга асосланиб миллий маданиятга қуйдаги таърифни бериш мумкин: Миллий маданият — бу ҳар бир миллатга ҳос бўлган дунёни англаш, уни ақс эттириш, анъаналар, одатлар, идеаллар ва қадриятларни бадий ва амалий нуқтаи назардан ифодалашнинг ўзига ҳос шаклидир.

Миллий маданиятнинг мазмуни ҳар бир миллат маданиятининг ички моҳияти ва базаси билан боғлиқдир. Аммо собиқ то-

талитар совет тузуми шароитида таъкидлаганидек, “миллий маданиятлар формаси жиҳатдан ҳар хил, мазмун жиҳатдан эса бир хил”, эмас.

Маданиятнинг формаси унинг мазмуни ҳам ўзида ифодалайди. Агар формаси мазмунан ифодаланмаса, унда миллийликка ҳос бўлган хусусиятлар намоён бўлмаган бўлур эди.

Тўғри, миллий маданиятнинг функцияси фақат миллий ўзига хосликни акс эттириш туфайли чекланмайди, шунинг билан бир қаторда миллат вакиллари миллатнинг руҳиятини сингдириш, миллат абадийлигини таъминлаш, миллат, жамият олдидан турган вазифаларни амалга ошириш ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳам қамраб олади.

Агар мазмун миллий заминларнинг атроф-муҳит турли-туманлигини ифода эттирса, шакл урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва бошқа соҳалардаги халқ ижодиётида амалга оширилган, алоҳида ўзига хос восита ҳамда усулларнинг мажмуидир. Бу ўзига хосликлар тил, онг (миллий онг) миллий ўзликни англаш руҳияти, турмуш, ахлоқ ва бошқалардаги хилма-хилликда намоён бўлади.

Маданият асосан мана шу шаклларнинг ижодкорлари ва эгалари бўлган миллатларнинг ўзига хос хусусиятлари, демак, миллатни этник категория (тушунча) сифатида ифодалайдиган ва унинг миллий маданиятда акс этадиган хусусиятларидир.

Муайян миллий ўзига хослик, аҳолида миллий колорит бир миллат маданиятини бошқа маданиятдан фарқловчи сифати ҳисобланади. Аммо миллий ўзига хослик, миллий маданиятларнинг бир-бирига зидлигини англамайди, балки худди ана шу хилма-хиллик уларнинг бир-бирларини бойитиб боришга хизмат қилади. Улар бир-бирдан ниманидир қабул қиладилар ва ниманидир берадилар. Ана шу жараён орқали умуммиллий тараққиёт давом этади.

Аслини олганда миллий маданият, агар унинг мазмуни миллат руҳияти, унинг турмушидан ташқари бўлса, демак, миллий маънавият ҳаётни ифодаламаса, мавжуд бўлиши ва ривожланиши ҳам мумкин эмас. Миллийликни ифода эттирмаган маданият ҳеч кимники бўлмай қолади. Худди ана шу маънода ҳам у миллатнинг ички ва ташқи қиёфасини акс эттириб турувчи белгисидир.

Миллий ўзига хослик адабиёт ва санъат асарларида миллат вакилларининг хатти-ҳаракатларида ҳам яққол кўзга ташланади. Шу маънода рус композитори Н.А. Римский-Корсаков мусиқа

“Миллатдан ташқарида мавжуд бўлмайди ва умуминсоний деб ҳисоблайдиган ҳар қандай мусиқа аслини олганда миллийдир. Бетховен мусиқаси немисларники, Вагнер мусиқаси албатта, немисларники, Верди мусиқаси французларники, Мейрбер мусиқаси ҳам худди шундайдир”<sup>10</sup>, деганда мутлақ ҳақдир.

Демак, миллат тушунчасига таъриф беришда ҳам миллий ўзликни англаш ва миллий маданият (маънавият) омилларига устуворлик берилсагина унинг салоҳияти юзага чиқади. Чунки улар ҳар бир миллатнинг, қолаверса, давлатнинг мустақиллигини таъминлашнинг қудратли омиллари даражасидаги салоҳиятлардир.

Шундай қилиб, миллат деб, кишиларнинг ягона тил, миллий ўзликни англаш руҳияти, маънавият (кенг маънода), урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ягоналиги асосида маълум ҳудудда яшовчи ўз давлатига эга бўлган, иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига ҳос моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи ҳамда яратувчи кишиларнинг этник бирлигига айтилади.

Берилаётган бу таърифнинг илгари мавжуд бўлган анъанавий таърифлардан фарқли томони шундаки, миллат мавжудлигини таъминлашда моддий омиллар эмас, балки маънавий омилларга устуворлик берилишидир. Жумладан, миллий ўзликни англаш омили миллатнинг мустақил белгиси сифатида киритилаётганлиги ҳамда миллий маданият ҳам миллат белгиси бўлиши (бу илгари эълон қилинган илмий адабиётларда асосланган) билан бирга миллий ўзликни англашнинг асосий манбаси эканлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилмоқда.

Бундай омилларга устуворлик беришимизга асосий сабаб қуйдагилардан иборат: **Биринчидан**, миллатлар бир-бирларидан тил, ўз-ўзини англаш руҳияти, урф-одат, анъаналар, маданият ва қадриятлардаги ўзига ҳос хусусиятлари билан ажралиб турадилар; **иккинчидан**, бу хусусиятлар миллатлар мавжуд бўлган ҳар қандай шароитда, миллат реал субъект сифатида ўлмагани ва барҳаётлиги ҳақиқат бўлганидек, улар ҳам йўқ бўлиб кетмасдан ривожланиб, такомиллашиб боради; **учинчидан**, миллий маънавий омиллар қанчалик ўзаро яқинлашмасин, улар ўз-ўзидан “ассимиляция” бўлиб кетмайдилар, балки улардаги ўзига хослик хусусиятлари, миллатни бирлаштириб турувчи манба ролини бажариб тураверадилар. Маънавий омиллар юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир миллат ички дунёси, салоҳияти ва юраги сифатида унинг шаклланишида етакчи ва асосий база ҳисобланади. Ўз навбатида инсониятнинг ривожланиб бориши, турли иқтисодий муаммоларни

юзага келиши ва уларнинг кўпчилиги барча миллатлар учун умумий бўлиб бориши, маънавий омиллари эмас, балки моддий омиллари айримларини умумлашиб боришига олиб келиши мумкин. Ўз навбатида маънавий омил миллат ривожланиб ва тақомиллашиб боришида етакчи рол ўйнаб бораверади. У миллатнинг ички руҳий салоҳияти сифатида қудратли кучдир. Шу маънода ҳам Республика Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади”<sup>11</sup>.

Чунки маънавият миллат мавжудлигини таъминлашнинг асосий базаси, тугунмас бойлиги ва захирасидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат ўз маънавиятини сақлаб қолиш, бойитиш ва ривожлантиришни ўзининг муққадас вазифаси эканлигига устуворлик билан қараб келмоқда ва бу жараён бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

### 1.3. Миллий ўзликни англашнинг тузилмаси ва элементларининг ўзаро алоқаси

Миллий ўзликни англаш миллий ривожланишнинг энг муҳим омилларига айланган ҳозирги кунда, унинг тузилмаси ва элементларининг ўзаро алоқасини аниқлаш катта илмий-назарий ва методологик аҳамиятга эгадир. Чунки тузилмага кирувчи элементларнинг ҳар бирининг, миллий ўзликни англаш жараёнига таъсирини аниқлаш ва ўз навбатида амалиётда улардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Собиқ совет жамиятининг парчаланиб кетиш “тажрибаси” миллий ўзликни англаш миллатларни этник бирлик тарзида бирга яшашлари шароитларида ҳам байналмилалликни англаш ролини сунъий бўрттириш орқали “юқоридан” кўриладиган ҳеч қандай чоралар билан бўғиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Шу билан бирга миллий ўзликни англаш соҳта социалистик демократия ва миллатларнинг гуллаб-яшнаши ниқоби остида “тинчитиб” қўйиш “мумкинлиги” ҳам тажрибадан ўтди. Бироқ бундай “тинчиш” нисбатан узок тарихий давр мобайнида давом этмади, унинг миллий ривожланиши ҳисобига олинмаган ҳамда манфаатлари етарли таъминланмаган тақдирда, бундай “тинчитиш” тузагиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳаётда тасдиқланди.

Бундай фикрларнинг методологик аҳамияти шундаки, миллат этник бирлик сифатида жамоа тараққиётининг “жонли” элементи ҳисобланади. Табиийки, мазкур “жонли” элемент пастдан юқорига қараб ривожланади. Бунда миллий ўзини англаш стимулятор (рағбатлантирувчи, тезлаштирувчи омил) ролини ўйнайди.

Миллатлар устидан ҳукмронлик барбод бўлиб улар ўз мустақиллигини қўлга киритишлари ва янги жамият қуришга ўтиш шароитида миллий ривожланишда содир бўлаётган жараён миллий ўзликни англашдаги “портлаш” омили жуда хавфли ва маккорлигини кўрсатди, бунинг оқибати беқиёс моддий ва маънавий зарарлар юзага келиши мумкинлиги ҳам собиқ шўролар тузими барбод бўлиши тажрибасида намоён бўлди. Миллий ўзини англаш жараёнига бўлган тафаккур стеріотипни (андоза) унинг портлашдаги хавфли кучини етарлича ҳисобга олмаслик, фақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалар эмас балки миллий ривожланиш соҳаларида ҳам хал этилмаган муаммоларнинг тўпланиб қолишига олиб келди. Мамлакатдаги миллий “портлаш” туфайли узоқ йиллар “байналмилаллик” байроғи остида яшириниб келаётган “жароҳатлар” юзага қалқиб чиқди.

Буларнинг барчаси миллат ўзини англашнинг яхлит миллий ривожланишидаги, фақат ўтмиш тарихдаги эмас балки истиқболдаги миллий манфаатларни ҳимоя қилишдаги ролини яна бир қарра таъкидлайди. Бу нуқтаи назардан Я.М. Дробижеванинг куйидаги фикрларга қўшилмаслик мумкин эмас: “...Миллий ўзликни англашда фақат билиш эмас, балки эмоционал таркибий қисм ўз халқининг маданий ва тарихий қадриятларига муносабат ва энг асосийси кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи миллий манфаатлар иштирак этади. Биз миллий ҳиссиётлар миллий манфаатлар фаол намоён бўлаётган вазиятда яшаб турган ҳозирги кунда оммавий ҳаракатлар даражасида бу ижтимоий ва психологик категория қандай фаол “ишлаганлигининг” гувоҳи бўлиб турибмиз”<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, миллий ўзини англаш омилида мавжуд бўладиган ана шу ички қудрат, унинг тузилмаси ҳамда уни элементларининг ўзаро алоқасини методологик ва илмий-назарий нуқтаи назардан ўрганишни тақозо этади ва бу биринчидан, миллий ўзини англашнинг миллатнинг муҳим белгилари сифатидаги табиатини, унинг маллатлараро муносабатлар соҳасидаги ўрнини аниқлаш учун таянч ҳисобланса, иккинчи томондан, миллий ривожланишнинг замонавий талабларига мувофиқ келадиган илмий концепцияни ишлаб чиқишга ёрдам беради.



Миллий ўзини англаш муаммоларини мустақил ва мукаммал ўрганишга бағишланган махсус илмий ишлар бўлмаса ҳам, унинг айрим қирралари ўрганилган. Аммо унинг тузилмаси деярлик ўрганилмаган. Айниқса, мавжуд адабиётларда миллий ўзини англаш тузилмаси ва уни элементларининг ўзаро алоқасини ўрганишга бағишланган махсус илмий асарлар ёки уларда мустақил бўлимлар йўқлигини алоҳида таъкидлаш тўғри бўлади. Миллий ўзликни англаш тўғрисида бор билимлар баъзида унинг моҳиятини локал, алоҳида бир томонини ҳам тўла тушунишга ёрдам бера олмайди.

Шунга қарамасдан баъзи олимлар тузилмага кирувчи элементлар ҳақида (гарчанд уларнинг мақомини аниқ тасаввур этмаган бўлсалар ҳам) ўз фикрларини баён қилганлар.

Масалан, С.Т. Калтаҳян миллий ўзини англаш тузилмасига: 1. Этник умумийликни англаш ва бошқа этносларга муносабат; 2. Миллий қадриятлар: тил, ҳудуд, демократик маданиятга содиқлик давлат умумийлигини англаш; 3. Ватанпарварлик; 4. Миллий озодлик курашидаги умумийликни англаш қабилярни киритади. С.М. Арутюнян миллий ўзини англаш тузилмасига миллатга тааллуқликни англашни, миллий қадриятларга содиқликни, давлат мустақиллигига интилишни, ватанпарварликни киритади<sup>2</sup>. П.М. Рогачёв, М.А. Свердлов юқоридаги таркибий қисмларга миллий озодлик курашидаги манфаатлар умумийлигини ҳавола қиладилар<sup>3</sup>. К.Н. Хабибулин социалистик миллий ўзини англаш тузилмасига: ўзини англашга ўтиш мойиллигининг ўз-ўзидан ривожланиши, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ижтимоий (давлат, сиёсий мафкура) ва этник (моддий ҳаёт, ҳудуд, тил, маданият) белгилар умумийлиги асосида миллий умумийликни англаш, миллий фахр ва ватанпарварликда намоён бўладиган миллий ҳиссиётни киритади.<sup>4</sup>

М.С. Жунусов миллий ўзини англаш моҳияти ҳақида қуйидагиларни ёзади: "Миллий ўзини англаш тузилмасида ижтимоий психологик элементлар устунлик қилади. Сабаби шундаки, миллат фақат иқтисодий эмас, балки тарихий асосга эгадир. Бу эса миллат ўзининг узоқ тарихий тараққиёти мобайнида жамоат психологиясида барқарор мустақамликка эга бўлади, демакдир."

М.С. Жунусовнинг тилни миллий ўзини англаш тузилмасига киритмаганлиги мунозарали масаладир (бу ҳақда кейинроқ фикр юритамиз). У бундай ёзади: "... Тил миллий ўзини англаш тузилмасига кирмайди. Инсон юзага келган вазият туфайли ўз миллати тилини билмаслиги, аммо миллий ўзини англашини сақлаб қолиши мумкин.

Инглизлар, америкаликлар, австрияликлар ва айрим бошқа миллатлар умумий тилга эгалар, аммо уларнинг миллий ўзини англашлари турличадир”<sup>5</sup>. Н. Жандилдин “Миллий қадрият миллий ўзини англашнинг таркибий қисмидир”, деб ҳисоблайди.<sup>6</sup> В.И. Затеев миллий ўзини англаш тузилмасида қуйидагиларни фарқлайди: 1) одатий ва назарий даража; 2) мафкуравий ва ижтимоий-психология соҳалари.<sup>7</sup>

Шундай қилиб, миллий ўзлигини англаш тузилмаси тўғрисидаги мавжуд юқоридаги турли фикрлар тўғрисида хулоса чиқарадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборатлигини кўраемиз: **Биринчидан**, барча муаллифлар миллий ўзини англаш миллатнинг мавжуд бўлишининг муҳим омилларидан биридир, деган фикрда яқдилдирлар. Бу нуқтаи назардан келиб чиқиб, уларнинг барчаси унинг таркибий элементларини ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилиб келганлар; **иккинчидан**, унинг таркибий элементлари борасида ҳозирги реал замонавий аҳволни миллий ўзини англашнинг жадал равишида ўсганлиги назарда тутилса, айрим муаллифларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Мазкур ҳолатда адолат нуқтаи назаридан таъкидлаш лозимки, мавжуд адабиётлар ва ҳимоя қилинган диссертацияларнинг кўпи 80-Йилларгача бўлган даврга тўғри келади, бу вақтда муаллифлар миллий ўзини англаш муаммоларини таҳлил қилишда “осо-йишта” миллий ривожланиш ҳолатига асосланганлар. Аммо бундай ёндашувлар (яъни адабиётлар ёзилган вақт билангина чекланиш) назариядаги ҳар қандай муаммони, шу жумладан, бизнинг муаммомизни ҳам илмий жиҳатдан истиқболни белгилаш мумкинлигини истисно қилмайди.

Ўрни келганда шунини ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда 90-Йиллар бошларида миллатлараро муносабатларда содир бўлган салбий жараёнларни илмий таҳлил қилиш эътибордан четда қолиб келмоқда. Шу билан ҳам миллий ўзлигини англаш тузилмасини ўрганиш борасида деярлик бирон-бир илмий мақола ёки асар ёзилганича йўқ. Шу нуқтаи назардан биз илгари сураётган фикрлар мунозарали бўлиши мумкин.

Шундай бўлсада, мазкур муаммони тадқиқ қилган юқоридаги муаллифларнинг маълум бир қиссаларини эътиборга олмаслик мумкин эмас. Ушбу тасаввурдан келиб чиқиб, миллий ўзини англаш тузилмасини, унинг элементларининг ўзаро алоқасини таҳлил қилишда уларни ҳисобга оламиз ҳамда ўз нуқтаи назаримизни асослашга уриниб кўраемиз.

Энг аввало, миллий ўзини англаш тузилмасида миллий озодлиқ курашнинг умумийлигини англаш (С.Х. Калтаҳчан) ва озодлиқ ҳаракатида манфаатлар умумийлигини англаш (П.М. Рогачев, М.А. Свєрдлин), этник мансубликни қўшиш билан чекланувчилар (С. Нурматов) фикрлари устида мунозара юритсак.

Кўрииб турибдики, юқориди келтирилган уч омил (С.Т. Калтаҳчан, П.М., Рогачев ва М.А. Свєрдлин) миллий ўзликни англаш тузилмасига миллий озодлиқ курашини киритиш масаласида яқдилдирлар. Албатта, уларнинг бу фикрларига эътироз билдириш ҳам мумкин эмас. Аммо улар бу фикрларини колониализм ҳукмронлик қилган даврга нисбатан қўллаганлар. Агар уларнинг бу фикрларини фақат колониал тузими доирасида чекланидиган бўлсак, унинг аҳамиятига путур етказган бўламиз. Боз устига бугунги кунда умуман у ёки бу шаклдаги зулм дунё аҳолисининг тахминан 0,1 фоизини қамраб олганлиги. Халқларни зулм остида ушлаб туриш мумкин эмаслигини ҳаёт тасдиқлади.

Иккинчи томондан, бир мамлакат доирасида “катта” миллатнинг “кичик” миллатга нисбатан тазйиқ ўтказиши, камситилиши каби иллатлар давом этмоқда. Шу маънода ҳам миллий озодлиқка эришишни тизимга нисбатан эмас, балки кўп миллатлар яшаётган мамлакатларда ҳукмронлик қилаётган катта миллат ёки ҳукмронликка интилиши мавжуд бўлган ҳолатга нисбатан қўллаш назарий ва амалий аҳамиятга моликдир.

Миллатнинг мавжудлиги уларнинг манфаатлари мавжудлиги билан боғлиқ экан, ҳар қандай миллат фақат ўзликни англаш билан чекланмайди. Шунинг билан бирга ўзининг “менлигини” намоён қилишга интилади. Боз устига бу жараён узликсиздир.

Бугунги кунда мустақилликни қўлга киритган ҳар бир халқ ва элат мустақил ривожланмоқда, ўз моддий ва маънавий қадриятларини ривожлантириш ва бойитишга ҳаракат қилмоқда. Шунга қарамай бу жараён мазкур халқлар тўлақонли, эркин миллий ривожланиш ҳуқуқини олиш учун ўзларининг собиқ “хўжайинлари” билан у ёки бу даражада курашлар олиб бораётган шароитда содир бўлмоқда. Аммо эркин миллий ривожланиш дунё қўламидаги магистрал йўл бўлиб, барқарор характерга эга эканлигини миллий жараёнлар тасдиқламоқда.

Мазкур шароитларда озод бўлган миллатлар ва элатлар миллий ўзини англаши ўсишини характерли хусусияти фақат миллий озодлиқ курашидаги умумийликни англаш эмас, балки этник жамоани бирлаштиришга, давлат мустақиллигини, иқтисодий им-

кониятларни мустаҳкамлашга ва низоят инсониятни ҳаяжон-лантираётган умумжаҳон муаммоларини ҳал қилишда тенг ҳуқуқлилиқ асосида қатнашиш ва ягона маданий қадриятларни англашга интилишни тушуниб етиш устуворликка эга бўлмоқда.

Агар миллий ўзини англаш тузилмасига миллий озодлик ҳаракатидаги умумийликни мустақил бошқа элементларга нисбатан устуворлик берадиган бўлсак, масалага бир томонлама ёндашган бўламиз. Бу билан ривожланаётган миллат ва элатлар нуфузига зиён етказамиз. Чунки мустақил ва бировга қарам бўлмаган ҳолда ривожланаётган миллатлар ва элатлар онгида миллий озодлик курашидаги умумийлик йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига бундай ёндашув турли даражадаги миллатлар ва элатлар мавжуд бўлган шароитларда миллий ўзини англаш моҳиятини нотўғри тушунишга олиб келган бўлур эди.

Шундай қилиб, миллатлар ва элатлар ривожланиш даражасида (иқтисодий ва сиёсий) фарқ мавжуд бўлган, уларнинг аксарияти бирор бир давлатга боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланаётган шароитларда, улар олдида миллий озодлик курашиги олиб бориш муаммоси кўндаланг турмайди, шунинг учун миллий озодлик курашидаги умумийликни миллий ўзини англашнинг доимий (ҳамма давр учун) элемент сифатида киритиб бўлмайди. Боз устига юқорида зикр этилган муаллифлар асарларида миллий озодлик кураши марксизм-ленинизм таълимотидаги колониал тизимнинг емириб, унинг ўрнида халқларнинг ягона коммунистик жамият томон, “боражаклиги” ҳақидаги ғоя ҳам назарда тутилган. Умуман миллий ўзини англаш моҳиятини, шу жумладан, унинг таркибий элементларини белгилашга миллий ривожланишнинг аниқ вазиятлари ҳамда хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш зарур. Бу ҳулосани назарда тутиб, ҳозирча дунёда қарамлик зулми остида яшаётган миллатлар ва элатлар бор экан, айнан мана шу халқларга нисбатан миллий-озодлик курашидаги умумийликни англашда миллий ўзини англаш таркибий элемент сифатида мавжуд бўлади, дейиш мантқиқан тўғри бўлади.

Фикримизча, бундай ёндашув (миллий ривожланишдаги аниқ вазиятни ҳисобга олиш) кўпгина миллатлар ва элатларнинг миллий ўзини англашдаги бугунги “портлаш” моҳияти ва сабабларини ҳамда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятларнинг чуқурлашувини тушунишни маълум даражада осонлаштиради.

Миллий ўзини англаш тузилмасига фақат миллий ғоя, ҳиссиёт, унинг шакллари ва этник мансубликни киритиш билан

чекланиши ҳам мазкур омилнинг моҳиятини тўла ифода этмайди. Чунки бу миллий ўзини англашнинг кенг қамровли доирасини чеклаб қўяди. Бундай қараш фақат миллий ғояларни акс эттириш ҳолатида қолиб кетади. Ундан аҳамияти кам бўлмаган, миллий манфаатларни акс эттирадиган энг асосий қисми эса эътибордан четда қолади. Бу ўринда гап миллий ўзини англашнинг миллий қадриятларга, давлат умумийлигига содиқлик ва миллий манфаатларнинг мавжудлиги каби элементларнинг тузилмадан тушиб қолдирилганлиги тўғрисида бормоқда. Буларнинг йўқлиги эса миллий ўзини англашнинг манфаатлар ҳимоячиси тарзидаги мақомини тўлиқ акс эттирмайди. Миллий ўзликни англаш тузилмаси муаллифларидан М.И. Куличенконинг миллий ватанпарварликни фақат миллий омиллардан бири сифатида қарashi, М.С. Жунусовнинг эса уни миллий ўзликни англаш тузилмасига киритишга ҳеч қандай асос йўқ<sup>8</sup>, деган фикрларига ҳам қўшилиб бўлмайди. Ватанпарварлик омили ҳақида қуйдагиларни таъкидлаб ўтиш ўринлидир: **биринчидан**, миллат ватанпарварлигини инкор этиш фақат бутун миллатлар тарихга эмас, бизнинг ўз тарихий тажрибамизга ҳам зиддир; **иккинчидан**, бу уринишлар илмий ёндашув эмас, балки сиёсий-мафкуравий тасаввурлар маҳсулидир, жумладан, армия учун кўпмиллатли ватанга муҳаббат ҳиссиёти суғорилган одамлар билан чекланиш осон ва қулайроқ, чунки бу унинг ватанни ҳимоя қилиш вазифасига тўлиқ мувофиқ келади. Аммо халқ ватанпарварлигининг ана шундай “миллий” руҳидагина тарбияланса, яъни илмий асосларда эмас, балки “мутахассислар”нинг манфаатларидан келиб чиқиб тарбияланадиган бўлса, характериға кўра халқ уруши тасаввурига сифмайди ва миллат ички салоҳиятидаги Ватанни севиш, унинг учун жонини ҳам аямаслик омилининг аҳамияти ҳам “йўқ” бўлиб кетади. **Учинчидан**, ҳар бир миллат учун у таркиб топган ва айнан шу кўринишда (“ҳудудий умумийлик” сифатида) “миллат” тушунчасига киритадиган “умумий ҳудуд” мавжуд ва у айнан шуни Ватан — “она ер”, деб тушунади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллат “руҳини” миллат тарифидан, унинг тузилиши ва ривожланишини белгилловчи омиллар қаторидан чиқарилиши, миллатни беватанликка даъват этиш билан баробардир. Ватанпарварлик бевосита ўз халқига, ватаниға муҳаббат ҳиссиёти сифатида туғилади ва мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, ўз ота-онаси ўз ери, ўз маданиятини севиш қобилиятини йўқотган одамларда ўз мамлакатига муҳаббат қаердан пайдо бўлиши мумкин? Демак, ва-

танпарварликнинг миллий асосларини ҳеч қандай чеклаш мумкин эмас. Инсон миллат вакили сифатида ўз Она-Ватанидан йироқда, энг чиройли кошоналарда яшамасин, қанчалик катта бойликка эга бўлмасин, у ўз Ватанини қумсаиди, унинг тупроғига интилади ёки ҳеч бўлмаганда Ватаннинг муваффақиятини эшитса, қалбидан севидани, агар Ватани талофат кўрганини эшитса, ич-ичидан ғамгинликка тушади. Бу ҳар бир инсон боласига (миллат фарзандига) Оллоҳ ато этган энг буюк неъматдир. Шунинг учун ҳам халқимизнинг, “ўзга юртда султон бўлгандан, ўз юртингда чўпон бўлган афзал”, деган мақоли авлоддан-авлодга мерос бўлиб, асрлар ўтган сари миллатимизнинг ўзлигини англаши ривожланиб бориши жараёнида қалбимизни бойитиб, Ватанимизни севишга, уни кўз қорачиғида асрашга ўргатаётган бўлса, демакки, миллий ватанпарварликнинг мавжудлигига ҳеч қандай шубҳа билан қарашга ҳожат йўқ.

Аммо, бу дегани, у ёки бу мамлакатда яшаётган миллат вакили ўзга мамлакатда яшаётган бўлса, уни ҳимоя қилиши, севиши шарт эмас экан, деган хулосани бермайди. Аксинча, ҳар бир инсоннинг ўзи яшаётган Ватанни ҳимоя қилиши ва севиши унинг инсонийлик, қолаверса, фуқаролик бурчи ҳисобланади. Чунки уни ўша мамлакат ўз қанотига олади, у ҳақида ғамхўрилиқ қилади, қолаверса, ҳимоя қилади. Шу маънода ҳам миллий ватанпарварлик билан бир қаторда, ўзга мамлакатларда яшайдиган миллатлар вакилларида Ватан туйғуси кенгроқ доирада намоён бўлади. Аммо ҳар қандай ватанпарварлик заминидан она, ота, Ватан туйғулари устувор бўлиб қолаверади.

Тилнинг миллий ўзликни англаш тузилмасидаги ўрни ҳақида фикр юритган бўлсак юқоридаги муаллифлар фикрларида мантиқий хатолик бор. Биринчидан, гап уни “миллий ўзини англаш” тушунчасига киритиш тўғрисида бормаслиги керак. Торроқ тушунчага кенгроқ тушунчани қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Тил анча кенг тушунчадир. Тил тафаккурининг “моддий воқелиги” сифатида, барча ўтмиш маданиятини жамлаган “маданият асари” сифатида (Гегел) у рўёбга чиқадиган мулоқот воситаси сифатида одамларнинг ҳар бир янги авлоди томонидан ривожлантирилади, миллат турмушининг умумий ва зарурий замини сифатида чиқадиган беқийёс, анча кенг ҳодисадир. Айнан мана шунинг учун “миллий тил” тушунчасининг “миллий ўзлигини англаш” тушунчасига киритиш унинг кенг доирадаги мақомига путур етказиши мумкин. Чунки миллий ўзликни англаш ва миллий тил омиллари

бир-бирларидан нисбий “мустақиллик” мақомига эгадирлар. Аммо улар бири иккинчисиз намоён бўлаолмайдилар. Агар миллий ўзликни англаш тилнинг абадийлигини таъминлайдиган қудратли куч бўлса, тил миллатнинг ички руҳий салоҳиятини юзага чиқарувчи восита ҳисобланади. Тилдан ташқарида ва тил кўмагисиз, демак тил мулоқотисиз миллат ҳам, ўзини англаш ҳам мавжуд бўлиши ҳамда ривожланиши мумкин бўлмаган, миллий маданият, миллий ўзликни англашнинг ривожланиши эса ўз навбатида миллий тилнинг сақланиш ва ривожланишининг зарур шартидир. “Тил, — деб ёзади Георгий Гачев, — тушунарли экан яшайди, у воқеликни, бошдан кечирилган ички кечинмаларини ифодалар экан тушунарлидир”.

Тил миллатни моддий ифодалайдиган омилдир. У миллий ўзликни англашга “қиёфа” бағишлайди. Демак, улар мустақил мақомларга эга бўлган омиллар бўлишлари билан бирга миллат “тириклигини” таъминлаб турадилар.

Тилнинг миллий ўзликни англашда тутган ўрни ҳақида фикр юритганда сўровлар даврида кўпгина давлат, жамоат арбоблари, олимлар ўз она тилларида мулоқот қилишдан маҳрум бўлиб қолганлари оқибатида, русча дунёқарашга, турмуш тарзи ва фикр юритишга кўникиб, ўрганиб кетган эдилар ва ўз миллий хусусиятларидан маҳрум бўлиб қолган эдилар. Ҳатто улардан айримлари ўз она тилларида мулоқот қилишни “маданиятсизлик”, деб ҳисоблар эдилар. Айримлари ўз она тилларини билсалар ҳам унда мулоқот қилишни ўзларига эп кўрмас эдилар. Шунинг учун юқори “маданиятчилар” билан оддий инсонлар (рус тилини билмайдиган миллат вакиллари) ўртасида катта масофа, ҳатто қарама-қаршилик (у зимдан бўлсаям) юзага келган эди. Буни ҳамма биларди. Лекин у миллий турмушнинг “оддий” ҳолати сифатида қаралар эди. Аслида бу тоталитар тузумда давлатнинг атайлаб олиб борилган сиёсати эди. Умуман миллат маънавий ҳаётини заифлаштиришга ёки ундан маҳрум эттиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар биринчи бўлиб миллатларни ўз тилларидан жудо қилишдан бошланиб келинган.

Миллий ўзликни англаш омилларининг миллат ички салоҳиятида мавжуд бўлиши ҳақидаги фикримизга яна қайтаётганимизнинг сабаби шундаки, шу кунгача эълон қилинган аксарият кўпчилик адабиётларда (гап яна Россия ва МХДнинг бошқа давлатлари тўғрисида) миллий ўзликни англаш миллатнинг шаклланиши натижасида вужудга келади.

Миллат эса тил, ҳудуд, маданият, давлат ва бошқа омиллар ёрдамида шаклланади, деган концепция исботланиб келинган ва шу асосда миллат омилига тасниф берилиб келинмоқда. Биз ҳам бу омилларни инкор этмаймиз (бу ҳақда юқорида ҳам фикр юритган эдик). Аммо бу концепцияни миллат ва унинг ўзлигини англашнинг энг сўнгги назарияси сифатида қўйишга шोшилишдан ҳам йироқдамиз.

Бугунги кунда фан юксак даражада ривожланиши натижасида инсонлар ва авлодларнинг давомийлигидаги ирсият қонуниятларининг қўпгина қирралари очилмоқда. Ана шулар қаторида бир авлодда мавжуд бўладиган хусусиятлар, организмда юзага келадиган турли ўзгаришлар, генлар (қон ёки тўқималар)нинг иккинчисига ўтишининг илмий жиҳатдан тасдиқланишининг бизнинг мавзумизга ҳам алоқаси бор.

Гап шундаки, инсон табиятнинг мўъжизаси, авлоднинг вакили бўлиши билан бирга миллатнинг ҳам вакили ҳисобланади. Агар бир инсонда (миллат вакилида) бор бўлган инсон сифатидаги хусусиятлари, унинг кейинги авлодига генлар орқали ўтиши мумкин бўлса, нега унинг миллатга ҳос бўлган хусусиятлари ўтиши мумкин эмас? Назаримизда, инсонда мавжуд бўлган айрим хусусиятлар унинг кейинги авлодига ўтар экан, миллат вакили сифатидаги хусусиятлари ҳам ана шу генлар орқали ўтиб боради. Демак, миллатнинг айрим ўзига ҳос бўлган хусусиятлари ҳам инсон ҳали туғилмасидан илгарироқ она қорнида дунёга кела бошлайди. Инсоннинг ўзини англай бошлаши билан эса унинг миллат вакили сифатидаги ўзини англаши туфайли вужудга кела бошлайди. Лекин бу “хусусиятларини” тиббиёт аралашуви билан аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бу муаммони чуқур ўрганиш турли фанларнинг ҳамкорлиги олдида турган катта жумбоқ ҳисобланади. Лекин уни ўрганишга эҳтиёж катта. Зеро, миллат ҳам инсон каби мураккаб омилдир. Уни ўрганиш орқалигина манфаатлар туқнашувининг олдини олиш мумкин бўлади.

Юқоридаги фикрларимизга асосланиб, миллий ўзини англаш тузилмасига қуйдагиларни киритиш мумкин: 1. Этник умумийликни англаш ва бошқа этносларнинг мавжудлигини эътироф этиш; 2. Миллий қадриятлар, тил, она ер, маънавиятга (кенг маъносидан) содиқлик; 3. Ватанпарварлик; 4. Миллий мустақилликка ва миллатни ривожлантиришга интилиш; 5. Миллий манфаатларни англаш ва уни ҳимоя қилиш салоҳияти кабилардир.



Миллий ўзликни англашнинг бу элементларини унинг тузилмасига киритар эканмиз, биз жамиятда демократик жараёнлар шароитида миллатни ривожлантиришнинг мавжуд имкониятларига асосландик. Миллий ўзликни англашнинг ривожланиши мураккаб, кўп қиррали ва динамик жараёндир. Шунинг учун унда илгари мавжуд ҳамда олдиндан айтиш мумкин бўлмаган янги қирралар, жиҳатлар пайдо бўлмоқда, олдингилари эса такомиллашмоқда.

Миллий ўзликни англашнинг кучайиши мустақилликка интилиш миллатлар ва элатларни бир-биридан ажралиб қолишга олиб келмайди. Аксинча, ҳар бир миллат ва элат ўз маданий ва маънавий имкониятларини мустақкамлаб бутун мамлакат иқтисодий қудратига ёрдам беради, кадриятлари билан алмашиш жараёнини кучайтиради ва ўз навбатида эҳтиёжларининг ўсиб боришига ўз таъсирини ўтказди. Турли муаллифларнинг миллий ўзликни англаш ва унинг таркибий элементларига ёндашувларидаги мунозараларга яқун ясаб, шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, уларни яна ҳам чуқурроқ таҳлил қилиш зарур бўлади. Бу масалада турли соҳа мутахассисларининг ҳамкорлигига эҳтиёж каттадир. Аммо биз мавжуд фикрларни анализи, миллий тараққиётнинг ҳозирги хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзимизнинг ҳулосамиздаги миллий ўзликни англаш таркибий элементлари борасидаги янгилик шундаки, биз унга: а) миллий мустақилликка ва миллатни ривожлантиришга интилиш; б) миллий манфаатларни англаш ва уни ҳимоя қилиш салоҳияти кабиларни мустақил элемент сифатида киритамиз. Бундан ташқари биз миллий ватанпарварликни миллий ўзликни англаш тузилмасига кирувчи энг муҳим элементлардан бири, деб қараймиз.

Энди ҳар бир элементнинг миллий ўзликни англаш тузилмасидаги ўрни ва ролини изчил таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. Этник умумийликни ва бошқа этносларнинг мавжудлигини англаш таркибий элементда биринчиси ҳисобланади. Маълумки, этник умумийлик этник ижтимоий омиллар таъсирида шаклланади. Этник умумийлик маълум маънавий тарихий ва иқтисодий умумийлик бўлиб, унинг асосий мазмуни одамларнинг келиб чиқиш умумийлиги асосида шаклланадиган ва этник ўзликни англашда намоён бўладиган муносабатлар шунингдек, тил, ҳудуд ҳамда маънавият (кенг маънода) ва турмушдаги айрим хусусиятларнинг умумийлигидир.

Этник умумийликни шакллантиришда яқинланштирувчи омиллар ва этник алоқалар муҳим ролни ўйнайди. Этник алоқалар

маънавият ҳудуди ва психологик хусусиятларни бир этник умумийликка бирлаштиришга ёрдам беради. А.Г.Агаевнинг бу борадаги фикри тўғридир: “Одамларнинг этник алоқалари этник умумийликни мавжуд бўлишининг объектив шакли бўлиб, у биридан сифат жиҳатидан фарқланувчи уч ривожланиш босқичи: қариндош-уруғчилик, ҳудудий ва хусусий, миллий ва иқтисодий босқичдан ўтади. Бу босқичлардан ҳар бирига этник умумийликнинг ўз тури: уруғ-қabila, элат ва миллат тўғри келади”<sup>9</sup>.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, этник умумийлик тил, маданият ва ҳудудий англаш умумийлиги замида шаклланади. Шу билан бирга барча манфаатларнинг намоён бўлиши ўз навбатида этник умумийликни англаш барқарорлигига ёрдам беради. Бу барқарорлик у ёки бу миллат таркибида бўлган одамлар хатти-ҳаракатларига таъсир этади. Этник “умумийлик” ўзаро муносабатларда (ҳам ижтимоий-этник, тил, маданият) яқин алоқаларда бўлгани билан “қон” ва “сут” орқали қоришиб кетади. Шунинг учун миллий хусусиятлар фақат маънавият, анъана ва одатларда эмас, балки характерда ва руҳиятда ҳам намоён бўлади. Буларнинг барчаси “хусусий” миллий ўзликни англашни яратиш учун омил бўлади.

Бошқа этнослар мавжудлигини англашнинг сабаби оддийдир. Чунки ҳеч бир миллат ва элат бошқа миллатнинг ва элатлар билан ўзаро муносабатлардан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Бундан ташқари ҳар бир миллат ўзининг субъект сифатидаги мақомини ҳам бошқа миллатлар мавжудлиги, улар билан таққослаши орқали “билиб” боради. Миллий ривожланишнинг объектив қонунияти тан олмаслик ва ўзини-ўзи бошқа этник умумийликлардан ажратиб қўйишга интилиш эса бу умумийликнинг ривожланиш имкониятлари ва истиқболларини чеклаб қўяди. Агар қайсидир миллат ўзга миллатлар мавжудлигини англамаса, демак, у ўзининг мустақил субъект эканлигини ҳам англамайди.

Тарихда бошқа этнослар мавжудлигини англаш туфайли барча халқлар иқтисодиётни ва маданиятни ривожлантиришда бири-бирларига таъсир этганлар, ёрдам бериб келганлар. “Ҳар қандай ижтимоий организм ичида, — деб ёзади, — Ю.В. Бромлей ўзининг ижтимоий ва маданий гуруҳланган фарқларга эга бўлади. Бу турдаги умумлашмалар ҳар қандай маълум ижтимоий-маданий яхлитликни ташкил қиладилар”<sup>10</sup>.

Бошқа этносларни мавжудлигини англаш ҳар қандай этник умумийликнинг обрўсини пасайтирмайди, аксинча, этник умумийликлар ўз имкониятларини бошқалар имкониятлари билан

тақослаб, уларнинг мақбул келадиган ҳаётий тажрибаларини қабул қиладилар, юксаклик томон ҳаракат қиладилар. Шунинг учун этник умумийликни англашни ва бошқа этносларни миллий ривожланиш ягона жараёни сифатида қараш илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, миллий ўзликни англаш тузилмасида этник умумийликни ва бошқа этнослар мавжудлигини англаш элементи муҳим ўринлардан бирини эгаллайди ва у барқарор характерда бўлади, ниҳоят, этник умумийликни англаш “Ўзининг абадийлигини таъминлашга” ва ривожланишига ёрдам беради.

Миллий ўзликни англаш тузилмасининг иккинчи элементи миллий кадриятлар: тил, она ер, маданиятга (кенг маънода) содиқликдир.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, миллий ўзликни англаш таркибига ўз миллий мансублигини билиш ҳам киради, айнан мана шу нарса “ўз тили, маданияти” анъаналари, она ерига содиқликни намоён бўлишининг бош омили ҳисобланади. Миллий кадриятлар миллий ўзликни англашни шакллантиришда база ролини ўйнайди. Миллий кадриятлар, аниқроғи маънавиятда миллий ўзига хослик, ўзига хос хусусият, доимо мавжуд бўлади, бу этник умумийлик тарихи ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг барчаси руҳий тарзда ва миллий ўзликни англаш хусусиятларининг шаклланишига таъсир этади.

Маълумки, собиқ иттифоқда миллий муносабатлар соҳасида қарама-қаршилиқлар кучайиб боришининг асосий сабабларидан бири — миллий маданиятларнинг бир томонлама ташқи таъсир ҳисобига ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган эди. Ўз заминлари асосига таяниш мақсад қилинмаган эди. Балки бир-бирларини “қўшиб юбориш” рус маданиятини миллий маданиятларни ривожлантиришнинг асосий манбаси даражасига кўтариш йўли билан ҳамма учун умумий бўлган “байналмилал” маданиятни вужудга келтириш стратегик мақсадга айланган эди. Собиқ компартия, ҳукумат ҳужжатларида ва раҳбарларнинг маърузаларида миллий маданиятлар ривожланиши тўғрисида гапирилган эди, аммо амалда миллий маданият, тил, миллатлар ва элатлар бой маданиятлари “унитиб” қўйилганди. Бу эса миллий ўзликни англашда жиддий салбий ҳолатларнинг пайдо бўлиши омилини учун замин яратади. Бу ўз навбатида ҳар миллат ва элатнинг ҳаётига салбий таъсир ўтказиб қолмасдан, шунинг билан бирга бутун жамиятнинг ҳалокатга юз тутишини ҳам тезлаштиришга ўзининг таъсирини ўтказди.

Миллатлараро муносабат соҳасидаги очиқ “тажриба” кўрсатдики, **биринчидан**, миллий қадриятлар ўзликни англаш элементи сифатида шунчалик кучли, барқарор бўлиб чиқдики, буни ҳисобга олмаслик миллатлар, элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда турли тўқнашувлар ва қон тўқишларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди; **иккинчидан**, миллат мавжуд экан, ўз миллий қадриятларига содиқлик сўнмайди, аксинча, демократик шароитларда миллий ўзликни англашнинг ўсиш жараёнида у ҳам янги куч-қудратга эга бўлиб боришлиги исботланган.

**Ватанпарварлик** миллий ўзликни англаш тузилмасидаги учинчи элементдир. Ватанпарварлик одамларнинг ўз ватанлари билан табиий алоқаларининг Ватанга муҳаббат ҳиссиётини унинг тақдири учун шахсан жавобгарликни акс эттирувчи асосдир. Ватанпарварлик **миллий ўзликни** англаш тузилмасидан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Ватанпарварликда она тупроққа, унинг бойликлари ва табиатига муҳаббат ҳиссиёти доимо мавжуд бўлади. Ватанпарварлик асрлар мобайнида ҳар бир миллат вакили қалбида мустаҳкамланган энг чуқур ҳиссиётлардан биридир.

Шахсда она ерга, мамлакатга муҳаббатни шакллантириш жараёни унинг у ёки бу миллат вакили сифатидаги асослари билан минг йиллик илдизлар туфайли боғланган. Зеро, ватанга муҳаббатини англаш, билиб етиш ва сезиш шахсни ўз ватани, ўз халқи учун фаол ва аниқ мақсадлар сари фидоий бўлиши ватанпарварлик ҳиссиётининг белгиси ҳисобланади. Ватан тақдири учун жавобгарлик, ватан олдидаги бурч, унинг душманларига нисбатан нафрат ва шу кабилар ҳар бир миллат вакилига хосдир. Инсоннинг бой маънавий дунёси унинг эҳтиёжига қизиқишларида иштиёқ ва интилишларида ватанпарварлик туйғулари ҳам мустаҳкам бўлади. Ватани, миллатига ҳиёнат қилиш ҳам маънавий қашшоқликнинг белгиси сифатида намоён бўлади. Фақат маънавий қашшоқ кишигина ўз ватанига ҳиёнат қилиши мумкин. Чунки у қачонлардир Ватан, она-замин тупроғига қайтишига тушуниб етишга қодир эмас.

Ватанпарварлик онгининг асосий таъминловчи манбаи инсонни ўзининг ижтимоий табиати ва онгли ҳиссиёт ҳамда эмоционал имкониятларнинг мавжудлигидир. “Хусусий” миллий ўзликни англашни айнан мана шулар етилтиради. Миллий ўзликни англашнинг таркибий элементи сифатидаги миллий ватанпарварлик онги шуниси билан характерланадики, унда у ёки бу миллат ва элатга оид бўлган миллий ўзига хосликлар акс эта-

ди. Миллий хусусиятларда ватанпарварликнинг намоён бўлиши кўз очиб юмгунча содир бўладиган жараён эмас, у миллатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнида шаклланади. Шундай экан, миллий шаклдаги ватанпарварлик миллат ички ҳиссиётлари ва ҳис-ҳаяжонларини акс этиши шаклида намоён бўлади. Афсуски, миллий ватанпарварликни инкор этувчи муаллифлар ҳам учраб туради. Жумладан "...ватанпарварликнинг аниқ — миллий намоён бўлишини ифодаловчи тушунча — рус, украин...ватанпарварлиги — фақат ўтмишгагина тааллуқлидир, улар ўз миллий ҳақиқатлигини совет социалистик ватани шароитларида йўқотади", деб ёзишди П.М. Рогачев, М.А. Свердлин. Бу фикрга қўшилган Р.Я. Мирский "миллий ватанпарварликнинг" мавжудлигини нотўғри эканлигини исботлаш мақсадида бир неча далил исботлар келтиради...<sup>11</sup>, "...Янги социалистик умумийлик шароитларидаги" "Миллий ватанпарварлик" миллий чекланган ватанпарварлик синоними сифатидагина қўлланилиши мумкин. Агар украин, беларус ва шу кабилар ватанпарварлиги мавжуд деган нуқтаи назарга амал қиладиган бўлсак, унда украин фақат Украина ССРга, беларус — Беларусия ССРга содиқ ва у билан фахрланишини тан олишимизга тўғри келади<sup>12</sup>. Юқоридаги фикрлар собиқ тоталитар тузум даврида айтилган эди. Улар бу тузумни, марказ ҳукумронлигини таъминлашга қаратилган эди. Улар ҳақида бугун гапиришнинг ўзи қанчалик кулгилик эканлигини ҳар бир миллат вакили яхши билади. Аммо гап бу ерда масаланинг қайси вақтда қўйилиши ҳақида эмас, балки миллий ватанпарварликнинг ҳар бир миллат вакилининг она алласи, ота тарбияси билан кириб келиши ва муқаддас туйғу сифатида миллий ўзликни англаш тузилмасининг мустақил элементи сифатида муҳим ўринни эгалаши ҳақида бормоқда. Миллий шаклдаги ватанпарварлик миллатнинг бутун ички руҳини акс эттиради ва унинг ҳиссиёт ва эмоцияларида намоён бўлади. Миллий шаклдаги ватанпарварлик ўз уйи, қишлоғи, ўлкасига ва улар орқали ватанига муҳаббатининг шаклланишига, мустаҳкамланишига ёрдам беради. Ватанга муҳаббат айнан ўз уйи, она тупроғига муҳаббатдан ўз тақдирини ватан моддий ва маънавий бойликларига, ўз халқига боғлиқлигини англашдан бошланади.

Тоталитаризм шароитида миллий ривожланишда йўл қўйилган фожиалардан бири миллий хусусиятларнинг оғизда ва қоғозда ривожлантириш "мустаҳкам" умумий уйни идеаллаштириш бўлди. Бундай муносабат ўз ўлкасига садоқатнинг, ўз халқи

маданий мероси ва тарихига қизиқишнинг "сусайишига" олиб келди. Маданиятда ўз миллий хусусиятларини сақлашга интилишнинг намоён бўлишига эса энг аввало, "миллатчилик", "шовинизм" ва миллий "чекланганлик" шакли, деб қаралди. Буларнинг барчаси кишиларда миллий бойликка нисбатан бифарқлик руҳиятини шакллантиради.

Агар ватанпарварлик моҳиятини (кенг маънода) чуқурроқ англасак, у "бўш" жойда юзага келмаслигини, унинг асосий замини миллий ватанпарварлик эканлигини кўрамыз. Табиийки, миллий ватанпарварликнинг мавжудлигини тан олиш ватанпарварлик (кенг маънодаги) салмоғини камайтирмайди, аксинча, унинг ватан бирлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ортади, миллий ўзликни англашнинг улкан имконияти мамлакат бирлигини таъминлашга ёрдам беради.

Агар юқорида келтирилган муаллифларнинг миллий ватанпарварлик тўғрисидаги фикридаги салбий муносабатлари собиқ совет тузуми даврининг таъсири натижаси, деб ҳисоблайдиган бўлсак, собиқ иттифоқдош республикалар ўрнида мустақил давлатлар вужудга келган бугунги шароитда миллий ватанпарварлик ҳақида яна гапириш керакми, деган саволни қўйишга зарурият борми?

- Албатта зарурият бор! Чунки Она-Ватан мустақил бўлган ва миллатимиз эркин нафас олаётган бугунги кунда ҳам ўзининг тор доирадаги манфаатлари йўлида ўз Ватанига ҳойинлик қилаётган, миллатига қўл кўтараётган кўрнамак, нотавон ва маънавий қашшоқ инсонлар учраб турибди. Бугун уларнинг қилмишларининг моҳият-мазмунини ёшларимизга англатишимиз, уларни огоҳ қилишимизга эҳтиёж катта.

Юқорида номи зикр этилган муаллифлар миллий ватанпарварлик борлигини инкор қилиш фикрини собиқ иттифоқнинг "метендек бирлигига" ва собиқ СССР халқларининг "ягона" ватанпарварлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун билдирганликларини ҳақида таъкидлаш билан бирга нима бўлганда ҳам миллий ватанпарварликни инкор қилишнинг ўз миллатини мустақил субъект сифатида тан олмасликни ҳам билдиради. Бу ўз навбатида Ватан ҳар бир инсонда ўзи туғилган гўшадан бошланади, ота-она, қариндош-уруғ, Ватан рамзи эканлиги тўғрисидаги қадриятга айланиб келган миллий маънавиятимизнинг дурдоналарига айланиб кетган бойлигимизни инкор қилиш билан барабардир.

Мустақиллик шароитида миллий ватанпарварлик ўзгача аҳамият касб этади. У мустақилликни миллий бирликни мустақамлаш Ватанни ички ва ташқи душманлар таҳдидидан ҳимоя қилиш, чегараларнинг дахлсизлигини ва ҳудудий бутунлигини таъминлаш каби вазифаларни ўз ичига қамраб олади. (Масаланинг бу томонларини ишимизнинг кейинги бобларида батафсилроқ ёритиб беришга ҳаракат қиламиз). Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, миллий ватанпарварликни миллий ривожланиш ҳамда миллатлараро муносабатлар диапазонини кенгайтиришнинг муҳим омилдир. Айнан мана шу нуқтаи назардан миллий ватанпарварлик умуммиллий ватанпарварликни (кенг маънодаги) мустақамлаш шароитида мавжуд бўлади, у миллий ўзлиқни англаш тузилмаси элементларидан бири сифатида ривожланади.

Миллий ўзлиқни англаш тузилмасидаги **тўртинчи** элемент миллий мустақилликка ва миллатни ривожлантиришга интилишдир. Биз мазкур ҳолатда ҳали (миллат)нинг том маънодаги суверенлиги ҳақида гапирганимизда, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз ерига эгалик қилиш, ўзининг ер ости ва ер устидаги бойликларига эгалик қилиш, ўз келажагини ўзи белгилашни тушунмоқ керак бўлади. Масалани бундай қўйишимизга сабаб шуки, суверенлик тушунчасв **“сиёсий мустақиллик”** ёки **“мустақиллик”** тушунчалари билан бир хил маънони англатмайди. Агар **“сиёсий мустақиллик”** ҳар бир халқнинг (миллатнинг) ўзининг сиёсий ҳокимиятини қўлга киритишини англатса, **“мустақиллик”** унинг кимгадир қарамлигидан озод бўлишини ифодалайди. **“Суверенитет”** тушунчаси **“мустақилликка”** қараганда кенгроқ бўлиб, у халқнинг тўла ҳукмдорлигини таъминлаш маъносини англатади. **“Мустақиллик”** **“суверенитет”**ни тўлғазиб туради. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтмоқчи бўлсак, **“суверенитет”** халқнинг мустақиллигини англатиши билан бирга бошқалар билан тенглигини ўз хоҳиш иродасига биноан иш қўриш ҳукмига эга бўлганлигини, мустақил субъект сифатида мақомларини ўзида мужассамлаштиради. Худди ана шу маънода ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларида ва сиёсий тушунчалар тизимида **“мустақилликка”** асосан **“суверенитет”** тушунчасини ишлатиш тамойилига айлангандир. Халқнинг миллий суверенликка интилиши қандай мазмун, қандай йўналтирилганликни касб этиш тарихий тажриба далолат беришича, конкрет ҳолатларга боғлиқ бўлади. Масалан, собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида миллат ва элатларнинг барча ҳуқуқлардан маҳрум этилиши, уларнинг мустақилликни қўлга киритиш учун зўравонликка қарши кураш жавоб омили сифатида намоён бўлди.

Собиқ совет давлатининг дастлабки ҳужжати “Россия халқлари ҳуқуқи декларацияси” миллий ривожланишнинг асосий тамойилларини белгилаб беради ва Россия халқларининг тенглиги, суверенитети Россия ҳудудида яшовчи (бу ерда фақат бугунги Россия ҳудуди аҳолиси ҳақида гап кетмоқда) «майда» миллатлар ва элатларнинг ҳуқуқлари эркин ривожланишини тан олади. Бу ҳужжат ўша давр нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, илгари тарқалиб яшаётган миллатларни бирлаштиришга маълум ижобий рол ўйнаган эди.

Аммо бу “тан олиши” заминида миллатларнинг ҳуқуқларини ўз қўлларига бериш, эркин ривожланишлари учун зарур бўлган шароитларни яратиш эмас, балки уларнинг аввал ишончини қозониш, қалблари эҳтиёжларини “забт” этиш турган эди. Худди ана шу маккорона сиёсатни амалга ошириш орқали “кичик” миллатларни, катта “оға” раҳбарлиги қўл остига ўтказиш, қарам қилиш каби ўта жирканч мақсадлар бор эди.

Маъмурий буйруқбозлик бошқарув шаклининг “гуллаб яшнаши” натижасида барча бошқарув ишларининг марказлашуви туфайли барча собиқ “суверен” республикаларда яшовчи миллатлар мустақил ривожланишдан маҳрум бўлдилар. Миллий ривожланишдагина салбий таъсир этиб қолмади, балки миллатлар ва элатлар ўртасида ўзаро ишончининг йўқолишига олиб келди. Марказнинг бу жирканч сиёсати ҳатто рус миллатининг мустақиллигига ҳам салбий таъсир ўтказди. Чунки рус халқи ҳам собиқ марказ манфаатларига итоат қилиб, асрлар давомида шакланиб келган миллий, ижтимоий-сиёсий қадриятлардан маҳрум бўлиб қолди. Собиқ марказ ўзининг жирканч манфаатларини амалга ошириш йўлида рус миллати ичидан “катта оға” руҳиятига зўרון кадрларни тарбиялаб етиштирдик, улар республикаларда “дўплини олиш ўрнига бошни олиш” зайилида иш олиб борган жойларида ўз зулмларини ўтказиб, халқлар (миллатлар) бошига катта кулфатлар солдилар. Аммо бу жирканч ва қабих ишларни оддий меҳнаткаш, сиёсатдан йироқ бўлган кўп миллионлаб рус миллати зиммасига юклаш ҳам адолатдан эмас. Ана шу оддий меҳнаткаш руслар собиқ марказ манфаатларининг қурбони бўлган эдилар. Улар хавотирда яшадилар, ўзларини истиқболда нимадир ва қандайдир бир хавф-хатар кутаётгандай яшаб келдилар. Чунки заминлари зўравонликка, маккорликка асосланган давлат тузумлари, ўзаро инсоний ва миллий муносабатлар қачонлардир ҳалокатга маҳқум эканлигини илғор рус жамоатчилиги яхши билар эдилар.



Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Узоққа бормасдан иш ҳаётимда содир бўлган бир мисолни келтиришни лозим топдим. 1988-1990 йилларда ТошПИдан собиқ СССР фанлар академияси фалсафа институтининг этнология бўлимига докторант сифатида юборилган эдим. Бўлимда менинг “Ўрта Осиё халқларининг маънавий юксалиши” мавзусидаги маърузамни эшитишди ва уни муҳокама қилдилар. Мен албатта, ўз маърузамда рус халқининг Ўрта Осиё халқларига кўрсатган ёрдамини кўкларга кўтардим.

Маъруза муҳокамасида ижобий фикрлар ҳам бўлди. Аммо, бўлимнинг етакчи илмий ходимларидан бири, «...бундай маърузалар жонга тегди, биз ҳақиқатни айтишимиз керак, менинг фикримча, рус халқи Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаётини издан чиқарди, уларни ўзларининг маънавий заминларидан маҳрум этди. Мен Ўрта Осиё халқлари қачонлардир бунинг учун ўз жавобларини бермасалар, деб кўрқаман», дея таъкидлади.

Албатта, қизгин баҳслар бўлди. Лекин ана шундагина мен русларнинг зиёлилари ва олимлари ичида чинаккам прогрессив фикрдаги инсонлар борлигига имон келтирдим ва ҳақиқий фан қандай бўлиши кераклигини тушуниб етдим. Худди ана шу воқеа менинг ўз илмий мавзуимни ўзгартиришга, миллатимнинг ички руҳий салоҳиятини ўрганишга даъват этган эди.

Ҳали СССР «ҳаётлиги» шароитида мавзуни ўрганиш жараёни собиқ марказнинг миллатлар (хусусан, ўзбек миллати) тақдирида из қолдирган жирканч сиёсатининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилганимда муҳтарам устозим, профессор Аскольд Иванович Доронченков ҳам, агар шу фикрни илмий асослаб берсанг, бу фан бўлади, деб сабоқ берди. У рус миллати вакили бўлишига қарамасдан марказ олиб борган миллий сиёсатнинг ҳалокатга учрашини ҳар доим таъкидлар эди. Бу мисолларни келтиришимдан мақсад собиқ марказ ва рус миллати ичидан чиққан зўравон раҳбарлар билан оддий меҳнаткаш рус аҳолисини ёки илгор фикрли зиёли ва олимларни бир қаторга қўйиш тўғри бўлмаса керак. Аммо собиқ марказнинг “кичик” миллатларнинг мустақил ривожланишини “тан олиними” заминидан миллатларнинг эркин ривожланиши учун шароитлар яратиш эмас, балки уларнинг ишончини қозониш, қалби ва ихтиёрини забт этиш турган эди. Худди ана шу маккорона сиёсат орқали “кичик” миллатларни қатта оға раҳбарлигига ихтиёрий-мажбурий йўл билан аста-секин ўргатиш мақсад қилинган эди.

Бугунги кунда собиқ тоталитаризм тузумининг парчаланиб кетиши оқибатида барча собиқ иттифоқдош республикалар ўз мустақиллигини қўлга киритдилар ва тараққиётнинг қайси йўлидан бориш ҳуқуқига эга бўлиб, тўла суверенлик ҳолатида ривожланиб бормоқдалар.

Аммо “суверенлик” тушунчаси миллатлар ва элатларнинг бир-бирлари билан ажралиши ёки мутлақ (абсолют) мустақил эканлигини англатмайди. Чунки “суверенлик” нисбий тушунча бўлиб, миллатларнинг турли соҳаларда ўзаро алоқаларининг мавжуд бўлишини инкор этмайди. Бу алоқалар ҳар бир миллатнинг мустақиллиги асосида, ўзаро тенг ҳуқуқлилигини тан олган ҳолда турли соҳалар бўйича ўзаро манфаатлар ва эҳтиёжлар қондириши йўлида амалга оширилиб борилади.

Сон жиҳатидан “каттами” ёки “кичкина” ҳар қандай миллатнинг миллий муносабатлар жараёнида ажралиб қолиши, унинг яққаланишига ва охир-оқибатда ривожланишдан орқада қолишга олиб келади. Худди шу маънода ҳам “суверенлик” миллатларнинг мустақиллигини таъминлаш билан бирга, уларнинг бир-бирлари билан ўзаро манфаатлик алоқаларининг мустаҳкамлаб боришига ёрдам беришини ҳам назарда тутмоқ керак бўлади.

Миллатларнинг “суверенлиги” уларнинг бир-бирларига қарам эмасликларини, тенг ҳуқуқли эканликларини билдиради ва айни пайтда бир-бирлари билан ўзаро манфаатли алоқларни мустаҳкамлашнинг асосий омили ҳамдир. Миллатларнинг “суверенлиги” қанчалик юксак даражада таъминланган бўлса, уларнинг ўзаро алоқалари ҳам шу даражада кенгайиб, ривожланиб бораверади. Шу маънода ҳам миллатларнинг “суверенлиги” улар тараққиётининг зарурий шарти ҳисобланади.

✓ Миллий ўзликни англаш тузилмасининг бешинчи элементи — миллий манфаатларни ва уни ҳимоя қилишни англашдир. Манфаатлар бу ижтимоий муносабатлар мавжудлиги намоён бўлиши эҳтиёжга айланган қисми ва уларни қондириш шакли (усули)дир.

Манфаатларнинг турлари бисёрдир. Жумладан, шахсий, оилавий, миллий, Ватан, иқтисодий, сиёсий, маънавий, синфий, гуруҳ ва ҳоказолар. Албатта, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият йўналиши, мақом ва мезонларга эгадир. Гап бу ерда фақат мавзумиз билан боғлиқ бўлган миллий манфаат ҳақида кетмоқда. Миллий манфаат — бу ҳар бир миллатнинг ўз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий эҳтиёжлари, уларни таъминлаш учун интилиш шакли (усул)дир.

Табиийки, миллий манфаатлар жамиятдаги кучлар нисбатига ҳолатларга, турмуш даражасига боғлиқ бўлиб, уларнинг ривожланиш тенденциялари турлича бўлиши мумкин. Масалан, у синфий қарама-қаршилиги кучайган жамиятда бир хил, колониал зулм шароитларида иккинчи хил, кўп миллатлар яшаётган давлат шароитларида учинчи ёки миллий зулм кучайган шароитда яна бир хил шаклда мавжуд бўлиши мумкин. Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, манфаат категорияси умум собиқ совет илмий адабиётида жуда кам ўрганилган масалалар қаторида туради. Чунки миллий манфаатлар “умумсовет” халқи манфаатларига бўйсундирилган эди. Миллий манфаатлар тўғрисида ёзиш эса “миллатчилик”нинг кўриниши сифатида баҳоланар эди. Кейинги пайтларда республикамизда бу масала бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганила бошланди. Булар қаторига А.С.Бегматов (13), Б.К.Иминов (14), Ф.Р. Абдураҳмоновларни (15) киритиш мумкин. Мазкур муаллифлар ўз асарларида “Манфаат” тушунчасининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилганлар.

Хусусан, миллий манфаатларни бевосита ўрганишга ҳаракат қилган ёш иқтидорли олим Ф.Р. Абдураҳмоновнинг фикрлари анча теранлиги билан диққатга сазовордир. Унинг фикрича, “Манфаат шахснинг муаммоларидан бошлаб, то дунё цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган ва ҳар бир инсоннинг, унинг миллатидан қати назар, ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ бўлган масалаларни ўзида қамраб олади. Миллий манфаат узвий равишда шахсий этник, ижтимоий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштиргандир”.<sup>15</sup>

Муаллиф миллий манфаат тушунчасига кенгроқ қарайди. Аслида ҳам шундай, чунки у фақат миллий доира даражасидаги қадриятлар билан чекланмайди, балки уларнинг устуворлиги асосида, миллатнинг умужаҳон жараёнларига киришга бўлган манфаатлари ҳам мавжуд бўлади.

Бу жараёнда миллат нимаси билан ўзининг таъсирини кўрсатиши мумкин ва нимани қабул қилиши мумкин, деган таъмоий қатнашишдан ҳам манфаатдордир.

Бундан ташқари, ХХI асрнинг бошларига келиб юзага келган умумбашарий муаммолар, биронта ҳам миллатнинг уларга бепарқ қарамаслигини тақозо қилмоқда. Мавжуд ана шу муаммоларни ҳал қилиш барча миллатларнинг ўзаро яқинлашишини ва биргаликда ҳаракат қилишини ҳам талаб этмоқда.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, умуминсоний қадриятларнинг миллий манфаатлар тизимидаги салмоғи ўсиб бормоқда.

Миллий манфаатларнинг миллий ўзликини англаш тизимидаги ўрни ҳақида гап кетганда, албатта айрим олинган давлат ичида юзлаб ва ундан ортиқ миллатлар, элатлар вакиллари яшаётган шароитда миллий манфаатларнинг ўзаро “тўқнашуви” содир бўлмайдими? деган саволнинг тўғилиши табиий.

Бу саволларга жавоб бериш анча мураккаб. Чунки миллат мавжуд бўлишининг энг асосий шартининг манфаатининг мавжудлиги билан боғлиқ. Ҳар бир миллат ёки элат вакили ўз номи билан аталувчи давлатдан ташқарида, ўзга мамлакатларда яшар экан, ҳатто унинг барча эҳтиёжлари энг юқори даражада қондирилган тақдирда ҳам, ҳеч қачон ўзининг миллий манфаатларидан воз кечмайди. Аксинча, у ўзлигини англаган қорни тўйиб, усти бут бўлгани сари миллий манфаатларини қондиришга эҳтиёжи ўсиб боради. Бу масала шу қадар долзарбки, уни ҳисобга олмаслик мамлакат ҳаётига таҳдид солувчи кўпгина салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки бугунги кунда жаҳондаги барча мамлакатлар кўп миллатли ҳисобланади.

Бу “кўп миллатлилик” тушунчасининг моҳиятига оддий диалектик ёндашувдан келиб чиқади. Кўп миллатлилик ичидаги ҳар бир этник умумийликда ўз хусусиятлари ва манфаатларда фарқлари сақланиб қолади. Агар ўзига ҳосликлар ва манфаатлар бўлмаганда эди, кўпмиллийлик ҳам бўлмаган бўларди. Кўп миллатли мамлакатда ҳар бир миллат ва элатда ўз этник умумийлиги доирасида “хусусий” иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётларини ривожлантиришда манфаатлари бўлади.

Бугунги кунда ҳатто иқтисодий жиҳатдан ривожланиб кетган демократик мамлакатлар тажрибаларидан маълум бўлмоқдаки, иқтисодиёт ривожланиб, одамларнинг моддий имкониятлари яхшиланиб борган сари ўз миллатининг қадриятларига, ўзлигини сақлаб қолишга интилиши кучайиб бормоқда. Эркин миллий ривожланиш учун имкониятлар бор бўлган демократик шароитларда миллий манфаатлар ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдириб турадилар.

Кўп миллатли давлатларда миллатлар ўртасида дўстлик, байналмилаллик “метендек” мустаҳкам бўлган шароитда ҳам ҳар бир миллат манфаатлари сақланиб қолади. Улар фақат кенг маънодаги маънавият соҳалари доирасида бўлибгина

қолмасдан, шунинг билан бирга ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ҳам сақланиб қолади. Чунончи, чинаккам миллатпарвар инсон ўз миллати вакилининг кўчада айниқса, ўзга юртларда тиламчилик қилиб турганини кўриб қолганида, юраги “жизиллаб” кетиши табиий ҳолат. Ёки ҳар бир миллатпарвар инсон ўз миллати вакиллариининг на фақат ўз ватанида, шунингдек, ўзга юртларда давлат ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётганлигини кўрса юрагидан қувонади.

Бу ҳақиқат миллатдек улуг бойлик ва ўзига ҳос гўзаллик бор экан, доимо сақланиб қолаверади.

Агар ўз мамлакатларида яшаётган миллатларнинг манфаатлари давлат сиёсатида ҳисобга олинмаса, албатта, манфаатларнинг ўзаро тўқнашуви содир бўлади. Бу ўз навбатида мамлакат ҳаётини издан чиқаришга олиб келади. Мана шу жараёнга йўл қўймаслик эса давлатнинг асосий вазифаларидан биридир.

Бу давлат сиёсатида: биринчидан, барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминловчи меъёрий ҳужжатнинг — Конституциянинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва унга амал этилиши; иккинчидан, мамлакатда яшовчи барча миллат ва элат вакиллариининг миллий эҳтиёжларини қондириб боришида изчил сиёсат олиб бориш кабилар зарур бўлади.

Бундан ташқари, кўп миллатли мамлакатларда яшаётган ўзга миллат ва элатлар вакиллариининг миллий манфаатлари билан бирга, уларнинг ўзлари яшаб турган мамлакатнинг барқарор ривожланиш, тенгликни, ҳудудий бутунлигини тараққий қилган мамлакатлар даражасига эришишни, фаровон ҳаётни таъминлаш билан боғлиқ бўлган манфаатлари ҳам мавжуддир. Бу манфаатлар ҳар бир миллат ёки элат вакилининг бугунги кунини учучгина эмас, шунинг билан бирга эртанги кун ва фарзандларнинг ҳаёти учун хизмат қилади. Худди ана шунинг учун ҳам бу манфаатлар турли ўзга мамлакатларда яшаётган миллат ва элат вакиллариининг миллий манфаатлари ҳисобланади. Демак, кўп миллатли мамлакатларда яшаётган “келгинди” миллат ва элат вакиллариининг ўз хусусиятларини сақлаб қолишдек манфаатлари билан бир қаторда барчага умумийлигини англатиш мамлакат тараққиёти учун миллатлар ўртасидаги барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Миллий манфаатларни қондириш, мамлакат иқтисодий имкониятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Аммо у охириги омил эмас. Шунинг билан бирга мамлакатнинг ўзгаларга қарам бўлмаслиги,

мустақил бўлиши лозим. Агар у кимгадир қарам бўлса, “кўп-миллатлик” омили ҳуқумронлик қилувчи мамлакатлар учун катта имконият ҳисобланади. Улар ўз мақсадларини амалга ошириш учун миллий манфаатларни тўқнаштириш орқали миллатлараро можароларни келтириб чиқаришга ҳаракат қиладилар ва ўзлари чеккадан “кузатувчи” ёки кўзлаган мақсадларини амалга оширишга киришадилар.

Шунинг учун ҳам миллий манфаатларни қадрлашнинг муҳим шарти, кўп миллатли мамлакатларнинг мустақил бўлишидир.

Бунга 90-йиллар охирига келиб, социализм касотга учраган шароитда ҳуқумронликни сақлаб қолишга бўлган собиқ марказ сиёсатини ёрқин мисол қилиб кўрсатиш мумкин. (Буни кейинроқ батафсил кўрамиз). Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ўзбеклар билан ёнма-ён яшаётган миллатлар ва элатлар манфаатларини ҳисобга олиш давлат сиёсатида етакчи ўринга кўтарилди. Бу ҳақиқатни алоҳида такидлаш лозим бўлади. Жумладан, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ Республика Президенти И.А.Каримов “...озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ва ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат тузилмаларининг фаолиятида ва жамият турмушида фаол қатнашиш”,<sup>16</sup> сиёсий соҳадаги вазифалардан бири эканлигини таъкидлаган эди. Шундай қилиб, миллат мавжуд экан, албатта, унинг манфаатлари бўлиши ҳам табиий ҳолдир. Аммо манфаатлар мавжудлиги миллатлараро муносабатларда ҳар доим ҳам қарама-қаршилиқларнинг манбаси эмас, балки ана шу манфаатлар бир томондан “ажратиб” турса, иккинчи томондан бир-бирларига яқинлашишига, биргаликда ҳаракат қилишга ёрдам бериб туради. Фақат муаммо манфаатлар уйғунлигини таъминловчи механизмларнинг талаб ва эҳтиёж даражасида фаолият кўрсата билишида бўлиши мумкин.

Шунинг билан бирга манфаатларни ҳимоя қилишни англаш ҳам миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқармайди, балки ҳар бир миллатнинг ўз ўрни ва салоҳиятини билиб олишга ҳамда ўзга миллатлар билан эркин ва дадил ўзаро муносабатлар тизимининг шаклланишига имкон беради.

Миллий ўликни англаш тузилмасига кирувчи элементларнинг моҳияти, уларнинг ўрни ва вазифалари ҳақида фикр юритар эканмиз, албатта, уларнинг бирлиги, ўзаро бир-бирлари би-

лан боғлиқлиги, бойитиши ва фаолиятигина миллий ўзликни англашни мукамал омил сифатидаги мақомини қайд этиши мумкинлигини таъкидлаш лозим бўлади. Унинг биронта элементидagi фаолликнинг “сўниб” бориши миллий ўзликни англашнинг миллий тараққиётнинг ҳаракатга келтиришдаги имкониятига салбий таъсир кўрсатади.

#### 1.4. Миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг шаклланиш хусусиятлари

Миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг ўзаро таъсири муаммолари ҳам назарий ва методологик нуқтаи назардан фалсафий ҳамда социологик адабиётларда етарлича ўрганилмаган. Бунинг сабаблари: биринчидан, илмий адабиётда миллий маданият муаммоларини ўрганишда устиворлик миллий ўзига ҳос хусусиятларда эмас, балки уни “байналмилаллаштириш” тенденцияларига утуворлик берилиб келинганлигида. Бундай ўрганишнинг энг ҳарактерли томони шундаки, миллий маданиятларнинг ривожланишида уларнинг ўз заминларига таянган ҳолда, ички захираларида мавжуд бўлган салоҳиятни юзга чиқариш, миллатнинг ўзига ҳослигининг мустаҳкамлаш каби энг муҳим томонларини ривожлантириш эмас, балки миллий маданиятлардаги ўзгаларниқидан “қабул қилишига” (яъни “сунъий байналмилал”ликнинг), ривожланишига энг асосий эътибор қаратилган. Бир қатор адабиётларда миллийлик ва умуминсонийлик диалектикаси тарзида масалага ёндашишлар ҳам учрайди. Аммо уларда ҳам устуворлик миллий ўзига ҳосликка эмас, балки яна миллий маданиятларда сунъий “байналмилаллик” ривожланиши бош йўналиш сифатида талқин этилиб келинган. **Иккинчидан**, илмий адабиётда миллий ўзликни англашнинг миллатни мустақил белгиси сифатидаги мақоми муносабатида ягона фикрнинг йўқлиги, унинг адабиёт, санъат, анъаналар, одатлар, қадриятлар ва турмушдаги миллий ўзига ҳос хусусиятларни сақлаб туришдаги ва ривожланишдаги роли ҳамда аҳамияти “сезилмай” келинганлиги билан ҳам боғлиқ эди.

Шундай қилиб, миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг ўзаро таъсир омиллари кам ўрганилган, унинг таркибий қисмларининг ўзаро муносабатлари илмий ёритилмаган эди. Миллий ўзликни англашнинг “портлаган” шароитларда

уларнинг ўзаро муносабатларини чуқур таҳлили зарур эканлигини кўрсатди. Чунки бундай шароитда ҳар бир миллатнинг ўзлигини англашни моддий эмас, балки маънавий омилларга интилишни уни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжи кескин равишда ўсишини тасдиқлади. Бу эса ўз навбатида миллий ўзликни англаш ва миллий маданият ўртасидаги ўзаро муносабатларни таъсирининг моҳиятини, мақомини ўрни ва ролини аниқлаш зарурлигини тақозо қилади. Зеро, бу жараёни чуқур таҳлил қилишигина миллий муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган можароларни бартараф этишга ва миллий ривожланишнинг миллатлар, элатлар ўртасида дўстона муносабатлари вужудга келтиришга ёрдам бериши мумкин бўлади. Худди шу маънода ҳам миллий ўзликни англаш ва миллий маданият ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш назарий, методологик ва амалий жиҳатдан долзарб масалалардан бирини ташкил қилади.

Бу муносабатларнинг қўлами кенг ва турличадир. Жумладан, улар ўртасида ўзаро таъсир кўрсатиш, бойитиш, диалектик боғлиқлик кабилардан иборат. Тўғри, бундай муносабатлар бошқа жараёнларга ҳам тааллуқлидир. Умуман табиат ва жамият ҳаётида улар ҳар доим учрайдиган ҳодисалар ҳисобланади. Аммо, миллий маданият ва миллий ўзликни англаш омиллари ўрталарида бўладиган ўзаро таъсир, инсоннинг (миллатнинг) ички руҳий олами билан боғлиқлиги, реал ҳолатда ҳис-ҳаяжонларда ўз ифодасини топиши унинг ўзига ҳослигини ва ўта мураккаб жараёнлигини билдиради. Унинг мезони ва даражасини белгилаш ниҳоятда қийин масаладир. Ўз навбатида уни эътибордан четда қолдириш эса миллат тараққиёти тенденциялари тушуниб етмасликка олиб келади.

Шундай қилиб, энг аввало, “ўзаро таъсир” тушунчаси моҳияти устида тўхтаймиз. “Ўзаро таъсир” фалсафий луғатларда бир-бирига таъсир этиш жараёни сифатида тарифланади<sup>1</sup>.

С.Шермухамедов ўзаро таъсир тушунчаси моҳиятини таърифлар экан, фалсафа ўзаро таъсир деганда, нарсалар, ҳодисалар хусусиятларининг маълум нисбати ва хусусиятларини, улардан ташқарида нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзлари ҳам бўлмайдиган ўзаро муносабат сифатида талқин қилиш тушунилади<sup>2</sup>, деб ёзади. Г.Ш.Ширматова мавжуд таърифларни таҳлил қилар экан, айрим муаллифлар фикрига қўшилиб, моддий тизимлар алоқаси шакли сифатидаги ўзаро таъсир энергия, масса ва ахборот алмашинуви жараёнида икки (ёки кўпроқ



сондаги) тизимдаги хусусиятларни бир вақтда ва бир-бирини тақозо этувчи ўзгаришлар билан ифодаланади деб ҳисоблаб, бундай ёзади: “Ўзаро таъсир” категорияси муҳим фалсафий категориялардан бири бўлиб, у моддий дунё предмет ва ҳодисаларнинг умумий ва универсал хусусиятларини, алоқа шакллари, ўзгариш ва ривожланиш зарур вақтларини кўрсатади<sup>3</sup>. Шундан сўнг тизимни ўзгаришлар тўғрисида у бундай ёзади: “... тизимлар ҳолатининг ўзгариши оддийгина келишилган ҳолда эмас, жараёнларнинг бир хилдаги тузилмаси унинг ўхшаш босқичларини такрорлаши билан бу тизимларнинг ўхшаш умумий генезислари ёки ташқи муҳит таъсирида бўлиши мумкин ва бир-бирини тақозо этган ҳолда ҳам содир бўлади”<sup>4</sup>.

Мазкур тушунчани бошқа шаклда талқин этилиши бошқа бир қатор муаллифлар асарларида ҳам учрайди. Фикримизча, “ўзаро таъсир” критерийси моҳияти турлича талқин этилишига қарамай, юқорида келтирилган муаллифлар фикрларига қўшилиш мумкин. Улар бу тушунчанинг моҳиятини очиб беролганлар. Шунинг билан бирга улар илгари сураётган фикрларда тушунчанинг моҳиятини таърифлаш охирига етмагандай кўринмоқда. Хусусан, “ўзаро таъсир”ни воқеа-ҳодисалар ёки тизимлар (системалар) ҳолатининг ўзгариши сифатида талқин этилиши тўғрилиги, аммо унинг натижаси нима билан тугаши охиригача етмаганлигини таъкидлаш лозим бўлади.

“Ўзаро таъсир”да ҳақиқатдан ҳам ҳодисалар, воқеалар ва тизимларда маълум ўзгаришлар содир бўлади. Бу “ўзгариш”лар албатта, янгининг пайдо бўлишига ёки иккинчи жараённинг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, химияда моддаларнинг бир-бирига таъсири ижобий ёки салбий ҳолатларнинг юзага келишига олиб келади. Миллий ўзликни англаш ва миллий маданиятларнинг “ўзаро таъсири” эса икки, нисбатан мустақил бўлган омилларнинг бир-бирларини бойитиб туришига, бири иккинчисиз яшай олмаслигига ва охир-оқибатида миллий тараққиётни “ҳаракат” қилдиришга хизмат этади.

Шундай қилиб, фалсафий тушунча тарзидаги “ўзаро таъсир” предметлар, маънавий қадриятлар ички ва ташқи ўзгариши амалда бўлган вақтдаги, ўзаро алоқа, бойиши, янги куч-қувватга эга бўлиш ва ҳаракат жараёнларининг кучайиши каби шакллари акс эттиради.

“Ўзаро таъсир” категорияси миллий маданият ва миллий ўзликни англашга татбиқан қуйидагиларда ифодаланади: Миллий маданият — миллий ўзликни англаш мавжуд бўлишининг зарур базаси ва уни “ресурслар” билан таъминлаб турувчи омил ҳисобланади. Ўз навбатида миллий ўзликни англаш миллий маданиятнинг эмонационал (ҳис-ҳаяжон) интеллектуал салоҳияти ҳисобланади, унинг ҳаракатини тараққий этишини рағбатлантириб туради.

Миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг ўзаро таъсири миллат ривожланиши ҳамда барқарор яхлитлигининг объектив жараёнидир. Шу билан бирга миллатлар “ташқи” дунёдан ажралган ҳолда мавжуд бўлишлари ҳам, ривожланишлари ҳам мумкин эмас. Шунинг учун уларни “ўзаро таъсир”лари жараёни ва мехенизмларини бир томондан ички миллий заминда иккинчи томондан миллатлараро муносабатлар тизими ҳаракати жараёнида қараш зарур.

Шундай қилиб, “ўзаро таъсир” миллий маданият ва миллий ўзликни англашга татбиқан миллий ривожлантиришни рағбатлантирувчи ўзаро алоқадор боғланишларни, ҳаракатлар доимийлигини ва миллий салоҳиятни мустаҳкамлаб турувчи омиллар шаклини қасб этади.

Маълумки, миллий маданият этник умумийликни англашдан олдин шакллана бошлаган. Одамлар ўз этносларини англамай яшаган вақтда миллий маданият элементлари юзага кела бошлайди. Аммо унинг мана шу генезисда маданият фаолиятида соф инсоний (ижтимоий ривожланган) асоснинг соҳиби сифатида одамларнинг кундалик эҳтиёжлари, манфаатлари ва мақсадларини такрор ишлаб чиқариш, қониқтириш усулининг энг муҳим аниқловчиларидан бири қаторига киради.

Айни бир вақтда онгда, турмуш тарзи ва хатти-ҳаракатда фарқлар пайдо бўла бошлаган, этник онг (миллий ўзликни англаш) шакллантириш томон қадам қўйилган. Аммо миллий ўзликни англашнинг шаклланиш жараёни узоқ тарихий йўлни босиб ўтган ва ижтимоий ривожланишнинг бошқа ҳодисалр билан ўзаро боғланган ҳолда содир бўлган.

“Миллий ўзликни англаш, — деб ёзадилар Ю.В. Арутюнян ва Л.М. Дробичева, — ҳар бир халқ маданий ҳаёти билан ўта бевосита тарзда боғлангандир. *Биринчидан*, у миллатнинг объектив амалда бўлган белгилари, шу жумладан, маданият тилнинг акс этиши ҳисобланади. *Иккинчидан*, унинг ўз халқлари маданиятини ривожланиши рағбатлантиришга, янги маънавий

қадриятларни яратишга ва маданиятнинг тарихий фондини кенг ёйишга, халқларнинг бутун тарихи мобайнида яратилган абадий ёдгорликлар, санъат асарлари, одатлар ва маросимлар қизиқишни қўллаб-қувватлашга қодирдир”<sup>5</sup>.

Миллий ўзликни англашда маданият барқарорлигини ва мустақиллигини (нисбий) сақлашга оид салоҳият этник умумийликнинг чуқур алоқалари билангина эмас, балки миллий хусусият, ҳис-ҳаяжон ва руҳиятни ўйғотиш қудрати борлиги билан ҳам ифодаланади. Миллий маданиятда мавжуд бўладиган ички салоҳият миллий ўзликни англаш ядросини ташкил қилади. Миллий ўзликни англаш миллий заминдан зарур узликсиз куч-қувват (энергия)ни олар экан эмонационал-психологик ҳиссиётни қайта тиклайди. Ўз навбатида бу жараён миллий маданият билан ўзаро муносабатларда ва “ташқи” (бошқа миллатлар билан муносабатларда) дунё билан алоқада аниқ намоён бўлади.

Миллий ўзликни англашнинг гносиологик моҳияти борасида қуйидагиларни айтиш мумкин: биринчидан, у миллий онг базасида шаклланади, зеро миллий онг ижтимоий онг тизимида ўз “база” диапозони ва моҳиятига кўра кенгроқдир. Миллий ўзликни англаш — бу миллатни ўз ошғни, этник бирлик ва маънавий қадриятларини англашга йўллаш демакдир. Шунинг учун миллий ўзликни англаш маданиятидаги миллий хусусиятларни “сақлаш” ва ривожлантиришни рағбатлантирувчи омил ҳисобланади; иккинчидан, агар иқтисодий, ҳудудий, давлат умумийликлари ва маданий хусусиятлар миллатнинг белгилари сифатида аниқ гавдалантирилган ҳамда ҳар бир конкрет ҳолатда уларни осон аниқлаш мумкин бўлса, унда миллий ўзликни англаш эса “абстракт” ҳодиса ҳисобланади ва бу ҳиссиётларда, ҳаёжонларда (эмоцияларда) ҳамда миллий қадриятларни “сақлашга” интилишда ифодаланади; учинчидан, миллий ўзликни англашнинг “қўриқловчилик” роли бошқа миллатларни менсимаслик, шовинизм ва миллий чекланганликнинг намоён бўлишида (табиийки, агар у миллий давлат сиёсатни амалга оширишда ҳисобга олинмаса) ўта “хавфли” омилдир. Гарчи, миллий ўзликни англаш иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий омиллар таъсирида шакллантирсада, у кучли барқарор ҳаракатга эга бўлади. Агар бу омилнинг таъсир кўрсатиши “сезилмаса” ёхуд бефарқ қолдирилса, миллий муносабатлар соҳасида зиддиятларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Бу нуқтаи назардан миллий ўзликни англашни миллий манфаат намоёндаси “вакили” ва миллатлараро муноса-

батларда манфаатлар уйғунлиги ҳисобига тегишли сиёсат олиб бориши тўғрисида хабар берувчи “даракчи” (огоҳлантирувчи), деб қарамоқ тўғри бўлади. Ўзаро таъсир механизмини чуқурроқ аниқлашда жамиятни миллий ривожланишидаги ўзаро таъсир этувчи томонлар вазифаларини таҳлил қила билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, жамиятда маданият энг асосий ўринлардан бирини эгаллайди. У жамият ҳаётининг муҳим элементларидан бири сифатида ривожланиш даражасининг кўрсаткичи ҳисобланади ва шу билан бирга барча босқичларда жамиятни маънавий жиҳатдан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун инсониятнинг маданиятга бўлган эҳтиёжи ортиб борали. Ҳаёт қанчалик бой ва қизиқарлироқ бўлиши маданиятнинг юксалишини англатади. Чунки, инсон (миллат) моддий ҳаётини кўтариш, турмуш фаровонлигини оширишда маданиятнинг илҳомлантирувчи кучига таянади. Ана шу кучга эҳтиёж ортиб бориши эса умумий тараққиётнинг кўтарилишига олиб келади. Инсон тўқ бўлганда ёки қашшоқ бўлганда ҳам маданиятга эҳтиёж сезади, унинг кўз илғамас қудрати билан кўнгилни кўтаради, қалби, дунёқарашини бойитади, истиқболга интилади.

Бугунги мураккаб, жадал шаклланаётган бозор муносабатлари шароитларида ҳам маданиятнинг роли ўсиб бормоқда. Бундай қийин шароитларда аввал, “қоринни тўйгазиб”, кейин маданият ҳақида ўйлаш керак, деган ақида “устувор” бўлиши керак эди. Аммо бугун бу жараённинг бир-бири билан узвий бораётганлигини, ҳатто кўп ҳолатларда маданиятга бўлган эҳтиёжнинг тез ўсаётганлигини кўришимиз мумкин. Назаримизда бунга қуйидагилар асосий сабаб ҳисобланади. **Биринчидан**, собиқ совет тузуми шароитида маданиятнинг асосий вазифалари сиёсийлаштирилиб юборилган эди. Натижада у ўз қийматини аста-секин йўқотиб фақат “безак” характерни касб этди. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш, истеъмол муносабатларида, расм-русумларда, одамларнинг руҳий кечирмаларида, шахснинг ўзаро муносабатларида ва миллатлараро муносабатларида ўз аксини топди ва оқибатда жамият оғир кулфатлар, хавф, миллатлар эса ўзлигини қўмсаш, унга интилиш ҳиссиёти билан ҳаёт кечирдилар. Зўрвонлик билан шакллантирилган “умумсовет” маданияти эса улар эҳтиёжига жавоб бермай келди. Мустақиллик шароитида энг аввало, маданият ривожланишидаги табиийликка интилиш имконияти вужудга келди. Бу ўз навбатида маданиятнинг

жамиятдаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш ҳамда одамлар маънавий дунёсини бойитишдаги ҳақиқий азалий аҳамиятини қайта тиклаш имкониятини берди. Иккинчидан, миллий ўзликни англаш “портлаш” шароитларида ҳар бир миллат ва элатнинг ўз маданий қадриятларига қизиқиши ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ортиб боради. Бу табиийдир, зеро, “хусусий” маданият битмас ҳаётӣ материал бўлади, у миллий салоҳият имкониятларини кўрсатади ва ички мақсадларни уйғотади, уни иқболга етаклайди. Учинчидан, миллий ўзликни англашнинг “портлаши” маданиятни миллий эмоциялар (ҳис-ҳаяжонлар) “жанг” майдонига” айлантирди. Миллий тилларнинг давлат мақоми, ўз маданиятининг софлиги, миллий-маданий урф-одатларни тиклаш ва шу қабилар учун кураш “туб” ва “келгинди” аҳоли ўртасидаги зиддиятларни кучайтирди. Тўртинчидан, маданият одамлар маънавий дунёсини бойитишнинг бош омилигина эмас, балки шахсни ўз ватанига садоқат, ўз маданий меросига муҳаббат ҳамда бошқа халқлар, уларнинг маданиятлари анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш воситаси сифатида намоён бўлади. Унинг ана шу вазифаси демократик жараёнлар шаклланаётган мураккаб шароитда ва мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш учун катта кураш кетаётган пайтда яна ҳам юксак даражага кўтарилмоқда.

Юқорида биз миллий ўзликни англашнинг “портлаши” сўзининг ишлатиб келмоқдамиз, бунда нимани назарда тутаятирмиз ва унинг мазмуни нима? Масалаларни таҳлил қилишда унга яна мурожаат этиш зарур бўлади. Ана шу ҳисобга олиб қўйилган ана у саволларга жавоб қайтаришга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, миллий ўзликни англаш миллий онг ривожланишининг маҳсули сифатида миллат тараққиётга ўзининг таъсирини ўтказиб ўзи ҳам ривожланиб боради. Аммо, миллат ҳаётида зўравонликка учраш, қудратли кучлар тазйиқиға тушиб қолиш ёки маълум бир тушқунликка учраш каби ҳолатлари содир бўлиши мумкин. Лекин унинг нисбатан “текис”, “барқарор” ривожланиши учун зарур бўладиган шароитлар етарли бўлиши ҳам мумкин. Миллат мавжуд экан, унинг ўзлигини англаши доимо ривожланиб боради, у бир дақиқа ҳам тўхтаб қолмайди. Лекин унинг ривожланаётганлигини ҳар доим ҳам кўзга ташланмайди. Айниқса, унга нисбатан зўравонлик, тазйиқ ўтказиш миллат имкониятларига, хусусан унга жавоб қайтаришга етарли бўлмаса миллатнинг ўзлигини англаш жараёни “зимдан” ўсиб бораверади,

унинг зўравонлик ва тазйиққа нисбатан қаҳр-ғазаби ошиб, охир оқибатда қудратли куч сифатида тўпланади.

Миллат ўз ички имкониятларини юзага чиқариш учун янги имкониятлар юзага келган пайтларда, унинг зимдан йиғилиб келган қудратли кучи юзага чиқади ва ўзининг қадр-қиммати ва барча маънавий бойликларини тиклаш ва ривожлантириш учун ҳаракатга тушади. Худди мана шу ҳолатда миллий ўзликни англаш миллат вакилларини ягона мақсад сари бирлаштириш омилига айланади ва зўравонликлар, тазйиқлар оқибатида қўлдан берилган имкониятларни тиклаш учун кураш бошланиб кетади. Бу одатдаги миллий ривожланишга қараганда ўзининг кучи, қудрати ва салмоғи жиҳатдан **инқилоб даражасига** кўтарилади. Худди мана шу ҳолат “портлаш” даражасида содир бўлиб, нафақат миллат ҳаётига, шунинг билан бирга жамиятнинг барча соҳаларига ўзининг кучли таъсирини ўтказади. Бу таъсир айнақса, купмиллатли мамалакатларда хатарли кечади. Чунки, “келгинди” миллат вакиллари “ерлик” миллатларнинг ноодатий ҳолатига ўрганмаганликлари учун хавотирликка тушишлари мумкин. Бу жараён давлат назоратида бўлиши лозим. Чунки “портлаш”нинг намоён бўлиши миллатлараро муносабатларда кўпроқ кўзга ташланади. Миллий низолар, унинг натижасида мамлакат ҳаёти эса бутунлай издан чиқиш ҳолатлари ҳам содир бўлиши мумкин. Бундан ташқари, миллий ўзликни англашнинг “портлаши” миллат тақдири, унинг қадр-қиммати, ор-номусига нисбатан турли ҳаракатларнинг юзага келиши ёки миллат истиқболини таъминлаш учун умуммиллий сафарбарлик вужудга келтирган ҳолатларда ҳам содир бўлиши мумкин. Бу жараён миллат ҳаётининг маълум тараққиёт босқичи учун ҳосдир. У миллатга қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракатларда акс садо сифатида юзага келиб тураверади.

Миллий тараққиётнинг “тинч” даврида миллий ўзликни англаш ҳам “тинч” ривожланиб бораверади. Аммо “портлаш” содир бўлса, у “изсиз” қолмайди, албатта, бошқа ижтимоий жараёнларга ўзининг таъсирини ўтказади. Биз “портлаш” сўзини ишлатганимизда миллий ўзликни англашнинг ана шу қудратли куч сифатида инқилобий ўзгаришларига олиб келган даврини назарда тутмоқдамиз.

Энди яна миллий ўзликни англаш ва миллий маданиятнинг ўзаро таъсири ҳақидаги мунозарамизни давом эттиришга киришамиз.

Юксак маданиятга эга бўлган инсонда жоҳиллик иллати бўлмаганидек, маданияти ривожланган миллат ҳам бағри кенг, салбий ҳис-ҳаяжонлардан йироқда бўлади. Шунинг учун маданиятни ривожлантириш ҳаётий эҳтиёжга айланган. Бу фақат назарий нуқтаи назардан эмас, балки амалий ва сиёсий нуқтаи назардан ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Оқоридагилардан кўриниб турибдики, маданият ролининг ортиб бориши, ижтимоий ривожланишнинг объектив қонунияти эканлигидан далолат беради. Маданият ролининг ўсиш даражаси у бажарадиган вазифаларда аниқ гавдаланади. Шу муносабат билан энди миллий маданият ва миллий ўзликни англаш омилларининг вазифалари (функциялари) таҳлили ҳақида фикр юритишга киришамиз.

Маданият масаласи билан шуғилланувчи мутахассислар унинг вазифаларини турлича таърифлайдилар. Масалан, Э.В. Соколов маданиятнинг асосий вазифалари: “Дунёни ўзгартириш ва эгаллаш муҳитининг ноқулай таъсири ва ўзгаришларидан коммуникатив Ҳимоя қилиш, ахборотни англаш ва белгилаш, жамғариш ва сақлаш, норматив, социаллаштирувчи ёки жонлаштирувчи, шахс муносабатини индивидуаллаштирувчи ва лойиҳаловчи кабилардан иборат деб ҳисоблайди”<sup>6</sup>. У маданият функциясини асосан шахсга татбиқан қарайди. Бошқа муаллифлари маданиятнинг маънавий ишлаб чиқариш вазифаларига эътиборни қаратадилар. “Маънавий ишлаб чиқаришнинг асосий вазифалари: янги ғояларни ётиштириш, билимларни бериш ва қайтириш, янги технологияларни ишлаб чиқиш, ижтимоий тафаккурни ишлаб чиқишда деб билади”<sup>7</sup>.

Э.С. Макарян эса, “Маданият тушунчасининг ҳозирги жамиятда бажариши лозим бўлган энг муҳим билиш функцияси шундан иборатки, у инсон ҳаёт фаолияти ва ҳаётнинг биологик шакллари ўртасида аниқ чегараловчи хавфни ўтказиши керак”<sup>8</sup>, деб ҳисоблайди.

Маданиятнинг мослашув функцияси мавжудлиги тўғрисида ҳам фикрлар учрайди. Жумладан, “Маданиятнинг мослашувчи функцияси деб, — ёзади С.А. Арутюнян, — мунозара талаб этмайди. Маданий эволюция инсон учун биологик эволюцияни алмаштирган ва тирик мавжудодларнинг табиий экологик камчиликлари муносабатидаги мослашувчан тур ҳосил қилиш инсонда ўз миллатига мослашишга мувофиқ келувчи этносларни шакллантириш билан алмаштирилади.

Маданий эволюция нафақат табиий эволюцияни, у ҳатто ўз навбатида ижтимоий эволюциянинг ўрнини босади”<sup>9</sup>.

М.С.Коган маданиятнинг вазифасини унинг структуравий элементлари билан ўзаро ички алоқадорликда қараб чиқади. Бундай ички алоқадорликка қуйдагилар киради: а) маданиятнинг ўзгартирувчилик қадриятларга оид мослашув функцияси, коммуникатив ҳамда ижтимоий вазифалари; б) моддий ишлаб чиқариш маданиятини такомиллаштириш тафаккурга оид тасаввурни, ҳис-ҳаяжон туйғуларини, маънавий мулоқотни, бадий ижодкорликни ва бошқаларни ривожлантириш<sup>10</sup>. Ю.А. Лукин маданиятнинг “ижтимоий-ўзгартирувчилик, билиш, семпотиқ, аксиологик”<sup>11</sup> функцияларини ажратиб кўрсатади. М.С.Жунусов бадий маданиятнинг функциясига асосий эътиборни қаратади<sup>12</sup>. Собиқ совет тузумининг сўнгги йилларида бир қатор тадқиқотларда умумлаштирилиб, олимлар маданиятнинг қуйдаги функцияларини ажратиб кўрсатган эдилар: 1. Совет жамияти инқилобий қайта қуриш фаолиятини ташкил этиш (умумхалқ давлат тизими орқали); 2. Билимлар ҳосил қилиш, тўплаш, кўпайтириш ва ўқитиш (таълим тизими орқали); 3. Социологик нормалар, қадриятлар, қоидалар, одатлар, идеаллар, ғоялар ишлаб чиқиш, тасдиқлаш (фан, санъат, маданий-ахлоқий, ҳуқуқий институтлар ва ҳоказолар ёрдами билан); 4. Социалистик идеаллар, манфаатлар ва ҳоказоларни ижтимоий онгга сингдириш (оммавий ахборот ва тарғибот воситалари орқали); 5. Одамларнинг кайфиятига, ҳис-туйғуларни кўнгил очар, эмонационал воситалар орқали психологик таъсир кўрсатиш (телевидение, театр, музей ва бошқа шунга ўхшашлар ёрдамида); 6. Янги турдаги шахсни уйғун тарзда ривожлантириш, шакллантириш (уни ихтисослаштириш учун мўлжалланган барча воситалар ёрдамида); 7. Оламни фан билан бирга бадий ўзлаштириш (билиш) санъат, фан ва ҳоказолар орқали; 8. Ижтимоий муносабатлар мақсадида қадриятларни мужассамлаштириш — аккумуляция қилиш (музейлар, китоб архивлари ва ҳоказолар ёрдамида)<sup>13</sup>.

Муаллифларнинг юқорида келтирган фикр-мулоҳазаларини умумлаштириш асосида уларни тахминан уч йўналишга ажратиш мумкин: а) ижтимоий-фалсафий; б) социологик ва в) мафкуравий йўналиш. Ҳар бир муаллиф маданиятнинг функциясини ўзининг нуқтаи назаридан қараб чиқади, аммо уларнинг фикрлари бир-бирига зид эмас, аксинча, маданият деб аталадиган мазкур мураккаб ва ғоят кенг миқёсли омилнинг турли жиҳатларини ўзларига хос йўналишларда талқин этиб, ёритиб боришга ҳаракат



қиладилар. Бундай ёндашув фан нуқтаи назардан ҳам, кўлами жамият ва инсоният (миллат) ҳаётида тутган ўрни жиҳатидан қарағнада ҳам тўғри дейиш мумкин. Аммо “Ривожланган” социализм шароитида аслида социализмнинг ҳалокатга яқинлашган пайтда маданият функциясига таъриф беришда уни бир томонлама ва ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга интилиш устуворлик даражасига кўтарилган. Яъни маданият обрўси бутунлай тутаган тузумнинг мафқурасига хизмат қилишга қаратилган эди. Маданиятнинг инсоний-маънавий ва ахлоқий функцияларига эса иккинчи даражали омил сифатида қаралар эди. Боз устига маданиятнинг миллат бутунлигини сақлашдаги асосий функцияси ҳақида гапирилмас ёхуд ҳас-пушланар ёки бузиб кўрсатилар эди. Аслида эса айни мана шу функциялар инсонни улуглаб, унинг маънавий оламини бойитиб, унинг фаоллигини ошириб келган эди. Маданиятнинг миллатни бирлаштиришдаги ва унинг ички оламини бойитиб туришдаги функцияси миллатни мустақил субъектликни сақлаб қола олади. Собиқ совет тоталитаризмининг миллатга қаратилган даҳшатли ҳаракатлари ва зўравонлигига қарамасдан маданиятнинг миллат ички маънавий оламини ташкил қилганлиги, миллат вакилларини бирлаштиришдаги, ўзлигини сақлашдаги улкан функцияларининг мустақкам эканлиги туфайли у мустақил субъект сифатида сақланиб қолди. Агар ана шу салоҳият бўлмаганда эди, барча миллат ва элатлар амалга оширилган зўравонлик сиёсатининг “қурбони” бўлган, ўзлигидан бутунлай маҳрум бўлиб қолиши мумкин эди.

Маданият одамларнинг (миллатнинг) дунёқарашини бойитиб, миллий онг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб келганлиги ҳам ҳеч қандай сир эмас. Аммо миллат манфаатига зид бўлган жамиятда ундан миллатни тузумга итоаткор қилиб тарбиялашда фойдаланиш маданиятнинг қадрқимматига ҳам путур етказди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда бугунги мустақиллик шароитида маданиятнинг энг муҳим вазифалари қуйидагиларни ташкил қилиши лозим:

**Биринчидан**, миллий ривожланишнинг маънавий-маърифий салоҳиятини мустақкамлаш, миллатнинг ўзлигини англаши учун зарур бўладиган миллий руҳиятни (психологияни), ғояларни мустақкамлаш тор маҳаллийчилик иллатларидан тезроқ қутулиш ва миллий бирликни мустақкамлашда; **иккинчидан**, собиқ совет тузумининг қотиб қолган ягона дунёқарашларидан тезроқ

кутулиш эркин фикрлаш муҳитини вужудга келтириш, эски, инсон жамият учун, деган ақлдан кутулиб жамият инсон учун, деган тамойилнинг инсонлар дунёқараши даражасига кўтаришда ва учинчидан, жамиятдаги ва умуман бутун ер юзидаги одамларни уларнинг диний эътиқодидан, қайси ва миллат синфга мансублигидан қатъи назар инсоният олдида турган умумбашарий муаммолар манфаатлари йўлида бирлаштиришнинг маънавий қуроли сифатида фойдаланиш стратегик мақсад даражасига кўтарилишига эришиш лозим. Зеро, маданият одамларни ўзининг миллат кўзга кўринмас «фаришталари» билан ўзаро маънавий жиҳатдан бир-бирига боғлаб, улар онгини бойитиб келади.

Агар мана шу фикрларни яна ҳам ойдинлаштирадиган бўлсак, маданиятнинг энг муҳим функцияси куйидагилардан иборат бўлади: а) шахсни “инсонийлаштириш”; б) миллий ўзликни англашни, миллий хусусиятларни ва турли миллатлар ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш; в) миллий дунёқараш ва миллий онгни миллат манфаатларига ва умуман тараққиётга эид бўлган мафқуравий тажовузлардан ҳимоя қилиш; г) ижтимоий ва тарихий тажрибани мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтказиш; д) одамлар фаолиятидаги миллий ғоялар ва руҳиятни, психологияни (моддийлаштириш); е) ер юзида яшашган барча миллатларнинг “шахсий” манфаатлари билан бирга уларни бирлаштириб турувчи умумманфаатлар борлигини ва дунёнинг бир бутунлигини жаҳон халқларининг дунёқарашларининг муҳим қисми сифатида шакллантириш кабилардир.

Маданиятни халқ сўзининг кундалик меҳнат фаолияти вужудга келтиради ва шу билан бирга одамлар ўзлари яратган мана шу маънавий бойликлардан баҳраманд бўлдилар ҳамда буларни яратиш жараёнида уларнинг ўзлари ҳам ўзгариб, такомиллашиб, салоҳиятларга тўлиб борадилар. “Одамларни” ўраб олган табиат ҳам уларнинг онгли ҳаёти объектига айланади. Улар миллат ва жамият ҳаётидаги ўринларига бўлган муносабатларини такомиллаштириб борадилар. Предметларни ва табиат ҳодисаларини ўзгартириб бориб, одам ишлаб чиқаришни ва техникани такомиллаштиради; туғма товушларни ўзгартириб, нутқ яратади, ҳис-туйғу, ҳаяжон наволаридан, таассуротларини кўчириб, ундан тушунча ҳосил қилади, хулосалар чиқаради; улар ўзаро муносабатларни ҳам, ўз қизиқишлари ва майлларини ҳам ўзгартиради. Шундай қилиб, одам билан тўқнаш келган бирор соҳа ҳам ўзгармай қолмайди. Инсон ва маданият ўртасидаги боғлиқлик шу тариқа ривожланиб боради.

Маданият одамлар онгли фаолияти натижаси бўлиб, унинг илдизи узлуксиз иқтисодий-тарихий ишлаб чиқариш ҳамда жамиятни бир аъзоси сифатида одамнинг ўзи ҳам қайта тарбияланишидир. Одамнинг “инсонийлаштиришда” маданиятнинг функцияси шундан иборатки, айни маданият шахсни шакллантиришнинг асосий воситаси сифатида майдонга чиқиб, бир томондан, у ижтимоий муносабатларни қайта ишлаб чиқиши учун ҳамда, иккинчи томондан уларнинг ривожланиши, ижтимоий эҳтиёжларга қараб ўзгараётган тегишли йўналишда такомиллашиб бориши учун имконият яратади. Зеро, одамни шахс сифатида жамиятнинг ўзи яратганидек, у ҳам жамиятни ишлаб чиқаради.

Маданиятнинг “инсонийлаштириш” функцияси унинг одамларни гоъвий-ахлоқий фаол шакллантиришда уларда маънавий эстетик жиҳатларини вужудга келтиради, миллий ўзлигини англашда одамларни (миллатларни) маънавий бойитишда уларни ўз (миллий) қадриятларига ва умуминсоний қадриятларга “мослаштириш” да ва яқинлаштиришда яққол намоён бўлади. Маданият — бу янги-янги қадриятларни амалга оширувчи ва унга даъват этувчи чуқур, гоъят қудратли бир куч бўлиб, хусусан миллий ҳаётда ва умуман мамлкатнинг ижтимоий ҳаётида ва бутун дунё миқёсида содир бўладиган салбий ҳодисаларга қарши ғазаб туйғусини шакллантиради ва уларга қарши курашга ҳам ундайди.

“Инсонийлаштириш” функцияси одамнинг инсоний-миллий, умуминсоний эҳтиёжларини, унинг маънавий талабларини кенгайтиришга унда ўз (миллий) этник жамоасига ва бутун башариётга дахлдор эканлигини англаш туйғусини оширишга даъват этилгандир.

Модомийки, маданият инсоний (миллий) салоҳият заминидан ўсиб чиқиб, жамият (миллат) моддий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий салоҳиятининг ривожланиши жараёнида унинг (одамнинг) ақл-идроки, онг-ғурури ва ҳаётий тажрибаси билан маънавий қадриятларига айланар экан, маданиятнинг “инсонийлаштириш” функциясининг аҳамияти ва роли пастдан юқорига кўриниши каби кўтарилиб, муттасил ўзгариб боради.

Моддий ижтимоий-сиёсий, маданий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятларга қарамасдан маданиятнинг мезони ҳар доим одамнинг (миллатнинг) маънавий эҳтиёжларини таъминлашдан ва унга руҳий куч-қудрат бағишлаб, уни ўз (мил-

лий) маданияти йўлида, умуминсоний тарзда ижтимоий тараққиётни инсонийлаштириш йўлида бунёдкорликка даъват этишдан иборат бўлиб қолаверади.

Агар “инсонийлаштириш” функциясини инсон (миллат) салоҳиятини кенгайтириш уни ривожлантиришдек, ягона бир вазифадан иборатдир, деб ҳисобласак, маданиятнинг бошқа муҳим функцияларининг аҳамиятини ва уларнинг ўзаро диалектик боғлиқликда эканлигини ҳисобга олмаган ҳисобланамиз. “Инсонийлаштириш” функцияси реал ҳаётда ҳар доим ўзгартирувчи, билиш-мослашув ҳамда моддийлаштирувчи сингари функциялар билан бирга, ўзаро алоқада фаолият кўрсатади, чунки “инсонийлаштиришнинг” кўпгина вазифалари улар орқали амалга ошади: маданиятнинг (миллий) моддийлаштирувчи функцияси шундан иборатки, миллий тараққиёт жараёнида онгда ижтимоий тараққиётнинг тегишли тарздаги эҳтиёжларини таминлашга қаратилган янги ғоялар ва тузилмалар элементлари, ҳис-туйғулар, руҳият ва қизиқишлар, миллий ўз-ўзини англаш воситалари сифатида онгда ишлаб чиқилади (акс этилади). Бироқ миллий ғоялар индивидлар онгида моддийлаштириш туфайлигина пайдо бўлади ҳамда субъектлар сифатида миллий жамоа предметли фаолияти воситаси билан моддийлаштирилади.

Бинобарин, моддийлаштириш функцияси амалий фаолияти миллий ғоялар, ҳис-ҳаяжон, туйғулар ва фикр-мулоҳазаларни мужассамлаштириши миссиясини бажаради. Миллий маданиятнинг “моддийлаши” миллий ғоялар, онг ва дунёқарашни ҳаракат дастурига айланиши, унинг миллатнинг кундалик ҳаётида амал қилишидир. Худди шу маънода ҳам “моддийлашиш”нинг амалга ошуви фақат миллатнинг ички маънавий салоҳиятини юзага чиқариш ва уни янгилари билан бойитиш туфайли чекланмайди, балки улар миллатнинг кундалик ҳаракати, ривожланиши билан боғлиқ бўлган миллий манфаат, миллий гуруҳ қаби туйғуларни мустаҳкамланиши, миллий тараққиёти олдидаги муаммоларни ҳал қилиш йўлида унинг бирлигини вужудга келтириш ва умуммиллий сафарбарликнинг юзага келишини ҳам ўз ичига олади.

Моддийлашиш функцияси миллий адабиёт, санъат, тилда, анъаналар, урф-одатлар ва кадриятлар орқали амалга ошади. Мазкур функциянинг амал қилиши туфайли миллий ғоялар ижтимоий тараққиётда ўзлари ҳосил қилган қиёфани сақлаб қоладилар.

Собиқ совет тоталитар тузуми шароитида миллий ҳаётни “байналмиллаштириш” жараёнини идеаллаштиришда ҳамда миллатлараро муносабатларни назоратда ушлаб туришда кенг фойдаланилади. Бу ўз навбатида миллий маданиятларнинг ўз хусусиятларини ривожлантиришга салбий таъсирини ўтказди.

Шундай қилиб, моддийлаштириш функцияси ички ва ташқи салоҳиятларда муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур функциянинг ўрганилиши миллий ривожланиш ҳамда миллий ҳаётни умуминсоний қадриятлар жараёнларига яқинлаштириб боришдаги қонуниятларини ёритишда жуда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Юқоридаги фикрлардан яққол кўриниб турибдики, маданиятлар функциялари миқёси кенг ва ранг-барангдир. Бироқ мазкур функцияларни миллий қадриятлар сақланиши ва унинг ривожланишидаги ролини абсолютлаштириш, деган гап эмас. Чунки маданиятнинг юқоридаги функцияларини таҳлил қилиш унинг миллий ўзлигини англашдаги ролининг ниҳоятда салмоқли эканлигини кўрсатади. Бу функциянинг бошқалардан фарқи шундаки, у миллий жараёнларни ва миллатни жуда қисқа муддатда шиддат билан ҳаракатга келтиришдек қудратли кучга эгадир. Бу ҳолат миллий манфаатлар тўқнашган вақтда ёхуд миллатнинг иззат нафсига тегишган шароитларда содир бўлиши мумкин. Яъни гап бу ерда бошқа функцияларда жараёнлар “эволюцион” йўл билан содир бўлиши ҳақида бўлса, миллий ўзликни англаш функциясида жараёнларнинг “инқилобий” ҳолатида юзага келиши ҳақида бормоқда. Шунинг учун ҳам мазкур функциянинг моҳиятини кенг ва мукамал билиб олиш амалий аҳамиятга эгадир. Фалсафий ва социологик адабиётларимизда ҳозирча ана шу сўнги функция старли даражада ўрганилмаган. Яъни миллий маданият ва миллий ўзликни англаш каби омилларнинг ўзаро муносабатлари ана шу функциялар орқали намоён бўлиб туради.

Миллий ўз-ўзини англаш функцияси Б.А.Шувалов, К.Н. Хабибулина каби Россия олимлари томонидан миллий ривожланиш йўналишида қараб чиққилган ҳолос. Б.А.Шувалов бундай деб ёзади: “Миллий ўз-ўзини англаш, миллий жамоа билан бир қатор ўхшашликларга эга бўлган функцияларни ҳам ўзида муҳассамлаштирган. У гнесеологик аҳамиятга ҳам эгадир. Муайян конкрет-тарихий шароитларда амалга ошириладиган бу турдаги ўз-ўзини англашнинг баҳоловчи, ундовчи, меъерий, муво-

фиқлаштирувчи ва бошқа шунга ўхшаш ижобий функциялар катта рол ўйнайди”<sup>14</sup>. К.Н. Хабибуллин миллий ўз-ўзини англашнинг қуйдаги функцияларини ажратиб кўрсатади: “Мослашув ҳимоя функциялари — билиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва маъсулият функциялари”нинг мавжудлигини кўрсатади<sup>15</sup>.

Бизнинг фикрмизча, юқорида номлари кўрсатиб ўтилган муаллифлар миллий ўз-ўзини англаш функцияларини тўғри таъкидлайдилар. Аммо уларнинг гнесологик моҳияти ва ҳаракат “механизм”ларини мустақил таҳлил қилмасдан фақат йўл-йўлакай ўрганганлар. Яъни уларни мустақил мавзу сифатида эмас, ўз мавзуларининг “ёрдамчи” элементлари қаторида қараганлар. Шу сабабли миллий ўз-ўзини англаш функциясини конкретлаштириш учун фикрларнинг хилма-хиллиги ва илмий баҳс-мунозароларни излаб топиш ва уларни кенгайтиришга катта эҳтиёж сезилмоқда. Шу муносабат билан мазкур муаммо бўйича ўз фикр мулоҳазаларини баён этишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Аввало, шунини таъкидлаб ўтиш керакки, миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг маънавий маданият тизимида кирди ва унинг миллий тараққиётга қўшган ҳиссаси “соф” маънавий-руҳий ҳисса ҳисобланади. Бироқ бу унинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишга қўшадиган ҳиссасини истисно қилмайди. Модомики, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳалар учун негиз бўлиб ҳисобланади, шу билан бирга улар ўз ҳолича миллий омилсиз — миллий ўз-ўзини англаш омилсиз ривожлана олмайди.

Миллий ўз-ўзини англаш омилнинг иқтисодий ривожланишига ва миллатнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига қўшадиган ҳиссаси миллатнинг “ўз” иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишига интилиши рақамлар, жамият барқарорлиги шаклида, маънавий ўзига ҳос хусусиятлар ва руҳият, ҳис-ҳаяжон тарзида намоён бўлади.

Бундай шаклнинг таъсири (ривожланиш ёки қоқоқлигининг ақс этиши ва салбий ўзгаришлар) миллат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг “соф” “миллийлигини” белгилаб беради.

Шундай қилиб, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт тизимида миллий ўз-ўзини англашнинг тутган ўрни унинг маънавий ўрни билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда ҳар қандай ижобий ёки салбий ўзгаришлар миллатнинг унга бўлган муносабати ҳис-ҳаяжон, руҳият шаклларида намоён бўлади.

Миллий ўз-ўзини англаш маънавий ҳаёт тизимида кирар экан, у билан ўзаро алоқада бўлади. Мазкур ҳолатда миллий ўз-

Ўзини англаш миллий тараққиётни бойитишга бевосита маънавий ҳисса қўшади, уни бойитади, ҳаяжон ва ҳис-туйғуларни рағбатлантириб туради.

Албатта, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Булар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи соҳалардир. Мазкур ҳолда гап фақат миллий ўз-ўзини англаш функциясининг конкрет “тор” вазифасини аниқлаб олиш тўғрисида бормоқда. Мазкур йўналишда миллий ҳаракат натижаси сифатидаги функциясини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳаракат ва унинг натижаси эҳтиёжларни таъминлаш зарурлигини тушунишга салоҳият етмаган ҳолларда бир давлат доирасида бирга яшаётган миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга салбий таъсир кўрсатади.

Миллий ўз-ўзини англашнинг ушбу “қобилиятини” ҳисобга олиб Б.А.Шувалов томонидан ажратилган (баҳолаш ва даъват этиш меъёрий мувофиқлаштириш) ҳамда К.Н. Хабибулин кўрсатиб ўтган (мослашув, ҳимоя, билиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва маъсуллик таъсири)дан ташқари яна бунга унинг консолидация (миллатни бирлаштириш) этувчи, ҳаракатга келтирувчи, манфаатларни англашувчи ва тарбияловчи кабиларни ҳам киритиш мумкин. Миллий ўзлиқни англаш функциясида худди ана шулар ўрганилмаган. Гарчи улар сиртдан қараганда ўз вазибаларига кўра бир-бирига яқин кўринсаларда, ҳақиқатда агар масалага яна ҳам чуқурроқ қараладиган бўлса, уларнинг ҳар бири миллий тараққиётга мустақил равишда муайян ҳисса қўшишини сезиш мумкин бўлади.

Миллий ўз-ўзини англашнинг консолидация (бирлаштирувчилик) этувчи функцияси аниқ вазифани бажаради: у ҳар хил одамларни (этник гуруҳларни) бир-бирига бирлаштириб, битта этник жамоа таркибида аҳил бўлиб яшашга даъват этади. Турли миллатлар мавжуд бўлган шароитда бажариладган мазкур функция мутассил “ҳаракатга бўлади”. Чунки миллат ички маънавий заминларида биологик боғлиқлик қанчалик мустаҳкам бўлмасин, у маънавий омиллар билан тўлдириб борилмас экан, баркамоллик даражасига кўтарила олмайди. Мазкур функция айниқса, икки ҳолда муҳим рол ўйнаши кўзга ташланади: **биринчидан**, у миллат (шу жумладан, миллий ўз-ўзини англаш) шаклланиб келаётган дастлабки вақтларда муҳим рол ўйнайди. Ушбу жараёнда, яъни этник ягона жамоа вужудга келаётган вақтда мазкур функциялар бирлаштирувчи ва мустаҳкамловчи аҳамият касб этади.

Табиийки, миллат (миллий ўз-ўзини англаш) шаклланиш жараёнида одамлар ўздан-ўзи “автоматик тарзда” бир-бирлари билан бирлашиб кетмайдилар. Улардаги тил бирлигининг, анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар умумийлигини ва худудий бирликни тушуниш туйғулари бирлаштиради. Айни мана шу яқинликни англашдан миллий ўз-ўзини англаш туйғусининг чинаккам дастлабки “ҳаракати” бошланади. Иккинчидан, миллий тараққиётда “экстремал” кескин салбий ўзгариш ҳолатлари вужудга келганда, адолатнинг бузилиши натижасида (моддий, маънавий бойликларнинг нотекис тақсимланиши натижасида, мустақилликка путур етказилиши миллатнинг ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш назарписанд қилмаган ҳолларда) миллат ёки элат (ривожланиб келаётган ёки “ўз кучи билан” ёки маҳкам туриб олган гуруҳ) “ўлиб кетиш” хавфи юзга келган ҳолларда ёхуд миллатнинг шаклланиши учун (узоқ вақт давомида салбий таъсир этиб келган) шароитлар вужудга келган ҳолларда ушбу функциялар жадал “ҳаракатга” келадилар. Аммо, “экстремал” шароитларда конкрет вазиятга, “кучлар” нисбатига боғлиқ бўлган бирлаштирувчи (консолидация) функция ижобий натижа бериши ёки шунингдек, салбий оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин.

Носоғлом кучлар пайдо бўлган ҳолларда ёки миллий ўзига хослик ҳисобга олинмаганда бирлаштирувчиликка даъват этиш функцияси салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Бу кўп миллатли мамлакатларда миллий муносабатларда қарама-қаршиликлар келиб чиқишида асосий омил бўлиши мумкин. Миллий тараққиётда вужудга келган вазиятни тушунишдаги хушёрлик, қулай шароит ва соғлом кучлар мавжуд бўлган вазиятда консолидация (бирлаштирувчи) этувчи миллий ўзини-ўзи англаш туйғуси миллий ривожланиш йўлида олижаноб вазифани бажаришнинг омили даражасига кўтарилади. Кўрииб турибдики, миллий ўз-ўзини англашнинг консолидация (бирлаштирувчи) этувчи функцияси миллий ўзликини бевосита англаш соҳасига ҳам, шунингдек, миллатлараро муносабатларга ҳам таъсир кўрсатишида етакчи омил ҳисобланади. Миллий ўзликини англаш соҳасида зиддиятларнинг пайдо бўлишига, илгари борларининг юзга чиқиши ва кучайишига олиб келган сабаблардан бири миллий ўзини-ўзи англашнинг консолидация этувчи кучини англаб етмаслик, унинг механизмларини тушуниш салоҳияти бўлмаганлиги ёки миллий ўзликини англашнинг “ўткинчи”, деб тушунишнинг аксиомага айланганини ёхуд мавжуд тузум ҳамда



унинг ейёсати миллатлар устидан тўлақонлик ҳукмронликнинг ўрната билиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аслини олганда миллий ҳаётдаги жараёнларни тушунмаслик миллатлар устидан ҳукмронликни ўрнатишга интилиш ва миллий ўзликни англаш омилининг “ўткинчи” эканлигига ишониш каби қарашларнинг сақланиб қолишига боғлиқдир. Миллатлараро муносабатларда салбий ҳолатларнинг юзага келишни худди мана шу омилларнинг куч-қудратини тушуниб етмаслик ёхуд назар-писанд қилмаслик оқибатида содир бўлади. Аммо нима бўлганда ҳам таъсир этувчи “механизмлар”нинг биронтасини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Консолидация этувчи функциялардан миллий ривожланиш ҳамда миллатлар ва эллар ўртасида ўзаро маърифий муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида фойдаланиш учун миллий хусусиятлар сирини, уларнинг характерини ҳақиқий (мафкурадан ҳоли) таҳлил қилиниши ҳамда миллатлараро жараёнлардаги ўзаро алоқага киритувчи омилларни аниқланиши талаб қилинади. Албатта, бирлаштирувчи (консолидация) функциялар ўзининг миллий тараққиётни рағбатлантирувчи муҳим элементи сифатидаги вазифасини бошқа функциялардан ажратиб, изоляция қилинган ҳолда амалга ошириши ва мавжуд бўлиши мумкин эмас. Улар айниқса, тарбияловчи функциялар билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Миллий ўз-ўзини англашнинг мазкур функцияси миллатнинг ақил-заковат, интеллектуал ҳис-ҳаяжон имкониятларини шакллантириш билан ўзаро боғлиқдир. Бундай имконият ўз-ўзидан шаклланмайди ва ривожланмайди. Балки у миллий ўз-ўзини англашнинг тарбиявий функциялари бевосита таъсири остида янги-янги кучлар тўплайди ҳамда тегишли ҳис-ҳаяжон сифатларини ишлаб чиқаради. Миллий ўз-ўзини англашнинг тарбиявий функциясидан кутилган асосий мақсад умуммиллий вазифаларни тушуниш ва ҳал этиш туйғуларини “ишлаб чиқишга” (шакллантириш ва ривожлантиришга) қаратишдан иборат бўлиб, улар моддий ва маданий бойликларни сақлашга ҳамда миллий обрў-эътиборни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, улар ўзга миллатлар ҳисобига намоён бўлиши мумкин эмас. Уларни фақат миллатнинг ўзи, амалий фаолиятидагина шакллантириши мумкин. Бир миллатга бошқа, ҳатто энг юксак инсонпарварликни мужассамлаштирган миллат ҳам миллий онгни, манфаатни тушунишни, ўз-ўзини англаш каби омилларни беролмайди. Лекин у ўтказадиган салбий

хатти-ҳаракатлар маълум маънода таъсир қилиши мумкин. Уларни ўзи шакллантиришга қодир бўлмоғи лозимдир. Тарбиявий функция бевосита моддий вазифалар билан боғлиқ бўлган муаммоларни эмас, балки соф мафкуравий идеологик (дунёқарашга оид) масалаларни ҳал этади. Албатта, миллий тарбиянинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини инкор қилиш унга тор, бир томонлама ёндашилганлигимизни билдирган бўлур эди. Чунки тарбия орқали иқтисодий тафаккур ривожланади ва жамиятда барқарорлик вужудга келади, ижтимоий зиддиятларнинг олди олинади. Бу ерда гап тарбиянинг бош вазифаси ҳақида гап кетмоқда, холос. Тарбия маданият, анъаналар, урф-одатлар қадриятлар ва тилга оид миллий хусусиятларни сақлаб қолишда ҳамда уларни авлоддан-авлодга етказишда яққол намоён бўлади. Тарбиявий функция ўз мақсадини миллий маданиятлардан, тилдан, анъаналар ва урф-одатлардан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Улар орқали миллатнинг онги ва қалбига таъсир кўрсатади, ҳис-ҳаяжон, туйғулар уйғотади, ўз миллий фазилатларидан иборат қадриятлар тўғрисидаги эътиқодни шакллантиради. Аммо миллат онгига таъсир кўрсатишининг ушбу шакллари айрим ҳолларда салбий натижаларга олиб келиши ҳам мумкин. Зеро, ўз миллий афзалликларни муттасил кўкка кўтариб мақтовлар, миллий маҳдудликка, чекланганликка, ўзга миллатларга ҳурматсизликка ва шовинизм каби аломатларнинг пайдо бўлишига кўмак бериши ҳам мумкин.

Айниқса, моддий ва маънавий бойликлар билан таъминлаш имконияти етишмаётган минтақалардан, турли миллатлар ва элат вакилларининг ўз она заминларидан ҳайдалиб, қочоқларга айланган, айрим миллат вакилларининг ўзларининг номлари билан аталувчи ўз давлатларига, миллатдошларига қўшилиб яшашларига интилиши кучаяётган, улардан айримлари эса ҳамон эски тузумни қумсаётганлиги батамом тугамаган шароитларда ҳар бир давлатнинг ўзида яшовчи ўз миллатининг ютуқларини мақташ билан челаниш ёки унга сиёсий тус бериш, ўзи билан ёнма-ён яшаётган миллат борлигини "сезмаслик" мустақилликни мустаҳкамлашдек, умумий вазифани амалга оширишга салбий таъсир этиши мумкин.

Аммо бу зинҳор маҳаллий миллатнинг ўз атрофига ўзга миллатларни бирлаштириш, ўз миллати, ватани ва келажак авлод олдидagi маъсулиятини "инкор" этиш даражасига ҳам кўтарилмаслиги лозим. Чунки у фақат ўз заминидагина ўз имкониятларини юзага

чиқаришга қодир. Унинг дунёдаги ягоналиги ҳам ўз заминига, авлодига, меросига, хусусиятига эга эканлиги билан белгиланади. Маҳаллий миллатнинг “келгиндилардан” фарқи ҳам шундаки, у ўз миллатининг абадийлигини фақат ўз заминидагина таъминлай олади ва миллатнинг истиқболи учун жавобгардир.

Шунинг учун миллий ўз-ўзини англашнинг тарбиявий функциясидан фойдаланиш жараёнида ҳар қандай йўллар билан унинг мазмунини чинаккам миллий ва инсонпарварлик ғоялари асосида тўлдириб боришга ҳаракат қилиш жуда муҳимдир. Миллий заминга таянмаган ҳолда тарбиявий фаолиятини олиб бориш кутилган натижани бериши мумкин эмас. Чунки миллий замин бу халқ ҳаётининг тажрибаси, миллий анъаналар, қадриятлар тасаввурлар муҳитидан иборатдир.

Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитлар ўзгарган вақтда миллий заминнинг ўзида ҳам одамларнинг руҳияти, онгида ҳам тегишли тарзда ўзгаришлар содир бўлади. Аммо, миллий ўзига хослик (индивидуаллик) сақланиб қолади, чунки миллий заминнинг ўзида миллат шаклланади, яънади ва унинг тарихий ўтмиши, тарихий йўли ўхшаш бўлади. Худди ана шу концептуал ғояларимиз “байналмиллатлик”нинг миллийлик бағрида ўсиб, улғайиб камолотга етишига асос эканлигини тасдиқлайди, “байналмиллатлик” миллийлик бағридан ўсиб чиққан фақат битта эмас кўпчилик барҳаманд бўладиган қирралардир. Шунинг учун ҳам биз хоҳлаймизми ёки йўқми миллий тараққиёт ўз қонуниятлари бўйича ўз илдизидан ўсиб чиқадиган қонуниятлар асосида ҳаракатга келади. Тарбиявий функциянинг ўз илдизидан ўсиб чиқадиган мана шу ғоят катта куч унинг онга таъсир кўрсатадиган қобилияти ўсиб боришига ёрдам беради. Мана шу нозик функцияни хушёрлик билан тушуниб олиш ва уни билиш орқалигина миллий тараққиётга ҳамда миллий муносабатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериши мумкин.

Миллий ўзликни англашнинг ҳаракатга келтирувчанлик функцияси ҳам миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатлар тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг куч-қудрати бошқа функцияларга қараганда анча шиддатли ва миллатнинг ҳис-ҳаяжонларини ҳамда руҳиятини моддий кучга айлантиришда устувор аҳамиятга эгадир. Миллат учун умум ҳисобланган муаммолар юзага келган шароитларда “ҳаракатга келтирувчи” функция ишга тушиб кетади. Лекин бу унинг ўзга шароитларда “тинч” турганини билдирмайди. Агар миллат маънафатларига зид ҳаракатлар юзага келган ҳолатларда унинг реал натижалари

миллатнинг ичида мавжуд бўладиган турли қарама-қаршилик ёки салбий ҳолатларга қарамасдан унинг бир “ёқадан” бош чиқаришга олиб келса, “тинч” шароитда бу функциянинг ҳаракати (гарчанд, у доим ҳаракатда бўлишига қарамасдан ҳам) деярлик сезилмайди. Чунки бу шароитда миллий ҳаётнинг ичидаги муаммолари **устуворликка** эга бўлади.

Шунинг учун ҳам миллий ўзликни англашнинг “ҳаракатга” келтирувчанлик функцияси фақат миллат олдида турган глобал муаммоларни ҳал қилишга қарата билиш миллий тараққиёт учун амалий аҳамият касб этиб туради. Аммо реал ҳаётда буни амалга ошириш мураккаб муаммодир. Чунки миллат ичида мавжуд бўладиган турли салбий ҳолатлар унинг юзага чиқишига тўсқинлик қилиб қолаверади. Хусусан, адолатнинг бузилиши, миллат ичидаги табақланиш (бойлар ва қашшоқлар ўртасида тафавутларнинг кучайиши) маданий-маърифий соҳалардаги имкониятларнинг **ҳилма-ҳиллиги** ва бошқалар миллий ўзликни англашнинг ҳаракатга келтирувчилик функциясини ҳар доим ҳам миллий тараққиётга даҳдор бўлган муаммоларни ҳал қилиш ўзанига йўналтириш имкониятини беравермайди.

Шунинг учун миллий тараққиётта таъсир ўтказишнинг энг муҳим муаммолари қаторида адолатни тиклаш, кескин табақланишнинг олдини олиш, турмуш, маданий-маърифий соҳаларда зарур бўлган чораларни амалга ошириш кабилар туради.

Миллий ўзликни англашнинг яна бир функцияси бу миллатга **ўз манфаатларини** ва **унинг ҳимоя қилиш**ни англашдир. Ташқаридан қараганда бу ҳаракатга келтирувчанлик функциясининг айнан ўзидек кўринади. Аммо унинг таъсири ўзгачадир. Хусусан, бу функция миллатнинг онгини, маданиятини-маърифатини шакллантириш ва ривожлантиришдаги хусусияти билан ажралиб туради. Маънавияти ва маърифати қашшоқ миллат ўз манфаатларини англашга қодир эмас. Маданияти ва маърифати ривожланган миллат **ўз манфаатларини** англаши мумкин ҳамда уни ҳимоя қилиш учун ҳаракат қила олади.

Бу функция орқали миллатнинг ички имкониятлари ривожланади ва у ўзининг бирлигини мустаҳкамлаб бўлади. Бундан кўришиб турибдики, мазкур функция “вақтинчалик”ка энг қисқа муҳлатга хос бўлмасдан доимийлик ҳаракатига хосдир.

Мазкур функциянинг барқарор ҳаракати миллий ривожланишнинг аста-секинлигини таъминлаб бориши билан бирга миллатлараро муносабатларда “портлаш”ларнинг олдини олиш имкониятини ҳам вужудга келтиради.

Миллий ўз-ўзини англашнинг бошқа функцияларини таҳлил қилишга қайтиб, баъзи муаллифлар билан мунозарага киришга уриниб кўрамиз. Миллий ўз-ўзини англашнинг бошқа функциялари муаммосини ўрганиш К.Н. Хабибуллин томонидан илгари сурилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади.

Принцип жиҳатдан олганда у кўрсатган мазкур функцияларнинг реал тарзда мавжуд бўлиши шак-шубҳа уйғотмайди. Бирок, бизнинг фикримизча, уларнинг моҳиятини, йўналишини ва мақомини яна ҳам чуқурроқ очиб бериш учун мазкур функцияларни тагин ҳам кенгроқ ва конкретроқ шаклда қараб чиқиш талаб этилади. К.Н.Хабибуллин мослашув функцияси индивидининг миллий ўзига хослик ҳаётий хусусиятларга кўникишида сезилади, деб ҳисоблайди. Бизнинг фикримизча, ҳар қандай ўзига хослик хусусиятларга кўникиш ҳам бошқа ҳодисалар ёки “ҳаракатга келтирувчи” кучлар “аралашувисиз” содир бўлмайди. Яъни ўз-ўзидан “сезилиб қолмайди”. Шу нуқтан назардан олганда миллий ўзига хослик хусусиятларига кўникиш жараёни конкрет шаклда “кучлар” тарбияси ва ёрдамда амалга оширилади. Муаллифнинг ўзи ҳам буни қуйдагича тарада тўғри таъкидлаб ўтади: “Одам оилада, мактабда, дам олиш ёки меҳнатнинг жамоа шаклларида тарбияланиш жараёнида фақат тил кўникмаларига ўрганибгина қолмай, балки салмоқли кадриятлар тарихан топган кадриятлар тўғрисида муайян ҳажмдаги ахборот билан таъминланади”<sup>16</sup>.

Модомики, биз одамнинг ўз миллий кадриятларига эга бўлишида “ташқи” таъсирлаш зарурлигини инкор этмаётган эканмиз, у ҳолда биз (умумий тарзда) мослашув функцияси тўғрисида гапирмасдан, балки миллий ўз-ўзини англашнинг тарбиявий функцияси тўғрисида сўз юритишимиз керак. Яъни мазкур ҳолда гап мослашув функцияси кўламини қай даражада мақсадга мувофиқлиги тўғрисида бормоқда. Холбуки, мослашув функциясининг мақсади ўз миллий кадриятларига инсонни “ўрганишга” ва у билан “таъминлашга” қаратилган экан, “сиртдан қараганда” унинг номи мазмунига асло мувофиқ келмайди. Шунинг учун шакл билан амалга оширилаётган вазифалар мазмунини конкретлаштириш ва уларни бир-бирига мувофиқлаштириш мақсадида, бизнинг фикримизча, ушбу (мослашув) функцияни тарбиявий функция деб номлаш тўғрироқ бўлур эди. Бу номланиш унинг олдингисига қараганда амалга оширила-

ётган ўз вазифалари кўлами ва мазмун моҳиятини кенгроқ акс эттиради. К.Н.Хабибуллин ҳимоя функцияси моҳиятини белгилаб берар экан, бизнинг фикримизча, унинг вазифаларини бир қадар “юмшагади”. Хусусан, у “миллий ўзликни англашни ҳимоя” функцияси, уни миллий таъсирдан муҳофаза этиш мақсадида ўз миллий маданияти теварагида тўсиқлар тиклаш билан боғлиқ эмас, деб ёзади. У фақат миллий ривожланиш эҳтиёжлари таъсирида ғамхўрлик қилишга, уни миллатлар ва мамлакатимиздаги элатларнинг ҳаёти бир-бирига боғлиқ бўлган бир шароитда бошқалар томонидан назар писанд қилмаслик эҳтимолини ёхуд ҳақиқатдан улар назар-писанд қилмаслигининг олдини олиб, уни бундан огоҳ этишга қаратилгандир<sup>17</sup>. Гарчанд, мазкур фикр ҳали собиқ СССР мавжуд бўлган, аммо, парчаланиш арафасига келиб қолган пайтда айтилган бўлса ҳам мамлакатларнинг кўп миллатлардан иборатлигини сақланган шароитлар учун у ҳақида мунозара юритиш ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Мазкур, гоят мураккаб, айни маҳалда манфаатларни англаш ва ҳимоя қилиш функцияга бундай ёндашув, бизнинг фикримизча, унчалик тўлиқ характер касб этмайди: бу биринчидан, унинг номи ҳам ўз вазифаси билдириб туради. Яъни мазкур ҳолда гап огоҳлантириш устида эмас, балки бир нарсани бошқа бир нарсдан ҳимоя қилиш тўғрисида бормоқда. Башарти, “огоҳлантириш” тўғрисида фикр юритиладиган бўлса, у ҳолда “ҳимоя қилиш” деган сўзларни қўллашга зарурат қолмаган бўлур эди. Иккинчидан, агар бу ерда гап ўз маданияти анъаналарини ва урф-одатларига хос бўлган миллий хусусиятларни ўзга миллий маданиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисида бораётган бўлса, у ҳолда бунинг моҳиятини яна ҳам конкретроқ тушунтириш зарур. Мазкур ҳолатда гап ҳар икки томон тўғрисида бориши уларнинг бири (тўла умумий тарзда) қабул қилиши тўғрисида эмас, балки ҳар қандай иккала томон бир-биридан фақат “қабул қилиб олиш” ва “идроқ этиш” ҳисобига бир-бирига таъсир кўрсатиш ва ўзаро бир-бирини бойитиб бориш тўғрисида бўлиши лозим. Яъни жараённинг “ташқи” кучларнинг “аралашувисиз” табиий тараққий этиш ҳақида бориши лозим.

Салбий таъсирлар мавжуд бўлган ёки сиртдан “аралашувлар” бўлган шароитда ўз маданияти ҳисобига “ўзга” маданиятларни “бойитишга” сунъий таъсир кўрсатишга уриниш мавжуд бўлган ҳолларда ҳимоя функцияси ишга тушиб кетади (албатта, агар жамиятни бошқарашнинг демократик ва инсонпарварлик шакл-

лари мавжуд бўлса) ва ўз маданияти, ахлоқий ва маънавий қадриятлари “софлиги”ни ўзга миллий маданиятлардан ҳимоя қилиб, уларнинг суъний йўл билан кундалик ҳаётга кириб келишига йўл қўймади. Зеро, ҳар бир халқда (миллатда) унинг миллий маданиятида, анъаналарида, урф-одатларида, қадриятларида, хулқ-атвори ва ахлоқида то бутунги кунларгача сақланиб келаётган шундай белгилар ва элементлар мавжудки, улар фақат мазкур миллатга ёки элатларгагина хос бўлиб фақат улар томонидан тан олинади, лекин бошқа миллатлар учун қабул қилиши ёки қабул қилиниши мумкин бўлмайди. Бу табиий ҳол. Чунки ҳар бир миллатдаги ҳамма хусусиятлар бошқалар томонидан бутунлай қабул қиланадиган бўлса миллатлар ва улар маданият-лардаги ўзига хосликлар барҳам топган бўлур эди. Худди ана шунинг учун ҳам “менгки” ва “унгки” ўртасида фарқ, керак бўлса, қарама-қаршилик доимий сақланиб қолади. Ўз навбатида мазкур зиддиятли жараён мазкур миллат ва элатлар учун “ўз” маданиятларини бойитишларига интилишини кучайтиради. Қачонки, маданиятда “менгки” ва “унгки” мавжуд бўлмас экан, у албатта, ўлимга маҳкумдир. Худди мана шу икки бир-бирига “қарама-қарши” айти пайтда бири иккинчисиз бўлолмойдиган омилларгина миллий ўзига хосликни умри боқийлигини таъминлайди ва инсоният маънавий оламига гўзаллик баҳш этиб туради. Аммо уларни миллатлараро можароларни келтириб чиқарувчи омилга айланиб кетишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Уларни фақат миллий гўзалликларни намойиш қилиш, улардан ғурурланиш, баҳра олиш ва маънавий юксакликка кўтарилиш мақсадидагина қўллаш лозимдир.

Шундай қилиб, миллатлар, элатлар мавжуд экан, миллий ўзликни англаш барқарор ривожланиб, такомиллашиб бораверади. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, “ҳимоя” функциясининг моҳиятини талқин қилишда бир ёқламаликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бу миллий маданиятнинг бир-бирига таъсир кўрсатиши ва бир-бирини бойитиш моҳиятига нотўғри муносабатни шакллантиради ҳамда ушбу жараёнда мавжуд зиддиятларни назар-писанд қилмай, уларни инкор этилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга ҳимоя функцияси аҳамиятини абсолютлаштириб уни ўзга миллий маданиятларнинг “ташқи” таъсиридан ҳимоялаб, “бунга” йўл қўймасдан, ҳимоя функциясини ўзига “қалқон” қилиб олинишига йўл ҳам қўйиб бўлмайди. Чунки дунёда “соф” миллий маданият мавжуд эмас, ҳар доим ҳар бир маданиятда “бегона” (ўзга) миллий маданият ҳам “бегона-

ларга” ўзидан ниманидир “бериб” туради. Яъни маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини ўзаро бойитиши — бу ҳар бир маданият ривожини учун ва умуман бутун дунё цивилизацияси маданияти учун хос бўлган умумий қонуниятдир. Миллий ўзлиқни англаш функцияларининг вазибаларини таҳлил қилиш жараёни кўрсатдики, миллий тараққиёт икки асосий қонуниятлар асосида содир бўлади: биринчидан, ҳар бир миллатнинг ўз заминлари, илдишлари асосий “хом ашё” сифатида етакчи ўринни эгаллайди; иккинчидан, миллатлар ўзгалардан нималарни қабул қиладилар ва уларга нималарнидир бериб турадилар. Бу тараққиётнинг объектив қонунияти ҳисобланади. Аммо миллатлар маънавий оламига “ташқари”дан зўравонлик йўли билан аралашув, таъсир кўрсатиш фақат миллий низолар келтириб чиқармасдан, шунинг билан бирга мамлакатни ҳам ҳалокатга олиб келади. Худди ана шу маънода ҳам миллий ўзлиқни англашнинг табиий ривожланишига имконият яратиш зарур бўлади.

Албатта, миллий ўзлиқни англаш омили ички салоҳиятида мавжуд бўлган турли функцияларни ажратиб кўрсатиш билан улар ўз-ўзидан амал қолавермайди. Балки, амалиётда кўрсатилган функцияларнинг моҳиятини тўла тушуниш, улардан тегишли йўналишлардаги вазибаларни амалга оширишда санъаткорона фойдалана билишга ҳам кўп нарса боғлиқдир.

Юқорида таҳлил қилинган жараёнида кўрдикки, миллий ўзлиқни англаш омилини бефарқ ёки эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Чунки миллатнинг обрў-эътибори, ор-номуси, гурури, ўзга миллатлар олдидаги ўзига ҳослик каби бир қатор ўта мураккаб, ўз навбатида ҳар қандай “ташқаридан” бўладиган “зўравонлик”ларга тезкорлик билан жавоб қайтаришга қодир бўлган ҳар бир миллатнинг ички руҳий салоҳияти билан боғлиқдир. У миллатга қаратилган ҳар қадайдир ҳаракатларга ёки унинг манфаатларига зид бўлган муносабатларга ўзининг жавобини қайтаради.

Миллий ўзлиқни англашнинг миллатлараро муносабатларда турли можароларни келтириб чиқариш омилига айланиши аксарият кўпчилик ҳолларда маънавий эҳтиёжларни етарли даражада қондирмаслик, миллатнинг ўзига ҳослигига нисбатан ҳурматсизлик каби салбий ҳолатларнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлади. Бу табиий ҳол. Чунки маънавият миллатнинг ор-номуси, гурури, ички руҳий салоҳияти, керак бўлса унинг бутун борлиғидир. У ўзининг миллат сифатидаги “қиёфасини” маънавият орқалигина намоён эта олади. Шунинг учун ҳам маънави-



ятга нисбатан бўладиган ҳар қандай салбий муносабатлар миллатга нисбатан билдирган тажавуз сифатида қабул қилинади.

Маънавиятнинг миллий ўзликни англашнинг салбий омил даражасига кўтарилишини халқимизнинг “қорнимага эмас, қадримга йиғлайман”, деган дона мақолига қиёслаш орқали тасаввур қилиш мумкин. Яъни миллат моддий қашшоқликка чидаши мумкин, аммо ўзининг маънавияти, ор-номуси, гурурига нисбатан бўладиган ҳар қадай салбий ҳаракатларга бардош беролмайди ва албатта, унга ўзининг кучи ва қудрати билан жавоб қайтаради. Унинг ўзлигини ҳимоя қилиши ҳар қандай моддий бойликдан минг чандон устундир.

Бу келтирилган фикрларимиз миллий тараққиётда бир неча марталаб ўз тасдиқини топиб келмоқда. Улар миллий ўзликни англаш ва миллий маданият омилларининг бир-бирлари билан ўзвий боғлиқлигини, “ҳимоя” қилишлигини ва умуммиллий тараққиётнинг мезонларини белгилашдаги етакчилик ўринлари мустаҳкам эканлигини тасдиқлайди.

Юқорида илгари сурилган, концепцияларимиз таҳлилларидан куйдаги умумий хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Собиқ совет тоталитаризм даврида “миллат”, “маданият”, “миллий ривожланиш”, “миллий ўзликни англаш” каби миллат омилининг мазмуни-салоҳияти, мақоми ва ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрни билан боғлиқ бўлган тушунчаларни таърифлашда тузум ва мафкуравий манфаатлар нуқтаи назардан ёндашилган. Бу ўз навбатида “миллат” манфаатлари, унинг жамият ва ижтимоий тараққиётга кўрсатиши мумкин бўлган қудратли ички руҳий салоҳиятини тушуниб етмаслик ёки уни хос-пўслаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бундан ташқари, миллатни ривожланиши билан боғлиқ бўлган қарашлар, ёндашувлар давлат сиёсати “рамкаси” доирасидан чиқиши “миллатчилик”да айибланган, оқибатда назарияда догматизм (қотиб қолган андоза) вужудга келган бўлса, амалиётда аввал “майда” миллатлар ичида йирик (сон жиҳатдан) миллатларни аралаштириб, уларни ўзаро “яқинлаштириш” ва кейинчалик уларни (сон жиҳатдан кам бўлган миллатларни) “йўқ” қилиб юбориш томон, дадил қадамлар қўйилган.

Аммо назариётчилар ва амалиётчилар миллат сон жиҳатдан кичикми ёки каттами, ундан қатъи назар жуда катта ички руҳий салоҳиятга эгаллигини ва унинг қудратини нималарга қодир эканлигини охиригача тушуниб етмаганлар. Улар ўзлари илгари

сурган ғояларни марксизм-ленинизмдаги миллий манфаатларнинг синфий манфаатларга бўйсундирилганлиги тўғрисидаги таълимотларини асос қилиб олганлар. Бундай қарашлар эса социализмни кўкларга кўтаришга, фақат жамият миллий тараққиётни ва миллатлараро муносабатларни ҳал қилиб бераолади, деган “концепциянинг” ишлаб чиқишига ҳамда уни ўзравонлик билан амалга оширишга олиб келган.

2. Илмий адабиётларда “миллий ўзликни англаш” мустақил омил сифатида миллат салоҳиятини ташкил қилувчи энг асосий восита эканлиги тўғрисида ҳам яқдиллик шаклланмаган. Баъзи олимлар унинг мавжудлиги ва миллий тараққиётга таъсири ҳақида фикрлар билдирган пайтларида, бошқалар уни бутунлай инкор қилганлар. Энг асосийси миллий ўзликни англаш миллатнинг етакчи, устувор белгиси сифатида илмий адабиётларда ўз мақомини олмаган. Бу эса миллатларнинг ички руҳий салоҳиятининг имкониятларини тушуниб етмасликка олиб келган.

3. Миллий маданиятнинг миллат мавжудлиги ва унинг истиқболдаги ўрни ҳам бўзиб талқин этилган. Хусусан, миллий маданият ривожланишининг бош йўналиши унинг “байналмилаллашуви” деган таълимотлар юзага келган. Аммо, ана шу “байналмилаллашиш” нима ҳисобига ва заминлари нималар билан боғлиқ, деган саволлар жавобсиз қолиб келган.

Миллий маданият ва миллий ўзликни англаш омиллари ўртасидаги муносабатлар ҳам муаммолигича қолиб келган. Боз устига маданият фақат тор доирада (адабиёт, санъат, мафкура ва ҳоказо) ўрганилиб келинган. Бу ҳам яна унинг барча имкониятларини тўлалигича тушуниб етишга путур етказган.

Мазкур мавжуд муаммоларни ҳар томонлама ўрганиб ва миллий тараққиёт аччиқ тажрибаларига асосланиб, бир қатор ғояларни илгари сурдик. Жумладан: а) миллий ўзликни англаш миллатнинг мустақил устувор белгиси ҳисобланади. У ўз мақомига кўра миллатнинг ички руҳий салоҳияти бўлиб, миллатни “ҳаракатга” келтириб, унинг “мавжудлигини” тасдиқлайди. Миллат мавжудлигининг энг асосий шarti унинг ўз-ўзини англаш ички руҳий салоҳиятга эга бўлишидир. Ана шу салоҳият бўлмаган миллат ўлимга маҳкумдир;

б) миллат шаклланишида моддий омиллар катта рол ўйнайдилар. Аммо улар миллатни этник бирлик сифатида вужудга келишида маънавий омилларга нисбатан устувор эмас. Чунки, миллат шаклланиши фақат моддий омилларга бўлган эҳтиёжлар

юзага келиши билан боғлиқ, деб қараш бир томонламалик ҳисобланади. Чунки, у ҳали ана шу эҳтиёжлар юзага келмасдан олдин инсонларнинг (миллатнинг) ички руҳий боғлиқлари вужудга келади ва у ўз навбатида моддий эҳтиёжларнинг юзага келишига “туртки” беради. Яъни миллат маънавий-руҳий омиллар устуворлиги ва моддий омилларнинг таъсири асосида шаклланган этник бирлик ҳисобланади;

в) миллий ўзликни англаш ва миллий маданият миллатнинг мустақил белгилари бўлишлари билан бир вақтда, бир-бирларини бойитиб боровчи омиллардир.

Миллий маданият миллатга ҳос бўлган хусусиятларни ўзида акс эттирса, миллий ўзликни англаш миллатнинг ана шу ўзига хослигини “сақлайди” ва “ҳимоя” қилади.

Инсоният мавжуд экан, миллатнинг қайсидир шаклда мавжудлиги ҳам муқаррардир. Шунинг учун ҳам унинг муаммоларини назарий ва методологик жиҳатдан ўрганиб боришга эҳтиёж ўсиб бораверади.

## **ИККИНЧИ БОБ.** **МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ** **ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Миллат ҳам инсон каби буюк неъматдир. У инсон ҳаётлиги шароитида инсон каби ривожланиб ва такомиллашиб боради. Собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида бундай фикрларни айтиш мана этилган эди. Шу боисдан инсон омилига бағишланган жуда кўп илмий ва бадиий асарлар яратилишига қарамасдан “миллий омил”га бағишлаб асарлар яратиш нарийёда турсин, ҳатто фалсафий ва сиёсий луғатларда ҳам бу тушунча учрамайди. Шу сабабли миллат масалалари билан шуғулланган олимлар миллатнинг абадийлигига шубҳа билан қараганлар.

Адолат юзасидан айтиш лозимки, миллий ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги таъкидланиб келинган. Аммо иқтисодий ҳаётнинг бир хиллиги, давлат ҳукмронлигининг шаклланиши маданиятни фақат музейлар, театрлар ва бошқа муассасалар фаолияти доирасида акс эттириш, унинг мазмунини нотўғри англаш, миллий маданиятнинг моҳияти бузилишига ўзининг катта салбий таъсирини ўтказган. Айниқса, кўпмиллатли давлат шароитида миллий манфаатлар, ахлоқий қадриятлар, анъаналар, руҳий ҳис-ҳаяжонлар, миллат моддий ва маънавий ҳаётининг барча тамойилларини ўзида мужассамлаштирувчи ҳамда давлат ҳаётига ўзининг салмоқли таъсирини ўтказувчи “миллий омил”нинг ролига эътибор қаратилмаган.

Кўп миллатли давлат шароитида миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги ҳодисаларнинг шу кунги ҳолати кўрсатишчи, ҳар бир миллат, элатнинг фақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий имкониятларгина эмас, балки уларни ўзаро муносабатларининг маънавий ҳис-ҳаяжонлари ва руҳий имкониятларини ҳам ўрганмай туриб миллий тараққиёт билан боғлиқ бўлган биронта соҳада қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Мазкур муаммоларга бағишланган адабиётларни таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, миллий омилнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий омилларга таъсири масалалари жуда кам ўрганилган. Улар ўрганилган тақдирда ҳам ҳар қандай кўп мил-

латли мамлатда умумий манфаатлардан ташқари миллий манфаатлар ҳам мавжудлигини “унутиб” фақат “халқларнинг ягона оиласи” манфаатлари нуқтаи назаридан ўрганилган. Аслида миллий манфаатларнинг мавжудлигини ижтимоий тараққиётда миллий ҳисобга олиш зарурлигини тақозо қилади. Зеро, манфаатлар ўзаро мувофиқ келмаган жойда тегишли фарқлар, зиддиятлар, баъзида қонли тўқнашувлар юзага келади.

Кўп миллатли давлатда миллий ўзликни англашнинг ўсиши ҳар бир миллат ва элатнинг иқтисодий ҳамда сиёсий мустақилликка интилиш билан миллий омилнинг роли ортиб боради. Бу объектив жараёни назарда тутган ҳолда миллий омилнинг барча имкониятларини ҳар бир миллат ҳамда элатнинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини тиклашга, “маҳаллий” миллатлар бирлигини вужудга келтиришга, улар атрофига турли бошқа “келгинди” миллаталар ва элатлар вакилларининг жамланишига ҳамда давлатнинг барқарор бир бутунлигини таъминлашга эришиш мумкин бўлади.

## **2.1. Миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг ривожланиш диалектикаси**

Маданиятнинг тугамас имкониятлари, биринчидан, кишилар моддий ва маънавий фаолияти натижасида мужассамлашган билим кўникма ижтимоий тажрибанинг барча “захирасини” ўз ичига қамраб олади. Уларнинг дунёни тушунишда ва атроф-муҳитни ҳис қилишда маълум халқ миллат ва элатнинг эмонационал, маънавий ва ғоявий назарий йўналтирилганлигида ётади. Иккинчидан, бу маънавий салоҳият ўз ичига кишиларнинг тажрибаси, билими ва фаолиятигина эмас, шу билан бирга тарихий хотирасини, халқ (миллат ва элат) манфаатлари, мақсадларини ҳам қамраб олади. Бу омилларнинг ички ўзаро алоқаси ҳамда ўз маънавий қадриятларига интилиши халқлар фаолияти ва ўзаро алоқаси жараёнида ишлаб чиқилган ёки ишлаб чиқиляётган барча интеллектни (салоҳиятни) умумий (миллий) “қозонга” келиб қуйилиши содир бўлади. Шунинг учун халқ мероси салоҳияти доимо миллатлар ва элатлар, уларнинг маданияти ва ўзлигини англашнинг шаклланиши ҳамда ривожланишида бош манба бўлган ва шундай бўлиб қолади. Ўз мустақиллигини ва маданиятнинг ўзига хослигини (объектив сабаблар туфайли) йўқотган халқ бошқа халқларга бирор нарса беришгагина эмас, балки миллат ёки элат сифатида истиқболда мавжуд бўлишга ҳам қодир бўлмайди.

Халқлар маданий меросининг аҳамияти, ролини таҳлил қилишда унинг фақат ички имкониятларига эмас, балки “четдан” табиий қабул қилиш салоҳиятига ҳам эътибор бериш муҳимдир. Жаҳонда ҳозирги кунгача ўз мазмуни ва хилма-хиллиги бўйича бой имкониятларга эга бўлган “соф” маданият борки, у маданиятнинг мавжуд бўлиши ёки “ўлиши” моҳияти ва сабабларини тушунтиришга ёрдам беради: ўз ички ресурсидан бошқаларга бирор нарса бера оладиган ва ўзида “йўқ” нарсани қабул қила оладиган маданиятгина яшаши ва янада ривожланиши мумкин.

Чунки халқларнинг маданий мерослари, бошқа ҳодисалар каби қотиб қолган ва ўзининг ички имкониятлари билангина чекланган майда турли маданиятларнинг ўзаро алоқаси, ўзаро бир-бирини тақозо этиши, таъсири ва бир-бирини бойитиши каби субъектив қонуниятларнинг мавжудлиги туфайли содир бўлади.

Миллий маданиятни ва миллий ўзликни англашнинг шаклланиши ҳамда ривожланишида мавжуд ижтимоий тараққиёт, унинг муассасалари, тузум ҳамда мафкуралари ҳам муҳим рол ўйнайди. Чунки улар жамият тараққиётининг объектив қонунилари, унинг моддий ва маънавий соҳалари билан ўзаро боғлиқ бўладилар. Шунинг учун ҳам, улар у ёки бу жараёни тезлаштиришлари ёки аксинча, вақтинча секинлаштиришлари ҳам мумкин. Миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг шаклланиши ҳамда ривожланиш муаммолари кўпгина муаллифлар томонидан ўрганилган. Аммо, уларнинг шаклланиш ва ривожланишини ўрганиш ҳамда кўрсатиб беришга бағишланган илмий ишларнинг кўплари бир томонламалик хусусиятига эга бўлган. Гарчи, мавжуд ажабиётларда маънавий мероснинг аҳамияти кўрсатилиб, ижтимоий ҳодисалар, шу жумладан, маданият ва ўзликни англаш ривожига ворислик қонуниятлари очиб берилсада, миллий маданият ва ўзликни англашнинг битмас-туганмас манбаи бўлган халқ заминлари ўз мезонлари даражасида ёритиб берилмаган. Кўпгина ҳолатларда аждодлардан қолган у ёки бу қадриятлар оддийгина санаб ўтилган, уларнинг миллий маданият ва миллий ўзликни шакллантиришдаги конкрет аҳамияти таҳлил қилинмаган, кўпгина ҳолатларда эса уларнинг миллат манбаи сифатидаги роли ҳам камситилган. Бу собиқ совет тоталитаризмининг жамият учун “ўта” “ҳавфли” бўлган қуйидаги омилларигина: биринчидан, омма онгини жамият тараққиётига “зид” бўлган ғоялар билан “заҳарловчи” динга; иккинчидан, миллатлар ҳаётларини “байналмилалашштиришга” “тўсиқ” бўлган “миллатчиликка” қарши курашининг инъикоси сифатидаги ўзининг ифодасини топиб келган.

Ҳар бир миллатнинг мерос тариқасида олган барча маданиятининг диний шакли тарихий муқаррар бўлиб, буни инкор этиб бўлмайди ва бу ўтмишдаги халқ маънавияти муносабатларидаги икки сабабга кўра нигилизм учун асос ёхуд умуммаънавий тараққиётга зид бўлолмайди. Биринчидан, маънавий қадриятлар авлодлар эстафетасида узайишининг диний усули жаҳон маданияти ва динларининг бутун тарихида синовдан ўтган маданий ворисликнинг объектив зарур ҳамда нодир механизмидир. Бундан воз кечиш маданий ворисликни йўқ қилиш, халқни “манқуртлаштириш”дан бошқа нарса эмас. Иккинчидан, динни ҳар қандай таққиклашга уриниш инсонларни ишонч, имон ва эътиқоддан маҳрум этишга ҳаракат қилиш билан тенгдир. Чунки дин нафақат маълум гоё, шунинг билан бирга у маънавият ҳамдир. Одамларнинг динга эътиқоди уларда инсонийликнинг энг яхши намуналарини шакллантиради. Қалбини тозалайди ва маънавий баркамолликка кўтаради. Шунинг учун ҳам миллат тараққиётини динсиз тасаввур қилиб ҳам бўлмайди.

Миллий маданиятдан динни “ажратиб” олишга ва уни халқ (миллат) дунёқарашидан “чиқариб” юборишга қаратилган барча ҳаракатлар маданиятнинг ҳам ривожланишига эмас, аксинча қашшоқлашиб боришга ва миллатнинг ўз қиёфасидан маҳрум бўлишига олиб келади. Энг характерли нарса шу бўлдики, миллий маданиятларни “ривожлантиришга” қаратилган ҳар қандай қудратли кучлар ҳам аجدодлар тарихий хотираси ва тақдорланмас маданий ютуқлар салоҳиятига бардош бераолмайди. Бунга собиқ тоталитаризм шароитида миллатни бездирган сиёсатига жавоб сифатида миллий ўзликни англашда “портлаш” жараёни содир бўлганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Миллатнинг бақувват мероси ва тузумнинг зўравонлиги ўртасидаги курашда миллат заминларининг устувор эканлиги тасдиқланди.

Ҳозирги замон этник “уйғониш” “тинч” собиқ социализмни ўз миллий тараққиёти учун кураш майдонига айлантирди. Албатта, бундай вазият миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг шаклланиши ҳамда ривожланишидаги мавжуд барча “концепцияларни” чиппакка чиқарди.

Маданиятнинг илдиэлари миллий ўзига хосликни яккаюғона асровчиси ҳамда соҳиби бўлган халқ миллий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши маданият ривожланишидаги биринчи қонуниятдир. “Маданий мерос”нинг моҳияти шундаки, одамлар ҳар бир тарихий босқичда ўз моддий ва маънавий (ахлоқ, фалсафа, дунёни тушуниш, анъана, урф-одат ва шу каби)

қадриятларни яратади. “Эскилар изсиз йўқолмайди. Мана шу “эскилар” келажак тарихий босқичдаги янги авлод учун мерос ҳисобланади. Ворислик ва маданий мерос муаммоларни йирик мутахассиси, Э.А. Баллер бундай ёзади: “Инсон онгининг илгари ривожланиши жараёнида мутлақ ҳақиқат аста-секин кристалланиб боради: кишилар янги авлодига қоладиган маданий қадриятлар, фан, фалсафа, ахлоқ ва шу қабиларда доимо қандайдир абсолют ўчмас қиймат (аҳамият) бўлади. Бундан кейин маданият қандай ривожланмасин, инсоният илгари эришилган натижалардан воз кечмайди, улардан маданиятнинг прогрессив ривожланишида фойдаланиш зарурдир”<sup>1</sup>.

Бу фикрларга қўшилар эканмиз, фақат бир нарсани қўшимча қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Инсоният илгари эришилган натижаларни онгли хотирасидан ўчиришга қолдир эмасдир. Ҳар қандай янги авлод ўзидан олдин яшаган авлодлар “бағрида” ўсади, унинг ҳаётий тажрибаларини ўзлаштириб боради, у билан бирга камол топади ва кейинги авлодга илгари даврда яратилган ва ўзи яратган маънавий меросларни етказиб беради. Шу тариқа авлодлар ўртасидаги меросий алоқдорлик халқ (миллат) яратган бойликларнинг давомийлигини таъминлайди. Бунинг устига инсон онгининг табиати ўзининг онглик сифати билан ҳайвонот оламида фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ижтимоий ва инсоният тараққиёти жараёнида маданий мероснинг роли ортиб боради. Халқ фаолиятида маданий мерос ролининг асрлар мобайнида аста-секин ортиб бориши ижтимоий-тараққиёт суръатлари жадаллашувининг тақозо этувчи ижтимоий сабаблар ўсишининг табиий жараёни туфайлигина содир бўлмайди, балки улар ўзаро боғлангандир. Унинг бу йўналишдаги фаолияти қанчалик бевосита бўлса, маданий мерос унинг учун шунчалик кўп аҳамият касб этади. Ва аксинча, «маданий меросни борган сари фаслроқ ўзлаштириш халқ оммаси маданий ижодиётнинг характериға кўра янада бойроқ, ҳажмиға кўра янада кўламроқ, аҳамиятиға кўра салмоқлироқ қилади».<sup>2</sup>

Миллий ўзлиқни англаш “портланган”, ҳар бир миллат ва элат ўз “илдизига” интилган ҳамда ўз маданий меросини ўзлаштиришга ҳаракат қилаётган ва бу жараён ошқора, зиддиятли шаклда бўлаётган ҳозирги шароитда ҳар бир халқ маданий меросини чуқур ўрганиш, уни тиклаш масаласи устувор вазифа даражасига кўтарилади.

Фақат мустақилликни қўлга киритган мамлакатимиздагина эмас, балки тараққий этган жаҳондаги халқлар маданий тараққиёти тажрибаси бўйича таъкидлаш лозимки, олдинги авлод қолдирган маданий мерос ҳеч қачон қаримайди. Ҳар қандай за-



монавий миллий маданият уни “истеъмол” қилувчилар сонидан қатъи назар, агар ўз илдизидан узилган бўлса, узоқ муддат яшай олмайди ва ўз “истеъмолчиларини” маънавий қашшоқлашувига олиб келади.

Халқлар маданий мероснинг миллий маданиятини шакллантиришдаги роли ва аҳамияти инсониятни ўз тараққиётининг кейинги босқичига ўтиш шаклидан қатъи назар объектив қонуният сифатида таъсир этади.

Миллий маданият шаклланиши ва ривожланишидаги кейинги қонуният миллий маданиятларнинг бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитишидир. Ўзаро таъсир ва ўзаро бойитиш тушунчаси янгилик эмас. Жаҳон маданияти ривожидан маълумки ўрта асрлар шарқи ўз маданий сабоқлари билан ғарбга таъсир этган, Шарқ халқлари маданияти таназулга юз тутганда Ғарб маданияти ютуқлари Шарққа таъсир этган. Бу ҳақда марҳум академик А.И. Муминов бундай ёзган эди: “ўрта Осиё халқлари антик даврлардан бошлаб Хитой, Ҳиндистон, Шарқий Европа халқлари билан савдо-иқтисодий муносабатда бўлганлар. Бу тарихий алоқалар асосида улар ўртасида ва маънавий ҳаёт жабҳаларида мулоқот, уларнинг ўзига хос маданиятларининг ўзаро таъсири ва ўзаро бойитиш ривожланган”. Рус академиги Н.И. Конрат инглиз тарихчиси А. Тойнбига ёзган хатида Ўрта Осиё халқлари маданияти борасида бундай деган эди: “Қадим замонларда, айниқса, ўрта асрларда Ўрта Шарқ Эрон ва турк халқлари маданияти доирасига кирган, улар орқали эса шимолӣ-ғарбий Ҳиндистон маданияти билан, ундан илгарроқ эса Кушон подшоҳлиги, Бақтрия эса эллинизм маданияти билан чирмашиб кетган. Мен эронлилар ва туркларнинг араблар маданияти билан аралашиб кетганлигини гапирмасам ҳам бўлади”<sup>3</sup>.

Мустақил давлатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “...Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири мана шу минтақада (Ўзбекистон ҳудудидан) пайдо бўлган. Қадим замонларда “Буюк ипак йўли” шу ердан ўтган.

Халқимизнинг давлатчилик тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган”<sup>4</sup>.

Миллий маданиятларнинг бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитиб бориши, диалектик бир бутун тушунчалардир. Уларнинг диалектикаси шундан иборатки, миллий маданиятлар

бир-бирига таъсир кўрсатиш жараёнида ўзга миллий маданият айрим белгиларини (хусусиятларини) олиб, айна бир вақтда ўзгалар учун мақбул бўлган хусусиятларни бошқаларга ҳам ўтказиб боради. Ўзаро бойиб бориш жараёнида ҳар бир маданият ривожланиб, яна ҳам бойиди, чунки у барча миллий маданиятлар эришган энг яхши ютуқларни ўзида мужассамлаштиради. Мазкур жараёнда ҳар бир миллий маданият янги ривожланиш даражасига кўтарилади. Миллий маданиятларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитиб бориши объектив шарт-шароитлар ҳамда субъектив омиллар натижаси ва жараёни ҳисобланади. Бунда уларнинг моҳияти ва характери объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларга нисбати билан белгиланади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, ўзаро таъсир ва ўзаро бир-бирини бойитиш — бу фақат объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг натижаси ва жараёни бўлибгина қолмай, шу билан бирга тарихий тенденциялар, умуман маданият ва маданий тараққиётнинг ранг-баранг шакллари мавжуд бўлишидаги объектив зарурият (қонуният) ҳамдир.

Миллий маданиятларнинг ривожланишидаги бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиш деганда икки ёки кўп томонлама таъсир тушунилади, яъни бу ерда нафақат бевосита тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш жараёнигина эмас, балки тескари акс йўналишдаги таъсир, шунингдек, бир нечта миллий маданиятларнинг бир вақтда кўрсатадиган таъсири назарда тутилади. Бинобарин, ҳар бир миллий маданият бошқа миллий маданиятга таъсир кўрсатар экан, ўз навбатида ўзи ҳам ўша маданият таъсирида бойиб боради ва ривожланади.

Россияда Октябр тўнтаришидан кейин миллий маданиятларни шакллантириш ва ривожлантириш, улар ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатиш фақат бир томонлама таъсирни таъминлашга қаратилди. Яъни рус маданиятининг бошқа, Россияга қарам бўлган халқлар маданиятларини рус халқи маданияти таъсирида ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий тамойилига айланади. Боз устига рус маданиятининг ривожланишида ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилди. Хусусан, уни ривожлантиришда халқнинг асрлар давомида яратганларидан унумли фойдаланмасдан, вужудга келган янги тузум большевойларнинг мафкуралари асос қилиб олинди. Натижада рус маданияти нафақат қарам халқлар маданиятини бойита олди, балки ўзи ҳам қашшоқлашиб борди.

Шу жиҳатдан қараганда Россияда амалга оширилган тўнтариш миллий маданиятларнинг ўзаро таъсир кўрсатишини бутунлай издан чиқарди ва уларнинг ўз заминларидан маҳрум бўлишида янги жараёни бошлаб берди.

Маълумки, Марказий Осиё минтасиқада яшаган халқларнинг ўша давр мезонлари билан қараганда ривожланиш даражалари бир-бирларига яқин эди. Улар ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари билан шуғулланиши орқали фарқланганлар. Албатта, бу миллат онгини ва бирлигини вужудга келишига ўз таъсирини кўрсатган. Баъзи халқларнинг миллий ўз-ўзини ривожлантириш даражаси шаклланишининг фақат бошланғич босқичида бўлса, камроқ ривожланган бошқа миллатлар мазкур жараёнга энди-энди имконият яратаётган ва ниҳоят учинчи бир хил халқларда бундай имкониятлар ҳам ҳали мавжуд эмас. Бу большевоиларнинг минтақа халқларини ўз орқаларидан эргаш-тиришга мажбур этишлари учун катта имконият ҳам яратган. Қарамлик шароитида минтақамиз халқларининг миллат сифатида “шаклланиши” ва уларнинг маданиятлари тузум моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ривожлантирила бошланди. Айниқса, илгари ягона заминга эга бўлган маданиятларни миллий маданиятни шакллантириш шиори остида парчалаб юбориш ва уларни ягона маданият атрофига бирлаштириш жараёни тезлаштириб юборилди. Бу жараён барча илмий адабиётларда миллий маданиятларнинг ўзаро таъсир кўрсатиши ва бойиши, деб баҳоланади.

Аслини олганда, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши бошқа маданиятлар устидан қандайдир афзалликни қўлга киритиш учун эмас, балки маданият ривожланишининг табиий бир жараёни сифатида содир бўлишидир. Бу миллий маданиятларнинг тенг ҳуқуқли шерикларининг ўзаро муносабатлари бўлиши лозим эди. Миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиш жараёни миллий маданиятларни яқинлаштириш манбаи ва бу яқинлаштишни тезлаштириш омили бўлади, зеро, айни, худди мана шундай йўл билан ушбу жараён ўзаро тараққиётга томон йўналтиради. Бироқ ўзаро таъсир жараёнига қўшилаётган у ёки бу маданият сустроқ ривожланиши мавжуд бўлган шароитларда кўпроқ даражада ривожланган маданият албатта, камроқ даражада ривожланган маданиятга қараганда кўпроқ таъсир ўтказди. Бундай бир ёқлама (нисбатан) ўзаро бир-бирига таъсир мавжуд бўлишига қарамай, барибир томонлар бир-биридан ниманидир қабул қилиб, бир-бирларидан баҳраманд бўладилар.

Амалий жиҳатдан олганда миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирин бойитиши халқларнинг ўзаро алоқалари орқали содир бўлади. Бундай алоқалар турли шаклларда намоён бўлади. Маданиятлар хазинасини бойитишда ва миллий қадриятларнинг юксак даражада бўлишида ушбу жараённинг амалий аҳамияти беқиёсдир.

Собиқ совет тузуми шароитида миллий маданиятларнинг ўзаро таъсирини кучайтириш борасида собиқ марказ ҳукмронлигида республикалар ўртасида адабиёт ва санъат декадалари, турли хилдаги тадбирлар ўтказилар эди. Тўғри бу декадаларнинг дастурлари ва учрашувда гапириладиган гаплар ҳаммаси собиқ марказ томонидан тасдиқланар ҳамда амалга оширилар эди. Аммо ана шу декадалар ва учрашувларда миллий маданиятни ташвиқот қилиш бир томонламаликни ташкил қилар эди. Хусусан бундай тадбирлар рус бўлмаган халқлар ўртасида ўтказилишига қарамасдан албатта, рус адабиёти ва санъат асарларини ташвиқот қилиш устувор бўлиши лозим эди. Оқибатда бу тадбирларда рус бўлмаган халқлар маданиятига рус маданияти таъсирини кучайтирувчи воситага айланиб кетган эди. Бундай тадбирлардаги бир томонламалик яна шунда намоён бўлар эдики, бундай декадалар, учрашувлардаги бадиий асарларнинг аксарият кўпчилигини рус адиблари, композиторлари, шоирлари, раҳомларнинг асарлари ташкил қилар эди. Бошқа миллатлар вақилларининг асарлари номигагина рўйхатларга киритилар эди, холос.

Зеро, бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад ҳам миллий маданиятларга рус маданиятини сингдириш, унинг етакчилигини таъминлаш, унга устуворлик бериш ва охир-оқибатда барча миллий маданиятларни ўз хусусиятлар, маҳрум қилиб, ягона “интернационал” маданиятни вужудга келтириш эди.

Шунинг учун ҳам бундай тадбирлар чеккадан қараганда жуда катта “самара” бераётгандай кўринар эди. У халқлар маданиятларининг ўзаро бойишига, уларнинг ўзаро яқинлашишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказётгандай туюлар эди. Аммо, реал ҳаётда бу халқларнинг ўзаро яқинлашишида чинаккам маънавий воситага айланиб кетолмаган эди.

Собиқ иттификдош республикалар мустақил давлат сифатида ривожланаётган бугунги кунда, улар ўз халқи маданиятларини кенг ташвиқот қилиш, ўзга халқларга таништириш, ўзгаларнинг маданиятини илғор томонларини ўз халқига таништириш каби энг муҳим тадбирларни мустақил амалга ошириш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Аммо бу жараён ўсиб келаётган эҳтиёждан орқада қолмоқда. Бунга қуйдагилар сабаб бўлмоқда: **Биринчидан**, бугунги кундаги барча мустақил давлатлардаги иқтисодий қийинчиликлар маданиятни ривожлантиришга, унинг моддий базаларини мустаҳкамлашга ҳам имконият бермаётир. **Иккинчидан**, ана шу қийинчиликларга қарамасдан, барча мустақил давлатлар (собик иттифоқдош республикалар)да биринчи навбатда миллий-маънавий тикланиш жараёнига асосий эътибор қаратилмоқда. Барча миллатлар собик совет тоталитаризми шароитида маънавиятни ривожлантиришда бой берилган имкониятнинг ўрнини тўлғазишга, ўз урф-одатлари, анъналари, қадриятларни қайта тиклашга, миллий ўзлигини англашга интилмақдалар. Бу объектив жараён ҳисобланади. Чунки дастлаб ҳар бир миллат ўзини-ўзи англаши, ўз ўрнини билиши, нимага қодир эканлигини тушуниб етиши лозим бўлади. Шундагина у ҳеч кимнинг “ёрдамисиз” ўзи ўзгалар билан яқинлашишга эҳтиёж сезади, аммо ўзликни англаш миллатларни ўзгалар билан яқинлашувига салбий таъир кўрсатувчи жараёнга айланмаслиги лозим.

**Учинчидан**, айрим мустақил давлатларда собик ягона иттифоқда яшаган халқларни ўзаро яқинлашишига, маданиятларининг ўзаро бойишига қаратилган аниқ режалар йўқлиги ҳам бу жараён ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳатто айрим мамлакатлардаги аجدодлардан қолдирилган маънавий меросларни бўлиб олиш, “ўзиники” қилиш, ва шу йўл билан ўзини ўзгалардан устун қўйиш каби ҳаракатларнинг мавжудлиги ҳам миллий маданиятларнинг ўзаро бойиб боришига тўсиқ бўлмоқда. Худди мана шу тўсиқ нафақат миллий маданиятларни бойишига, шунинг билан бирга миллатлараро муносабатларнинг ривожланиши учун ҳам хатарли ҳисобланади. Чунки, у миллатларнинг бутун салоҳияти билан боғлиқдир. Миллат абадийлигини таъминловчи омиллар, унинг учун муқаддас ҳисобланади. Шу боисдан унинг ҳиссиёти билан боғлиқ бўлган омилларни фақат уларнинг ўзаро яқинлашувига хизмат қилдириш зарур бўлади.

Миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бойиб бориши ҳақида фикр юритганда яна бир муҳим масала устида тўхталиш лозим бўлади. У ҳам бўлса, маданиятлар ривожланишининг қонуниятларидир.

Маълумки, миллий маданиятлар, ўз-ўзидан ривожланавермайди, балки улар маълум қонуниятлар асосида ривожланадилар.

✓ Ана шундай қонуниятлар иккита: **биринчиси**, ҳар бир миллатнинг ўз заминларига таяниш, ички имкониятларини юзага чиқариш ва уларни умуммиллий ривожланишига хизмат қилдириш бўлса, **иккинчиси**, турли миллатлар билан маънавий ва маданий соҳаларда олиб бориладиган алоқалар жараёнида миллий маданиятларнинг ўзаро бойишидир. Ана шу икки қонуният миллий маданиятларнинг ривожланишини таъминлаб туради.

Миллий маданиятлар заминлари қанчалик мустаҳкам бўлса, унинг ривожланиш имконияти ҳам катта бўлади. Миллий замин миллат маданияти салоҳиятини белгиловчи асосий меъёр (ўлчов) ҳисобланади. Катта маънавий салоҳиятга эга бўлган миллатнинг умумжаҳон тараққиётига қўшадиган ҳиссаси ҳам катта бўлади. Унинг ўзга миллатлар маданияти билан ўзаро муносабатларида ўз миллий хусусиятларидан “махрум” бўлишидан “ҳадиксираш” каби ҳолатлари ҳам бўлмайди. Миллий замин миллий маданият ривожланишининг асоси ҳисобланади. Миллий маданиятнинг ўзаро таъсир кўрсатиши ва бойиши ҳам миллий маданият ривожланишининг асосий қонуниятидир. Чунки ҳар қандай миллий маданиятнинг миллий заминлари қанчалик мустаҳкам бўлмасин, у якка айрим олган ҳолатда, битта ўзи ривожлана олмайди. Боз устига, энг юксак, энг бой бўлган миллий маданиятни ҳам банкага солиб, устини бекитиб “тоза” ҳолатда, ўзга маданиятлар таъсиридан ҳимоя қилган ҳолда сақлаб бўлмайди. У албатта, ўзгалардан нимани (у ижобий бўладими ёки аксинча салбийми)дир қабул қилиб олади ва бу унинг ривожланишига ёки аксинча унда салбий қирраларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Боз устига бутун жаҳонда мавжуд бўлган барча мамлакатларда ўзининг маҳаллий миллати билан бир қаторда “келгинди” миллатлар ҳам яшайдилар. Албатта, бу ҳолат миллатлар маданиятларининг ўзаро таъсир кўрсатишига, бойитишига олиб келади.

Бу бир томондан миллий маданиятларнинг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатса, иккинчи томондан миллий маданиятларнинг табиий байналмилаллашиб боришини ҳам таъминлаб беради.

Миллий маданиятларнинг ўзаро бойиши ҳақида фикр юритганимизда албатта, байналмилаллашув тушунчаси, моҳияти ва унинг умумий тараққиёти масаласи устида тўхталиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Олимлар байналмилаллашув жараёнларни таҳлил этар эканлар, “байналмилаллашиш” тушунчасига турлича таъриф берадилар. Айрим муаллифлар уни миллатлар ва элатларни уларнинг ижтимоий-маданий кўрсаткичларига, меҳнати ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, характери ва мазмунига қараб, моддий ва маънавий фаолиятлари эҳтиёжларини қондириш шакллари ва усуллари ҳамда бир-бирига яқинлашиши, ўсиб боришини англади, деб талқин қиладилар.

Жумладан, М.С. Жунусов шундай деб ҳисоблайди: “Байналмилаллашув ўзининг бевосита негизида миллатларнинг бир-бири билан алоқадорлигига ва бир-бирига боғлиқлигига эгадир. Байналмилаллашув уч моментнинг бирлиги сифатида майдонга чиқади: 1) У ёки бу ижтимоий ҳодисаларнинг миллий доирадан ташқари чиқиши; 2) Уларнинг халқлар ўртасида моддий ва маданий қадриятлар алмашинуви бўйича жаҳон жараёнига қўшилиши; 3) Уларнинг ўзга халқлар ҳаёти структурасининг бир элементига айланиб кетиши. Мана шу уч жиҳатнинг ўзаро алоқадорлигида байналмилаллашув диалектикаси намоён бўлади. У инкор қонуни асосида ривожланади: Байналмилал (бир миллат доирасида байналмилаллашув ҳодисаларининг ривожланиши), жаҳон (миллийликни диалектик тарзда инкор этувчи жаҳон жараёнига қўшилиши), миллий жараён (илгари алоқада бўлмаган халқларнинг миллий ҳаёти структурасига кириб бориши) ҳисобланади.

Байналмилаллашув моҳиятини Озарбайжон файласуфи А.Ф. Даштемиров ҳам бироз кенгайтирилган шаклда ифодалаб беради. У бундай деб ёзади: “... Байналмилаллашувни миллатлар ичидаги ва миллатлараро алоқаларнинг улар ўртасидаги кенг миқёсидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва шу билан барабар вужудга келадиган маънавий-мафкуравий жараёнларнинг миллатлараро биқикчилик ва маҳдудликни енгиб ўтиш, ижтимоий тараққиётнинг ягона омилларини шакллантириш, тарқатиш, турли миллий муҳитдаги бир турда бўлган алоқаларни, умумий белгиларни ва ҳодисаларни жадаллаштириш билан қўшилиб кетиш тарзида таърифлаб бериш мумкин”. Қозоқ файласуфи А.А. Айимбетовнинг фикрича, “Байналмилаллашув ...бу жамият, синфлар, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, элатлар, этнослар ҳамда анча кенг бирликдаги жамият доирасида ривожланаётган индивидлар турмуш тарзи структурасида анъанавий бўлган ёки тарихан таркиб топган алоҳида ижтимоий ва миллий қадриятларнинг ўзаро бир-бирига қўшилиб ассимиляциялашиш жараёнидир”.

Илмий адабиётларда бу келтирилган таърифлардан бошқалари ҳам мавжуд. Аммо юқорида келтириб ўтилган таърифлардан кўриниб турибдики, уларнинг байналмилаллашув тушунчаси таърифида ўхшаш томонлар мавжуд: биринчидан, барча муаллифлар, байналмилаллашув — бу миллий биқикликни, миллатлараро муносабатларда ўз қобиғига ўралиб олишни ва бир биридан ажралишни енгиб ўтиш жараёни; иккинчидан, моддий ва маънавий бойликларнинг кенг миқёсида алмашуви; учинчидан, турли миллатлар ва элатлар маънавий ҳаётидаги умумий белгиларининг бирига яқинлашиши, деб ҳисоблайдилар.

Агар бу, илгари сурилган фикрларнинг мазмуни жиҳатидан қарайдиган бўлсак, уларга эътироз билдириш қийин. Аммо, уларнинг мақсадлари ва нимага қараётганлигига қарайдиган бўлсак, эътирозлар ва мунозарага сабаб бўладиган фикрларга тўғри келамиз. Шу жиҳатдан, “Байналмилаллик (яъни интернационализм) сўзининг луғовий маъносидан унинг келиб чиқиши ва мақсади бугунги кунда кишини хушёр тортишга мажбур этади. Масалан, Олим Усмонов ва Ренат Дониёров “Ўзбек тилидаги русча — интернационал ўзлаштирама сўзлар луғати”да интернационализм (байналмилаллик) буржуазия ҳуқумронлигини қулатиш, империализмни тугатиш ва коммунизмни қуриш учун курашда ишчилар ва барча меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги ва ҳамкорлиги, барча халқларнинг, миллатларнинг озодлиги ва мустақиллигини, уларнинг тенг ҳуқуқлигини халқаро дўстлиги ва ҳамкорлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, шовинизм ва ирқчиликка, буржуа миллатчиликка қарши кураш олиб бориш, кичик халқларга ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш. СССР ҳақиқий интернационализм ва халқлар ҳамкорлигининг ёрқин намунасидир. Совет иттифоқи меҳнаткашларини интернационализм руҳида тарбиялаш совет жамиятининг социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш даврида энг муҳим вазифаларидан бир бўлиб қолади. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг интернационал бирдамлиги, ҳамкорлиги — мустақкам тинчлик, демократия ва социализм учун кураш ғалабасининг энг муҳим гаровидир, деб кўрсатилган. Кейинроқ чоп этилган икки томлик русча-ўзбекча луғатда интернационализм “байналмилаллик” турли миллат ва ирқдаги ишчи-меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги; ишчилар синфи, марксча-ленинча партиялар идеологияси ва сиёсатининг энг асосий принципларидан бири, деб кўрсатилган.



Бу келтирилган изоҳлардан кўриниб турибдики, байналмилаллик (интернационализм) синф ва тузум манфаатларини амалга оширишга қаратилган. Ундаги миллат ҳақидаги фикрларга келсак уларда ҳам кам сонли миллатларни ўзгалар таъсиридан озод қилиб, ўз таъсирига ўтказиш мақсади назарда тутилган. Собиқ тоталитар совет тузumi даврида социализм ва капитализм лагерларининг асосий кўринишларидан бири ҳам кам ривожланган мамлакатларни ўз таъсир доирасига ўтказиш эди. Бу ҳар қандай катта иқтисодий исрофгарчиликка қарамасдан оддий меҳнаткашлар яратган моддий ва маънавий бойликларни бекорга “ёрдам” сифатида бериш эвазига собиқ СССР бир қатор мамлакатларни ўз сиртмонига илдиришга улгурган эди.

Худди ана шу маънода бугун байналмилаллик ҳақида фикр юритадиган бўлсак, унинг моҳиятига эмас нимага қаратилганлигини ва реал ҳаётда намоён бўлишига қараб уни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

“Интернационализм” халқлар маданиятларини ўзаро бойитишда қанчалик ижобий рол ўнамасин, у собиқ тоталитар совет тузumi ва жаҳон социализм тузumi шароитида, халқларни сунъий “яқинлаштиришдаги” кўрсатган хизматлари эвазига халқлар ўз мустақиллигини қўлга киритган ва социализм тизими емирилган бугунги кунга келиб сиёсий тушунча сифатидаги аҳамиятини ва қадрини йўқотди. Бу ўз навбатида унинг чинаккам фаннинг категориясига айлана олмаганлигини ҳам билдиради. Чунки у амалиётда жаҳон халқлари бошига катта талафотлар келтирди. Шу жумладан, собиқ совет иттифоқи давридан миллатларни сунъий равишда қўшиб юборишга хизмат қилиб келган эди.

“Интернационализм” аслида капитализмга қарши курашда жаҳон йўқсилларини (пролетариатини) бирлаштирувчи гоя сифатида пайдо бўлган эди. Бу гоянинг заминида миллатлар манфаатлари эмас, (бу ҳақда олдинги параграфда ҳам фикр юритган эдик) балки синфлар манфаатларини ҳимоя қилувчи гоя эди. Яъни жаҳоннинг барча йўқсилларини, миллати, ирқи ва яшаш жойларидан қатъи назар ўзаро бирлаштириб, умумий “душман” — капитализмга қарши курашга жалб қилиш эди.

Аммо капитализм ўз моҳияти билан халқлар фаровонлигини таъминлаш ва чинаккам тараққиётга олиб борувчи жамият эканлигини исботлаганидан кейин “интернационализм” ўз “фаолиятини” турли миллатларни яқинлаштиришга қаратадиган бўлиб қолди.

Нима бўлганда ҳам унда қўйилган ҳошлар тараққиётга хизмат қилмоғи лозим. Шунинг учун ҳам уни бугунги кунда халқларнинг ўзаро яқинлашувини инсоният олдида турган умумсэйравий муаммолар нуқтаи назардан туриб талқин этиш тўғри бўлади.

Агар шу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, интернационализмни барча миллат, элатларни миллий ўзига хослиги, диний эътиқоди, яшаш жойларидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиқ ва суверенитетлигини эътироф этиш асосида, уларнинг ўзаро эътиёрлиги асосида яқинлашувига маданиятларнинг ўзаро бойишига ва умумсэйравий муаммоларни биргалиқда ҳал этишга хизмат қилувчи гоё даражасига қўтариш лозим бўлади.

Демак, миллий маданиятларнинг байналмиллашувини, деганда, уларнинг тенг ҳуқуқлиги, суверенитетлиги ва эркинлиги асосида ўзаро бир-бирларининг бойини ва ривожланиши жараёнида жаҳон халқларининг ўзаро яқинлаштиришга хизмат қилувчи жараёнлар ва омиллар шаклланишини айтиш мумкин.

Бу таснифга мувофиқ умумий жараёнлар ва омиллар шаклланиши учун миллий маданиятларнинг тенг ҳуқуқлиги, суверенитетлиги ва эркинлиги таъминланиши шарт. Яъни ўзаро яқинлашувини миллий хусусиятларнинг қисқариши ҳисобига (худди собиқ совет даврида бўлгани каби) эмас, балки уларнинг ривожланиб бориши, ички имкониятларнинг юзага чиқариши жараёни кенгайиб бориши асосида қўпчилиқ миллатлар қабул қилиши мумкин бўлган умумий қирраларнинг юзага келиши назарда тутилмоғи зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда ўзининг тушунча сифатидаги, моҳиятига салбий путур етказган “интернационаллашув” ўрнига “умумбашарийлик” тушунчасини илмий истеъмолга киритиш тўғри бўлган бўлур эди.

Умумбашарийлик синф ва тузум манфаатларини эмас ҳар бир миллатни сақлаб қолган ҳолда бутун инсоният олдида турган муаммолар атрофида жаҳон халқларининг ўзаро бирлашишини назарда тутди. Энг муҳими унинг асосий тамойили тенг ҳуқуқлилиқ ва суверенитетликдир. Бу терминни илмий ва кундалиқ “истеъмолга” киритиш бугунги кунда миллат ва элатларнинг ўзлигини англашга интилишининг моҳиятига ҳам тўғри келади.

Умумбашарийликка интилиш жараёни тараққиётининг объектив шароити негизида содир бўлади, албатта. Ушбу жараёнда

субъектив омиллар ҳам катта рол ўйнайди. Бу омиллар умумий қирралар ривожланиши тенденцияларига ёрдам бериши ёки муайян вақтгача тўхтатиб туриш мумкин. Бироқ, субъектив омиллар бу умумбашарий жараёни бутунлай тўхтатиб қўя олмайди. Шунинг билан бирга шарт-шароитларни ҳисобга олмай туриб, умумбашарий жараёнини тезлаштириш ҳам мумкин эмас. Бу жараён объектив қонуниятлар асосида юзага келиши лозим.

Миллий маданиятларда умумбашарийликка хизмат қилувчи қирраларнинг пайдо бўлишида субъектив омиллар ролини бўртириш унга устуворлик бериш бу жараённинг сунъий тус олишига олиб келади. Бу жараёнда тенг ҳуқуқлик ва ихтиёрийлик қанчалик юксак даражада таъминланса, миллий маданиятларнинг ўзаро яқинлашишига, ўзаро бойишига ва турли миллатларни умумбашарий муаммоларни биргаликда ҳал қилишга бўлган интилишлари ҳам шу даражада ривожланиб бораверади.

Умумбашарийлик (байналмилалашув) айрим муаллифлар таъкидлаганидек, ассимиляция эмас, балки миллий маданиятларнинг ўз имкониятларини юзага чиқариш, ривожланиши ва уларнинг умумтарққий жараёнига қўшилиб боришидир. У миллат салоҳиятидаги энг илғор, ўзгаларнинг эҳтиёжларига ҳам жавоб бероладиган томонлари қирраларини ва ўзига ҳослигини бошқа халқларга тақдим ҳам қилишга интилишидир. Бу жараён тор миллий қобигдан кенг умумийликнинг вужудга келишидир.

Умумбашарийлик объектив жараёни ҳисобланади. У кишиларнинг хоҳиш-иродаси ёки айрим олинган гуруҳларнинг истаклари билан вужудга келмайди, балки инсоният, қолаверса, миллатлар эҳтиёжларининг маҳсули ҳисобланади. Бу жараёни “тезлаштиришга” бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар тескари натижага олиб келади. Бу ҳолатлар қуйдагича содир бўлиши мумкин: биринчидан, супер “замоновийликка” интилиб, жаҳон маданиятида содир бўлган ҳамма “умумбашарийликни” шундайлигича ўзлаштиришни амалга оширилишида; иккинчидан, миллий маданияти ва маънавиятида мавжуд бўлган, замон ва тарққиёт талабига “жавоб беролмаётган” қирраларидан кўр-кўрона, тезроқ қутилишга бўлган интилишларни “тезлаштиришга” уринишлар шаклида намоён бўлиши мумкин.

Умуман, умумбашарийлик жараёни ўз қонуниятлари асосида ривожланиши лозим.

Бу жараённинг объектив равишда ривожланишига қуйидаги омиллар ўзининг таъсирини ўтказиб боради: **Биринчидан**, инсо-

ният олдига тараққиёт қўяётган глобал муаммолар, жумладан, тинчлик учун курашиш, табиий офатларни биргаликда тугатиш, терроризмга қарши курашиш, энг хатарли турли касалликларнинг олдини олишдаги ҳамкорликнинг зарурлиги, ёқилги захираларини асраб-авайлашдаги ҳамкорлик, озиқ-овқат танқислиги олдидаги муаммолар турли миллатлар ва элатларни яшаш жойи, ирқи, диний этиқодидан қатъи назар уларни ўзаро ҳамкорлик қилишга мажбур этмоқда. Бу ҳамкорлик турли миллатларни ўзаро маънавий жиҳатдан ҳам яқинлаштириб боришга ўзининг таъсирини ўтказди.

Иккинчидан, миллий маданият ривожланишининг дастлабки таянчи ва унинг заминлари ҳисобланади. Буни асослашга эҳтиёж йўқ. Чунки маданиятнинг миллийлигини белгиловчи мезон ҳам унинг ўз заминлари билан қанчалик мустақкам эканлигига боғлиқдир. Аммо миллий заминлар ҳар доим ҳам миллий тараққиётни таъминлай олмайди. Чунки мавжуд ички захиралар тараққиёт қўяётган муаммолар ва юзага келган янги жараёнлар билан уйғун ҳолатда миллий ривожланишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам тарихий тараққиётнинг маълум босқичида бу уйғунликнинг амал қилмаслиги миллий заминларнинг ҳам “заифлашиб” қолишига олиб келади. Ана шундай ҳолатда миллий заминларни бойитишга, ундан тараққиётда фойдаланишга янги куч-қувват ва илҳом бағишловчи ташқи таъсирга эҳтиёж туғилади. Бу “таъсир” миллий ривожланишнинг бир бутун янги тарихий босқични бошлаб беришади. Бу тарихда жуда кўп марта такрорланган жараёндир. Жумладан, шарқнинг ғарбни “уйғотганлиги” ёки XX асрда Ғарб тараққиёти илгарилаб, Шарққа ўз таъсирини ўтказганлиги бугун ҳеч кимга янгилик эмас.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бойиши умумбашарийлик жараёнларининг шаклланиш ва ривожланишининг узлуксизлигини кўрсатади.

Миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бойиши масаласининг таҳлил устида тўхтаганда яна бир ўта муҳим мулоҳаза устида тўхталиш мақсадга мувофиқдир. У ҳам бўлса, ҳозирги даврда Шарқ ва Ғарб маданияти ва маънавиятининг ўзаро муносабати масаласидир. Тўғри, юқорида таъкидлаганимиздек, жаҳонда содир бўладиган турли ҳодисалар ва жараёнлар доимо бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг билан бирга улар ўз қонуниятлари

билан ривожланадилар. Шу жумладан, Ғарб ва Шарқнинг ўзаро муносабатлари, маънавий тараққиётлари ҳам ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланиб келмоқда.

Буни аниқроқ баён қилиш учун куйидаги фикрни мулоҳаза сифатида илгари сурмоқчимиз:

Маълумки, Шарқ шу жумладан, Марказий Осиё иккита уйғониш даврини: IX-XI ва XIV-XVII асрларда ўз бошидан кечирди ва бу даврда дунё цивилизациясини вужудга келтиришда етакчилик қилди. Аммо кейинчалик, ўз бошидан тушкунликни кечири бошлади. Айниқса, Россия Марказий Осиёни босиб олганидан сўнг, большевойлар зўравонлиги ўрнатилганидан кейин бу минтақа ўз миллий заминларидан маҳрум бўлишнинг энг қора кунларини бошидан кечирди.

Бу даврда Европа тез ривожланиб кетди. Айниқса, у ерда илмий техник инқилобнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тараққиёт ниҳоятда жадаллашиб борди. Бу ўз навбатида Ғарбни мавжуд барча ички имкониятларини юзага чиқаришга шароит яратди. Айниқса, бу юксалиш XX асрнинг иккинчи яримида ўзининг энг юқори поғонасига кўтарилиди. Бугун ҳам Европа минтақасида ривожланиш давом этмоқда. Аммо бугунги тараққиётнинг у заминда битта хусусияти алоҳида кўзга ташланаётганлигини сезиш мумкин. У ҳам бўлса, маънавият ривожланишида илгари мавжуд бўлган жўшқинлик, устуворлик кафиятининг сусаяётганлигидир. Бу айниқса, ахлоқ, оила, ота-она муносабатлари, никоҳ каби қадриятларнинг қашшоқлашаётганлигида, аёл ор-номуси, қадр-қимматини топгалайдиган (улар ялонғоч ҳолатда, баҳра олиш во-ситасига айлантирилганида), ёшлар ўртасида наркоманиянинг, эркин оилага, индивидуализм, эътиқодсизлик каби энг замонавий маънавий қашшоқликнинг юксалишқа кўтарилиши бугун Ғарб маънавиятидаги тушкунлик аломатларидир. Буларнинг юзага келиши эса бу минтақа ички миллий маънавий имкониятларини тўла юзага чиқариб бўлганлигидан далолат беради.

Мана шундай шароитда Марказий Осиёда бошқа манзарани кўзатиш мумкин. Бугун бу минтақада яшаётган халқлар узоқ тарихий даврда Россия ва собиқ совет тоталитаризми зўравонлиги оқибатида ўз миллий захираларидан ва заминларидан фойдаланиш имкониятларидан маҳрум бўлиб қолган эдилар. Асрлар давомида аждодлар томонидан вужудга келтирилган улкан маънавий мерос, қадриятлар ва миллий салоҳият мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина юзага чиқа бошлади.

Бу захиралар ўзининг ниҳоятда бойлиги, ўзига хослиги, так-  
рорланмаслиги билан алоҳида ажралиб турганлиги бугун  
яққолроқ намоён бўлмоқда. Бугунги кунда ана шу захиралар  
фақат миллий тикланишни бошидан кечираётган минтақамиз  
халқларининг тараққий этиши учунгина эмас, шунингдек, бугун  
маънавий турғунлик аломатларини ўз бошидан кечираётган  
Ғарб халқларига ҳам жўшқинлик бахш этишда катта рол  
ўйнайди. Яъни XXI аср яна Шарқнинг Ғарбга ижобий таъсир  
ўтказиш асри бўлиши мумкин.

**Савол тугилади.** Марказий Осиё халқлари хусусан, ўзбек  
миллати аввал Россия империя зўравонлиги, сўнгра больше-  
войлар зўравонлиги шароитларида ўз заминларини қандай  
қилиб сақлаб қола олди?

**Фикримизча,** Марказий Осиё халқлари ичида миллий урф-  
одатлар, анъаналар, қадриятларни мустақкам сақлаб қолишда  
ўзбек миллати ажралиб туради, десак ҳато қилмаймиз.

Рус маънавияти Марказий Осиё халқларининг маънавиятини  
тўла эгаллашга қанчалик куч сарф қилмасин унинг уддасидан  
чиқа олмади. Бунинг иккита сабаби бор: **Биринчидан,** мин-  
тақамиз маънавияти заминлари ниҳоятда чуқур, бой,  
ташқаридан таъсир ўтказмоқчи бўлган маънавиятдан устундир;  
**Иккинчидан,** хусусан ўзбек миллати аҳоласининг 70 фоизга  
яқини қишлоқда яшайди. Қишлоқ аҳолисида эса консерватизм  
руҳияти ниҳоятда кучли ҳисобланади. Бу ўз навбатида ҳар  
қандай янгиликнинг ўз ҳаётига кириб боришига йўл қўймайди.  
Худди мана шу омил ҳам ўзбек миллатининг бошқаларга нисба-  
тан кўпроқ ўз хусусиятларини сақлаб қолишда катта аҳамиятга  
эга бўлади.

Яъни миллатимизнинг ўз қиёфасини сақлаб қолишида  
аҳолимизнинг кўпчилиги қишлоқда яшаётганлиги омили етакчи  
ўринни эгаллади. Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, мил-  
лий ўзлгимизни сақлаб қолишда қишлоқ “консерватизм”ининг  
роли масаласи умуман илмий жиҳатдан ўрганилмасдан келин-  
моқда. Чунки, илмий адабиётларда кўп ҳолларда қишлоқни  
шаҳарга нисбатан “қолоқ”, деб кўрсатиш анъанага айланиб қолган.  
Аммо, унинг миллат бугунлигини ва ўзига хослигини сақлаб  
қолишдаги роли ҳақида деярлик гапирилмайди.

Тўғри, қишлоқ шаҳарга нисбатан маиший ҳаёт, ишлаб  
чиқариш ва бошқа бир қатор соҳалар бўйича кам тараққий эт-  
ган. Бу бир қатор фактлар билан боғлиқ. Қишлоқда замонавий  
инфраструктурани ташкил қилиш мавжуд фарқларни бир қадар

ҳал этиш имкониятини беради. Аммо миллий ўзига хос хусусиятлар қишлоқнинг шаҳарга нисбатан устуворлигини сақлаб қолаверади.

Миллий маданият маънавий-руҳий омилларнинг таъсири остида ўз мақомини сақлаб қолади. Лекин уни бутунлай ўзгармас тарзда тасаввур этиш ҳам тўғри эмас. У миллатнинг ўзи каби, жамият ва инсоният тараққиёти жараёнида такомиллашиб, янги хусусиятлар, ўзига хос бўлган қирралар билан бойиб бораверади. Бу янги қирраларнинг шаклланишида инсоният олдида пайдо бўладиган умумбашарий муаммолар таъсири ҳам катта рол ўйнайди. Чунки маданият ўз-ўзидан пайдо бўладиган нарса эмас, балки миллий тараққиёт жараёнида юзага келадиган муаммолар, вазифалар ва мақсадлар унга ўз таъсирини ўтказadi. Маданият ана шу вазифа ва мақсадларни юзага чиқариш, амалга оширишда етакчи омил ролини бажаради. Шу маънода ҳам миллий маданиятнинг ривожланиши ва такомиллашуви миллатнинг ўз истиқболини таъминлайдиган мақсадларни белгилашга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Миллий маданият миллат мақомини таъминловчи, уни ҳалокатдан сақлаб қолувчи асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун миллий маданиятнинг илдизлари қанчалик мустаҳкам бўлса, миллатни катта ҳарбий куч билан енгил мумкин бўлсада, аммо уни маънавий жиҳатдан енгил бўлмайди. Маънавий жиҳатдан енгилмаган миллат замонлар, даврлар ўтиши билан яна ўз қаддини кўтаришга қодирдир.

Маънавий илдизлари мустаҳкам миллатнинг ўзлигини англаш имкониятлари ҳам катта бўлади. Чунки миллий маданият ўзликни англашнинг асосий хом ашёси (ресурси) ҳисобланади. Ўз навбатда ўзликни англаш миллий маданиятнинг абадийлигини таъминловчи қўрғондир.

## **2.2. Миллий маданият — миллий ўзликни англашни моддийлаштиришнинг асоси**

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги шароитида миллий маданиятнинг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда, унинг миллий ўзликни англашда кўрсатадиган таъсири кучаймоқда. Бунга сабаб, **биринчидан**, миллатларнинг ривожланиш жараёни, уларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва интеллектуал потенциалининг уйғунлашиш жараёни миллатлар ва элатлар маданиятларининг

барча маънавий эҳтиёжларнинг юксалишига ёрдам берувчи муҳим омилга айланиб кетганлигидир. **Иккинчидан**, миллий маданиятда ҳар доим миллатлар ва элатларнинг шаклланишига ҳамда уларнинг ривожланишига ёрдам берадиган ички қудратли салоҳиятнинг юзага чиқишида имконият вужудга келди. Бу маданиятнинг фақат “соф” маънавий вазифани бажарибгина қолмай, шунингдек, у миллий хусусиятларни, руҳий қиёфани, анъаналар, урф-одатларни, кадриятларни барқарор қилишдаги салоҳиятини сақлаб қолиш ва кўпайтиришда “моддий” омил ролини ҳам бажариб келмоқда. Жамиятни демократиялаштириш жараёни миллий маданиятларнинг чинаккам ривожланиши учун имкониятлар яратишда муҳим омил бўлади. Шунинг учун, **учинчидан**, миллий маданият жамиятнинг ҳозирги тараққиётида асосий база бўлиб қолмоқда. Ушбу база маданий тараққиётда ҳам, миллий маданиятнинг ўзини ҳам умумбашарийлик маданиятларини ривожлантиришда битмас-туганмас манба ролини ўйнайди. Яъни миллий ўзига хослик, миллий ранг-баранглик умумий тараққиётга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жамиятда содир бўлаётган мазкур жараён суверен давлатларнинг халқлари маданиятини ривожлантиришда барқарор тенденциялар касб эта бошлади. **Тўртинчидан**, жамиятнинг мазмунан янги демократик босқичга ўтиш жараёнида миллий ўзликни англаш ўсиб боришга тўсқинлик қиладиган салбий омилларни ҳам аста-секин енгиб ўтиш бошланади. Бу эса ўз навбатида миллат ботиний ҳаётида сақланиб келаётган миллий-маънавий эҳтиёжларнинг юзага чиқишга ва янгиларининг вужудга келишига, туғилишига кучли таъсир кўрсата бошлади. Эҳтиёж бўлмас экан миллатнинг ўз-ўзини қайта ишлаб чиқиш ҳам бўлмайди. Худди ана шу маънода ҳам, миллий маънавий заминларнинг бой ва мустаҳкам бўлиши миллатнинг ўз-ўзини қайта “ишлаб чиқиши”да асосий база бўлади. Мазкур жараёнда яна бир муҳим масалага ойдинлик киртиш зарур бўлади. У ҳам бўлса, миллий маданиятлар ўзга маданиятлардан ниманидир қабул қилиш керакми ёки фақат миллий заминлар доирасида чекланиб қолиши керак-ми, деган саволга жавоб излаш керак.

Бу саволга қисман жавоб қайтаришга ҳаракат қилган эдик. Яъни турли миллатлар томонидан яратилган энг илғор маънавий дурдоналар ўзга миллатларнинг ҳам мулкига айланиши лозим, деган фикрга келган эдик. Бу гал ҳам бу фикрдан қайтмоқчи эмасмиз. Аммо миллатлар ўзгалар томонидан яратилган илғор томонларини қабул қилишга устуворлик берадиган бўлса, ўзларининг ички захираларини оммавийлаштиришга



интиямайдиган бўлсалар, миллий тараққиётдаги ранг-баранглик йўқолиб кетмайдими? Ёки миллий жозибага зиён етмайди?

Назаримизда, ҳар бир миллатнинг ўз маданиятларини оммавийлаштиришга бўлган интилишлари, улар ўртасидаги ўзаро чин маънодаги мусобақанинг юзага келишигина умумбашарий маънавий бойликнинг юзага келиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

XX аср жаҳон халқлари маданиятларининг ривожланиш тажрибалари кўрсатмоқдаки, миллий маданий тараққиётни зўравонлик асосида ривожлантириб бўлмайди. Зўравонликка асосланган илғор томонларни ўзга миллатлар маданий ҳаётига киритиб, унга “ҳазм” қилдириб бўлмайди. Бу жараёнда ҳам демократик тамойил устунлик қилиши, объектив эҳтиёжларнинг юзага келиши лозим бўлади. Чунки зўравонлик эҳтиёжни эмас, балки нафратни, ўзаро бегоналашувни юзага келтиради.

Миллий тараққиётга, унинг маданий ривожланишига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар, зўравонликлар миллатнинг бутунлай “йўқ” бўлиб кетишига олиб келмайди. Аксинча, миллат бундай уринишларга нисбатан ички қатта кучни, салоҳиятни вужудга келтиришга мажбур этади. Худди ана шу ички салоҳият миллатни сақлаб қолади ва унинг ўз-ўзини англашга ёрдам беради. Шунинг билан бирга зўравонликка зўравонлик билан жавоб қайтариш жараёни содир бўлади.

Миллий ўзликни англашнинг уйғониши эса яна миллий маданиятлар ва қадриятларни “истеъмом” қилинишини кучайтиришни юзага келтиради. Яъни миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, тегишли тарзда миллий маънавий эҳтиёжларнинг ўсиб боришига ёрдам беради. Ўз навбатида маънавий эҳтиёжлар миллий маданиятлар ривожланишида тараққий эттирувчи янги-янги кучларни юзага келтиради.

Шундай қилиб, мазкур жараён муттасил равишда ҳаракатда, ҳар доим ўзаро алоқада ва бир-бирини тақозо этиб турадиган ҳолатда давом этаверади. Миллий заминлар ва қадриятларга бўлган эҳтиёж эндигина шаклланиб келаётган миллатларнинг ижтимоий фаолигини оширишда муҳим омил бўлади. Миллий маънавий эҳтиёжлар — бу одамларни мавжуд маданий бойликлар, анъана, урф-одат ва қадриятларини ўзлаштиришга, янги қадриятларни вужудга келтиришга, уларни ўзлаштиришга, ўзаро мулоқотта даъват этувчи, бир сўз билан айтганда, миллатнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишга даъват қилувчи талабдир.

Миллий маданиятга бўлган эҳтиёж бу миллатнинг маънавий эҳтиёжларини “ўз” салоҳиятларини ҳамда уларни қайта ишлаб

чиқариш ҳисобига сақлаб қолиш ва қондиришга интилиш жараёнидир. Албатта, ушбу жараён моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжларининг ўсиб боришига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Маънавий ишлаб чиқаришга нисбатан муносабат бирламчи бўлган моддий ишлаб чиқариш унинг мазмунини ҳамда маънавий эҳтиёжини қондириш усулларини белгилаб беради. Лекин маънавий ишлаб чиқариш нисбатан мустақил бўлади. Маънавий ишлаб чиқариш ўз ҳаракатида яхлит бир ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш эҳтиёжини белгилаб беради. У мазкур ишлаб чиқаришнинг икки тармоғи ўртасидаги функционал алоқаларда қайд этилади: улар ижтимоий-маданий муҳит билан, тилда ва маънавий қадриятларда кристаллашган; маънавий ишлаб чиқаришнинг ўз хусусияти, унинг ижтимоий ташкил этилишидаги мустақамланган тузилмаси билан белгиланади.<sup>1</sup>

Маънавий қадриятларга (шу жумладан, миллий маданият қадриятларига) бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши умуман ва алоҳида-алоҳида маданиятларнинг бойишига ва қайта ишлаб чиқилишига ёрдам беради. Истеъмол предмети тарзида майдонга чиққан мерос ва маънавий қадриятлар маънавий эҳтиёжни қондириш жараёнида инсон маънавий салоҳияти такомиллашиб боради ва жамиятнинг тараққий этиши давом этади, инсон маънавий оламидаги бойлик юксакликка кўтарилиб боради.

Шундай қилиб, маънавий эҳтиёжнинг ўсиб бориши жамият ривожланишининг объектив қонунияти, унинг моддий, маънавий ва интеллектуал тараққиётнинг натижаси ҳисобланади. Табиийки, тарихий тараққиёт давомида баъзи эҳтиёжларнинг қондирилиши албатта, янги эҳтиёжларни туғдиради. Бу узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир.

Жамиятнинг демократик имкониятлари кенгайган шароитда маънавий эҳтиёжларнинг ўсиб боришига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Чунки демократик жараёнларнинг шаклланиши, тоталитар тузум шароитида амал қилинган барча иллатларнинг барҳам топиб боришига олиб келади. Бу кишиларнинг дунёқарashi, моддий ва маънавий бойликларни “истеъмол” қилишда таянч муҳитнинг вужудга келишига имкон яратади.

Бу муҳитнинг вужудга келиши кишиларнинг эркин фикрлаш, маданий тараққиёт жараёнларида фаол иштирок этишларини таъминлайди. Ўз навбатида бу умуммиллий тараққиёт жараёнларини тезлаштиришга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб боради. Энг муҳим демократик жараёнлар эҳтиёжларнинг ўсиб боришига ва “истеъмол” маданиятининг ривожланишига олиб келади.

“Истеъмол” тушунчаси одамлар томонидан маданиятни ўзлаштириш жараёнининг хусусиятини кўрсатмайди, балки маданиятнинг моддий куч даражасида намоён бўлишини билдиради. Яъни “истеъмол” қилиш оқибатида кишилар онги, хатти-ҳаракатлари ва турмуш тарзларида содир бўладиган ўзгаришлар одамларнинг маданиятини қайси даражада “ўзиники” қилиб олганликларини билдиради. Маданият кишиларни инсонга айлантиради, лекин инсоннинг ўзи эса энди унинг бир субъекти сифатида ҳаётнинг ҳар қандай жабҳаларида бемалол ҳаракат қилаверади. У нима ишни қилиши ва уни қандай бажариши, энди ўша нарсанинг ўзига қараб ҳал қилинаверади. Шунинг учун жамият тўғрисидаги ҳар қандай гапни айни мана шу маданиятдан бошлаб, маданият билан яқунлаш ва амалда маданият-ни ривожлантиришни бош масала қилиб ўртага қўйиш лозим.

Чиндан ҳам маданиятнинг “аралашуви” бўлмаса (биз бунда одамларнинг саводхонлигини, маънавиятлилиги, онглилигини, одамлар миллатлар ва элатлар ўртасида нормал инсоний муносабатлар қарор топишини ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларни назарда тутамиз) жамиятнинг ҳам тўлақонли ривожланиши тўғрисида умуман гап бўлиши мумкин эмас. Маданият одамларнинг, синфларнинг, социал гуруҳларнинг, миллатлар ва элатларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг ягона манбаи бўлибгина қолмай, шу билан бирга у “ҳимоя” вазифасини ва “соқчилик” функцияларини ҳам бажаради. Маданиятнинг ўзига ҳос хусусиятларидан яна бири шуки, ундаги “сезгирлик”, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларидаги “сезгирлик”ка нисбатан кучлироқдир. Бундай “сезгирлик” ундаги: “ҳимоя” ва “соқчилик” функцияларининг барқарор характеридан келиб чиқади. Бу функциялар айниқса, маданиятнинг миллийлик хусусиятларида ёрқин намоён бўлади. Чунки миллийлик маданиятга фақат ўзига хосликни эмас, шунинг билан бирга уни ҳимоя қилиш учун куч-қувват бағишлайди. Шу нуқтаи назардан қараганда миллий маданият ўзликни англашда етакчилик ролини ўйнайди.

Маданиятнинг миллий ўзликни англашнинг етакчи кучи сифатидаги муҳим белгиларидан яна бири шуки, у турли миллатлар ва элатларнинг ички ва ташқи оламга хос бўлган хусусиятларини аниқлаб олишга ёрдам берадиган импульслар, императивлар даъват этувчи воситалар сифатида майдонга чиқади.

Бундан ташқари, миллий маданиятда миллий ҳисларни кўзгатувчи хусусиятлар ҳам мавжуддир. Бу хусусият миллий эмона-

ционалликни (руҳий ҳис-ҳаяжонларни) кўзгатишга ёрдам беради. Миллий эмоционаллик тараққиётга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг биринчи ҳолатда у миллий ривожланишга тўсқинлик қилади. Чунки миллий ҳис-ҳаяжонларга ортиқча устуворлик бериш ўзга миллатлар маданиятларидаги жозибаларни кўра билмасликка ва тан олмасликка олиб келади. Бу ўзаро бой жараёнга салбий таъсир ўтказиши ва ўз навбатида манфаатлар тўқнашишини келтириб чиқариши мумкин.

Миллий ҳис-туйғулар миллий ўзликни англашнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш миллий ҳис-туйғуларни ва ундан ташқарида мавжуд бўлиши ҳам мумкин эмас, улар ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиб турадилар.

Эмоциялар (ҳис-ҳаяжон) миллатнинг ақл-идрокидан устун қилиб, уни бўзиб кўйган кезларда, шовинизм, миллий маҳдудлик сингари кўнгилсиз, салбий ҳодисалар содир бўла бошлайди. Миллий ҳис-туйғулар ўз халқининг қадриятларига, она ерга, тарихий воқеаларга ва машҳур шахсларга, маданиятга, фанга, урф-одатларга, анъаналарга, шунингдек, бошқа халқларнинг шунга ўхшаш қадриятларига нисбатан ҳиссий муносабатларни акс эттиради. Унинг қудрати айниқса, миллий ўзликни англаш жараёнини тезлаштиришда намоён бўлади.

Шундай қилиб, миллий маданият, миллий ўзликни англаш ва миллий ҳиссиётлар ўзаро алоқаси ҳамда ўзаро боғлиқлиги миллат абадийлигини ва ривожланишининг асосий омили ҳисобланади.

Миллат мавжуд экан, миллий қадриятларга эҳтиёж ортиб боради. Миллий қадриятлар, бир томондан, миллат абадийлигининг ёрдами бўлса, иккинчи томондан миллий маданиятнинг янада ривожланишига ёрдам беради.

Жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларининг қиёсий таҳлили кўрсатишича, маданият миллат ва элатнинг ўз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий имкониятларини мустақамлашга интилишида асосий ролни ўйнайди. Яъни миллий ўзликни англаш барқарорлигини сақлаш ва барча жиҳатлари ривожланишида устуворлик иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда эмас, балки миллий маданият тамойилида кўпроқ намоён бўлади. Аммо ижтимоий онг шакллари ва маънавий омиллар иқтисодий ривожланишга асосланади. Бироқ уларнинг барчаси, шунингдек, бир-бирига ва иқтисодий базасига таъсир этади. Бу фақат иқтисодий ҳолатгагина сабаб ҳисобланади, фақат у фаол қолган барчаси пассив оқибат, деган гап эмас. Йўқ, бу ерда гап иқтисодий зарурат асосида алоқа пи-

ровард оқибатда ўзига йўл оча олиши ҳақида бомоқда. Иқтисодий ҳолат ўз таъсирини автоматик тарзда ўтказмайди, одамларнинг ўллари ўз тарихларини яратадилар, аммо мазкур жараён уларни тақозо этувчи муҳитда, мавжуд ҳақиқий муносабатлар асосида, булар асосида иқтисодий шартлар пировард оқибатда, барча ривожланиш ўзагини ташкил қилади ва уни тушунишга олиб келадиган омил сифатида устувор бўлиб қолаверади.

Жамиятни инсонийлаштириш ва демократиялаш шароитида миллатлар ва элатларни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий мустақилликка ўтмишда миллатлар ҳамда элатлар ўз маданиятлари, анъаналари, қадриятлари ва шу кабилар ривожиди эришган ютуқларадан маҳрум бўлишдан чўчиш миллий ўзликни англашнинг зиддиятли ўсишига олиб келади. Чунки миллий ўзликни англашнинг кескинлашуви (инқилобий тус олиши) ўз-ўзидан содир бўлмайди, балки уни бунга ташқи омиллар кўпроқ мажбур этади.

Шундай қилиб, миллий маданиятнинг миллий ўзликни англаш соҳиби сифатидаги роли қуйидагилардан келиб чиқади: а) “ҳимояловчи” ва “қўриқловчи” функцияларнинг борлиги; б) ундовчи сифатларнинг борлиги; в) ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларни таъминлаш учун базанинг борлиги; г) миллат, унинг онги ва фаолиятини жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан барқарор характерини таъминловчи стимуллар ва механизмларнинг борлиги кабилардир.

Ҳар бир миллат ва элат маданияти бевосита миллий ўзликни англаш таъсирида бўлади. Агар янада аниқроқ айтадиган бўлсак, миллий маданиятнинг ривожланиши — миллат ўзлигини англаш хусусиятларининг реал намоён бўлишидир. Ҳодисаларнинг бундай “тинч” ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги амалиётда, маънавий маданиятнинг тил, адабиёт, санъат, анъана, маросимлар ва шу каби элементларида ёрқин ифодасини топади. Бу алоқаларда тил асосий маданиятдан содир бўладиган, ҳар қандай алоқаларни уйғунлаштириб туради. Шу жумладан, гоҳ ҳам тилдан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди, шу билан бирга тил инсоний мулоқотнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Инсоний онг ҳаёти тилда ифодаланади. У воқеликни акс эттириш, мулоқот ва кишилар ҳаётини тажрибасини бериш воситаси, улар тафаккури ва ҳиссиётига таъсир этиш қуроли ҳисобланади.

Тил миллатнинг энг барқарор белгиси, айни вақтда маънавий маданиятнинг муҳим элементидир. Тил у ёки бу миллат тарихини акс эттиради, унинг ички дунёсини ифодалайди. Машҳур социологингист Ю.Д. Дешериев тилларнинг ижтимоий функциялари



Адабиёт нафақат воқеяликни ифодалайди. Шунинг билан бирга миллий ва ахлоқий қадриятларни авлоддан-авлодга етказиши ҳамда унинг такомиллашиб, яна ҳам юксаликка кўтарилишида катта аҳамият касб этади. Шу маънода ҳам Ш.Мансуров таъкидлаганидек, “Минг йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган ахлоқий қарашлар ва принциплар илғорлиги, халқ манфаатларини ифодалагани учун барча даврларда қўллаб-қувватланган ва ижодий ривожлантирилган”.<sup>4</sup>

Миллий адабиётнинг шаклланиши жараёни одамларни ягона этник жамоага бирлаштиришда, адабиёт, санъат, анъаналар ва одатлардаги миллий ўзига хосликларни ажратиш кўрсатишда муҳим рол ўйнайди. Адабиёт ва санъат намоёндалари ўз асарларида у ёки бу миллат ва элатни, уларнинг “руҳи”, манфаатлари, истакларини ифодаладилар, шу орқали миллий ўзлиқни англашнинг шаклланишига ҳам ёрдам бердилар.

Н.В.Гоголь ўз вақтида “Пушкин тўғрисида бир неча сўз” мақоласида унинг ҳақиқий миллий сифатларини кўрсатиб, бундай ёзган эди: “У энг бошиданоқ миллий бўлганди, чунки чин миллийлик сифатлари воқеани тасвирлашда эмас, халқ руҳининг ўзидадир. Шоир ҳатто тамоман ўзга дунёни тасвирлашда ҳам миллий бўлиши мумкин, бунда у ўзга дунёга ўз миллий қалби жон бўлган кўзи билан, ўз халқ кўзи билан қарайди, у шундай ҳис қилиб, шундай гапирдики, унинг ватандошларига гўё ўзлари ҳис қилаётганидек ва гапирётганидек туюлади”.<sup>5</sup>

Чиндан ҳам жамиятнинг тарихий ривожланиш босқичидан қатъи назар у ёки бу асар ҳақиқий миллий ҳаётни акс эттирадиган ва ўсиб боровчи маънавий эҳтиёжларга жавоб берадиган умумий бойликка айланиши мумкин.

Миллий ҳаётнинг реал воқелигини акс эттирадиган, миллий ўзлиқни англашнинг ўсишига ва унда умумий хусусиятларнинг намоён бўлишига ёрдам берган кўплаб асарлар яратилди. Ч.Айтматов, Ю.Бондарев, А. Солженицин, Р.Хамзатов, И. Стаднюк асарлари ва кўпгина бошқа асарларда миллий колоритлар, хусусиятлар ҳамда интилишлар реал акс эттирилган. Шунинг учун ҳам уларнинг асарлари “миллий” бўлибгина қолмай, дунё кўламида байналмилаласарларга айланади.

Ўзбек муаллифлари, жумладан, А.Қодирий, Ф.Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, А.Қаҳҳор, Р. Файзий ва кўпгина бошқалар асарлари ҳам бу жараёнда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган.

Бу маллифлар асарларида ўзбек халқининг ҳаёти, характерининг хусусиятлари, руҳиятини ҳам интилишлари реал акс этти-

рилган. Масалан, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши”, А.Кодирининг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Ф.Ғуломнинг “Ўзбекистон”, “Кўкан Батрак” ва бошқалар асарларида ўзбек халқининг миллий ҳаёти акс эттирилган ва улар миллатнинг ўзлигини англашининг шаклланиши ва ривожланишида катта ролни ўйнади. Бундай асарларни ўзбек муаллифлари ҳозирги кунда ҳам яратмоқдалар, фикримизча, Р.Файзининг “Ҳазрати инсон” китоби ана шундай асарлардан биридир.

Роман муаллифи 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушининг машаққатли йилларида яшаган реал кишиларнинг реал турмушини назарийлаштирмай оддийгина кўрсатиб беради. Аммо у айнан мана шу йўл билан темирчи Маҳмуд ака ва унинг аёли Меҳринисо образлари миллийлик ва умумбашарийликнинг ўзаро алоқаси тўғрисидаги саволга турғунлик даври назарийчиларига нисбатан анча тўғрироқ ва одилроқ жавоб бера олди. Халқ орасидан чиққан оддий одамлар, унинг қаҳрамонлари фақат миллийдирлар. Улар фақат ўзбеклар ва бошқа ҳеч ким эмас. Умумбашарийликни улар балким эшитмагандирлар, эшитсалар ҳам тушуниб етмаслар. Аммо, моҳият нимада? Моҳият шундаки, бу одамлар ўз халқлари руҳини, ундаги энг яхши ҳислатларини, инсонийлик, деб аталмиш нарсани ўзларида мужассамлаштирганлар. Миллий ўзлиқни англашнинг бу юксалигига кўтарилган киши ўз ўзидан умумбашарий, умуминсонидир, унинг ўз нуқтаи назари ҳеч қандай назарийлатиришларсиз белгиланади, уни қалби эътиқодлари ва идеаллари характери — ҳар бир халқ ўзининг бутун тарихида ўз миллий турмуш характерида асоси сифатида қарор топтирган умуминсоний-маънавий қадриятлар билан белгиланади.

Романда Маҳмуд ака характеридаги хусусиятлар — ундаги инсонийлик, соддалик ва ҳақиқий халқчилик акс эттирилган эпизод бор. Болалар уйи тарбиячилари ундан қандай болани “ўғил ёки қиз” “каттароқми ёки кичикроқ” болани олмоқчи эканлигини сўрайдилар, гап миллатга тақалганида Маҳмуд аканинг ғазаби кўзгаб кетади: “Қизим, мен мол бозорига келганим йўқ”, деб кескин жавоб беради у. “Аммо отахон...” Ҳеч қанақа аммоси йўқ, — кескин жавоб қилди темирчи. — Жим турадиган бўлсам озгинми ёки семизми, қирра ёки пучук бурун, қора ёки сариқ бола керакми, деб сўрарсан? Болаларнинг ҳаммаси бир ҳил. Уларнинг барчаси одам боласи. Тушундигми?



Аёлнинг дафтар туган қўли титради, у уялиб «мен фақат ....» Болаларни ҳеч қачон оқ-қорага ажратманг».<sup>6</sup> Муаллиф бу эпизод орқали, фақат ўзбекларгагина хос бўлган болажонлик, инсонийлик, бағри кенглик фазилатларини очиб бера олган. Бунинг сиёсатга даҳли йўқ. У миллатга хос улугликка даҳлдордир.

Бу хусусиятлар фақат адабиётга эмас, балки санъатга ҳам тегишлидир. Зеро, санъат инсон маънавий дунёсини бойитишнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлибгина қолмай, балки миллий ўзликни англашни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳамдир. Санъатнинг миллий ўзликни англашни ўсишдаги роли шундаки, у маънавий қадриятларни сақлашга ҳам, бойитишга ҳам таъсир этишга қодирдир. «Санъатдаги миллий шаклнинг ўзи нима? – деган саволни А.Фадеев ўзига бериб, унга шундай жавоб қайтарганди: бу энг аввало, она тилидир. Бу юз йилликлар мобайнида ўзида халқ фольклорини мужассамлаштирган нутқнинг ўзига хос руҳи ва тузилишидир. Бу шеърятда муҳим бўлган мумтоз адабиёт аъёналари демакдир. Бу пировард оқибатда ҳар бир миллий санъатнинг бетакрор гулини яратувчи халқ характери, психологик, эмонационал хусусиятлари демакдир»<sup>7</sup>.

А.Фадеев санъатдаги миллий шакл моҳиятини аниқ ва лўнда таърифлаб, санъатни халқ яратади деган ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлайди, муаллифлар ўз асарларида халқ ҳаётини ифодалайдилар, уни бадиий акс эттириш методлари орқали ўзгартириб, халқ қалби учун озиқ сифатида қайтардилар. Санъат асарларида ҳаёт ва унинг қиймати англанади ҳамда баҳоланади.

Ҳар қандай бир бадиий асар, агарда у ҳақиқий санъат ҳодисаси бўлса, миллий колоритсиз бўлиши мумкин эмас, унда табиий тарзда миллий хусусиятлар, дид ва ўзига хосликлар бўлади. Ҳар қандай санъаткор агар у миллат ёки элат ҳаётининг хусусиятларини ва психологиясини билмас экан, чинаккам миллий асарни ярата олмайди. Бу ўринда билиш дегани бу унинг «руҳини» ақл ва қалб билан қабул қилишини англади, ҳақиқий санъат эса уни доимо бойитиб боради. Миллий санъат миллатнинг ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондиради экан, айрим вақтда уларни шакллантиради, юксалтиради ва шу орқали миллий ўзликнинг ўсишига ёрдам беради.

Мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилаётган бугунги кунимизда адабиёт ва санъатнинг роли ниҳоятда ошиб бормоқда. Чунки бадиий сўз усталари энди собиқ совет воқелигини тараннум этмайдилар, балки миллатимиз ва вата-

нимизнинг тикланиши жараёнида юзага келаётган жўшқин ҳаётни олдимизда турган муаммоларни ўз асарларида кўрсатиб беришлари лозим бўлади. Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов таъкидлаганидек, “Адабиёт энди чинаккамига халқчил, миллатпарвар, маънавий тараққиётимизнинг садоқатли хизматкори бўлиши керак. Адабиёт, сўз учун шундай бир тарихий имконият вужудга келди”.<sup>8</sup>

Миллий ўзликни англаш жараёни жуда мураккаб даврни ўз бошидан кечирмоқда. Хусусан, бир томондан, мустақиллик шароити туфайли миллатимизнинг ўз мероси, қадриятлари, маънавий илдизлари, интилишлари шиддат билан ўсаётган бўлса, иккинчи томондан, бозор муносабатлари шаклланаётганлиги боис иқтисодий қийинчиликнинг оқибатида миллий онгимизда унинг намён бўлаётганлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Бундай шароитда миллий маданият ана шу мураккаб муаммони миллий тараққиёт манфаатлари йўлида ҳал қилишга ўз хиссасини қўшиши талаб этилмоқда.

Маънавий маданиятнинг муҳим роли шундаки, маънавий қадриятларни яратишнинг мақсади — одамларга янги билим бериш, уларнинг маънавий имкониятларини бойитиш, уларга маълум нуқтан назарни эгаллашларига ёрдам бериш, ҳаётга маълум муносабатни сингдириш, дунёқарашни, объектив воқеликни тушуниш ва баҳолаш қобилиятини шакллантиришидир. Бунда миллий анъаналар, расм-русумларнинг роли катта бўлиб, улар миллий ҳаёт қалбида чуқур ўрнашадилар ва бошқа омилларга қиёсан жуда секинлик билан ўзгарадилар. Миллий анъана ва расм-русумлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларнинг ривожланиши даражасига боғлиқ бўлади. Миллий анъаналар ва расм-русумларнинг хусусиятлари улар асрлар бўйи шаклланишида ва авлоддан-авлодга берилишидадир, шунинг учун уларнинг ўзгариши фақат моддий ва ижтимоий жиҳатларгагина эмас, балки миллат ва элатлар руҳияти ҳамда характердаги барқарорлик, халқнинг “эски” аъналари ва диний расм-русумларга содиқлиги миллатнинг давом этишида жуда муҳимдир. Аммо айнан мана шуларнинг ўзлари миллий ўзликни англашда “соф миллий”лик билан чекланиб қолишга олиб келиши, унинг ривожланишига ҳалақит бериши ва маданий қадриятлар алмашинувида тўсқинлик қилиши ҳам мумкин.

Бу омилларнинг мураккаб зиддиятли бир ҳилда таъсир характери яқин ўтмишда етарлича баҳоланмади.

Ўтмишдаги деформациялар тўғрисида гап борганида эҳтиёркорлик уларнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимини эмас,

аниқ бир шаклларнинг айрим нуқсонлари, хатолари тарзида талқин қилишга уринишлар билан зиддиятлидир. Бундай баҳолар қиёслашлар натижасида чиқарилиши керак. Айнан қиёслаш социализмни танқид қилиш ниқоби остида ҳозирги миллий ўзликни англаш ўз қобиғига ўралашиб қолиш, алоҳида ажралиб туриш, барча умумбашарий қадриятлар бефарқ қарашларнинг кўзга ташланаётганлиги миллий тараққиётнинг барқарор ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Маданий тараққиёт назариясини ишлаб чиқишда осон бўлган танқидга эътиборни кучайтириш эмас, балки солиштириш, қиёслаш, таҳлил қилиш, кейин хулоса чиқариш каби таъмоиллар асосий мезон бўлиши лозим. Бу миллий маҳдудликнинг олдини олишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам маънавиятни кўтаришни миллийлик юзага чиқиши билан бирга, ўзга маданиятлардаги жозибаларни ҳам ҳис қилиш қобилиятини шакллантириш зарур бўлади.

Шундай қилиб, миллий маънавий маданият (тил, адабиёт, санъат, расм-русум ва шу кабилар) миллатнинг мавжуд бўлиши ҳамда янада ривожланишининг энг муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бирга у миллатнинг ривожланиш жараёнида ярагилади, миллий ўзликни англашнинг ўсишига, миллий хусусиятлар ва барча миллий руҳий бойликларнинг ортишига таъсир этувчи маънавий имкониятлар билан бойитади.

Миллий ўзликни англашнинг маънавий асослари ўз ичига: а) ҳар бир миллат ва элатларнинг кейинги ривожланишлари асоси сифатидаги ўз маданий мерослари ва қадриятлари; б) жаҳон халқларининг маънавий бойиш манбаси сифатидаги маънавий қадриятлари; в) миллатлар ва элатлар ўртасидаги миллий маданиятларни шакллантириш ва бойитиш, уларнинг бир-бирига аста-секин яқинлаштириш омили сифатидаги маънавий бойликларни ўзаро алмашинувлар; г) миллат ва элатларнинг маданий ва маънавий эҳтиёжларининг ўсиб бориши; д) миллат (халқ) дунёқарашини шакллантирининг ғоявий асоси сифатидаги миллий мустақиллик, ватанпарварлик ва миллатпарварлик ғояси қамраб олади.

Бунга миллатлар ва элатларнинг қизиқишлари, бугунги жўшқин ривожланиш, уларнинг ҳар бирини этник умумийликка, тарихга, маданиятга, тилга, турмуш ва анъаналарга тааллуқлигини англб етиши — тараққиёт ютуғи ва энг юксак қийматидир.

Шу билан бирга, миллатлараро муносабатларда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш ва этник умумийликни янада ривожлантириш

жараёнида уларни такрорлашнинг олдини олиш мақсадида миллий муносабатларда маъжуд бўлган барча салбий ҳодисалар сабабларини объектив очиб кўрсатиш зарур бўлади. Бу фақат маданий ҳаёт ва тил соҳасига эмас, балки айрим тарихий фактларни ёритиш, минтақавий хусусиятлар нуқтаи назаридан миллат тараққиётининг бугунги хусусияти мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда янада ривожлантиришда миллий оминнинг ролига ҳам дахилдордир. Маълумки, буларнинг барчаси яқин ўтмишда объектив ёритиш мумкин бўлмаган ёпиқ мавзулар эди. Албатта, бундай муносабат миллий ўзликни англашда “миллатчилик” шовинизм, “маҳаллийчилик”нинг ривожланиши учун йўл очди.

Кўпчилик илмий ва бадий асарларда Ўрта Осиё чор Россия томонидан босиб олинishi, бу минтақа учун иқтисодий ривожланишда сиёсий ва маданий ҳаётда “сакраш” бўлди, деб ёритиб келинади. Бунинг устига айрим партия ва совет раҳбарлари, олимлар бу бўёқни янада қуюқлаштириб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари Россияга ўз ихтиёрлари билан “қўшилганликларини” “исботлашга” уриндилар. Бундай “қўшилишга” бағишланган юбилейлар, тантаналар уюштирилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихида бундай босиб олишни босқинчилик сиёсатини иложи борича хас-пўшлашга, яширишга ҳаракат қилинганди. Чор Россияси Ўрта Осиё ва Қозоғистонга нисбатан эксплуататорлик сиёсатини амалга оширди, у халқлар қамоқхонаси эди. Қалбаки “ихтиёрий қўшилиш” ниқоби остида “халқлар дўстлигини” мустаҳкамлашга уринишлар ҳар қандай қаллоблик сингари ўзининг акс мевасини бериши муқаррар эканлигини ҳеч кимнинг тан олгиси келмас эди.

Бу тарихий воқеликни айниқса, ҳозирги шароитларда объектив баҳолаш зарурияти кучаймоқда, чунки бундай ёндашув меҳнаткашлар, айниқса, ёшларнинг тарихий ҳодисалар ва ўз тарихларини билиш, яъни ўз тарихий хотираларини тиклашга қизиқишлари ортиб бораётганлиги ва миллий ўзлигини англаш жараёнининг кучаяётганлиги билан боғлиқдир.

Миллий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар миллий ўзликни англашнинг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Бу йўналишда Марказий Осиё халқлари учун умумий бўлган қадриятлар қаторида “Наврўз” байрами алоҳида аҳамиятга эгадир. У баҳор ойлари бошларида нишонланади. Бу табиатдаги янгиланиш ва деҳқончилик ишларининг бошланишини англатади. Бу байрам ёру-биродарлар, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар билан биргаликда нишонла-

нади, баҳор таомлари тайёрланади, сумалакалар пиширилади. Бу байрамда қадим-қадим замонлардан бери шу ҳудудда яшаётган барча халқлар, миллатидан қатъий назар иштирок этиб келганлар. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларида Наврўз аста-секин умумбашарийлик байрам тусини олган. Шунинг билан бирга у қанчалик умумбашарий бўлмасин, унда миллийлик ўз ифодасини топган. Чунки уни нишонлашда ҳар бир миллат ўзига хос анъаналар, урф-одатларини тиклашга, уни оммавийлаштиришга ҳаракат қилади. Худди ана шу ҳаракатлар миллий ўзликни англашнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эгадир.

Миллий ўзликни англашнинг ривожланишида миллий маданиятнинг асоси бўлган, унинг илдизи — мероснинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида миллатдошларимизнинг ўз маданий меросига қизиқиш ортиб бораётганлиги бежис эмас. Бу борада жуда катта ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим. Аммо қилиниши керак бўлган ишлар кўлами ҳам ниҳоятда каттадир. Чунки аجدодларимиз бизга жуда катта бой маънавий мерос қолдирганларки, бундай мерос бошқа халқларда деярлик учрамайди. Уларни бугунги авлодга қанчалик тез ва мукаммал эъзага олсак, миллат сифатидаги обрў-эътиборимизни ҳам шу даражада тиклашга эришамиз. Таҳминий ҳисоб-китобларга кўра Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси шарқшунослик институти архивидаги қўлёзмалар ҳозирги аҳволда давом эттирилса уларни таржима қилишнинг ўзига 4000 йил керак бўлар экан.<sup>9</sup>

Шунинг билан бирга Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Туркия, Миср, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлар архивларида, тарихга оид шахсий тўпламларида сақланаётган Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихига оид материалларни ўрганишга эътиборни кучайтиришга эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда.<sup>10</sup>

Бу вазифаларни амалга оширишда Тошкентда ўз фаолиятини бошлаган Ислом университети ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиша мумкин. Бугун миллий маданиятни ривожлантиришдан кўзланаётган мақсад, фақат маънавий меросни ўзлаштириш билан чекланмайди. Балки, уни халқаро миқёсида ташвиқот қилишга эътиборни кучайтириш ҳам миллий ўзликни англашнинг ривожланиши учун катта амалий аҳамиятга эгадир.

Чунки ўтмишда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқнинг бугунги авлодлари, ўз меросларининг жаҳон халқлари томонидан эътироф этилишини тушуниши уларда

миллий гурур туйғуларни уйғотади, миллий ўзлигини англашга интилишини кучайтиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, миллий тил миллий маданиятнинг муҳим элементи сифатида миллий ўзликни англашда катта аҳамиятга эгадир. Худди шунинг учун ҳам уларга давлат тили мақомини бериш учун кураш барча миллатларнинг миллий ўзлигини англашнинг инқилобий ривожланишига олиб келди. Бунинг асосий сабаби шўролар ҳукумронлиги сиёсатида миллий тилларни йўқ қилиб, ягона тил ҳукумронлигини вужудга келтириш мақсад қилинган эди. Шунинг учун ҳам кўпгина миллий тилда таълим берадиган мактаблар ёпилди, мактаблар дастурида она тилини ўрганишга ажратилган соатлар мумкин қадар қисқартирилди. Китоб нашр этиш борасида ҳам ўзбек тили камситилди. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтида 1981-1987 йилларда нашр этилган илмий асарларда ўзбек тилининг улуши 8 фоизни<sup>10</sup> ташкил қилади. 1970-1985 йилларда китоб, рисолалар тиражи 31,4 млн.дан 41,7 млн. нусхагача ўсди, худди шу даврда ўзбек тилидаги нашрлар улуши 23,1 млн.дан 23,7 млн. нусхага кўпайди. 15 йил мобанийда умумий ўсиш 10,3 млн. нусха бўлса, ўзбек тилига бунинг атиги 600 млн. нусхасигина тўғри келади.<sup>11</sup>

Яна бир даҳшатли томони шундаки, 1987 йилда республиканинг собиқ партия ва давлат тизимида фаолият кўрсатган кадрлар ўртасида ўтказилган сўровларида, улардан 70 фоизни ўзбек тилини билмаслиги ёки маҳаллий аҳоли билан мулоқотда бўлишда қийналишини билдирганлиги бўлган эди. Ваҳоланки, ўша кадрларнинг аксарият қисмини ўзбек миллати вакиллари ташкил қилганди.

Бу салбий жараёнлар миллатта унинг тилига бўлган ҳурматсизликига эмас, шунинг билан бирга уни менсимасликка олиб келади. Шунинг учун ҳам бошқа собиқ иттифокдўш республикаларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ўзбек тилига Давлат мақомини бериш масаласи бутун миллатпарвар ватандошларимизни бирлаштирди ва улар ўша пайтда марказ ҳамда баъзи бир “байналмилалчи” миллатдошларимиз кўрсатган қаршилигига қарамасдан тилимизга чинаккам давлат мақоми берилишга эришдилар.

Тилимизга нисбатан яна бир салбий ҳаракат, республикамизда рус тилининг ўзбек тилига нисбатан устуворлигининг таъминлаганлиги бўлган эди.

1989 йилда ўзбек тилига давлат мақоми берилган вақтдан кейин амалга оширилган ижобий ишлар ҳақида кўп маълумотлар келтириш мумкин. Аммо амалга оширилган ишлар олдидан ҳали бажарилиши керак бўлган вазифалар салмоғи жиҳатдан бир неча баробар кўпдир. Хусусан, ана шу қонунда 7 йилдан кейин, яъни 1996 йили бугун давлат фаолиятида иш юритиш давлат тилида олиб борилиши кўрсатилган эди. Лекин бугунги кунда ҳамон икки тиллик — рус-ўзбек тилида, ҳатто айрим жойларда фақат рус тилида иш олиб бориш давом этмоқда.

Боз устига 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги” қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши ўзбек тилига берилган давлат мақомининг реал амалга ошишга ўзининг салбий таъсирини кўрсата бошлади. Чунки қонун янги таҳрирда, лўнда қилиб айтиладиға бўлса, анча “соддалаштирилган”. Шунинг учун ҳам бугунги кунда хорижий мамлкатлардан келиб, Ўзбекистонда фаолият кўрсатётган дипломатлар, бизнесменлар ва ҳоказолар ҳатто давлат тилини ўрганишга шошилаётганлари ҳам йўқ. Улар ҳамон рус тилида мулоқот олиб бормоқдалар. Боз устига Ўзбекистоннинг давлат тизимида фаолият кўрсатётган айрим кадрлар ҳам давлат тилида эмас, яна собиқ совет тузуми давридек бемалол рус тилида мулоқат олиб бормоқдалар. Идоралардан рус тилида турли кўрсатмалар юбормоқдалар. Бундай фактларни жуда кўпалб келтириш мумкин. Адолат юзасидан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасти Вази́рлар Маҳкамаси қошида давлат тилини жорий қилиш бўйича махсус комиссия фаолият кўрсатмоқда. Шундай комиссиялар вилоятлар ҳокимликларида ҳам фаолият кўрсатмоқдалар. Улар ўтган даврда бир қатор ижобий ишларни амалга оширдилар. Лекин уларнинг фаолияти ҳам талабга жавоб беради, деб айтиш тўғри бўлмайди. Чунки худди ана шу идораларнинг кўпчилигида иш юритиш ҳамон рус тилида давом этмоқда, улар ўзига қарашли идораларга турли хатлар ва кўрсатмоларни рус тилида юбораётганлигини кўриш мумкин. 1999 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигиға 10 йил бўлди. Бу вақт жиҳатдан қараганда давлат тилини барчага умумийлигини таъминлаш учун ҳам оз, ҳам кўп дейиш мумкин. Унинг озлиги шундаки, собиқ шўролар даврида тилимизнинг “йўқолиб” кетиши учун реал имконият вужудга келтирилган эди. Уни қайта тиклашға эса 10 йил етарли эмасдир,

эҳтимол. Вақтнинг кўп эканлиги шундаки, ўзбек тили фақат Ўзбекистонда давлат тили бўла олади, унга бошқа биронта мамлакат ёки миллат ўз заминиди давлат тили мақомини бермайди. Бу ҳаммамиз учун янгилик эмас. Хўш, шундай экан, тилимизнинг чинаккам давлат тили мақомини олиши учун бефарқ бўлишимиз керакми?

Бугун хорижга кетаётган инсонлар, ўша мамлакатларнинг тилларини бир-икки ойда мукамал ўрганиб олмоқдалар-ку! Нега ўз она заминимизда яшаётган ватандошларимиз, миллатдошларимиз давлат тилини ўтган 10 йил ичида ўрганиб олмадилар? Уни ўрганиш учун эса мамлакатимизда ҳамма имкониятлар яратилган-ку. Хусусан, бепул курслар фаолият кўрсатмоқда, ўқув қўлланмалари чоп этилган ва бошқа шароитлар мавжуд.

Тилимизнинг чинаккам давлат мақоми олмаётганлиги, айниқса, дипломатик муносабатларда кўпроқ кўзга ташланаётганлиги кишини ажаблантиради. Хўш, нега украин дипломатлари Россия билан бўладиган муносабатларда ўз тилларида сўзлашаётган бир пайтда, ўзбек дипломатлари аксарият ҳолларда хорижий мамлакатлар билан бўладиган муносабатларда ҳамон рус тилида мулоқотни давом эттиришмоқда? Бундай саволларни кўплаб такрорлаш мумкин. Лекин гап бунда эмас. Балки, ўзбекларнинг ўзлари давлат тилининг ҳақиқий мақоми учун фидойи бўлмас эканлар, у яна 10 йилдан кейин ҳам чинаккам давлат тили даражасига кўтарила олмайди. Мана шу оччиқ, аммо адолатли аччиқ ҳақиқатни барча ўзини ўзбекман, дейдиган ўзбек фарзандлари тушунишлари лозимлигини ҳамманинг онгига ва қалбига киритиш муҳимдир.

Бугун ўзбек тилини чинаккам давлат тили даражасига кўтариш билан бирга, унинг Ўзбекистонда яшаётган ўзга, турли миллат ва элатлар вакиллари учун миллатлараро муомила воситаси даражасига кўтариш ҳам энг дозарб вазифалар қаторида турмоқда.

Бу вазифани амалга ошиши барча миллатлар ва элатлар ўртасида ўзаро дўстликни мустаҳкамлайди. Тилимизнинг чинаккам давлат тилига айланиши нафақат миллатимизнинг тўлақонли миллат мақомини олишини таъминлайди, шунинг билан бирга, миллий мерос, қадриятларнинг тикланишига, миллий ўзлигимизни англашимиз жараёнларини тезлаштиришга ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Миллий маданиятни кўтариш, уни миллатнинг ўз-ўзини англашнинг муҳим асосига айлантиришда таълим ва тарбия тизимини



замон талаби ва эҳтиёжи даражасида ривожлантириш катта аҳамиятга эгадир. Бу борада республикамизда сезиларли тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, 1997 йилда республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, яъни кадрларни тайёрлаш миллий дастури-нинг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўтган давр ичида бу дастурни амалга ошириш бора-бора бир қатор амалий ишлар бажарилди. Келажакда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар йўналишлари ҳам аниқ белгиланган.

Энг муҳими, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш умуммиллий маънавий салоҳиятимизни тиклаш ва комил инсонни тарбиялашдек мақсадни амалга оширишга қаратилганлигидадир.

Бу ҳақида Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкид-лайди: “Бу соҳадаги (яъни маънавий соҳасида — С.О.) ишлари-мизнинг пировард мақсади — имон-этиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган барқарор шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат”.<sup>12</sup>

Миллий ўзликни англаш эса ана шу вазифада атакчи ўринни эгаллайди. Чунки унинг миллат абадийлигини таъминлашининг энг муҳим омили эканлигини тарихий тараққиёт яна бир бор тасдиқлади. Лекин бу жараён ўз-ўзидан содир бўлмайди, балки миллатнинг маданияти эа заминлари билан чамбарчас боғлиқдир. Агар миллатнинг ана шу имкониятлари мустаҳкам ва бақувват бўлса, уни қурол билан эзиш, қарам қилиш мумкин, аммо уни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Миллатнинг маданияти ва мустаҳкам заминлари унга ҳар доим ҳаёт бағишлаб тураверади. Шунинг учун ҳам босқинчилар миллатларни қарам қилишни уларнинг тили ва маданиятларини йўқ қилишдан бошлаганлар.

Аммо ҳар доим ҳам маданияти ва илдиэлари мустаҳкам миллатлар яна ўз қаддини кўтариб келганлар. Худди ана шу ҳаётий тажрибадан келиб чиқадиган бўлсак, миллий маданиятимизни ривожлантириш, меросимизни ўзлаштириш ва миллий ўзлигимизни англашимиз миллатимизнинг келажакда жаҳон цивилизациясидаги муносиб ўрнини тиклашнинг асосий омили эканлигини тушунмоғимиз зарур бўлади.

### **2.3. Миллий ўзликни англаш ва маданиятнинг ривожланишидаги зиддиятлар, уларнинг юзага келиш хусусиятлари ва ечимлари**

Маданият ва миллий ўзликни англаш ҳам худди бошқа омишлар каби маълум ички ва ташқи зиддиятлар таъсирида ри-

вожланиди. Аммо бу зиддиятлар ҳар доим ҳам ривожланишга ижобий таъсир ўтказиб қолмасдан, балки уларга салбий таъсир ўтказиш ҳам мумкин. Лекин ички зиддиятларнинг бўлмаслиги жараёнлар ва ходисаларнинг ҳаракатдан тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин. Чунки зиддиятлар жамият ривожининг тўхташига эмас, балки ижобий ёхуд салбий томон ҳаракат қилишига олиб келади. Шу маънода ҳам собиқ шўролар давридаги жамият ривожланиши билан боғлиқ бўлган назарияларни ишлаб чиқишда асосий камчилик зиддиятларни инкор қилиш ёки уни ҳас-пўшлаш бўлган эди. Худди мана шундай ёндашув жамият, ҳодисалар ва жараёнларнинг ички зиддиятларини илғаб олмасликка, назар-писанд қилмасликка олиб келди. Бу ўз навбатида жамиятни ич-ичидан емирилиб, охир-оқибатда унинг ҳалокатини тезлаштиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Аслида ҳар қандай жараёнда қайсидир даражада зиддиятлар мавжуд бўлади, уларнинг бўлмаслиги эса тараққиётнинг тўхташига ёхуд ҳаракатнинг сўнишига олиб келади. Зиддиятлар жамият ижтимоий тараққиётидаги икки ёки ундан ортиқ ҳодисаларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги, бир-бирини инкор этиши, унинг, уйғунликнинг бузилиши натижасида содир бўлади. Миллий маданият ҳамда миллий ўзлиқни англашни ривожланишида (бу ҳақда кейинроқ муҳасам баён этилади) зиддиятлар икки шаклда, яъни мазкур миллий маданиятнинг ривожланишидаги ички зиддият шаклида ёки ташқи зиддият — бошқа маданиятлар билан ўзаро таъсирга киришган вақтдаги зиддият шаклида намоён бўлади. Биринчи ҳолатда бу зиддиятлар ички асосий тенденциянинг тўқнашуви билан белгиланади, бунда консерватив, яъни аجدодлардан мерос бўлиб келаётган, ижтимоий-тарихий тажрибанинг мажмуи билан миллатнинг мавжудлигини, унинг қайта тикланишини, маданиятини ҳамда ижтимоий тенденцияларининг бевосита шаклланаётган янги ижтимоий-маданий тараққиёт тенденцияларининг бир-бири билан тўқнашуви орқали содир бўлади. Яъни гап бу ерда янгилик билан “эскилик” ўртасида содир бўладиган муносабатлар ҳақида кетмоқда.

Ички зиддиятлар миллий турмуш барқарорлиги билан ижтимоий ривожланишнинг объектив тенденциялари ўртасидаги тўқнашувлар, бой (ёки заиф) маданий қадриятлар мавжудлиги билан, ўша қадриятларни ўзлаштиришда халқ оммасининг (турли синфлар ва социал гуруҳлар) қобилиятларининг ҳар хил даражаси (анча бўш, паст даражада ёки етарли даражада бўлиши ва ҳоказо) билан, халқ (миллий) маданияти асослари барқарорлиги билан

уларнинг янги миллий мафкура (яъни миллий тараққиёт олдига қўйган вазифалардан келиб чиқадиган ғоялар) асосидаги ўзаро алоқадорлиги, дин ҳамда халқ (миллатлар ва элатлар) тарбия шакли билан ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиши; ҳар бир халқнинг (миллатлар ва элатларнинг) ўз маданиятини ривожланиши учун ингилиши, ўсиб бораётганлиги билан султ ривожланиши ёхуд мазкур моддий ижтимоий-сиёсий имкониятлар мувофиқ келмай қолиши қабиларда намоён бўлади. Мана шулардан кўризиб турибдики, мазкур зиддиятлар бир томондан ички потенциалнинг (салоҳият) ўзидаги (маънавий қадриятлар ва янги қадриятларга қўшилиш шакллари усуллари) реал ҳолатдан келиб чиқса, иккинчи томондан мазкур зиддиятлар ижтимоий тараққиётнинг илгарилаб борувчи тенденцияларидан келиб чиқади. Гарчи уларнинг айримлари, хусусан, халқ миллий маданияти негизларининг барқарорлиги, яъни миллий мафкура асосида халқ (миллат ва элатлар) оммасининг тарбия шакллари билан собиқ совет тузуми шароитида диний тарбиянинг бир-бирига кўрсатадиган таъсири етарли даражада кескин тарзда қўйилган бўлса-да, улар гоҳо антигонистик кўринишда, бироқ уларнинг барчаси ҳам ижтимоий тараққиётдаги, ҳам миллий тараққиётдаги номукамаллик (тажриба эталонининг мезонларини ва бошқа шунга ўхшашларнинг мавжуд эмаслиги)ни намоён этишини муқаррар шакли ҳисобланади. Улардаги энг муҳим нарса шуки, ички зиддиятлар гўё маданиятни ривожлантиришдаги индикаторлар ролини бажараётгандек туюлади, улар (гарчи, тажриба, “соф” миллий характердаги омиллар ҳам буни кўрсатиб турса-да) умуман миллий маданият тараққиётига салбий таъсир этиб, вақтинча муайян “турғунликка” (ёки секинлашувга) олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга миллий маданият ривожланишидаги ички зиддиятлар ўзгармасдир, қотиб қолган, абадий ҳамда ижтимоий ҳодиса сифатида миллат яшар экан, улар ҳам мавжуддир, деб айтиб бўлмайди. Вужудга келган объектив ва субъектив шарт-шароитлар туфайли айрим зиддиятлар ўз вазифасини ўтаб бўлгач, йўқ бўлиб кетиши ҳам ва улар ўрнига миллий ривожланишнинг янги босқичига хос бўлган янги-янги зиддиятлар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Масалан, мустақилликни кўлга киритган Ўзбекистонда динга бўлган муносабатнинг кескин ўзгариши, унга миллий маданият ва тарбиянинг муҳим маънавий асоси сифатида қаралиши миллий тарбия билан диний тарбия ўртасидаги шўролар зўрлаб киритган зиддиятларга барҳам берди. Аммо миллий маданият ривожланишида меросни

ўзлаштириш билан замонавийликни уйғун тарзда олиб бориш ўртасида янги зиддият вужудга келади. Яъни кўпчилик ҳолларда меросимиздан фахрланиш биринчи ўрнига қўйилиб, уни ўзлаштириш ва замонавийликни ҳам миллийликка “сингдириш” масаласи мураккаблашади.

Миллий маданиятлар ривожланишидаги ички зиддиятлар ташқи омиллар билан боғиқдир. Зеро, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, миллий маданиятлар — улар қанчалик бой “ўз” потенциалига эга бўлмасинлар, маданиятларнинг ўзаро таъсиридан ажралиб, ўз ҳолича яшашу ва ривожланиши мумкин эмас.

Лекин у ҳолда тубандаги аҳволлар пайдо бўлиши шубҳасиз. Агар миллатнинг маданияти гуллаб-яшнашга, бошқаларни бойитишга шу йўл билан умумбашарий маданиятга ўз ҳиссасини қўшишга улгурмай туриб, қандайдир “интеграция” таркибида деражли сингиб, йўқ бўлиб кетадиган, фақат “баъзи бир” муҳим жиҳатларини сақлаб қоладиган бўлса, у ҳолда миллийлик билан байналмилаллик диалектикаси бузилади. Чунки турли миллатлар ривожланиш шароитлари дастлаб бир хил бўлмаганини ҳисобга оладиган бўлсак, “интеграция” жараёни бир маданиятнинг ривожланиши иккинчисининг устидан ҳукмронликка олиб келиши мумкин. Бундай “байналмилаллаштириш”, бундай “диалектика” амалда собиқ шўролар тузуми шароитида нималарга олиб келганлиги бугун ҳаммага аён. Илмий адабиётларда миллий ва байналмилал диалектиканинг таҳлил жараёнида мазкур соҳада байналмилаллик асосий ва етакчи тенденция бўлади, деган ягона бир фикр маданият назариясида “темирдек” мустаҳкам ўрин олган эди. Бундан ташқари, баъзи бир диссертацияларда “миллат ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларида байналмилаллашуви асосан социализм ҳар томонлама такомиллаштириши давомида поёнига етади...<sup>1</sup>”. Баъзиларда “...Коммунизм шароитида ижтимоий ҳаётнинг байналмилаллашуви ўзининг айрим аҳамиятли жиҳатларини ҳали сақлаб қолган миллатлар ва элатларнинг байналмилаллашуви жараёни сифатида ифода этилади<sup>2</sup>” (таъкид бизники С.О.), деган фикрлар қатта “илмий концепция” даражасига кўтарилган эди. Шу муносабат билан қуйидаги савол туғилади. Агар бу сўнги, яъни асосий ёки етакчи тенденция мавжуд бўлса, у ҳолда миллатлар ва элатлар ҳамда уларнинг маданиятлари турлича тараққиёт шароитида умумбашарий маданиятга ўз ҳиссасини қўшадиган “юқори самарали” маданият айрим халқлардан (миллатлар ва элатлар) ўзиб кетиб, ушбу байналми-

роитда миллий манфаатлар атрофига бирлашишда катта аҳамият касб этади. Барча синфлар ва ижтимоий гуруҳларнинг тенг ҳуқуқлилиги ўрнатилиши, ижтимоий адолатнинг қарор топиши, ягона миллий ўзликни англаш шаклланиши учун шароит яратади. Мазкур ўзгариш ҳар хил одамларнинг улар қайси синфга мансублигидан, ижтимоий аҳволидан қаяти назар бирлашишларига, ҳамкорлик ўрнатишларига ва умуман миллатнинг моддий ва маънавий ҳаётини юкслаш-тиришларига ёрдам беради.

Миллий ўзликни англашни шакллантиришда миллатларни ҳудудий ва давлат бирлиги муҳим рол ўйнайди. Гарчи уларнинг роли иқтисодий бирлик даражасига боғлиқ бўлса-да, шунга қарамай бу хилдаги умумийлик ҳоллари мавжуд бўлмаган вақтларда миллатнинг ўзи ҳам, унинг ўзлигини англаши ҳам шаклланиши мумкин эмас. Одамларнинг бир ҳудудда яшаши, — деб ёзади М.С.Жунусов, — уларнинг тил ва иқтисодий бирлигини, бир қатор умумий маданият ҳисобланади. Хусусий бирлик мавжуд бўлмаса, миллатга қадар бирлик ҳам, миллий бирликлар ҳам пайдо бўлиши, риволаниши мумкин эмас. Этник (миллий) ҳудуд бу ҳудуднинг шундай бир қисмики, у билан халқнинг моддий ва маънавий маданиятига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатадиган халқ тарихи, унинг моддий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти боғлиқ бўлади. Она ерга муҳаббат миллий ўзликни англашни шакллантириш ва ривожлантириш учун муайян шароит яратади. Миллатни шакллантириш ва ривожлантириш, унинг ўзлигини англаш шарт сифатида ҳудудий бирлик яна шунинг учун ҳам муҳимки, бир томондан, айна мана шу муайян бир ҳудудда халқнинг (миллатнинг) иқтисодий ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти марказлашуви содир бўлади ҳамда иккинчи томондан унинг ижтимоий муносабатлари ривожланади. Шунинг учун ҳудудий бирлик — бу фақат миллат ва унинг ўзликни англашни шаклланиши ва ривожланиши дастлабки босқичи учун зарур бўлибгина қолмай, айна вақтда у миллатнинг тараққиётида ҳам катта рол ўйнайди.

Миллий ўзликни англашни шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири — бу давлат бирлигидир. Давлат миллий ўзликни англашнинг шаклланишига ва ривожланишига, ўзининг иқтисодий ривожланишига, ўзаро маданий алоқаларга қаратилган ташқи сиёсати орқали таъсир кўрсатади. Миллий жаҳаларнинг (тилнинг тикланиши, миллатнинг уйғониши) жипслашуви ҳамда миллий давлат барпо этилиши миллий ўзликни англаш билан мустақкам боғлиқдир.

Илмий адабиётларда миллат тақдирида давлатнинг ўрни ва роли масаласида турли нуқтаи назарлар мавжуд. Жумладан, М.И. Куличенко, А.Г. Агаев ва С.Т. Калтаҳчанлар билан баҳса киришиб, улар миллий давлатчилик зарурлигини ҳаддан ташқари бўртириб юборганлар, деб ёзади. “Социализм шароитида миллий давлат тависфига бу қадар устуворликнинг тарғиб қилиниши бутунлай ўзини оқламайди, чунки унинг тажрибаси миллатлар, элатларнинг тўла имкониятларини, уларнинг ҳар томонлама ривожлантиришини таъминлашни тажриба кўрсатади ҳамда ўз миллий давлатни барпо этмасдан ҳам кўп миллатли давлат томонидан халқларнинг барча манфаатларини таъминлаш, шунингдек, бундай манфаатларни бир неча халқлар ҳамкорликда барпо этган совет давлатчилиги орқали ҳам таъминлаш мумкинлигини шу давлат тажрибаси кўрсатади”.

Кўриниб турибдики, бу билан муаллиф марксизм-ленинизмни “ижодий” ривожлантирган, уларнинг таълимотларини “ўзгармас” таълимот сифатида қабул қилган. Хусусан, Иосиф Сталин ҳам миллатга берган таърифида миллий давлат бўлишини кўрсатмаган эди, унинг бу кўрсатмаси умумий андозага айланган эди. Бундай фикрлар бизнинг ижтимоий амалиётимизга, қарийб бир аср давом этган ҳаётимизнинг бутун натижаларига зид бўлиб чиққанлиги бутунги ҳақиқатдир.

Бу ерда ўз-ўзидан кўриниб турган назарий баҳса ягона мафкуранинг асосий вазифалари келиб чиққан ҳолда ҳукмрон ижтимоий муносабатлар ва сиёсий тартибларни “оқлаш” уларни абадийлаштириш ва ёритиб бериш мақсад қилинган. Бу масалага яна ҳам чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, адолат юзасидан айтиш лозимки, ҳар бир жамият ўз мафкурасига эга бўлади ва унинг кучи орқали ўз мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилади. Аммо, қандай мафкура кимнинг ва қайси жамиятнинг манфаатларини ифода этмасин, унинг марказида реал тараққиётнинг қонунилари устуворлик қилсагина ўз олдига қўйган вазифаларини амалга оширишга ёрдам бера олиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, марксча-ленинча мафкура нафақат реал тараққиёт қонуларини акс эттира олади, шунинг билан бирга социализмда мавжуд қарама-қаршилиқларга ноантоганостик тус беришни ўз ғоясининг асосий йўналишига айлантиради. Бу эса унинг яқка ҳукмронлигини вақтинча таъминлагна бўлса ҳам, аммо, ҳалокати учун замин тайёрлади. Хусусан, бу таълимот тарафдорларининг фикрича, гўё миллатларнинг ҳар томонлама ривожланишлари учун тўла имкониятлар мавжудлигини

кўрсатиб берган эмиш. Хўш, қайси миллатлар ҳақида гап кетмоқда? Ўз заминларидан зўравонлик билан қўчирилган корейслар, қрим татарлари, месхетиялик турклар, Волга бўйи немислари ва бошқалар тўғрисида гап бормоқдами? Бу хилдаги фикрмулоҳазалар устида жиддий баҳслашиш ортиқча. Чунки улар тарихга айланди. Бироқ улар ортида бугунги кунда ҳам ғоят долзарб ҳисобланган муаммо турибди. Уни ўз тажрибамиз ва бутун жаҳон тажрибаси асосида ҳар қанча муҳокама қилсак арзийди. Уни қуйидагича кўриш мумкин: ҳозирги замон цивилизацияси шароитида у ёки бу миллатнинг ўз давлатчилигисиз мавжуд бўлиши мумкинми? Биз саволни атайин энг муҳим гапни дарҳол ажратиб қўяқолиш учун шу хилда умумийроқ, мавҳумроқ шаклда қўймоқдамиз. Давлат керак, давлатсиз яшаб бўлмайди, демак, ҳар бир халқ учун қандайдир бир шаклдаги давлат бўлиши зарурлиги ҳеч шубҳасиздир. Энди бояги фундаментал фактга ўтсак, яъни миллий давлатнинг мавжуд бўлиши шарт, деган фикрни муҳокама қилсак бўлади. Ўз ерида қонун чиқариб, шу ерда яшайдиган миллатларнинг (шу жумладан, туб миллатга яқин бўлган у ёки бу этник гуруҳлар ҳам) ўз сиёсий ташкилотлари шаклига эга бўлишининг давлат шакли ҳар қандай миллат учун таркибан хос бўлган шакл бўлиб, шу сабабдан ҳам унинг муҳим белгилари қаторига кириди. Зеро, уларнинг барчаси бир-бирлари билан ўзаро таркибан алоқадор белгилардир. “Мамлакат” ва “Давлат” каби сиёсий институти бўлмаган халқ оламандир, у ҳеч қачон миллат даражасига кўтарила олмайди. Чунки аҳоли унда ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган бутун фаолиятини амалга оширади, улар доирасида фақат иқтисодий ҳаёт умумий бўлибгина қолмай, шунинг билан миллат сиёсий мақомга эга бўлади ҳамда маънавий салоҳиятини марказлаштиради. Ўз ери ва ўз давлатчилигисиз бошқачароқ ва қисқароқ қилиб айтганда, ҳеч қандай миллатнинг пайдо бўлиши ҳам, порлоқ ҳаёт кечириши ҳам мумкин эмас.

Хусусан, ўз ерида яшаган ҳар бир миллат ва хатто йирик элатлар ҳамда собиқ СССР доирасида – иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва вилоятлар шаклида ўша ХХ асрнинг 20-йилларида давлатчиликни барпо этиш ҳақидаги ғоялар мавжуд эди. Аммо унинг заминида миллатларни ривожлантириш, ўз салоҳиятларини сақлаб қолиш эмас, балки миллий давлатларни шакллантириш заминида “ривожланмаган” миллатларни шакллантирмоқчи бўлган жамиятнинг “миллатпарварлигига” ишонтириш ўз ғояларига садоқатли қилиш каби мақсад бор эди. Шу йўл билан Россияни оёққа турғизиш ва рус бўлмаган миллатлар ишончини қозониш

учун танланган тактика эди. Аммо унга бундай ёндашув миллатларнинг ихтиёрий яқинлашувига олиб кела олмади, аксинча, уларни зўравонлик билан “яқинлаштириш” амалга оширилди. Мана шунинг учун ҳам бугунги кунда миллий республикалар ўз суверенитетларини қўлга киритган шароитда уларда собиқ совет даврида кўчирилиб юборилган миллат ва элат вакилларининг ўзлигини йўқотишдан ҳадиксираб, ўз миллий давлатларига кўчиб кетганлигини ҳам объектив ҳолат сифатида тушуниш мумкин. Шўролар давридаги давлатчилик нафақат сиёсий институт сифатида ўзини бадном қилди, шунинг билан бирга миллат у ўз мақомига эга бўлиш учун маълум бир ҳудудда давлатга эга бўлиш шартлигини тасдиқлади. Бирор миллат ўз “миллий” давлатчилигига эга бўлмаса, у яшай олмайди ва ривожланиши ҳам мумкин эмас. Бунинг устига, бутун жаҳон тажрибаси кўрсатиб ўтганидек, бундай миллий суверен давлатларнинг марказлашган шаклдаги, хатто унитар давлат шаклидаги битта давлатга бирлашиши мумкин эмас. Бутун дунёда бутун тарихий тараққиёт давомида федерация ёхуд конфедерациялар норма ҳисобланиб келган. Швецариядаги ва бошқа шу сингари мамлакатлардан фарқли ўлароқ баъзи федератив тузилмалар ҳаётида содир бўлган бухронли ҳодисалар (масалан, РСФСР, СФРЮ, ЧССР — ҳозирги ЧФСР ва ҳоказолар) яна бир ҳақиқатни исбот қилиб берди: фақат ҳозирги замон инсон ҳуқуқларига асосланган, демократия қарор топган адолат ва қонун ҳамма нарсадан устувор бўлган шароитлардагина турли миллатлар ва элатларнинг федерация ёхуд конфедерация доирасида мустақам қўшничилик алоқалари мавжуд бўлиши мумкин экан. Шундай шароитгина баҳслар, зиддиятлар нормал ҳаёт истисно қилинмаса-да, ҳар бир миллат, ҳар бир элатнинг нормал ҳаёт кечиришини, уларнинг маданий мухториятини таъмин этиши ҳамда барча эҳтиёжларини энг аввало, ривожланган ва мухтор муниципал ҳокимият туфайлигина қондиради. Фақат мана шунинг ҳаммаси асосидагина барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларда бир-бирига яқинлашиши шаклланар экан, Европа халқларининг аста-секин миллий суверен давлатларнинг “умумевропа уйи”ни яратиш ҳаракатидан иборат бўлган жараён бунга мисолдир. Бу билан биз яна озчиликни ташкил этган миллатлар ҳамда ўз давлатчилигини вужудга келтириш имкониятидан маҳрум бўлган кичик халқларнинг яшаши ва ривожланиши учун қандай қилиб нормал шарт-шароитларни таъминлаш мумкин, деган саволга ҳам жавоб беришга ҳаракат қилдик.



Бизнинг ҳозирги тажрибамиз яна шуни ҳам кўрсатмоқдаки, миллатлар манфаатларини амалга оширилиши учун қафолат берадиган миллатлар суверенитети муаммоси шу сабабдан ҳам миллий ўзликни англашнинг ўзига хос тарздаги “эпицентри”га, яъни марказига айланиб қолди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Чунки миллий ўзликни англаш миллатни суверенитетга интилиши учун қудратли қурол сифатида ҳаракатга келтириб туради. Миллий ўзликни англаш омилининг зиддиятли тараққиёти худди ана шу миллий суверенитетнинг қайси даражада ташкил қилинишига боғлиқдир. Шу маънода рус олими Л.В. Скверцовнинг куйидаги фикрларига қўшилиш мумкин: “ҳар қандай ўзликни англаш алоҳида-алоҳида олганда ҳаётдаги ҳақиқий вазиятларга тааллуқли бўлади. Бундай алоҳидалик одам ахлоқий ҳаёти, хатти-ҳаракатларининг мақсадига айланган маънавий қадриятлар йиғиндиси билан белгиланади.

Идеал инсон мана шу ўзликни англашга мўлжалланган мақсад таъсири остида камол топади. Бир томондан у ўзликни англаш тақдими тарзида майдонга чиқса, иккинчи томондан тегишли ҳаёт ҳақиқати билан ҳисобланган реал шарт-шароитларнинг йиғиндиси сифатида зикр этилади”.

Бундай жараён инсонларнинг миллат вакиллари сифатидаги мақомларида яққол намоён бўлади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, миллий ўзликни англаш реал иқтисодий-ҳудудий, давлат ҳамда халқнинг тил ва маданияти базаларида шаклланади (тил ва маданият омиллари ушбу ишнинг олдинги қисмида қараб чиқилган). Табиийки, мана шу базалар объектив шартлар ва субъектив омиллар бўйича турли хил шароитларда, ҳолатларда ҳам ўзаро бир-бирлари билан турли хил муносабатларда бўлишлари мумкин. Чунки бу омиллар ҳеч қандай шароитда ҳам бир даражада ривожлана олмайди. Уларнинг бири иккинчисига доимо ўз таъсирини ўтказadi. Худди мана шу нарса миллий ўзликнинг ривожланишида зиддиятларни келтириб чиқарадиган биринчи сабабдир. Миллий ўзликни англашдаги зиддиятларни туғдирадиган иккинчи сабаб ягона кўп миллатли давлатчилик доирасида маҳаллий миллат ва у ерда яшаётган “келгинди” миллатлар вакиллари манфаатлар бир-бирига мувофиқ келмай қолиш эҳтимоли билан, маҳаллий миллатларнинг шовинизмга интилиши ва “келгинди” миллат вакиллари билан маҳаллий миллатларнинг ўз тақдири ва келажак авлод олдидаги маъсулиятини тўғри тушунишини хоҳлама-

ётганлиги билан, ниҳоят давлат ва жамоат институтларининг миллатлараро муносабатларини барқарорлаштириш борасида олиб борадиган фаолиятлари билан боғлиқдир. Кўриниб турибдики, бу ниҳоятда мураккаб масалаларни ташкил қилади.

Бу масалаларнинг мураккаблигини чуқур англаш учун халқмизнинг мустақиллигини қўлга киритганигача ўз бошидан кечирган оғир кунлардаги тарихий вақеаларга мурожаат қилайлик. Собиқ СССР парчаланиб кетгандан кейин унинг ўрнида вужудга келган мустақил давлатларда содир бўлган миллий ўзликни англашида “портлаш” жараёни юзага келди. Хўш нега шундай ҳолат содир бўлди? Бу саволга жавоб излаш зарур, чунки унинг ечимини топиш, келажагимиз учун сабоқ бўлмоғи керак.

Маълумки, октябр тўнтарилиши арафасида Россия қолоқ мамлакатлардан бири эди. Унинг марказий қисмидан бошлаб то чекка жойларига қадар барча қисмида яшовчи халқлар ҳар хил иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий даражалари турли хилда турмуш кечиргандир. Хусусан, собиқ Россиянинг марказий туманларида тўлақонли миллатлар шаклланган ва миллий ўзликни англаш нисбатан юқори бўлган бир вақтда Ўрта Осиё минтақасида ўтмишдаги қирғин-барот урушлар ва узоқ вақт давом этган уч феодал давлати (Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари) ўртасидаги курашлар натижасида халқлар ҳар хил этник гуруҳларга бўлиниб кетди ва ниҳоят Чор Россияси ушуб минтақани босиб олганидан кейин бу ерда этник гуруҳларнинг ички курашини кучайтиришга қаратган сиёсат олиб борди. Шу билан бирга бу минтақада саноатлаштиришга қарши (ишчилар синфи шаклланиш жараёнини секинлаштирувчи) сиёсат ўтказилиб, мавжуд иқтисодий шароитни ўзгартирмасликка ҳаракат қилинди (чунки Ўрта Осиё Россия учун хом ашё базаси эди). Буларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, фақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётнигина эмас, шу билан бирга миллатнинг ва миллий онгининг шаклланиш жараёнларини ҳам секинлаштириб қўйган эди. Албатта, бу фикр Ўрта Осиё халқлари Россияда ривожланган миллатдан пастигини билдирмайди. Бу замин халқлари ўзларининг катта маънавий салоҳиятлари билан дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшганлар. Аммо октябр тўнтарилиши натижасида бутун собиқ Россияда шу жумладан Ўрта Осиё, Қозоғистон халқларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида маълум

Ўзгаришлар содир бўлди. Шу билан бирга миллатлар ривожланишида, жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ривожланишида РСФСРнинг Европа қисми, собиқ УССР ва собиқ БССР кейинроқ эса Болтиқбўйи халқлари билан қиёс қилганда нотенглик яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга Ўрта Осиё халқлари ҳаёти қуйидаги минтақавий ўзига хослик мавжуддир: 1) хўжаликнинг аграр йўналишида устувор бўлганлиги ва бинобарин урф-одатлар, анъаналар, турмуш тарзи, халқ психологияси, унинг ижтимоий таркиби ҳам шунга яраша бўлганлиги; 2) шаҳарларда (хунарманчилик соҳасида) ҳам бевосита ишлаб чиқариш жамоаси сифатида, қишлоқларда оилаларнинг аксарият қисми “қўп болали оила”, деб аталадиган оилалардан иборатлиги; 3) анъанавий суғориш системасига асосланган деҳқончилик, дарёлар соҳилидаги водийларга худди шунга ўхшаш анъанавий бўлиб қолган хўжалик шакли бўлиши, чорвачилик минтақанинг каттагина ҳудудий қисмини эгаллаб деҳқончилик билан ёнма-ён келганлиги ва бинобарин, давлат ҳокимиятининг иррагацион системалари ҳамда бутун минтақадаги экологик мувозанати умумий шароитларни сақлаш ва ривожлантириш учун биринчи навбатда маъсуллиги; 4) ўрта асрлардан буён мерос бўлиб келаётган хунармадчилик (цех) ишлаб чиқариши ва шунга яраша турмуш тарзини, қариндош-уруғчилик расм-русумлари ва муносабатларининг, шу жумладан, ўзаро бир-бирига ёрдам кўрсатиш шакллариининг, шунингдек, қўни-қўшниларнинг бир-бирига ўзаро ёрдам беришининг анъанавий шакллари сақланиб қолганлиги; 5) ислом динининг халқнинг дунёқарашида мустақкам бўлганлиги унинг бутун маънавий мероси билан боғлиқлиги натижасида янги мафқуранинг (марксча-ленинча) халқ маънавий ва ижтимоий ҳаётига “ҳазм” бўлиб кетолмаганлиги кабилар миллий ривожланишида ўз ифодасини топади. Ушбу ўзига хос асосий белгилар ва ўзга хос омилларни бундай ажратиб кўрсатилиши фақат назарий аҳамиятга эга бўлибгина қолмасдан яна шунинг учун ҳам зарурки, айни мана шу белгилар 30-йиллардан бошлаб то 80-йилларнинг бошларигача бўлган миллий ривожланиш тарихини билиб олишга ёрдам беради ва мана шу йиллар ичида ўша хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келган, тўпланиб қолган зиддиятлар ва қийинчиликлар ҳозирги аҳволни тушунишга ёрдам беради. Қисқа қилиб айтганда, бундай ёндашув билан минтақа тарихий тараққиётини баҳолаш вақтида биз бу ерда собиқ марказ томонидан олиб бо-

рилган бугун сиёсатга, унинг методларига ва натижаларига баҳобериш учун умумий мезонга эга бўлоламиз ва бундай бир ёқламаликнинг атайин бузиб кўрсатишларининг ва миллий ривожланиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда чегарадан чиқиб кетиш ҳолларининг олдини оламиз.

Афғидан, бу ерда “диалектик инкор” деб аталадагн халқ маданияти ва ҳаётига баҳо беришда нигилизмга айланиб кетадиган “қуруқ” рад этиш “қўрмай туриб” инкор қилиш деган фалсафий категориянинг асосий маъносини эслатиб ўтиш зарур кўринади. Бу ерда гап “янги”нинг ривожланиши устида бормоқда. У “эски”га мосланади, у билан боғлиқ бўлган ворисликка асосланади, ундан униб чиқади, ундаги барча “қимматли”, “ижобий” нарсаларни ўзига олиб қолади. “қимматли”, “ижобий” деган туқунчалар ноаниқ ва субъектизмга ўзбошимчаликка олиб келадиган тушунчалар бўлганлиги сабабли уларнинг ўзига ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, “зарур” нарса тўғрисида (янги жамият ҳаётидаги тарихий шароитларга тегишли маълумотлар тўғрисида) гапириш лозим. Худди мана шунинг учун ҳам у “қимматлидир”, шу сабабдан ҳам “ижобий” рол ўйнайди. Бундай жамиятнинг табиий-тарихий ривожланиш жараёнида, сиёсий ва ҳўжалик, ташкилий воситалар орқалигина ёрдам бериладиган жараёнда фақат ўз заруриятини йўқотиб ривожланишга халақит бераётган нарсаларгина сиқиб чиқарилди. Бу ҳол шу вақтгача минтақанинг октябр тўнтарилишидан кейинги тарихда эришган барча “ютуқлар” ва “мувоффақиятларни” муҳокама қилиш ва уларга баҳо беришда йўл қўйилган мавхумлик даражасини бартараф этиш имконини беради. Бу ерда саводсизликни тугатиш ўз умрини яшаб бўлган патриархаликка қарши кураш, хотин-қизларни озод қилиш, саноатлаштириш, коллективлаштириш ва ҳоказолар керакмиди, улар халққа фаровонлик келтирдими, деган саволларни ўртага қўйишга уларни амалга оширишда қўзланган асосий мақсадларнинг моҳиятга эътиборни қаратиш зарурдир. Улар қанчалик салбий оқибатларга олиб келган бўлмасин, миллатнинг тараққиёт этишига маълум таъсир кўрсата олди. Тўғри, агар бу минтақа Россия империяси томонидан босиб олинмаса, у ерда амалга оширилган октябр тўнтарилиши зўравонлик билан кўчирилмаса ёки маданий “инқилоб” амалга оширилмаса, миллий ривожланишнинг ҳозирги даражалари бошқа бир омиллар таъсирида ҳам содир бўлиши мумкин эди. Аммо бугун “қуриб

бўлгандан” кейин ва ровижланишга “эришгандан” кейин уни синдириш, қайта қуриш, тикланиш ва ривожланиш вазифасининг кўндаланг бўлиб турганлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бунда яна амалга оширилган ишлар қайси тартибда содир бўлганлигига алоҳида эътибор бериш лозимдир. Бунда гап хусусан, айрим олинган бир масала коллективлаштириш — бу тараққиёт шакли сифатида зарурмиди, деган савол устида эмас, балки келлективлаштириш қандай йўллар билан амалга оширилганлиги кўнгилли равишда ўтказилганмиди ёки аксинча, одамларни мажбур қилиш йўли билан ўтказилганмиди, деган масала устида бормоқда. Бу иш қандай миқёсларда амалга оширилган, минтақанинг барча умумий хусусиятлари — ер тузилиши, иқлим, демографик, маданий ва бошқа хусусиятлари қай тариқа ҳисобга олинган эди? Ҳозирги экология муаммолари (Орол муаммоси, суғориш иншоотларининг аҳволи, ичимлик сув муаммоси, аҳоли ўсиб бориши билан деҳқончилик ва чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик маҳсулотлари етиштириш ўртасида узилиш пайдо бўлиши, пахта якка ҳокимлиги ва пахта етиштиришни кимёлаштиришнинг бугун аянчли оқибатлари ва ҳоказолар) балки бугунги кунда бўлмаган ёки бу қадар кескин тарзда турмаган бўлармиди?! Ҳа, унитар давлат томонидан зўрлик билан мунтазам тазйиқ ўтказилмаганида ва бинобарин, халқнинг психологиясига, анъаналарига, турмуш тарзига мутлақо тўғри келмайдиган тадбирлар унинг ҳаётига бу қадар лоқайдлик билан жорий этилмаганда, барча мажбурий тарздаги ўзгаришларнинг сунъий характерда бўлганлиги юқоридаги аянчлик оқибатларга олиб келди. Буларнинг ҳаммаси халқлар ўз миллий тараққиётида ўз тақдирларининг хўжайни (суверен) бўлмаганлиги сабабли содир бўлган. Халқ учун ва халқнинг ўрнига бошқа бировлар ҳал қилар, тадбирларни халққа зўрлаб ўтказишар — бунда “миллатчиликка қарши” кураш шиори остида шафқатсиз террор қилиш усуллари қўлланар эди. Бундай ҳаёт шакллари ва иқтисодий ривожлантириш усуллари миллий маданиятларга ҳам халқ тараққиётининг минтақавий хусусиятларига ҳам мутлақо мувофиқ келмас эди. Ушбу минтақавий хусусиятлар ва муаммоларни кейинроқ муфассал қараб чиқишга ҳаракат қиламиз. Бу ерда миллий ўзликни англаш зиддиятларини муҳокама этиш борасида меҳнатсевар, оқ кўнгил ва меҳмондўст халқнинг беғубор қалбига расмий тарздаги “байналмилаллаштириш” тадбирлари, сунъий шакллари нотўғри ишлар

қанчалик озор етказганлигини алоҳида асослаш ҳақида гап кет-моқда. “Халқлар дўстлиги” ва ҳар хил шаклдаги “байналмилал” тадбирлар шиори билан ниқобланган парда орқасида халқларнинг ўртасидаги табиий, маданий алоқаларини узилиб бораётганлиги, барча зиддиятлар, гина-қудратлар, бир-бирига муносабат масаласида ҳақиқий нодонлик даражасига қадар тушиб кетган ўзаро бир-биридан беғоналашиб бориш сингари иллатлар яширинган эди.

Мана бир жонли мисол. Қозоқлар ва бутун Марказий Осиё халқларининг севимли шоири Ўлжас Сулайманов ўзининг бир мақоласида шундай деб ёзади: “Сентябрда (1988 йил сентябри назарда тутилади С.О.) мен Киевдаги “Эврика” баҳс-мунозара клубида номини айтдим-да, ўша ўлканинг тарихини ўйлаб кўришни, унинг ўтмишдаги, ҳозирги истаган бирар киши номини — ҳокимлар, шоирлар, ишчилар, спортчилар, артистлардан санаб беришини сўрадим. Ўзбекистон номини тилга олдим. Залдан: Рашидов,..Одилов,..деган овозлар келди. Шулардан бошқа ҳеч кимни эслаша олмади... Шарқ ва Ғарб ренессансига ҳисса қўшган юрт — Тожикистон тўғрисида сўрадим, аудитория бу ҳақда умуман ҳеч нарса билмас экан... Грузияни сўраганимда Шота Руставелини ҳамда “Динамо” Тбилиси футболчиларини айтиб қутилишди.. Қозоғистон тўғрисидаги жавоблари ҳам бундан-да саёз бўлди...Ахир бундай мажбурий нодонликни қўплаб ўн йилликлар мобайнида олиб борилган миллий сиёсатнинг энг яққол натижаси, деб баҳоламай бўладими?”<sup>3</sup>

Бугунги миллий онг ва ўзликни англашдаги мавжуд бўлган ғоят улкан мерос бўлиб қолган барча кадриятларга мурожаат қилиш, тарихий хотирани тиклаш, ҳар бир миллатни, унинг маданиятини, бинобарин унинг ғоялари ва эркин тарзда шакллантириш мустақиллик шароитида амалга ошириш мумкин бўлган вазиятда тўлақонли барча зарур шарт-шароитларни тиклаш йўлида одамларнинг миллий бирлашишига эришиш — бу ғоят буюк тараққиёт бўлиб, у аслини олганда миллий тикланишнинг, халқларнинг кўп миллатли давлат шароитида яшашларини таъминлайдиган муҳим омил ҳисобланади. Айрим мустақил ҳам-дўстлик мамлакатларда, шунга қарамасдан миллий ўзликни англаш жараёни давом этаётган бир пайтда ташланган ҳар бир қадам миллий афзалликни кўрсатиш ниятида ўз ҳис-туйғуларини баён қилишга ёки душманликка, уруш-жанжалга, миллатчиликни тўғдирадиган иллатларга, миллатлараро зиддият ва низоларга ай-

ланиб кетиш муҳитини вужудга келтиришга интилаётган сиёсатчилар учраб турганлигини таъкидлаш лозим. Кўп миллатли мамлакатлар доирасида кўрсатмоқдаки, миллий омилларни тушунишни истамаслик, уни тушунмаслик, унга нисбатан эътиборсиз ёки бефарқ бўлиш, миллий ҳаётнинг барча жабҳаларида “байналмилаллаштириш” асослари тўғрисида догматик қотиб қолган эскича турдаги тафаккурга ёпишиб олиш, мазкур жараёнда мавжуд бўлган зиддиятларни тан олмаслик миллий ва байналмилал ҳаракатларни сунъий равишда бўғишга интилиш ва ниҳоят миллат ва элатларнинг ўз қобилигига ўзи ўралиб қолиши — булар бари алоҳида олинган ҳар бир миллатнинг фақат миллий тараққиётига, унинг моддий ва маънавий потенциалини кенгайтириш ва мустақамлаш учун бўлган уринишларига ғоят зарарли таъсир кўрсатибгина қолмай, шу билан бирга у умубашарий қадриятлар тараққиёти учун ҳам жуда ҳалокатли йўл ҳисобланади.

Ҳўш, собиқ иттифоқдош республикалар ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тенг ҳуқуқли давлат сифатида ҳамкорликни олиб борётган бутунги кун шароитида юқоридаги аччиқ мисолларни келтиришга ва масалани кескин равишда қўйишга зарурият борми? Фикримизча, бунинг зарурияти ниҳоятда кучли. Чунки, ана шу собиқ иттифоқдош республикалар, шу жумладан, мустақил Ўзбекистон ҳам кўп миллатлар яшайдиган давлат ҳисобланади. Кўп миллатлар яшайдиган давлатларда эса миллатлараро муносабатларни барқарор ривожлантириш уларнинг истиқболини белгилашдаги энг бош вазифа ҳисобланади. Унинг улдасидан чиқилмас экан, давлат ҳалокатга учрайди. Чунки миллий ўзликни англаш омили ўз салоҳияти ва имконияти жиҳатдан инсоннинг ор-номуси, қадр-қиммати каби қудратли куч ҳисобланади. У миллатни улуғлайди, ҳимоя қилади ва абадийлаштиради. Унинг манфаатларини амалга оширишда таянч нуқтасидир. Бу объектив реалликни ҳисобга олмаслик эса миллатлараро барқарорликнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Бу миллат ва давлат тараққиётини ҳалокатга олиб келиши мумкин. Миллий маданият ва миллий ўзликни англаш — бу бир бутун омил — миллат ва элатлар маънавий оламининг икки қанотидир. Улар нафақат белгиларини ташкил қилади. Шунинг билан бирга умумий манфаат атрофида миллатни бирлаштиради, уни ташқи салбий таъсирларга зарба беришида, ижобий жараёнларни ўзлаштириш ва умумий башарият цивилизациясида муносиб ўрин эгаллаш учун курашда миллатни ҳаракатга келтиради. Бундан ташқари миллий маданият ва миллий ўзликни англ-

лаш омиллари миллатни ташкил қилувчи қолган бошқа омилларнинг маънавий куч-қудрати ҳамдир. Уларнинг бир бутунлигини таъминлайди. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда ушбу соҳада очилмаган ҳали ўрганиб чиқилмаган муаммолар, жиҳатлар, белгилар ва сир-синоатлар маълум бўлганларига қараганда ҳам кўпроқдир.

Миллий маданият ва миллий ўзликни англаш ривожланишдаги мана шу реал вазиятдан келиб чиқадиган бўлсак, қуйидаги ишларни амалга ошириш муҳимдир: а) миллий ривожланиш жараёнини демократиялаштириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳамда миллий маданият ва миллий ўзликни англашни ривожланиши жабҳасига олиб келган барча “оғириқ нуқталар” юзага чиқишига тўсқинлик қилмаслик керак; б) моддий ва маънавий қадриятларни ўзаро алмашиш учун қаттиқ “темир” назорат ва аппарат фармойишлари асосида эмас, балки миллатлар ҳаётини демократиялаштириш ва уларнинг ўзаро манфаатдорлиги асосида, халқларнинг маънавий қадриятларини ўша халқларнинг сон жиҳатдан таркиби ва қайси республикада яшаётганларидан қаъти назар тарғиб қилиш шакллари ва методларини кенгайтириш асосида шарт-шароитлар яратиб бериш зарур. Бунда ҳар бир миллат ва элатнинг маданияти ҳозирги замон ижтимоий тараққиётининг ғоят нодир қадрияти эканлигини ҳисобга олиш муҳимдир; в) кўп миллатли мамлакат доирасида маҳаллий миллатлар билан ёнма-ён яшаётган ўзга миллат ва элатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, уларни маҳаллий миллат атрофига жипслаштиришга ва бу жараёнда маҳаллий миллатнинг етакчилик ролини оширишга эътибор бериш зарур бўлади; г) миллий маданият ва миллий ўзликни англаш омилларнинг катта салоҳиятини миллий бирликни ва давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнларининг ривожланишида фойдалана билиш зарурдир.

Миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг ривожланиш бориши — бу объектив қонуниятдир. Табиикки, ушбу жараёнда зиддиятлар мавжуд бўлади ва улар (зиддиятлар) айрим ҳолларда (зиддиятлар низога айланиб кетган жойларда) умумий тараққиёт тенденциясини секинлаштирувчи “иллат” ролини бажаради, бошқа баъзи ҳолларда (зиддиятларнинг низога айланиб кетишига сабаб бўладиган “иллат” туғилишининг олди олиб қолинган жойларда) у миллий ривожланиш учун индикатор ролини бажаради. Шунинг учун миллий ривожланишни секинлаштирадиган зиддиятлар низо-



ларга айланиб кетишига йўл қўймаслик давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

## 2.4. Миллат — миллий ўзликни англаш ва маданият ижодкори

Юқорида миллий ўзликни англаш ва маданиятнинг шаклланиши, ривожланиши уларнинг миллий тараққиётда тутган ўринлари масалаларини таҳлил қилишга ва тегишли концептуал хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик. Энди эса миллатнинг ўзи ҳақида, унинг шаклланиши, мезонлари нималар билан белгиланиши, ўзлигини англаш ва маданиятни “ишлаб чиқишдаги” фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар устида мулоҳазалар юритишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Бу масала ҳақида тўхталишимиздан олдин, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, улар республикамиз доирасида мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин деярлик ўрганилмади. Тўғри, маънавият, миллий онг, миллий мафкура ва миллий ғоя каби масалалар Президентимиз И.А. Каримов томонидан кўтарилиб, унинг назарий ва методологик асослари ишлаб чиқилагандан кейингина бир қатор асарлар яратилган. Лекин уларнинг ҳаммаси “миллат”ни уюштириш, унинг истиқболини таъминлашга ҳизмат қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу мараққаб муаммони илмий таҳлил қилишга эҳтиёж ошиб бормоқда. Шу маънода ҳам унинг мезонларини белгилаб олиш асосий масала ҳисобланади. Ўрни келганда шунини ҳам эътиборга олишимиз керакки, бу масалалар ўта мураккаб, битта ёки иккита олимнинг фикри, хулосалари билан унинг ягона концепциясини ишлаб чиқиб бўлмайди. Шунинг учун бу масала гуманитар соҳада фаолият кўрсатаётган жуда кўп олимлар, мутахассисларнинг ўзаро фикр алмашишини, муназара ва баҳслар юритишни талаб этади.

Бизнинг илгари сураётган мулоҳазаларимиз эса ана шу мунозаралар ва баҳсларнинг бошланашига туртки беришига умиддир. Зеро, мазкур масала фақат назарий аҳамиятга молик бўлибгина қолмасдан, шунинг билан бирга амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Чунки “миллат”нинг тўлақонли мезонини аниқлаб олиш унинг истиқболи ва тараққиёти имкониятларини белгилашда катта амалий аҳамиятга эгадир. Миллатларнинг шаклланиш муаммолари 60-йилларнинг бошларидан эътиборан ўрганила бошланди<sup>1</sup>, бу соҳада муайян асарлар эълон қилинди,

диссертация ишлари ҳимоя этилди. Марказий Осиё миллатларининг шаклланиш жараёнини ўрганиш бошқа минтақалар билан деярли бир вақтда бошланди. Хусусан, Р.Х. Абдушукуров<sup>2</sup>, М.Ф.Ваҳобов<sup>3</sup>нинг эълон қилинган асарларида О.П.Умурзоқова<sup>4</sup>, К.Б.Бўронов<sup>5</sup>, С.Умамбетов<sup>6</sup>, Л.Карасаев<sup>7</sup>, К.Собиров<sup>8</sup>, А.Солиев<sup>8</sup>, Ч.Овозбердиев<sup>10</sup> ва бошқа муаллифларнинг диссертацияларида ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз ва туркман миллатларининг шаклланиш жараёни биринчилардан бўлиб ёритиб берилди. Мазкур ишларнинг муаллифлари бу муаммони ўрганишга муайян ҳисса қўшганликларини эътироф ҳам этиш адолатдан бўлган бўлур эди. Хусусан, улар биринчи марта миллий ривожланишнинг зарурлиги ва муҳимлиги масаласини ўртага қуйдилар ва миллий масаланинг ўзига хос хусусиятларини ўша давр талаби даражасида кўрсатиб бердилар. Шу билан бирга, бу асарларда Россияда амалга оширилган октябр тўнтаришининг миллий масалани “ҳал қилиш”даги аҳамиятини кўрсатишга, унинг минтақа халқларининг миллий турмуши барча соҳаларида рўй берган ўзгаришлар моҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратганликларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Бироқ мазкур муаммони ўрганишда юқорида кўрсатилган ҳисса билан бир қаторда, муаллифлар кўтарилган масалаларни ёритишда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйганлар. Бизнинг назаримизда бу камчиликлар **биринчидан**, миллатларнинг этник бирлик сифатида уюшуви жараёни жуда заиф ёритилганлигидадир. Бунга сабаб шуки, **халқимизнинг ҳақиқий** ҳаётида рўй берган муайян ўзгаришларга юқорида тилга олинган тузум манфаатлари мезонлари асосида баҳо берилган. Бундан ташқари Марказий Осиё халқлари ўз ҳаётларини “катта оғанинг” ёрдамисиз тубдан ўзгаритиришга “қобилиятли эмас” эдилар, “концепция”лари ҳам ишлаб чиқилган эди. **Иккинчидан**, минтақада миллатларнинг шаклланиш муаммосига ёндашувда расмий (яъни ҳукмрон сиёсат) мезонлари устун мавқени эгаллади. Бунда шундай кўрсаткичларга, чунончи, у ёки бу давлат бирлашмаларининг қай даражада суверен бўлганлиги масаласида мавҳумлик вужудга келганлиги фактига асосланишди. Бундай давлат тузуми ҳақиқатда ҳам миллий давлат тузуми сифатида кўрсатилган бўлса ҳам, амалда улар бу мақомда эмас эдилар. Ёки ишчилар синфининг пайдо бўлиши ва унинг миқдор жиҳатидан ўсиши факторига асосланишда, бунда миллий таркиб ва унинг ўзгариш

тамоийллари таҳлил этилмади ёки туб аҳолининг миллий салоҳиятини яратишга йўл қўйилмади.

Муаллифлар Марказий Осиё халқларининг Россияда октябр тўнтаришидан олдинги ривожланишини таърифлашда турли нуқтаи назарларни илгари сурадилар: бир хил муаллифлар Марказий Осиё минтақасида миллатларнинг шаклланиш жараёни 30-йилларнинг ўрталарида тугалланган, деб ҳисобласалар<sup>11</sup>, бошқалар миллат уларнинг ривожланиш даражасини "гуллаб-яшнаш"гача олиб бордилар. Хусусан, ўзбек миллати 1928 йилдан 1937 йилгача бўлган даврда узил-кесил қарор топди<sup>12</sup>, О.П.Умурзоқованинг фикрича, ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни 1936 йилга келиб якунланди<sup>13</sup>, Л.Карасаев "социализмнинг ғалабаси билан (30-йилларнинг ўрталари назарда тутилади. С.О.) қозоқ халқи янги, социалистик миллат бўлиб шаклланди<sup>14</sup>, деса, К.Собиров тожик социалистик миллати 1936 йилга келиб ўзининг жипслашувини тугаллади ва янги паллага — равнақ топиш ва тараққиёт палласига кирди",<sup>15</sup> деб ҳисоблади.

Миллат шаклланиши жараёнини минтақа даражасида келтириб чиқаришнинг сабаби: **биринчидан**, минтақамизда яшаётган халқларнинг ҳар бири ўзига хос миллат мақомига қанчалик эга бўлмасин, уларнинг заминлари яғонадир; **иккинчидан**, улар узоқ тарихий тараққиёт жараёнида яғона халқ сифатида у ёки бу давлатлар фуқоролари сифатида яшаб келдилар. Президентимиз таъкидлаганидек: Туркистон — умумий уйимиздир. "Зотан Туркистон деганда азалдан фақат келиб чиқиши туркий бўлган халқларгина эмас, балки ўлканинг ҳамма аҳолиси назарда тутилади"<sup>16</sup>. Бу омилларни ҳисобга олмасдан туриб, фақат ўзбек миллатининг алоҳида таҳлил қилиш илмий ҳақиқатни шакллантириш мураккаб бўлиши мумкин. Мана шу фикрларга асосланган ҳолда бу мураккаб муаммога ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлган булур эди.

Умуман юқорида айтиб ўтилганидек, Марказий Осиё миллатларининг шаклланиш жараёнини ўрганувчи муаллифлар бир фикрга, яъни минтақада "социалистик миллатлар"нинг шаклланиши 30-йилларнинг ўрталарида тугалланган, деган фикрга келдилар.

Собиқ иттифокда, шу жумладан, Марказий Осиё республикаларида миллий ривожланишнинг ҳозирги жараёни шунини кўрсатадики, "социализм"нинг ривожланиши ва "социалистик миллатлар"нинг шаклланиш даражаси ҳақидаги 36-40 йил олдин

чиқарилган хулосаларни ҳам объектив таҳлил қилиш зарур. Бунга бугунги кунда барча имкониятлар бор. Энг муҳими собиқ марказ ва унинг илмни мафкуравий манфаатлардан келиб чиқишга қаратилган зўравонлиги барҳам топди.

Албатта, биз юқорида кўрсатилган муаллифларни миллат шаклланиши ҳақидаги хулосалари учун “айбламоқчи” эмасмиз. Бу масалага баҳо беришда ўша даврда тузум олиб борган сиёсат ва мавжуд йўналишни қўллаб-қувватлаш барча учун белгилаб берилганлигини ҳамда барча учун бажарилиши шартлигини ҳисобга олиш масаласида баҳо беришда адолатли ёндашувдир. Агар масалани ҳас-пўшламасдан, унга чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам 30-йилларнинг ўрталарида, чуқурроқ социалистик миллат шаклланганмиди, деган саволни қўйишимиз ва унга жавоб излашимиз лозим. Бунинг учун эса “миллат”га тўла мақом берувчи омил сифатида маънавий омиллар, тил ўзлигини англаш, давлат тизими ва иқтисодий бирликларни белгилайдиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам собиқ шўролар даври ёки социализм шароитида мавҳум социалистик миллат шаклланганлигини (ўша давр мезонлари ва моҳиятига мос) эътироф этиш мумкин. Аммо ана шу омилларнинг ҳаммаси бир вақтда эмас, балки айримлари (хусусан, давлат тизими, иқтисодий бирлик) 30-йиллар ўрталарида шаклланган бўлса, қолган (маънавий омиллар, тил, миллий ўзликни англаш) жараёнлар давом этади.

Шундай қилиб, социализм қурилди. Аммо, у ишлаб чиқилган назариялардаги халқ манфаатларига хизмат қилувчи илғор ғояларга асосланган жамият сифатида эмас, балки партия, совет ва бошқа соҳаларда ишлаётган раҳбарлардан иборат элитага хизмат қилувчи жамият сифатида қурилди. Бу жамият қанчалик кўкларга кўтарилиб мақталмасин, унинг заминлари зўравонликка асосланганлиги боис, ич-ичидан емирилиб, инсонлар ва миллатлар бошига оғир кулфатлар келтирди. У барча соҳалар бўйича инқирозга учраган 70-йилларнинг бошларида коммунистик мафкурачилар тарафдорлари томонидан “бадном” этилган, халқни эзиш, эксплуатация қилувчи жамият сифатида танқид қилинган, капитализм халқ капитализмига айланиб, уларнинг фаровонлиги ва жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қила бошлади. Бу даврда социализм, капитализм жамияти коммунистик ва буржуа мафкуралари ўрталаридаги беаёв курашда капитализм ва унинг мафкураси коммунистик жамият ва унинг мафкураси устидан тўла ғалаба қилди. Хўш, социализм нималар ҳисобига қурилди ва қандай оқибатларга олиб келди?

Энг аввало, Марказий Осиёда азалдан мавжуд бўлган давлатчилик бутунлай тугатилди, бу ўлкадаги халқларнинг иқтисодий ягоналиги ҳам йўқ қилиб юборилди. Заминлари халқ ҳаётига бориб тақалган анъанавий ишлаб чиқариш ҳам тугатиб юборилди. Миллий мерос ва тилларнинг йўқ бўлиб кетиши учун замин вужудга келтирилди. Бу сиёсатнинг зўравонлик билан амалга оширилиши натижасида ягона давлат — СССР, ягона халқ хўжалиги тармоғи, рус миллати маданияти ва маънавияти устуворлигига асосланган мазмунан ягона социалистик маданият ва миллийлик ўрнига ягона марксистик мафкурага асосланган социалистик миллий ўзликини англаш шакллантирилди.

Зўравонлик, меҳнатқаш халқни эксплуатация этиш ва миллатларни йўқ қилишга қарагилган социализмни чуқур ўрганиш зарур. Чунки жамиятларга номларига қараб эмас, балки кимларга хизмат қилиши, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги ёки у кўзлаган мақсадларга қараб баҳоланади. Худди мана шу нуқтаи назардан қараганда ҳам собиқ СССРда қонунли социализмнинг моҳияти, табиати ва тараққиёт қонуниятларини ўрганиш зарур. Зеро, жамиятлар қанчалик чиройли номланмасин, улар халқ манфаатларини ифода этмас экан, унинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмас экан, у албатта, реалликдан йироқ ва инқирозга маҳкумдир.

Назаримизда, социализмни ўрганиш ва айниқса, Марказий Осиёда ўша шароитда содир бўлган ўзгаришларга ҳам илмий ёндашиб, адолатли хулосалар ишлаб чиқиш учун илмий жамоатчилик ўртасида баҳолар ва мунозаралар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлган бўлур эди. Яна масаланинг анализига қайтиб, шунини таъкидламоқчимизки, “социалистик миллатлар” нинг шаклланиш жараёни 30-йилларнинг ўрталарига келиб якунланади, деб хулоса чиқарган муаллифлар, афтидан Марказий Осиё халқлари турмушида октябр тўнтарилишидан кейинги даврда рўй берган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалардаги ўзгаришларга асосланиб фикр юритганлар. Таҳлилнинг кўрсатишича эса худди шу даврда ижтимоий фанларда назарияни ишлаб чиқиш соҳасида маъмурий-буйруқбозлик зўравонлигининг шакллари бутун кучини намоён қилган. Бунга мисол тариқасида ана шу даврда бошқача фикрловчи ҳар бир миллий зиёли йўқ қилинганини айтиб ўтиш kifоя.

Собиқ иттифоқнинг турли минтақаларида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожланишнинг тенгсизлик шароитида бу аҳволнинг салбий оқибатлари миллий муносабатлар

соҳасида зиддиятларнинг кучайишига олиб келди. Мазкур муносабатларнинг кескин тус олиши, ҳар бир миллатнинг бундан олдинги тараққиётида вужудга келган барча қийинчиликлар ва дард-аламлар уларнинг қалби ва юракларида тўпланишини тезлаштирди.

Энди минтақавий хусусиятлар ҳақида фикр юритсак, илмий адабиётда «минтақавий хусусиятлар» турли муаллифлар томонидан гурлича таърифланади. Хусусан, Б.С. Саломовнинг ёзишича, «минтақалар табиий-географик ва иқлим шароитлари билан; моддий ресурсларни ўзлаштириш даражаси, аҳолининг зичлиги, синфлар ва ижтимоий гуруҳларнинг, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг иқтисодий-ҳўжалик жиҳатидан ўзига хослиги, турлича нисбати билан, меҳнаткашлар турмушининг маданий-маиший шароитлари аҳоли маълумот даражасининг бир хил эмаслиги ва ҳоказолар билан фарқ қилади. Бундан ташқари минтақалар янада байналмилаллашиб, туб халқлар ва баъзи бир бошқа халқларнинг нисбати билан ажралиб турадилар. Биргаликда олинган бу фарқлар мажмуи минтақавий хусусиятларни ташкил этади».<sup>17</sup> С.М. Кокарев социалистик турмуш тарзини ўрганиш жараёнида ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларидаги минтақавий ўзига хос йўналишларини тақозо этувчи омилларни табиий-географик, иқтисодий (ишлаб чиқариш) ижтимоий, ижтимоий-рухий, демографик туман-режалаш (урбанизация) омилларини ажратиб кўрсатади.<sup>18</sup>

Кўриниб турибдики, муаллифлар шу тариқа ўзига хос минтақавий хусусиятларни белгилаб, асосий йўналишлар йиғиндисини ўзаро бир-бирига боғланмасдан, бир-бирига таъсир қилиши ва қўшилиб кетишлари кўрсатимасдан, яъни уларнинг ривожланиш механизми мантқан қараб чиқилмасдан санаб ўтилган ҳолос. Республикаимиз Президентини И.А. Каримов, «Бу минтақадаги республикаларнинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Бу ўхшашлик олдин айтганимиздек, маданият, урф-одат, анъаналар соҳасида ҳам, энг муҳими эса иқтисодий салоҳиятда ҳам мавжуддир».<sup>19</sup> Бу ҳол ҳақиқатда муайян омиллар ва жараёнларни тушунишга ёрдам беради. Аммо, муаллифларнинг баъзилари миллат ва элатлар орасида ишчилар синфи вакилларининг кам сонли эканлигини кўпинча бу халқларнинг sanoat ишларини бажаришга «қобилиятсизлиги» билан изоҳламоқчи бўладилар ва бу миллат шаклланишига ҳалақит беради, деб ҳисоблаган эдилар.

Агар мазкур масалага юқорида тасвирланган «минтақавий ўзига хос» хусусиятни татбиқ қиладиган бўлсак, шу нарса маълум бўлади: бундай ҳолда биз у ёки бу омилларга (масалан,

табийй, география, иқлим, моддий ресурслар ва шу кабиларга) алоҳида-алоҳида ёндашмоғимиз, шу билан бир қаторда (қандайдир) анъаналар, урф-одатлар, маданий-маиший, психологик омиллар — ерга, анъанавий машғулотлар ва ҳунарларга боғлиқлигини, яқка турдаги уй-жойларга одатланиш ва шу кабиларни ҳам кўрсатиб ўтишимизга тўғри келади. Лекин бу санаб ўтилган ва ўтилмаган омилларни ажратиб кўрсатиш етарли эмас. Бу асосан ишнинг дастлабки қисми бўлиб, унинг маъноси минтақавий — ўзига хос хусусиятларнинг бутун хилма-хиллигини ҳисобга олишга уринишдан иборатдир.

Биз бу омилларнинг алоқаларини ўзаро таъсир кўрсатиш механизмларини янада тадқиқ қилиш йўлидан борар эканмиз, гоят мураккаб ва зиддиятли тадқиқот объектига дуч келамиз, яъни бу алоқалар ва ўзаро таъсирлар “денгизи”га “ғарқ” бўламиз. Шунинг учун ҳам ёндашувларнинг қандайдир энг умумий мезонларига эга бўлиш зарурки, улар бу ўзаро таъсирларнинг энг муҳим белгиловчи жойлари ва томонларини ажратиб кўрсатиш имконини берсин. Умумфалсафий жиҳатдан бу ҳол бизга шундан далолат берадики, жамиятнинг ривожланиши табиий-тарихий жараён бўлиб, уни одамларнинг ўзлари, бинобарин, миллат бўлиб жиҳатлаётган ва миллат ёки элат жамоа субъекти сифатида кун кечириётган ҳар қандай халқнинг ўзи амалга ошириши керак. Шунинг учун ҳам бу субъектга мазкур халқ сифатида (у “миллат”, деган тушунчанинг муҳим белгилари мажмуига мос равишда ана шундай таърифланиши мумкин) қандайдир интегрatív баҳо бериш лозим бўлади.

Мазкур белгиларни яна такрорлаб ўтирмасдан, Марказий Осиё халқлари ҳаётидаги минтақавий ўзига хос хусусиятлар таърифини ҳам такрорламасдан, биз уларга асосланишимиз, хусусан, билимлар ва халқ ҳаётининг аграр хусусиятларидан, шаҳарларда анъанавий цех ҳунармандчилигидан, оила, маданий ворислик механизмлари билан мустаҳкамланган анъаналар, урф-одатлардан келиб чиқишимиз лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, юқорида эслатиб ўтилган у ёки бу психологик омилларнинг қанчалик чуқурлашиб боришини пайқаш қийин эмас. Ерга ёки ўз уйидаги турмушга, кийим-бошлар тикишга ва ҳоказоларга боғланиб қолганлик эндиликда ўтмиш билан ҳам, бугунги кун билан ҳам изоҳланади, бунда кўп болалик она оила ҳаётида саноат жиҳатидан ривожланган туманлардагига нисбатан бутунлай бошқача рол ўйнайди.

Бу хулосалардан илмий муаммо асосий нарса сифатида қуйдагича саволни келтириб чиқариши мумкин: Ўрта Осиё республикаларидаги саноатлаштириш халқнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари орқали белгиланган унинг табиий-тарихий тараққиёти жараёни бўлган эдими ёки бу жараён ташқаридан киритилган бошқа мамлакатлар ривожланишидаги тарихий тажрибаларни ҳамда минтақавий хусусиятларни ҳисобга олмасдан амалга оширилган кўп жиҳатдан сунъий жараён бўлган эдими?

Аслида саноатлаштириш тарихи шуни исбот этиб берадики, ҳар бир ва ҳар қандай мамлакатда қандайдир умумий қонуниятлар амал қилади. Масалан, цех (ўрта асрлар) туридаги ҳунармандчиликдан ҳозирги замонавий машинасозлик ишлаб чиқаришига ўтишда давр тақозо этган ва мана шу икки ишлаб чиқариш тури ўртасида оралиқ мануфактура босқичи “бошлангич меҳнат кооперациси” сифатида мавжуд бўлган эди. Бироқ униси ҳам, буниси ҳам ўз навбатида саноатнинг ривожланиши муносабати билангина (хусусан, воситачи савдогарларнинг вужудга келиши ва уларнинг эволюцияси натижасида иш кучини ёлловчилар пайдо бўлиши, уларнинг тадбиркорларга айланган қолиши) мумкин бўлган эди. Яна ҳам умумийроқ қилиб айтиладиган бўлсак, бунинг учун илк жамғарма жараёни зарур бўлган. Бу эса ўз навбатида кечагина қишлоқ хўжалигида банд бўлган жуда кўп деҳқонлар оммасининг дала ишларидан озод бўлиб, аста-секин “пролетарлаштирилиши” натижасида содир бўлагн эди.

Бундай мулоҳазалар ва бу хилдаги рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин. Чунки бунда гап аслини олганда “саноатлашган жамият” ривожланиши учун табиий-тарихий жараён сифатида унинг тараққий этиши барча объектив ва субъектив омиллар ҳамда шарт-шароитларни вужудга келтириш тўғрисида бормоқда. Бундай ҳолларда минтақани “нокапиталистик” йўлдан бошлаб, уни саноатлашган мамлакатлар ва халқлар йўлига ҳамда биринчи навбатда рус халқи йўлига солиб олиш ва бунда саноатлашган мамлакатлар ёрдамидан фойдаланиш фақат марказ тўғри сиёсат олиб борган тақдирдагина мумкин бўлур эди, шундагина улар тараққиётнинг у ёки бу босқичдан “сақраб ўтиш”, ўз тараққиётини тезлаштириш имкониятига эга бўлардилар ва ҳоказо. Бироқ шу нарса ҳам равшанки, ана шу тўғри сиёсатнинг ўзи стратегик ва талқин жиҳатдан олганда мазкура ўтиш жараёнининг умумий қонунларини ва минтақавий ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш асосига қурилмоғи керак эди. Холбуки,



Ғарбий Европада саноатлаштириш товар ишлаб чиқариш ва бозорнинг табиий ривожланиш жараёни сифатида содир бўлган бўлса (бундай товар ишлаб чиқаришнинг олий формаси сифатида капитализм барпо этилган бўлса), минтақада танлаб олинган йўлнинг ундан, тубдан фарқ қилиши шунда эдики, уни бозордан ва бозор муносабатларидан воз кечиб, нотовар ишлаб чиқариш йўлидан бошлаб амалга оширилди, шунинг учун ҳам у сунъий бўлиб чиқди. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, мавжуд “миллат” тушунчаси билан капитализмдаги асосий саноатлаштириш шартлари ўртасидаги тасодофий бўлмаган мослашувлар мавжуддир. Умумий ҳудудининг мавжудлиги, иқтисодий ва сиёсий умумийлик, маданият ва миллий ўзликни англашда, жамланган тил бирлиги — булар бари саноатлаштириш жараёнида асосий омиллар, уни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш омиллари сифатида майдонга чиқади.

Хўш, ана шу жуда кўп омиллар умумий ва махсус омиллар ичидан ҳар қандай ҳолда ҳам у ёки бу тарздаги минтақавий фарқларга қарамасдан барибир саноатлаштиришни таъминлай оладиган энг муҳим омилларни ажратиб кўрсатиш мумкинми? Башарти, биз тарихни одамлар (халқ) яратади ва саноатлаштириш улар тараққиётининг жараёни ва натижасидир, деган тушунчадан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда бизнинг тушунчамиз, албатта, одамларнинг ўзида, уларнинг эҳтиёжларида, манфаатларида, фаолиятида мужассамлашади. Ёки қисқача қилиб айтганда, бу ерда гап анъанавий ишлаб чиқаришга нисбатан анча унумлироқ меҳнат шакли сифатида йирик машина саноатини вужудга келтиришга бўлган халқ эҳтиёжининг пайдо бўлиши ижтимоий тараққиётнинг ана шундай йўналишидан манфаатдор бўлган кишилар гуруҳининг пайдо бўлиши ҳамда жамиятни шу йўлдан олиб борадиган фаолиятни амалга оширишга қодир бўлган кишилар тўғрисида бормоғи керак. Бу кўп укладли иқтисодиётни, мана шу соҳалар ва фаолият шакллариининг барчасида банд бўлган кишилар ўртасида эркин иқтисодий мусобақа бўлишини, ишлаб чиқаришни камайтириш ва хатто буғишдан эмас, балки ривожлантиришдан манфаатдор кишилар бўлишини, бозорни ва унда товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобати мавжуд бўлишини тақозо этади.

Бунда, айна қишлоқ хўжалигини ҳамда енгил саноатни ривожлантириш, биринчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва иккинчидан, қишлоқни таъминлаш учун озиқ-овқат ишлаб чиқариш (шу жумлада, техника ишлаб чиқариши ва бу техникани таъминлаш сингари ишларни бажа-

радиган корхоналарнинг вужудга келиши) асосий аҳамият касб этади, бу хўжалик юритишнинг аънавий шаклларида унинг янги саноатлашган шаклларига табиий равишда ўтишни ва бунинг учун молиявий база яратишни таъминлайди. Мана шу янги фаолият турларига ва йирик машиналар саноатида ишлашга кўп одам жалб қилинса, таълим-тарбия ишларини ҳам тегишли равишда ўша даражада ривожлантириш, яъни ўқитувчи кадрлар ҳамда машина индустриясини тайёрлашга қодир ходимлар ва муҳандислар тайёрлаш, уларни — муҳадис-техникларни, ишчиларни ўқитиш зарур бўлади.

Юқоридаги шартларнинг айримлари Россияда большовойлар томонидан амалга оширилган янги иқтисодий сиёсат — НЭП даврида у ёки бу даражада бажарилган эди, лекин у ишларнинг ҳаммасини зўравонлик билан батамом тугатдилар, 20-йилларнинг охиридан бошлаб ўша шароитларнинг барҳам топтирилиши социализмни бадном қилганлигини кўриб турибмиз. Аслини олганда ўша даврдаги тартибларга гарчи бошқачароқ тараққиёт даражасида ҳам ўша усул ва ўша шароитларни такрорлашга, уларни қайта тиклаб, бутун собиқ СССР худудида бугунги мустақил давлатларда қайтишига тўғри келмоқда. НЭПнинг асосий вазифалари билан бозор муносабатларини шакллантириш ўртасида тафвутлар мавжуд, албатта. Бозор муносабатлари зўравонликка эмас, балки демократик тамойилларга таянади. Башарти, мана шу вазифаларнинг барчасини ҳатто саноати ривожланган собиқ СССРнинг Москва, Ленинград, Урал, Донбасс ва бошқа шу сингари қудратли районларда ҳал қилишга тўғри келган бўлса-да, ушбу фактдан эринчилик жихатдан муҳим бўлган қуйдаги камидан икки хулосани чиқариш мумкин: Биринчидан, Россия бизнинг минтақамизга асбоб-ускуналар, жиҳозлар етказиб бериш, кадрлар тайёрлаш сингари ишлар билан ёрдам кўрсатган бўлса, унинг ўзи ушбу тараққиёт йўлини кўп жихатдан сунъий равишда босиб ўтди ва бу одамларнинг субъектив фаолияти билан (биринчи навбатда ҳокимият органлари билан) тараққиётнинг объектив қонунлари ўртасида аниқ кўзга ташланиб турган зиддиятларга олиб келди. Иккинчидан, яна шу факт ҳам равшан кўриниб турибдики, саноат ривожланган мамлакатлар билан қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик устувор бўлган минтақалар ўртасидаги бошланғич шароитларнинг фарқи саноатлаштириш вазифасини ҳал қилишда уларни тенг бўлмаган, нотекис ва ҳатто қийинлаб бўлмайдиган оғир аҳволга солиб қўйди. Натижада сано-

атлаштиришнинг ўзи сунъий равишда ва зўравонлик билан амалга оширилди.

Ҳозирги кунда бозор муносабатларини шакллантиришнинг қийинчиликлари ва зиддиятлар кўп жиҳатдан мана шу ҳол билан изоҳланади, яъни минтақадаги туб аҳволнинг кўпчилиги қишлоқ жойларда яшайди ва ишлайди, улар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларда оғир шароитларда меҳнат қиладилар. Мавжуд меҳнат ва турмуш шароитининг оғирлиги, инфраструктура, яъни нормал ҳаёт шароитини, таълим ишларини ва соғлиқни сақлашни таъминлайдиган шароитни йўқлиги меҳнаткашлар учун, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар учун ўзларини шаҳардаги замонавий корхоналарда ёки қишлоқнинг ўзига кўчирилган шундай ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаш имконияти амалда кескин тарзда чеклаб қўйилишига олиб келди. Масалан, оилада энг асосий ишчи ҳисобланган кўп болали она қандай қилиб саноат корхонасида меҳнат қилиши ёки заводга бориб ишлаши мумкин? Ҳатто соф иқтисодий жиҳатдан қараганда ҳам унинг оиладаги меҳнати самаралироқ ҳисобланади, оила эса усиз яшай олмайди. Хўш, шундай бир шароитда ишлаб чиқаришда уни жуда паст малакали оғир ва кам ҳақ тўланадиган меҳнат кутиб турган бўлса, бунга нима дейиш мумкин? Қани энди бу ерда малакали ишчини тайёрлаш учун ёки ҳатто муҳандисни, техникни тайёрлаш учун шароит? Қани бу ерда замонавий ишлаб чиқаришда ўзини мувоффақиятли равишда кўрсатиб ишлашга қодир бўлган миллий ишчилар? Болалик давридан бошлаб заҳарли химикатлардан нафас олиб, нотўғри овқатланиш ва нотўғри даволаниш натижасида соғлигини йўқотган, ўз вақтини мактаб партасида ўтказиш ўрнига пахта далаларида ўтказган ёшлар ўша давр саноатида меҳнат қила олардиларми? У шаҳардаги ишчи билан рақобатдош бўла оладими, у ўқиган қишлоқ мактаби бошқа мактаблар билан беллаша оладими? Бу ерда гап “қобилият” йўқлигида эмас, бинобарин бу ерда гап мутахассиснинг шаклланиши ва ривожланиши учун мутлақо яроқсиз бўлган шароитлар ҳақида, уларнинг ўсишини, чинаккам миллатни шаклланишини чеклаб қўядиган, одамларни майиб қилишга қаратилган собиқ совет тузумини авайлаб вужудга келтирган вазият тўғрисида бормоқда. Фаолиятнинг у ёки бу тури билан машғул бўлган ҳар хил ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги социал-иқтисодий фарқлар ўз-ўзидан улар ўртасидаги миллий фарққа айланиб кетган эди. Чунки ўша давр саноатидаги малакали меҳнат асосан рус тилида гап-

лашадиган аҳоли томонидан бажарилган эди. Уларнинг бир қисми Россия империясининг минтақани босиб олишдан олдин бу ерга юборилган кишилар, яна бир қисми босиб олингандан кейин юборилган жинойтчилар, катта қисми иккинчи жаҳон уруши даврида ва урушдан кейин кўчирилиб юборилган “келгинди мигрантлар” эдилар. Турмуш тарзидаги фарқлар, устуворликлар, ушбу ҳар хил гуруҳларнинг ҳаётий неъматлар ва бошқа нарсалар билан таъминлаш даражаси ҳам оқибат натижада миллий фарқлар характери тарзида ўз ифодасини топди. Бундай жараён иккинчи томондан маҳалий халқларни социалистик миллат бўлиб шаклланишига хизмат қилди.

Минтақавий аспектда миллий ўзликни англаш ва миллий маданиятни ривожлантиришга ёрдам социал-сиёсий ва маданий механизмлар асосида вужудга келадиган миллий ўзига хос хусусиятларни анализ қилиш ҳам муҳим ҳисобланади. Зеро, бугунги кунда собиқ СССР ҳудудининг турли минтақаларида ва турли халқларда сиёсий, иқтисодий, маданий институтларнинг вужудга келишида хилма-хилликка йўл қўювчи ёндашувлар илмий жиҳатдан асосланмоғи керак. Бундай ёндашувни амалга ошириш учун халқлар тўғрисида, улар ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий укладлари тузилиши ва ривожланишига хос бўлган миллий-минтақавий хусусиятлар тўғрисида, уларнинг маънавий ва маданий имкониятлари тўғрисида, ниҳоят у ёки бу мустақил давлатларда олиб бораётган ислохотларнинг ўзига хослигига ўтмиш кўрсатаётган таъсирларни тушуниб етиш катта амалий аҳамиятга эгадир. Унинг аҳамияти шундаки, **биринчидан**, собиқ совет тузуми шароитида турли соҳаларнинг социалистик асосда қуриш жараёнида қўйилган хатоликлардан мустақиллик шароитида ислохотларни ўтказишда тегишли хулосалар чиқариш ва уларни такрорламаслик имкониятини беради; **иккинчидан**, Марказий Осиё халқлари мустақил давлатни, ҳатто энг идеал тарзда қурганларида ҳам бирга яшаш ва минтақа муаммоларини биргаликда ҳал қилишлари объектив жараён сифатида қолаверади. Худди ана шунинг учун ҳам миллий ривожланиш жараёнларини комплекс тарзда ўрганиш ва уларни ўзаро яқинлаштирадиган омилларни топа билиш лозим бўлади.

Маълумки, миллий ўзликни англашнинг ва миллий маданиятнинг шаклланиш жараёни миллий бирликка эришишдан бошланади. Мазкур жараён турли объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар туфайли ҳар хил кечиши мумкин. Миллий ўзликни ва миллий маданиятнинг минтақавий ўзига хос хусусиятларини

тахлил этишга киришар эканмиз, биз уларнинг бугунги кундаги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда қараб чиқишга ҳаракат қиламиз. Миллий ўзликни англаш саноат ишлаб чиқариши даврида бугун миллий бирликнинг вужудга келиш жараёнининг таъсири остида шаклланади. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё халқлари капитализмни четлаб ўтганлиги ҳақидаги собиқ шўролар давридаги шакланган анъанавий назарияга қўшилиб бўлмайди. Чунки октябр тўнтаришидан кейинги зўравонлик йўли билан минтақада қурилган социализм мазмун ва моҳияти жиҳатдан ўзга хос капитализм босқичи эди. Унинг классик капитализмдан фарқи шунда эдики, агар классик капитализм табиий равишда шакланган бўлса, минтақада капитализм миллий хусусиятларни ҳисобга олмасдан, сунъий равишда зўравонлик асосида шакллантирилди. Оқибатда, бир қатор ўзгаришларга қарамасдан катта талафотларга олиб келди. Шунинг учун ҳам собиқ совет тузуми даврида капитализм “четлаб” ўтилган йўл билан айнан зўравонликка асосланган капитализм қурилган эди. Бу ерда миллат капитализмгача бўлмаган эди, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Бу ҳақда олдинги қисмларда фикр билдирдик. Бу ерда гап миллий бирликнинг вужудга келиши қудратли кучга айланиши ҳақида бормоқда. Марказий Осиё халқлари капиталистик тараққиёт босқичини “четлаб” ўтганликлари тўғрисида этник гуруҳлар ва элатларнинг бирикиши тўғрисидаги муаммолар адабиётларда узоқ вақт баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Хусусан, М.Ваҳобов ўзбек миллати шаклланиш тарихини уч босқичга бўлиб, бундай деб ёзади: “Биринчи босқич — XI асргача ўзбек халқининг дастлабки, илк ядроси шаклланиш даври; иккинчи босқич — XI-XII асрлар ўзбеклар элат сифатида шаклланиши поёнига етказилган давр; учинчи босқич — ўзбек элатининг ривожланиши ва унинг таркиби ўсиб борган давр (элатларнинг буржуа миллатига ўсиб чиқиш даври эмас, С.О.) бўлиб, бу то XIX асрга қадар давом этган”.<sup>20</sup> Д.Карасаев “Улуғ октябр социалистик революцияси даврига келиб, қозоқ халқи ўзининг миллий бирлашиш даврига қадам қўйганлиги, бу даврда қозоқ буржуа миллатининг шаклланиш жараёни бошлагану, лекин у ҳали батамом яқунланиб, паёнига етмаган”лиги, тўғрисида ёзади. К. Собиров<sup>21</sup> ўзбеклар ва қозоқлар октябр революциясига қадар миллий шаклланиш жараёнидан ўтганлиги тўғрисида ёзган муаллифларни танқид қилади.<sup>22</sup> Кейинчалик Р.Х. Абдушукуров Ўрта Осиё минтақасидаги ижтимоий тараққиёт билан бошқа минтақалардаги

ижтимоий ривожланиш ўртасидаги фарқларни қиёсий таҳлил қилиб чиққандан кейин, ўзбеклар октябр социалистик революцияси ғалаба қилгунга қадар буржуа миллати сифатида шаклланганликларини, октябр социалистик революциядан кейин эса буржуа миллатидан ўсиб чиққан социалистик миллат сифатида шаклланганликларини ёзган эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, илмий адабиётларда Россияда амалга оширилган октябр тўнтаришидан “социалистик миллатнинг гуллаб-яшнаши”, унинг “ютуқлари” миллий масалани қойилмақом қилиб “ҳал этилганлиги” кўкларга кўтариб мақталадиган устувор мазмунга айланиб қолаган эди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг миллий бирлигини вужудга келиши ва миллий ўзликни англаши ривожланишининг хусусиятлари муаммоси бугунги кунгача деярлик ўрганилмаган, аммо уни ўрганишга эҳтиёж ўсиб бормоқда.

90-йилларнинг бошлари ва ундан кейинги даврда миллий жараёнларнинг ривожланиши уни ўрганиш, таҳлил қилиш ва тегишли янги концепцияларни ишлаб чиқишга қизиқишни ҳам орттириб юборди. Шу жумладан, “миллат” тушунчасига нисбатан бир қатор фикрлар билдира бошланди. Аммо уларда бир-бирига қарама-қарши фикрлар илгари сурилмоқда. Жумладан, Кембриж университетининг профессори Эрнест Геллнернинг фикрича, “Амалда миллат ва давлат ҳаммаси бўлиб тасодиф, лекин у умумий зарурият эмас”, бироқ унинг фикрича “ҳар бир инсоннинг бурун ва икки қулоғи бўлгани каби унинг миллати ҳам бўлиши керак”.<sup>23</sup> Рус олими В.А. Тишковнинг фикрича, “миллат — бу сиёсий шиор, сафарбарлик қилиш воситаси, аммо у илмий тушунча эмас,...Унинг яшашга ҳуқуқи йўқ ва илмий тилдан олиб ташланиши керак”.<sup>24</sup> Яна бир рус олими И.Г. Яковенко миллатни тарихий тараққиётнинг натижасида шаклланган омил сифатида қарайди.<sup>25</sup> Ўзбек олимларидан Қ. Хоназаров ҳам миллатни тарихий тараққиёт жараёнида шаклланганлигини таъкидлайди.<sup>26</sup>

Бу ерда биз юқорида номлари келтириб ўтилган муаллифлар билан улар илгари сурган муаммолар юзасидан баҳсга киришишни ўз одимизга мақсад қилиб қўйган эмасмиз ва миллий ривожланишнинг бугунги жараёндан келиб чиққан ҳолда элатларнинг бирикуви муаммоси турли мутахассислар: этногрфлар, тарихчилар, файласуфлар ва социологларнинг биргаликда куч-гайрат сарифлашларини тақозо этади, деб ҳисоблаймиз. Шуни ҳам айтиб ўтиш

лозимки, ўзбек миллатининг шаклланиши бўйича юқоридаги адабиётлар билан бирга А.Ю. Якубовскийнинг<sup>27</sup>, М.Эрматовнинг<sup>28</sup>, кейинги пайтларда эълон қилган К.Шониёзовнинг<sup>29</sup> мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин яна М.Эрматовнинг<sup>30</sup>, Б. Аҳмедовнинг<sup>31</sup>, А.Аҳмедовнинг<sup>32</sup>, Х. Дониёровнинг<sup>33</sup> ва бошқаларнинг ҳам илмий асарлари ҳамда мақолалари эълон қилинди. Бу асарлар ва мақолаларда ҳам ўзбек миллатининг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида фикр юритилган. Уларнинг кўпчилигида ўзбекларнинг келиб чиқиши IX-X ва X-XI асрлар билан боғланади. Аммо бу масалада ҳам ҳозиргача яқдиллик шаклланмади. Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган давр ичида миллат ва унинг шаклланиши назариясига бағишланган илмий мақолалар ва илмий адабиётлар деярлик эълон қилинмади. Аммо миллий заминларимизнинг чуқурлиги ва бойлигини асослашга бағишланган жуда кўплаб асарлар эълон қилинганлиги қувончлидир. Аммо миллатнинг ўзини гносеологик нуқтаи назардан ўрганмасдан, ҳам мақоми, мезонларини аниқламасдан туриб, унинг тараққиёт даражалари ҳақида фикр юритиш, ҳам илмий хулосалар чиқаришни мураккаблаштиради.

Худди ана шу нуқтаи назардан қараганда, Марказий Осиёда миллат шаклланиши, шу жумладан, ўзбекларнинг миллат бўлиб шаклланиши ҳақида профессор Қ.Х.Хоназаров томонидан эълон қилинган мақола диққатига сазовор дейиш мумкин. Муҳтарам устознинг фикрларига қараганда, "...X-XII асрларда ҳудудимизда таъмин этилган барқарорлик, тинчлик, мустаҳкам сиёсий ва ижтимоий вазият оқибатида Мовароуннаҳр халқи бир миллат бўлиб уюшган ва шу сабабли ўз бағридан Форобий, Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Ибн-Сино, Беруний каби фан даҳоларининг етишиб чиқишини таъминлаган. Мўғил истелоси натижасида миллий алоқалар сустрлашган ва миллатимиз маълум даврга тарих сахнидан четлашган. XIV-XVI асрларда Амир Темур ва Темурийлар Мовароуннаҳрда, Амударё ва Сирдарё оралиги ва унинг атрофларида иқтисод, маданият ва маънавиятнинг гуллаб-яшнашига эришиб, миллатимизнинг тикланишига ва бу ҳудудда жаҳон моддий ва маънавий маданиятининг энг йирик масканларидан бирининг шаклланишига зарур шарт-шароитлар яратганлар. XVI асрнинг ўрталаридан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача миллатимизнинг тақдири яна ўзгаради, юрт ва ҳудуд бўлак-бўлак бўлиб парчаланаяди, иқтисод ва маданият инқирозга юз тутаяди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан яна тари-

хий шарт-шароитлар тақозоси билан қул бўлиб кетган миллати-мизнинг янгидан тикланиши бошланади. Аммо мустақилликкача миллатимизнинг шаклланиши мустахлақчилик ва истебод тузуми туфайли норасо, кемтик, заиф ва биқик эди.

...Мустақиллик бизни ҳақиқий озод ва эркин тараққиёт йўлига олиб чиқди. Ҳозирги замон талаблари даражасидаги ривожланган ва илғор ўзбек миллати юзага чиқди.

X-XX асрлар оралиғида халқимиз уч марта миллат бўлиб уюшиб, XX асрнинг охириги ўн йиллигидан бошлаб тўртинчи марта энг юксак даражадаги ҳозирги замон миллати сифатида юзага чиқаётгани ҳар биримизни мағрурлатирмасдан иложи йўқ<sup>34</sup>. Мазкур мақоланинг асосий ғояларини узундан-узоқ келтиришимизнинг асосий сабаби, илгари сурилаётган фикрлар чуқур мулоҳаза-баҳсларга муҳтож эканлигидадир. Чунки мақолада бир қатор муаммоли масалалар қўйилганки, уларга жавоб излаш лозим бўлади. Мақола муаллифи умуман миллатларнинг тарихига оид қизиқарли фикрларни илгари сурган. Жумладан, у шундай ёзади: “Миллатларнинг тарихи умумжаҳон миқёсида қарайдиган бўлсак, фикримизча бу тарихни қуйидагича тавсифлаш мумкин: а) энг қадимий миллатлар (энг қадимий миср миллати, энг қадимий хитой миллати, энг қадимий ҳинд миллати ва ҳоказо); б) қадимий миллатлар (қадимий юнон миллати, қадимий румо миллати ва бошқалар); в) ўрта аср миллатлари (туркий ўзбек миллати, марказий ва жанубий Америкадаги баъзи халқлар ва ҳоказо); г) янги давр миллатлари (руслар, инглиз, француз, испан, италян, олмон ва бошқа миллатлар)”<sup>35</sup>.

Бу келтирилган фикрлар бир қатор аниқликларни талаб қилади. Энг муҳими, бу ҳолатда миллат мезонларини белгилайдиган омиллар даражалари масаласини ҳал қилиш, илмий асослашга эҳтиёж катталигидадир. Биз албатта (такрор бўлсада) ўзбекларнинг шаклланиш жараёни эмас, миллат учун хос бўлган жараёнлар ҳақида фикр юритмоқдамиз. Шу билан бирга мавзуда миллатнинг миллий ўзлигини англаш ва миллий маданият ижодкори сифатида минтақавий хусусиятларга қаратилганлигини ҳисобга олиб, миллатларнинг шаклланиши хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён этишга уриниб кўрамиз.

Авалло, этник бирликларнинг қайси белгиларига қараб, уларга тўлақонли миллат мақомина бериш мумкин, — деган саволга жавоб қайтариш лозим бўлади.



Мазкур китобнинг аввалги бўлимида таъкидлаганимиздек, миллатнинг асосий белгилари ҳақида олимлар ўртасида ягона фикр шаклланмаган. Ҳатто бир қатор олимлар миллатнинг “сунъий пайдо” бўлганлигини, уни сиёсатчилар уйлаб чиқарганлигини таъкидлаётган бўлсалар, иккинчи бирлари Сталин томонидан миллат учун белгилаб берилган «шартлар» бугунги кунда ҳам «шарт» эканлигини айтмоқдалар. Биз уларга юқорида ўз муносабатимизни билдиришги ҳаракат қилдик. Бу масаланинг қайта қўйилишини асосий сабаби эса миллат қачон ўзлигини англаш ва маданиятнинг ижодкори даражасига кўтарилишига муносабат билдириш заруриятидир.

Бизнинг фикримизча миллат ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки жамият тарихий тараққиётининг мевасидир. Унинг тўлақонли миллат мақомига етиши учун ҳар бир этник бирлик, миллий тилнинг маданият, урф-одат, анъаналар, қадриятлардаги ўзига хослиги, миллий ўзликини англашнинг шаклланганлиги, миллий давлатга, ягона ҳудудга эга бўлиши ва ниҳоят иқтисодий бирликнинг вужудга келиши лозим. Илгари сурилаётган фикрларимизнинг Сталиннинг миллат белгилари ва бошқа бир қатор муаллифлар томонидан таъкидланаётган фарқли томонлари ҳақида юқорида берилганлиги учун уларни яна бу ерда такрорлашга зарурият йўқ.

Шундай қилиб, миллатнинг тўлақонли шаклланиши учун кўрсатилган юқоридаги белгиларидан келиб чиқадиган бўлсак, Марказий Осиё халқларининг тўлақонли миллат бўлиб шаклланиши шу кунгача илмий адабиётларда таъкидланиб келаётганидек, октябр тўнтаришиларидан кейин социализм қурилиши 30-йилларда амалга ошмади, балки у социализм парчланиб, барбод бўлганигача ҳам охиригача шаклланмади.

Миллат шаклланиши тўғрисида бир қатор муаллифларнинг фикрларини, минтақада миллий ривожланиш мезонларини бошқа минтақалар ва жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги миллий ривожланиш жараёнлари билан солиштириш асосида Марказий Осиёда миллат шаклланишини шартли равишда қуйидаги беш босқичга бўлиш мумкин: **Биринчи босқич** ўз ичига IX-XI асрларни олади. Бу даврда миллатнинг айрим белгиларини пайдо бўлиши содир бўлган; **Иккинчи босқич** ўз ичига XI-XVI асрларни олади ва бу пайтда миллатнинг тил, урф-одатлари маданиятларидаги ўзига хосликни юзага келиши ҳамда Марказий Осиёда марказлашган йирик давлатнинг пайдо бўлиши би-

лан характерланади; **Учинчи босқич** XVI асрдан то Россияда октябр тўнтарилишининг амалга оширилгунича бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврга келиб минтақадаги халқларнинг миллат бўлиб шаклланиш жараёнида бир қадар хусусиятлар юзага келган бўлса ҳам, бу Россия империясининг минтақани босиб олиш натижасида улар томонидан миллий ривожланиш жараёнларини орқага кетиши учун «катта ишлар» амалга оширилганлиги билан белгиланади. **Тўртинчи босқич** Россияда октябр тўнтарилиши бошланиб то собиқ СССРнинг парчаланиши ва унинг ўрнига мустақил давлатларнинг юзага келишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврнинг характерли хусусияти шундаки, миллий ривожланиш жараёнлари сунъий равишда “тезлаштирилиши” ва миллатни асосан ўз заминларга эмас, балки “ривожланган” ўзга миллат заминлари ва манфаатлари йўналишида, ўзлигини йўқотишга қаратилган давлат сиёсати асосида шакллантириш билан боғлиқ бўлди. Бу даврда ҳам миллий ўзлигини йўқотиш борасида собиқ марказ томонидан чинакам инқилоб амалга оширилди. Шунинг учун ҳам бу даврда миллат шаклланиш жараёнида тугаллана олмади; **Бешинчи босқич** бу давр ҳақиқатан ҳам бир миллатнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши, тўлақонли миллат бўлиб шаклланиши даврининг бошланиши билан характерланади. Энг муҳими худди шу даврга келиб чинакам миллий давлатларнинг шаклланиши миллий ўзликни англаш, ўзлигига қайтиш билан боғлиқ бўлди. Агар собиқ иттифоқ даврида давлатнинг номи миллий бўлган бўлсада, аслида собиқ марказнинг минтақалардаги филиаллари (бўлимлари) эди холос. Миллий давлати бўлмаган миллат ҳеч қачон тўлақонли миллат бўлолмаслигини тажрибалар тасдиқлади. Аммо ҳали мустақилликни қўлга киритиш, миллий давлатчиликни вужудга келтириш, миллат шаклланишининг тугалланишини билдирмайди, балки тўлақонли миллат шаклланиши учун янги даврнинг бошланишини билдиради.

Ўрни келганда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, миллатимизнинг заминлари чуқур бўлиб, у қаерлардандир кўчиб келган халқлар ҳисобига эмас, балки шу она заминимизда яшаган авлод-аждодларимизга бориб тақалади. Бу масалага Президентимиз Ислам Каримов ўз муносабатини билдириб қуйидагича ёзди: “Ўзбек номи қачон пайдо бўлган? Совет тарихшуносларининг ёзишича, гўё XVI асрда бизнинг заминимизда Дашти

қипчоқ хонлари ишғол қилингандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир, биз Мовароуннаҳр, деб атайдиган икки дарё оралиғида унғача ҳам халқ яшаган-ку? Ёки бу халқ бошқа миллат бўлганми?...”<sup>35</sup>.

Яъни миллий белгиларнинг айримлари пайдо бўлган дастлабки босқичда ҳам бу заминда авлод-аждодларимиз яшаб келганлар. Тўғри, улар ўз эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида бир худуддан иккинчисига ўтиб яшаганлар. Аммо улар ўз заминларини бутунлай ташлаб кетмаганлар. Худди мана шу омил уларда ўзига хос хусусиятларнинг шаклланишида манба бўлган. Миллат шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, у бир қатор ички ва ташқи омиллар билан ҳам боғлиқ бўлади. Лекин бу жараёнда ички омиллар етакчилик ролини бажаради. Чунки у этник бирлик вужудга келиши учун замин тайёрлайди ва жараённи ҳаракатга келтиради. Ўз навбатида ташқи омиллар ҳам миллат шаклланишига ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Аммо жараённи бутунлай тўхтата олмайди.

Жумладан, миллат шаклланишида миллий онг ва миллий ғояларни вужудга келтирувчи омиллар ҳар доим ҳам етакчи рол ўйнаб келган ва у миллат мавжуд бўлган ҳар қандай шароитларда ўзининг етакчилик аҳамиятини йўқотмайди. Шу фикрдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, миллий ғоялар юқорида келтирилган биринчи босқичда бўлган даврда юзага кела бошлаган. Бу ўз навбатида этник бирликнинг вужудга келишига ўзининг таъсирини кўрсатган.

Аммо миллий ғояларнинг халқимизнинг чинакам ривожланган миллат даражасига етишини таъминлай олмаган. Хусусан, IX-XVI асрагача бўлган даврда ҳали бунинг етилиб келиши учун зарур бўлган шароитлар вужудга келмаган бўлса, Россиядаги октябр тўнтарилиши давригача бўлган босқичда минтақамиздаги ҳудудий бўлинишлар, ўзаро можаролар миллий ғоялар ривожланишига салбий таъсирини ўтказган эди.

Миллат шаклланишида муҳим рол ўйнайдиган миллий ғояларнинг мустақкам омилга айланишига айниқса, Россиянинг минтақа халқини ўзига қарам қилиб олиши ва бу ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатиши катта зарба бўлди. Агар бу масалага чуқур ёндашадиган бўлсак, Россия империяси таркибида халқимизга миллий ғоялар миллатимизнинг ривожланган миллат даражасига етишида асосий омил даражасига кўтарила олмаганлигида қуйидаги сабаблар ҳам бор эди: Биринчидан, Марказий Осиё

азалдан аграр минтақа бўлганлиги сабабли саноат кам тараққий этиб келган эди. Боз устига мавжуд саноат корхоналарда ҳам Россиядан юборилган ишчилар меҳнат қилар эди. Уларнинг мақсади эса пролетариат ғоялари атрофига миллатидан қабти назар ҳаммани бирлаштириш ва ҳокимиятни қўлга киритиш эди. Бу ҳаракат миллий бирликнинг вужудга келишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келган эди; **Иккинчидан**, миллий бирликни вужудга келишида, миллий ғояларнинг шаклланиши ва унинг ўз миллатдошларининг дунёқарашларига айланишида етакчилик қилувчи зиёлилари ҳам сон жиҳатдан кам эди; **Учинчидан**, минтақа аҳолиси ва унинг зиёлилари дунёқараши ислом дини ғоялари билан боғлиқ бўлиб, бутун маданият, аънаналар ва қадриятларнинг марказида ана шу дин турар эди. Бу эса бир томондан, минтақа халқларининг бирлигини мустақамлашда катта рол ўйнаб келган бўлса, иккинчи томондан, ислом динидаги бирлик (яъни минтақа халқларининг бирлаштириш) миллий бирликка қараганда устувор бўлиб келган. Худди ана шу омил Марказий Осиё халқларининг илғор зиёлилари томонидан Туркистонни Россия империяси, кейинчалик большевойларнинг зўравонликка асосланган диктатура-сидан мустақил бўлишини таъминлаш учун курашда муҳим рол ўйнаган эди; **Тўртинчидан**, Россияда амалга оширилган октябр тўнтаришидан кейин минтақада большевойларнинг миллатларни “шакллантиришда” олиб борган мақсади Марказда ўзига хос ғоялар чинакам илдизларга асосланган миллатни шакллантириш эмас, балки жаҳон пролетариатнинг ягона марксча-ленинча ғоялари асосида ўз хусусиятларидан маҳрум этилган социалистик миллатни шакллантириш турар эди. Бу ўз навбатида ана шундай сиёсатнинг оқибатида минтақада яшаётган халқларнинг тўлақонли миллат бўлиб шаклланишига тўсқинлик қилиб келаверди. Чунки бу шаклланган миллатнинг ғоялари ўзиники эмас, ўзгаларники эди. Бу жараёнга қарши курашган минтақа зиёлиларига нисбатан террор усулини қўллаш ҳам большевойлар сиёсатида муҳим етакчи ўринни эгалланганди.

Юқорида келтирилган фикрлар бизни яна минтақадаги ривожланиш жараёнлари сунъий ва зўравонлик характерида бўлган эди, деган хулосани чиқаришимизга асос бўлади. Худди шу ҳолат қишлоқда кўпчиликни ташкил қилган халқ зиёлиларига, унинг эндигина очилиб келаётган куртакларига нисбатан бўлган муносабатга ҳам таъсир кўрсатди. Бу айниқса, коллективлаштириш даврида яққол кўзга ташланди. “Коллективлаштириш, —

деб ёзади академик Р.Х. Аминова, — зўрлик қилиш ва репрессия қилиш, социалистик қонунчиликни қўпол равишда бузиш сингари кўп сонли фактлар билан боғлиқ ҳолда ўтказилди. Деҳқонларни мажбуран колхозга аъзо қилдилар. Бунга рози бўлмаган кишиларни, уларнинг ижтимоий чиқишидан қаъти назар “қулоқлар”, деб эълон қилдилар”<sup>36</sup>.

Марказий Осиё республикалари халқларининг (вужудга келган маданияти, большевойлар тили билан айтганда) социалистик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ҳам ўзига хос услубда амалга оширилди. Уларнинг маданияти капитализмга қадар мавжуд бўлган патриархал-феодал ривожланиш босқичида анча вақтгача турғун ҳолда қолган эди. Бундан ташқари, ушбу минтақа халқлари икки томонлама: чор Россиясининг буржуазия ва амалдорлари томонидан ҳамда маҳаллий феодаллар, бойлар ва эндигина туғилиб келаётган маҳаллий буржуазия, томонидан эксплуатация қилинар эдилар. Худди мана шу жараён маданий тараққиётга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келган эди. Аммо бу шу кунгача барча “иямий” адабиётларда таъкидланиб келганидек, Марказий Осиё халқлари фирт “саводсиз” эдилар, бутунги Ўзбекистон ҳудудидаги аҳолининг атиги 1,8 фоизигина ўқиш ва ёзишни билар эди, деган хулосани бермайди. Чунки бу минтақа халқлари маданиятларининг илдизлари бой ва мустақкам бўлиб, жаҳон ҷовилизациясига катта ҳисса қўшиб келган эди. Худди мана шу халқ жаҳон фани ва маданиятини ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Бериуний, Абу Али ибн Сино, Форибий, Имом Бухорий, Баҳовуддин Нақишбанд, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқаларни берган. Минтақа халқларининг бошқа минтақа халқларига нисбатан саводсизлиги масаласи тўғрисида шуни айтиш керакки, бу минтақа халқларининг маълумотлилики даражаси октябр тўнтаришигача бўлган Россия аҳолисининг даражаси билан деярлик бир ҳил эди. Хусусан, инқилобгача бўлган даврда Россия аҳолисининг 21 фоиз, Беларуссия аҳолисининг 24,7 фоизи ва Туркистон аҳолисининг 19,5 фоизи саводли бўлган эди.<sup>37</sup> Большевойлар “саводсиз”, деб ҳисобланган минтақа халқлари аслида диний билимларни, маорифни ва маърифатни ўз даврининг талаби даражасида эгаллаган эдилар. Инқилобчиларнинг ўлка халқларини “саводли” қилиш сиёсати юқорида таъкидлаганимиздек, уларни асрлар давомида яратилган бой маданий меросдан маҳрум қилишга ва ўзларининг

мафкураларини сингдиришга қаратилган эди. Худди мана шу мақсадда янги тузум маданиятини вужудга келтиришда маданий инқилобни амалга оширишга шиддат билан киришилиб кетилган эди. Жумладан, халқ таълими тизимини олий ўрта махсус ўқув юртлари тармоғининг барпо этилиши, миллий адабиёт ва барча санъат жанрларини ва ривожланиши маданий инқилобни амалга оширишнинг энг муҳим вазифаси қилиб белгиланган эди.

РСФСР халқ комиссарлари совети саводсизликни тугатиш тўғрисида чиқарган декрет бу соҳадаги кенг миқёсида олиб борилган курашни бошлаб берган. Декретда: “8 ёшдан 50 ёшгача бўлган аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш тўғрисида уларнинг хоҳиши бўйича она тилида ёки рус тилида савод ўрганиш керак”,<sup>39</sup> деган сўзлар бор эди. Социалистик қурилиш кенг меҳнатқашлар оммасининг “саводхон” қилиш масалалари “эски” мактаб тизимини тубдан ўзгартиришни, янги, ягона дунёқарашга хизмат қилувчи совет мактабини вужудга келтиришни амалга оширишга киришди. Маҳаллий тарихий ва социал-маданий вазифани ўзига хос шарт-шароитлари туфайли “саводсизликни” тугатиш умумий бошланғич таълимни жорий этиш ишлари ўта мақдорлик билан олиб борилди. Масалан, агар Россияда совет мактаби илгари мавжуд бўлган умумий-дунёвий таълим мактаби базасида ташкил этилган бўлса, Марказий Осиёда мавжуд эски мактаблар, мадрасалар ва масжидлар ҳузуридаги билим юртлари бундай янги мактабни яратиши учун база сифатида фойдаланмасдан, балки уларни бутунлай йўқотиш ва янгисини яратиш асосида олиб борилди. Натижада аждодлар томонидан яратилган қўпгина маданият ва маърифат марказлари диний ва дунёвий илмлар зўравонлик билан тугатиб юборилди. Айниқса, динга қарши кураш ва янги социалистик тузум маданиятини яратиш байроғи остида халқнинг буюк аждодлари томонидан ёзиб қолдирилган дунёвий, диний маданиятга ва фанга оид китобларнинг ёқиб юборилиши янги социалистик миллий маданиятини шакллантириш борасида амалга оширилган энг жирканч воқеа бўлиб келмоқда. Халқнинг кўзга кўринган зиёлилари ва маърифатпарвар кишилари хорижий мамлакатларга кетишга мажбур бўлганлар. Янги тузум асосида ташкил топаётган мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаш миллий тилларда ўқув қўлланмалари, дасриқлар яратишга киришилди. Амалда маданият ва маърифатнинг жонкуяр кишилари бор кучлари билан янги социалистик маданиятни ҳамда халқ таъли-

мини вужудга келтиришда сиёсатига ва халқнинг ўз маънавий бойликларидан махрум бўлишга қаратилган зўравонликка қарши кураш олиб бордилар. Аммо большевойлар уларни янги тузумнинг душмани сифатида террор йўли билан йўқ қилиб ташладилар. Бу зўравонликлар эса уларга ўз ғояларини амалга ошириш имкониятини берди.

Янги жамиятни қуриш маданияти жуда катта куч, шижоат ва жадаллик билан амалга оширила бошландики, халқ унинг тўла моҳиятини тушуниб етишга улгуролмай қолган эди. Социалистик маданиятни шакллантириш ва уни “байналмилаллаштириш” сиёсатида мажбур этиш методи устуворликни ташкил қилди. Бунда тўғридан-тўғри куч ишлатиш воситаларидан фойдаланилди, бу ишни амалга оширувчилар эса маданиятга мутлақо бегона бўлган кишилар (“махсус топшириқ олган”лар ва ҳатто хўжалик раҳбарлари) эди. Улар маданиятни ривожлантириш муаммоларини тушунишга озгина бўлса ҳам интилмас эдилар, улар бу соҳада содир бўладиган акс таъсир пропорцияси мураккабликларидан, муаммоларнинг бир турда эмаслигидан беҳабар, муаммоларни ечишга қодир бўлмаган кишилар эди. Чунончи, бу алфавитни алмаштирилиши кезларида ва “саводсизликни” тугатиш вазифасини амалга ошириш пайтида яққол кўзга ташланган эди. “Саводсизлик” тугатилгандан сўнг бу тadbир натижасида бутун халқ ўз тарихидан, ўтмишдаги аждодларидан қолган маданий меросидан бутунлай бегоналашиб кетди, миллий маданиятни илдизлари билан ўрнатилган барча алоқалар узилиб қолди. Сўнгра Ўрта Осиё республикаларида маданий қурилиш соҳасида жиддий хатоларга ҳам йўл қўйилган. Бу хатолар, бизнинг назаримизда қуйдагилардан иборат: **биринчидан**, социалистик миллий маданиятни шакллантириш жараёнида бизнинг аждодларимиз қолдириб кетган меросдан фойдаланиш баъзан янги маданий қурилишга, унинг руҳиятга “мувофиқ келмайдиган” мерос сифатида баҳоланди (“уларнинг ҳаммаси диний асарлар ва шунинг учун зарарлидир”, деб ҳисобланар эди). Гоҳо айрим асарлар миллатчилик руҳида ёзилган, деб баҳоланди ва уларнинг муаллифлари “миллатчилар” сифатида қириб юборилди (масалан, А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усон Носир ва бошқалар); **иккинчидан**, янгидан шакллантирилган миллий социалистик маданият таркибига опера, симфония, балет ва бошқа шу сингари янги жанрлар миллий хусусиятларни ҳисобга олмасдан, сунъий тарзда миллий маданиятнинг ажралмас бўлаги сифатида халқ онги-

га киритилган. Бундан ташқари, санъатда асрлардан асрларга ўтиб, яшаб келаётган катта ашула, классик асарларни куйлайдиган хофизлар мусобақаси, халпачилик (Хоразмда), дастончилар, қизиқчилар, айтишув, лапарчилар ўртасидаги мусобақа, мақомлар, адабиётда эса дostonчилик, ғазалчилик, рубоий ва бошқа шунга ўхшаш жанрлар аста-секин “унутилиб кета бошланди”. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай “унутишлар” собиқ СССР халқлари миллий маданиятларини ривожлантирида миллий ўзликни англашни ўстиришга эмас, балки ўзлигини унутишга хизмат қилди. Шунини таъкидлаш лозимки, араб алифбосини лотин алифбосига, кейинроқ рус алифбосига алмаштирилиши ушбу минтақада яшовчи халқларни ўз тарихидан, маданиятидан ва тилидан ажратиб қўйишда «стакчи рол» ўйнади. Табиийки, “байналмилаллаштиришни” жадаллаштириш сиёсати халқлар ўртасидаги дўстликка раҳна солди, миллатлараро муносабатлар соҳасида зимдан зиддиятларнинг тўпланиб боришига олиб келди. Маданий қурилишни амалга ошириш жараёнида халқларнинг маданияти, анъаналари, урф-одатларидаги ўзига хос хусусиятлар назар-писанд қилинмади, бу эса маданиятнинг “ривожланиши” сунъий равишда “жадаллашувига” олиб келди. Умумий маданий даражанинг пастлиги, халқнинг тарқоқлиги, омма фаолигининг сустлиги, янги тузум тарафдорларининг зўравонлигини кучлилиги миллий ўзликни англаш, бутун ҳаётни сунъий равишда “байналмилаллаштириш”га “қаршилик” кўрсата олмади. Миллий бирликнинг муҳим шартларидан бири бўлган миллий давлатни шакллантириш жараёни ҳам ўзликни англаш жараёни ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Бугунги кунда минтақада юз бераётган миллатлараро ҳадиксираш руҳиятига 20-йиллардаёқ, яъни миллий чегараланиш ўтказилган вақтлардаёқ пойдевор қўйилган эди. Маълумки, Марказий Осиё ҳудудиди ва Қозоғистоннинг бир қисмида 1924 йилга қадар уч давлат тузилиши мавжуд бўлиб, булар — РСФСР таркибига кирган Туркистон АССР, мустақил Бухоро ҳамда Хоразм халқ совет республикалари эди. Ушбу давлат тузилмаларидан минтақада яшайдиган барча аҳоли биргаликда ҳаёт кечирар, ўзбеклар, туркманлар, қирғизлар, тожиклар ва бошқалар ўзларининг ягона ҳудудига эга эмас эдилар. Худди ана шу омилдан ҳам большевойлар ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар.

Миллий давлат чегараланиш натижасида Ўзбекистон, Туркманистон ССР ҳамда икки муҳтор вилоят Қора-Қирғизистон ва



Тожикистон автоном областлари ташкил топган, худди ўша, 1924 йилда яна Ўзбекистон ССР таркибидаги Тожикистон области, АССРга айлантирилди. Тожикистон АССР 1924 йилдан то 1929 йилга қадар Ўзбекистон ССР таркибида бўлди. 1929 йилда Тожикистон АССР иттифоқдош республика бўлди, 1936 йилда Қирғизитон ва Қозоғистон автоном республикалари иттифоқдош республикаларга айлантирилди, илгари 1925 йилдан бошлаб Қозоғистон АССР таркибига кирган Қорақалпоғистон автоном области, Қозоғистон ССР ташкил топиши муносабати билан 1936 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР таркибига кирди.

Миллий давлатчилик чегаралашининг ўтказилиши асосий маҳаллий (миқдор жиҳатда кўпроқ бўлган) аҳоли учун бир томондан, ўз мустақил миллий давлатчилигини ҳамда худудий мустақиллигини таъминланган бўлса, лекин иккинчи томондан асрлар бўйи бирга яшаган, фақат маданият, тарих, дини, тақдирлари, мақсадлари соҳасидагина эмас, ҳатто табиий-географик ва иқлим шароитлари ҳар бир бўлган, бир-бирлари билан аралашиб яшаган миллатлар ўртасидаги пинҳоний равишда “зимдан” зиддиятларни кескинлашиб боришига сабаб бўлди. Миллий давлат чегараланиши шундай маккорлик билан ўтказилдики, минтақа халқларини марказ истаган пайтда бир-бирига душман қилиб, улар ўз муаммоларини фақат марказ орқали “ҳал” этиш учун фундамент яратилди. Хусусан, ташкил топган янги “миллий” давлатларнинг чегараларига яқин яшайдиган халқларни ўз миллати номи билан республикаларга эмас, балки ўзга миллат номи билан айтиладиган республикалар худуди сифатида ўтказилиб юборилди.

Миллий давлат чегараланиши натижасида жаҳоннинг энг қадмий марказларидан бири нафақат худудий бирликка, балки маданият, турмуш ва тил бирлигига эга бўлган (бунинг устига минтақадаги бошқа худудлардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилиб турадиган) Хоразм халқлари Туркманистиннинг Тошовуз областига ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг бир қисмига ажратиб ташланди. Хоразмнинг кўхна меъморий мероси ҳисобланган жойлар (Хоразмнинг қадимги пойтахти Тупуроқ-қала, эрамизнинг III асрларидан буён Кўхна Урганч деб аталиб келинаётган жойлар ва бошқалар) ҳозирги вақтда Туркманистон худудига ўтказиб юборилган. Бундай маккорона сиёсат Қирғизитон, Қозоғистон ва Тожикистон Республикаларини ташкил қилишда ҳам амалга оширилди.

Албатта, Марказий Осиё мамлкатларидаги ҳар бир республика ўзининг мустақиллигини қўлга киритган бугунги кунда уларнинг ҳозиргача ташкил топган ҳудудларини қайта кўриб чиқишнинг имконияти ҳам ва бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Боз устига бу масалани қўйилишининг ўзи Марказий Осиё халқлари бошига оғир фожиялар келтириши мумкин. Буни эсдан чиқармаслик лозим бўлади.

Бугунги асосий масала Марказий Осиё халқларининг тенг ҳуқуқлиги давлат ҳудудларининг дахлсизлиги ва минтақада барқарор ривожланишини ташкил қилишдан иборат бўлган манфаатдорликни ҳисобга олган ҳолда уларнинг ўзаро яқинлашиб боришларига эришишдир.

Марказий Осиёда яшаётган бугунги мустақил миллатларнинг ўзлигини англаши ривожланиб боргани сари уларнинг табиий равишда ўзаро яқинлашишига ижобий таъсир ўтказади. Қачонлардир бу замин халқлари яна ўз хусусиятларини ривожлантириш асосида ягона халқ сифатида жаҳон цивилизациясидаги муносиб ўринларини эгаллайдилар.

Минтақамиздаги тинчилик, барқарорлик, миллатлар ва давлатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамкорлик қанчалик мустаҳкам бўлса, барча миллатларнинг тараққиёт этиш имкониятлари шунчалик кенгайиб бораверади.

Чунки инсоният бор экан, миллат ҳам мавжуд бўлади, уларнинг манфаатларига нисбатан қилинадиган ҳар қандай салбий ҳаракатлар ўзининг тегишли жавобини топади. Миллат ҳам инсонга хос бўлган ҳис-ҳаяжон, ор-номус, манфаат, ирода каби қудратли омиллар борки, улар миллатни ҳар доим турли хавф-хатарлардан огоҳ қилиб туради. Зеро, миллатнинг ўзи ҳам бир хил руҳият, маънавий ўзига хосликни бошқа хусусиятларни мужассамлаштирувчи инсонлардан ташкил топган омил ҳисобланади.

Миллат тараққиёти эса фақат иқтисодий юксакликка эришиш, ўзининг қудратли давлатини вужудга келтириш ва маънавий ривожланишига кўтарилиш, билан чекланмайди, балки ана шу имкониятларга эришиш орқали ўзини-ўзи “қайта” “ишлаб чиқиш”дан ҳам иборатдир. Бунинг мазмунини шундаки, миллат ўз салоҳиятини мустаҳкамлаш орқали ўзлигини англашга интилади ва маънавий камолотга эришади.

Миллатларнинг ўзлигини англаши ривожланиб боргани сари, унинг такомиллашиб бориш жараёнлари ҳам содир бўлади. Шу маънода ҳам у ўлмайди балки такомиллашиб, янги қирралари билан бойиб боради. Бунинг учун эса у эркин ва озод бўлмоғи лозим.

## УЧИНЧИ БОБ. МИЛЛАТ БАРҲАЁТЛИГИНИНГ ОМИЛЛАРИ

Собиқ тоталитар совет тузумининг парчаланиши, унинг собиқ иттифоқдош республикалари ўрнида мустақил давлатларнинг вужудга келиши миллий ривожланишда янги даврни бошлаб берди. Мустақиллик шарофати билан ҳар бир миллат фақат ўзининг урф-одатлари ва қадриятларини тиклашда қатта имкониятларини қўлга киритиб қолмасдан, улар халқаро ҳамжамиятнинг мустақил субъектларига айландилар.

Аммо ана шу жараён "силлиқ" ривожлана олмайди. Чунки бир томондан, собиқ тоталитар тузумнинг барча иллатлари миллий онгни "заҳарлаб" миллатлараро муносабатларнинг чигаллашиб кетишига, миллатларнинг бир-бирларига нисбатан ишончсизлик руҳиятини шакллантиришга олиб келишгача улгурган бўлса, иккинчи томондан, ҳукумронликка мойил бўлган кучларнинг эски тузумни қумсашдан тез вақт ичида қутилолмаслик руҳияти ҳам сақланиб қолди.

Айниқса, мустақиллик шароитида ҳам миллатлараро муносабатлардаги азалдан биргаликда яшаб, тақдирлари, мақсадлари ягона халқларнинг бир-бирларидан ҳадиксираш руҳиятининг устувор бўлиб турганлиги собиқ тузумнинг олиб борган сиёсатининг оқибати ва бугунги куннинг реал ҳақиқатидир.

Бу жараённинг хатарли томони шундаки, у минтақада ҳамма учун умумий бўлган улкан муаммоларни ҳал қилиш ўрнига ўзаро "гегемонлик" қилишдек салбий ҳолатларнинг келиб чиқиши учун заминни вужудга келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам ана шу манфаатга зид бўлган жараёнларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган масалаларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Мустақилликни қўлга киритган собиқ иттифоқдош республикаларда содир бўлаётган сиёсий "ўйинлар" ва унга миллат ҳамда элатлар вакилларининг жалб қилишга уринишлар ҳам миллатлараро муносабатларнинг янада мураккаблашишига сабаб бўлаётганлиги, юзага келаётганлиги содир бўлмоқда.

Боз устига мустақил давлатларда миллий ўзликни англаш жараёнлари шундай шиддат билан ривожланмоқда. Аммо унинг жамият тараққиётига ва унинг келажагига ўтказадиган таъсир доирасида мезонларини илғаб олиш ҳам мураккаблашиб бормоқда. Айниқса, собиқ тоталитар совет тузуми исканжасидан қутилган миллат ва элатларнинг ўзлигини тиклашга бўлган инқилобий ҳаракатлари, уларни миллий биқиклик томон кетиб қолиш хавфини туғдираётганлиги ҳам яна миллий тараққиёт ва миллатлараро муносабатларда янги муаммони вужудга келтириши мумкин.

Миллий ўзликни англаш ва миллий маънавият ривожланишининг мустақиллик шароитидаги ана шу хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда бу жараённинг барқарор тараққий этишига таъсир кўрсатувчи омилларни излаб топиш ва унинг самарали ижобий таъсир кўрсатиш имкониятини ошириш бугунги кунда катта амалий аҳамиятга эгадир.

Ана шундай омиллар тизимида миллий маънавият, миллатпарварлик, миллий ғоя, миллий тарбия ва ёшларнинг миллий ўзлигини англаш жараёнининг ўсиб бориши кабилар алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг аҳамияти мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва фуқоровий жамиятнинг пойдеворини яратётган бугунги кунда айниқса, кенг миқёсда ўсиб бормоқда. Чунки, улар қураётган жамиятимизга маънавий-руҳий қудрат бағишламоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "... токи ҳаёт мавжуд экан мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафқураси орқали белгилаб олишга интилади".<sup>1</sup>

Мазкур бобда таҳлил қилинадиган масалалар Президентимизнинг ана шу концептуал ғоялари асосида олиб борилади.

### **3.1. Миллий маънавият ва миллий ўзликни англаш миллий мустақилликка эришишнинг асоси**

Собиқ шўролар даврида эълон қилинган илмий ва бадиий адабиётларда "маънавият" маданият тушунчасининг ажралмас бўлаги сифатида таҳлил қилиниб келинган.

Бу олимлар ёки ижодкорларнинг маънавият масаласини "тушунмаганлари" учун эмас, балки давлат сиёсатида инсоннинг ички дунёси ва руҳияти салоҳиятини юзага чиқариш унинг жамият ҳаётида фаол бўлишига, миллат манфаатларини ҳимоя

қилишга ва унинг етук миллат вакили сифатида шаклланишдан давлат манфаатдор эмаслигида эди.

Давлат томонидан, тўғрироғи собиқ КПСС Марказий комитети томонидан қабул қилинадиган барча хужжатларда шахс камолоти масаласига катта эътибор қаратилган. Аммо бу “камолот” унинг эркинлигини таъминлаш, ўзлигини англаш ва ички имкониятларини юзага чиқаришга эмас, балки уни мавжуд тузумга итоаткор қилишга қаратилган эди.

Шўролар тузуми шароитида эълон қилинган катта-катта китоблар, диссертациялар ва илмий мақолаларда ҳам инсон ва жамият маънавиятини “ривожлантириш” уларни тузумга итоаткорлигини ва садоқатини таъминлаш нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Масалага бундай ёндашув давлат сиёсатида стратегик мақсад қилиб белгиланганлиги билан боғлиқдир. Ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда собиқ марказ ҳатто илмий изланишларнинг мавзуларини тақсимлашга, унинг йўналишларини белгилаб беришга ҳам раҳбарлик қилиб келган. Хусусан, миллий озодлик ҳаракатлари, миллий онг, миллий ўзликни англаш, миллатлараро муносабатлар, миллий маънавият ва мерос, миллий хусусиятлар, кадриятлар, кадрлар ва бошқа бир қатор миллий тараққиёт, шахснинг ва миллатнинг ўзлигини англаш билан боғлиқ бўлган мавзуларни республикадаги миллий олимларнинг ўрганишларига тўсиқлик қилинган. Бу мавзулар собиқ марказ олимларининг монополиясига айлантирилган. Улар эса ўз навбатида масалага объектив ёндашиш ўрнига, давлат сиёсати манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашганлар.

Яъни миллий салоҳиятни юзага чиқариш, ҳар бир миллатнинг ўзи-ўзини англашига, шахс эркинлигини таъминлаш имконият бермаслик илмий изланишларда ҳам ўз ифодасини топган эди.

Миллий республикадаги олимларнинг бу мавзуларни ўрганишларига йўл қўйилмаганлигининг асосий сабаби эса улар ўз миллатининг вакили сифатида миллатнинг ички салоҳиятини юзага чиқаришга, меросни ташвиқот қилишга ҳаракат қилиши, бундай ҳаракат эса ўз навбатида миллатнинг ўзлигини англашга ижобий таъсир кўрсатиши, унинг мустақиллиги учун кураш туйғуларининг ривожланишига олиб келиши мумкин эди.

Боз устига, миллатнинг ички руҳий салоҳияти билан боғлиқ бўлган барча масалаларни умумлаштирган ҳолда маданият мавзусига “едириб” юборилган. Яъни маънавият эмас, балки маданият устувор ҳисобланиб келинган ва маданият соҳасида қўлга

киритилган ютуқларни кўз-кўз қилишдан нарига ўтилмаган. Унинг миллий тараққиётда ва шахснинг ўз-ўзини англашдаги ўрни масалалари “ёпикликча” қолиб кетган.

Бу эса нафақат миллий ривожланишга ва шахс камолотига тўқинлик қилган, шунинг билан миллий “уйғониш” жараёнларининг зимдан кучайишига ва охир-оқибатда тузумнинг ҳам ичидан емирилишини тезлаштиришга таъсир ўтказиб келган.

Аслида миллат ва шахснинг ички салоҳиятини юзага чиқармасдан, уларнинг ўзлигини англашларига эришмасдан туриб умуман жамият тараққиётига ҳам эришиб бўлмайди. Худди мана шу нуқтаи назардан мустақилликни кулга киритганимиздан кейин маънавиятни ўрганиш, миллий салоҳиятимизни юзага чиқиши, миллий ўзлгимизни англашни ривожлантириш, баркамол шахсни камол топтириш давлат сиёсатида устувор мавзу даражасига кўтарилди.

Мустақиллик йилларида республикамызда “маънавият” тушунчаси, унинг жамият, миллат ва шахс тараққиётидаги ўрни масалаларини ўрганишга бағишланган бир қатор қизиқарлик мақолалар эълон қилинди, турли даражада илмий анжуманлар ўтказилди ва ўтказилмоқда. Ана шу эълон қилинаётган мақолалар ва ўтказалаётган анжуманларда “маънавият” тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият инсон ва миллат тараққиётида тугган ўрнини очиб беришга ҳаракат қилинмоқда.

Албатта, бу қилинаётган ҳаракатларни ўта мураккаб бўлган муаммони ўрганиш борасидаги дастлабки ўриниш сифатида баҳолаш мумкин. “Маънавият” тушунчасига таъриф бериш борасида ҳам бир қатор илмий изланишлар олиб борилди ва бугун бу ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, “Ватан туйғуси” китоби муаллифлари А.Иброҳимов, Ҳ.Султонов ва Н. Жўраев “Маънавият — одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир...Маънавият — жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокни мужассамлаштирувчи тушунча”<sup>1</sup>, деб ҳисоблайдилар. А.Жалолов “Маънавият — инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули”<sup>2</sup>, деб ёзади. А.Эркаев эса “Маънавият — ижтимоий-маданий мавжудод сифатидаги моҳиятдир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзаликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг ўзвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир”<sup>3</sup>, деб таърифлайди.

Булардан ташқари, яна бир қатор турли соҳанинг вакиллари “маънавият” тушунчасига ўзларининг таърифларини бермоқдалар. Бу ҳаракатлар бугун ҳам давом эттирилмоқда.

Албатта, юқорида келтирилган таърифларда маънавиятнинг у ёки бу қирралари ўз ифодасини топган. Тадқиқотчилар бу тушунчага ўзларининг қарашлари нуқтаи назардан ёндашмоқдалар. Мукамал таъриф эса турли қарашларни умумлаштириш ва илмий асослаш натижасида шаклланади. Шунинг учун ҳам уларни илмий таҳлил қилиш ва мунозаралар билдириш муҳим аҳамиятга моликдир. Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашиб, биз ҳам баҳоли қудрат “маънавият” тушунчасига ўз муносабатимизни билдиришга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Матбуотда ва илмий адабиётларда маънавият тушунчасига берилаётган таърифларда фикримизча, битта муҳим қирра очилмагандай қолмоқда. Хусусан, маънавият — одамнинг руҳий ва ақлий оламнинг мажмуи... Жамиятнинг, миллатнинг ёки айрим кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокни мужассамлаштирувчи тушунча (А.Иброҳимов, Ҳ.Султонов, Н.Жўраев), инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятини ажралмас таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули, (А.Жалолов), инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудод сифатидаги моҳиятидир...(А.Эркаев), деб ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда фаолиятнинг “маҳсули” ёки уларни “мужассамлаштирувчи” тушунча бўлиб қолмоқда.

Фикримизча, агар маънавиятни юқоридаги ҳолатда тушунадиган бўлсак, унинг **биринчидан**, уни “яқуни” “маҳсулот” сифатида қарайдиган бўлсак, унинг ривожланиш ва такомиллаштириш зарурияти жараёнларига соя тушади. Яъни унинг доим ҳаракатда бўлиши, нимагадир таъсир (жамият, шахс, миллат ва ҳ.к.) кўрсатиб туриш ҳолатидаги қирраси кўринмай қолади; **иккинчидан**, маънавиятнинг шахс, миллат ва жамиятни тараққий эттиришдаги муҳим омил эканлиги ҳам назардан чеккада қолади. Хусусан, маънавиятнинг энг муҳим томони шундаки, у инсоннинг ўзини-ўзи англашини жамиятдаги ўрнини белгилаб беришда, миллатнинг мустақил этник бирлик эканлигини таъминлашда ва жамиятни тараққий қилдиришда катта маънавий омил ҳисобланади. Маънавият инсоннинг ички руҳияти, унга берилган “неъмат” ёхуд мавжуд ижобий кўрсаткичлар бўлибгина қолмасдан, шунинг билан бирга уни изчиллик билан ривожлантириш, шакллантириш ҳамда ундан инсон, миллат ва

жамиятни тараққий қилдиришда фойдаланиш жараёнлари мавжуд бўлади. У инсон, миллат ва жамиятни тараққий қилдирибгина қолмасдан, ўзи ҳам ривожланиб боради.

Маънавият инсонларнинг ўзаро муносабатларида, унинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланади ва ривожланади. Ҳар бир инсон ўз маънавиятини ўзини шахс сифатида англагандан бошлаб, то умрининг охиригача шакллантириб ва ривожлантириш боради. Инсоннинг ўз маънавиятини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи чексиз жараёндир. У инсоннинг бутун онгли фаолияти давомида шаклланади, ривожланади ва ўз навбатида унинг ўзи ҳам ривожлантиради. Ана шу маънода ҳам маънавият фақат мавжуд бўлган омил бўлибгина қолмасдан, шунинг билан бирга мавжудларини ривожлантириш, такомиллаштиришда инсоннинг онгли фаолият кўрсата билиш салоҳиятини ва ингилишларини ҳам ўз ичига олади.

Маънавият инсоннинг ботиний, ички дунёсини ўзида ифода эттирувчи тушунча ҳисобланади. Инсон ботиний дунёсини эса гавҳар тўла тубсиз денгизга қиёслаш мумкин. Бу денгиздан қанча олсангиз тугамагандек, инсон ички дунёси ҳам тубсиз, бепаён, ранг-баранг тарзда намоён бўлади. Инсон қалбига, ботиний дунёсига қанчалик чуқур кириб борилса, шунчалик турлитуманлик билан бойиб, ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён этади. Худди мана шу маънода ҳам маънавиятга мукаммал таъриф бериш мушкул ҳисобланади. Боз устига ана шу ботиний дунёни ҳар бир инсон ўзича тасаввур этади ва тушунади.

Президентимиз Ислоом Каримов маънавият ҳақида унинг барча қирраларини ўзида мужассам эттириб қуйидагича ёзади: "маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг имон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан".<sup>4</sup>

Президентимизнинг бу фикрларини асос қилиб, айтиш мумкинки, Маънавият — инсоннинг ички руҳиятини, унинг ўзини-ўзи англаши, диди, фаросати, адолат билан разиликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва гоёларни кўя билиш, уларни амалга ошириш йўлида онгли фаолият кўрсатиш ва ингилиш салоҳиятидир.

Бу таърифда икки нарсага эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Яъни уни инсоннинг ички ботиний руҳияти



бўлиши билан бирга ижобий қирралар ҳамда салбийларни ажрата билишни ҳаракатга келтириш, яратувчиликка сафарбар этиш кабиларга асосий урғу берилган.

Маънавият инсон туғилишида она сути, унинг алласи, меҳри, ота тарбияси ва аждодлар қадриятлари таъсири остида шаклланади. Унинг шаклланишида оиладаги муҳит, жамиятдаги ҳамжихатлик, давлат олиб борадиган сиёсат каби омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатларида, ўзлигини қайси даражада англашда, ўзининг оила, миллат ва жамиятдаги ўрнини тушуниб, унга амал қила билишда, Ватан ва миллатга бўлган муносабатларда намоён бўлади. Инсон дунёга маънавиятли бўлиб келмайди, унга авлод-аждодларининг нималаридир мерос бўлиб ўтади. Аммо у маънавиятни ота-она, оила, миллат ва жамиятдаги муносабатлар орқали ўзлаштиради. Худди шу маънода ҳам маънавиятни кўтариш ва ривожлантиришни, кенг кўламдаги вазифаларни, хусусан оилавий муносабатларни инсонийлик асосларида шакллантириш, миллатни севиш унинг манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиш туйғуларининг мустаҳкамлигига эришиш, жамиятда барқарорлик ва уни инсон манфаатларига хизмат қилишга қаратиш, ўз навбатида инсоннинг жамиятни ривожлантиришнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Маънавиятни ривожлантиришнинг яна бир омили маърифатни кўтариш ҳисобланади. Маърифат маънавиятнинг энг яқин тармоғидир. Маърифат — билиш, билим, таниш ва маълумот, деган маъноларни англатади. Яъни инсоннинг билими юксақлиги, ўзлигини таниши, маълумотининг юқори бўлиши албатта, унинг маънавиятли бўлишига олиб келади. Албатта, бу юқори маълумотга (олий маълумотга, фан номзоди ёки доктори, профессор) эга бўлмаган инсонлар “маънавиятсиз” бўлади, деган маънони билдирмайди. Инсонлар етарли даражада маълумотга эга бўлмасалар ҳам, уларнинг оиласи, ота-онаси, миллати ва Ватаннинг фидойилари, меҳр-муҳаббатли, инсонпарвар, меҳнатсевар, шарм-ҳаёли, қалби тоза, ўзаро муносабатларда самимий, разилликка нафрати кучли, эътиқодли, имонли, ҳалол, диёнатли, меҳр-шафқатли, адолат, ростгўйлик каби фазилатларни ўзида мужассамлаштиришлари мумкин. Ана шу фазилатларга эга бўлган инсонлар маънавиятли инсонлардир.

Маълумотнинг барча даражаларини эгаллаган бўлса-ю, унинг ўз оиласига, миллатига, Ватанига нафи тегмаса, инсонларга яхшилик қилишга, мурувват кўрсатишга салоҳияти етмаса, унинг хатти-ҳаракатлари ва муносабатларида жоҳиллик, разиллик, нопоклик кабилар мавжуд бўлса, ундай инсонларни маънавиятсиз, қашшоқ ва ночорлар қаторига киритиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам маърифатни тор доирада, яъни фақат фаннинг у ёки бу соҳасини ўзлаштириш ёхуд олий маълумотни эгаллаш маъносига тушуниш тўғри бўлмайди, балки инсонийликка хос бўлган барча ижобий кўрсаткичларга эга бўлиши маъносига устуворлик берилса тўғри бўлади.

Тўғри, илмнинг у ёки бу соҳасини мукамал эгаллаш маънавиятликнинг бир томонини ташкил қилади. Аммо, маълумотликнинг кўш қаноти сифатида инсонийликнинг барча хусусиятларини ҳам ўзида мужассамлаштираётганига маънавиятли инсон даражасига кўтарила олади.

Шунинг билан бирга маърифат шахс, миллат ва жамият таъриқоти учун энг муҳим омил эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Инсон маърифатни (кенг маънодаги билимни) қанчалик чуқур эгалласа, унинг маънавияти ҳам ривожланиб боради. Чинаккам билимга эга бўлган (яъни дунёвий, диний билимлар ёхуд касб ва ҳунар кабиларни мукамал эгаллаган бўлса) инсонда жоҳиллик, эътиқодсизлик, ёвузлик каби салбий иллатлардан ҳоли бўлади. Шунинг учун ҳам маънавиятни ривожлантиришда маърифатнинг роли беқиёс ҳисобланади.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчисига, бир тарихий босқичдан иккинчисига ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Миллатнинг ва ўз замонининг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидоий, элим, миллатим, юртим, деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли инсонлар истиқболни таъминлашнинг асосий омилли сифатида маърифатни билганлар ва уни кўтариш йўлида фидоийлик кўрсатганлар. Бу бежис эмас албатта, чунки маърифат — маънавий қарамлик, қўрқув ва ҳадиксирашни бартараф этади, инсонга беқиёс илоҳий қудрат, мисилсиз салоҳият ва илҳом бахш этади. Инсон, миллат ва мамлакат озодлиги эркинлиги маърифат орқали таъминланади. Маърифат маънавиятнинг асосий таянчи, уларнинг бирлиги эса мисоли бир жиловдир. Улар биргаликда инсонларни барча салбий, ярамас ишлардан, яъни маънавиятсизликдан тийиб туради. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз, авлод-аждодаларимиз доимо маърифатга интилиб

яшаганлар. Улар маънавият ва маърифатни маъшал сингари ёққанлар. Юксак маърифат ва маънавият туфайли турон замин ер юзида шухрат қозонган. Шу ўринда маънавият ва маърифатнинг ўзаро муносабатларига ҳам аниқлик киритиш зарур бўлади.

Маънавият маърифатга нисбатан кенг тушунча бўлиб, уни ҳам ўз ичига олади. Маърифат маънавиятнинг муҳим тармоғини ташкил қилади. Ўз навбатида маърифат бўлмаган жойда маънавият ҳам бўлмайди. Юксак маърифатли инсонларнинг маънавияти ҳам юксак бўлган. Улар инсонийлик, фидойилик, диёнатлилик, адолатлилик ва бошқа кўпгина ижобий хусусиятларни ўзларининг ҳаёт тарзига айлантирганлар. Ўз навбатида маънавияти юксак инсонлар ҳам маърифатга интиланлар ва билимнинг бирон бир турини эгаллаганлар.

Тўғри, маърифатни (билимнинг бирон турини чуқур эгаллаганлар) эга бўлган инсонлардан жоҳиллар, миллат ва Ватан ҳойинлари ҳам чиққан. Бундай ҳолатнинг юзага келиши ундай инсонларда чинаккам маънодаги маънавият бўлмаганлиги билан боғлиқдир. Яъни айрим инсонларда ташқи кўринишида, хатти-ҳаракатида маънавиятнинг қайсидир кўринишлари бўлган аммо ботиний (ички руҳий) қашшоқликдан қутилолмаган. Келтирилган фикрлардан кўришиб турибдики, қачонки, маънавият ва маърифат ягона ҳолатда юксак даражада ривожлангандагина инсон баркамол, миллат ва жамият тараққий этиши мумкин бўлади.

Маънавиятнинг яна бир муҳим тармоғи маданият ҳисобланади. Маданиятнинг кўпгина қирралари ҳақида олдинги бобда фикр юритганлигимизни ҳисобга олиб, фақат унинг маънавият билан боғлиқ томонлари устида тўхталиб ўтамиз.

Олдинги бобда таъкидлаганимиздек, маданият тушунчасига жуда кўплаб таърифлар берилган. Унинг кўпгина қирралари тўғрисида мунозаралар бугун ҳам давом этмоқда. Бу табиий ҳолат. Чунки коммунистик мафқуранинг ҳалокатга учраши, инсон омилининг қадр-қиммати ошиб бораётганлиги маданият ҳақидаги тасаввурларни ҳам ўзгартириб юбормоқда.

Собиқ шўролар ҳукумронлиги даврида жамиятнинг барча маънавий салоҳияти битта маданият тушунчаси билан белгилаб берилган эди. Унинг моҳияти ҳам фақат қанча театр биноси қурилди, қанча китоб босиб чиқарилди, улар КПСС манфаатларига қандай хизмат қилмоқда, қаби мезонлар билан белгиланган. Уларнинг шахс эркинлиги, озодлигини ва унинг ўз-ўзини

англашга таъсирига қаратилиши керак бўлган томонлари атай-лаб четлаб ўтилди. Бу эса маданияти, маънавият ва маърифат тушунчалари, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос қирраларини тўла тушуниб етишга имкон бермади. Бугунги кунга келиб эса уларнинг моҳиятини тўла очиб бериш, уларнинг шахс, миллат ва жамият тараққиётидаги ўрнини кўрсатишга эҳтиёж ошиб бормоқда. Шундай қилиб маданият, маънавият ва маърифат тушунчалари ҳамда улар ўртасидаги муносабатлар ҳақида фикр юритиб кўрайлик.

Маданият инсоннинг қўл меҳнати ва ақл-заковати билан яратилган барча моддий ва маданий бойликларни ташкил қилувчи тушунча ҳисобланади. У икки йирик тармоққа, яъни моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданият барча моддий бойликларни ўз ичига олса, маънавий маданият маънавий бойликлар (адабиёт, санъат, ахлоқ, одоб, турмуш ва ҳоказо)ни ўз ичига олади. Ўз навбатида маънавий маданиятнинг муомала, мулоқот, нутқ, сиёсий, қишлоқ хўжалиги ва бошқа бир қатор тармоқлари мавжуд. Улар ҳар бирининг ўзига хос хусусияти мавжуд бўлса ҳам ягона маданият тушунчаси орқали ифода эттирилади. Бундан кўриниб турибдики, маданият ва маънавият тушунчалари ўрталарида фарқлар мавжуд.

Маданият фаолият, яратувчилик асосида вужудга келади. Аммо маънавиятсиз яратилган ҳамма нарса ҳам маданият бўлавермайди. Инсон томонидан яратилган ва унга хизмат қилоладиган, миллат ва жамият тараққиётини ижобий бойликларгина чинаккам маданият даражасига кўтара олади. Бундай бойликларни фақат юксак маънавиятга эга бўлган инсонлар, миллатлар ва жамиятлар яратишга қодирлар.

Шу маънода маданиятга нисбатан маънавият кенг тушунча бўлиб, у маданиятни ўз ичига олади. Маънавият инсоннинг ботиний-руҳий қудрати ҳисобланади ва бу қудрат маданий бойликларни яратиш, инсоннинг ўз-ўзини англашига, ижобий муносабатлар, миллат ва жамиятдаги ўрнини ҳамда маъсулиятини тушуниб етиш имкониятини беради.

Шундай қилиб, маънавият маърифат ва маданиятни ҳам ўз ичига олувчи кенг тушунча бўлиб, инсон, миллат ва жамият тараққиётида мустақил йўналишни ташкил қилади. Улар ўртасида фарқларни аниқроқ тасаввур этиш учун масалага яна ҳам конкрет ёндашайлик. Масалан, муомила маданиятини олиб кўрайлик. Муомила маданияти деганда икки шахс ёхуд миллатлар

ўрталарида бир-бирларини тинглаш, ҳар бир билдираётган ҳар қандай фикрларга ҳурмат билан қараш, уларнинг ҳисобга олиш, вазминлик ва самимийликка амал қилиш кабиларда намоён бўлади. Бундай муносабатлар эса маънавият билан боғлиқ. Фақат маънавияти юксак бўлган инсонлар ва миллатларда ана шундай муносабатлар мавжуд бўлади. Маънавияти қашшоқ инсонлар эса муомла маданиятига ҳам эга бўлолмайди.

Шунинг учун ҳам маънавиятга ривожлантиришга эришиш маданиятни ва маърифатни ривожланиши учун асосий манба бўлиб қолаверади. Маънавиятнинг моддий кучга айланишига эришолсак, маданият ва маърифатни ҳам барқарор ривожлантириш имкониятлари кенгайиб бораверади.

Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатларида, ўз оиласи, миллати, Ватани ва ўзга инсонларга бўлган муносабатларида намоён бўлади. Бу муносабатлар самимийлик, ўзаро ҳурмат, оила муқаддаслигига амал қилиш, миллат тақдирига ва истиқболига маъсуллик, Ватанни жон дилдан севиш, унинг барқарор эҳтиёжи сифатида қарай билиш, ўзи билан ёнма-ён яшаётган миллатлар вакилларига ҳурмат билан қараш ва уларнинг ҳам ўзига хос манфаатлари мавжудлигини эътироф эта билиш кабиларда яққол кўзга ташланиб туради. Аммо бундай муносабатларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлмаслигини ҳам эсдан чиқармаслик зарур бўлади. Уларнинг шаклланишида ота-она, таълим, тарбия тизими, миллий қадриятларни, инсонийлик каби фазилатларнинг таъсири ва жамиятдаги муҳит муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Оиладаги тинчлик, ўзаро муносабатлардаги самимийлик, ҳурмат, эътибор, миллат бирлигининг мустаҳкамлиги, қадриятларининг миллат вакиллари тараққиётидаги устуворлиги, давлат ҳаётидаги барқарорлик муайян оилалар, миллат ва давлатда маънавиятли инсонларнинг кўпчиликини ташкил қилганлигини белгилловчи мезонлардан бири ҳисобланади. Яъни маънавият оилада, миллат қадриятлари ва давлат фаолияти орқали шаклланади, ривожланади ҳамда ўз навбатида уларнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига хизмат қилади.

Маънавиятнинг инсон, оила, миллат ва жамият ҳаётидаги ўрни ниҳоятда каттадир. У ўзининг аҳамияти ва салоҳияти жиҳатдан жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омиллارнинг асосини ҳам ташкил қилади. Чунки тарихий тараққиётнинг ачиқ тажрибасидан маълумки, очни туйдириш,

яланғочни кийинтириш мумкин. Аммо бир авлод умри давомида маънавий қашшоқликдан қутилиш мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки инсоннинг ички ботиний кучи унинг хатти ҳаракатларини, мақсадларини белгилаб беради ва унга куч ва қудрат бағишлайди. Шу жиҳатдан қарағнада, бугунги инсон муаммосини ҳал қилиш, бутун инсониятни “инсонийлаштириш”, миллатни умуминсонийликнинг улкан қадриятига айлантириш, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда мавжуд бўлган муаммоларни, ҳам маънавиятни кўтариш ва унга таяниш орқали ҳал қилиш мумкин бўлади.

Инсоният бугунги кунда ўз даврининг янги цивилизациясини яратди, фан, техника, технология соҳаларида мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди ва ўз ақл-салоҳияти билан улкан ўзгаришларни амалга оширишга қодир эканлигини исботлади. Аммо бу ютуқлар инсонларнинг ёхуд миллатларнинг ўзаро муносабатлардаги қарама-қаршиликларидан, фан, техника ва технологиядаги ютуқларнинг фожиалар олиб келиш хавфидан қутилиша олмаётир. Аксинча, бу йўналишда хавф-хатарлар кучайиб, янги-янги кўринишларда содир бўлмоқда.

Бундай хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг олдини олиш, истиқболда ундан қутилишнинг ягона омили маънавиятни кўтариш, инсоннинг ботиний руҳиятини янгилаш ва бойитишдир.

Маънавиятнинг қирралари ниҳоятда катта лекин, асосий белгиловчилик қирраси унинг инсоннинг ички ботиний руҳияти эканлигидир. Шунинг учун ҳам унинг юксаклиги инсоннинг ўз-ўзини қайси даражада англаши билан ҳам белгиланади. Маънавиятли инсонлар ўз оиласида, жамоада ва жамиятда ўзларининг ўринларига, обрў-этиборига, кадр-қиммтига эга бўладилар. Яъни маънавият инсоннинг “менлигини” белгилаб беради.

Маънавият ҳақида фикр юритганда, унинг миллатни мустақил субъект сифатида белгилаб беришдаги роли ва аҳамиятини очиб бериш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бирини ташкил қилиб турганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Чунки тарихий тараққиёт тажрибалари кўрсатдики, инсоният ҳаёти қанчалик юксак даражада глобаллашиб бормасин, уларнинг биргаликда ҳал қилиши зарур бўлган муаммолар сони, хавф-хатари ва таҳдид кучаймасин, улар ўзаро яқинлашиш ана шу хавф ва таҳдидларни биргаликда тутатиш ўрнига, ўзлигига, ўз миллий заминларга ингилиши кучаймоқда. Яъни инсонларнинг умумий хавф-хатарларга қарши биргаликда қарши курашга ингилишга

қарағнада ўз миллий заминлар орқали ўзлигини намоён қилишга интилиш устиворлиги кучаймоқда.

Аслини олганда бу табиий ҳол ҳисобланади. Чунки миллатига эга бўлмаган инсон тўлақонли шахс даражасига кўтаролмайди, тараққиёт эса миллий заминларга таянмас экан, унинг истиқболи чекланган бўлади. Миллий заминлар ўтмишни истиқбол билан боғлаб турувчи кўприк ҳисобланади. У тараққиётга гўзаллик, илҳом, куч ва қудрат бағишлаб турувчи манба саналади. Шу маънода ҳам ўз заминларига таянган миллий маънавият жамиятда ва миллий тараққиётда мавжуд бўлган жуда кўп муаммоларни ҳал қилиш имконини беришни эсдан чиқармаслик назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Хўш, миллий маънавиятнинг ўзи нима? Унинг миллат ҳаётидаги ўрни нималардан намоён бўлади?

Миллий маънавият — миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, анъана, урф-одатлар, қадриятлар ва менталитетини ўзида акс эттирувчи, унинг “менлигини” кўрсатувчи, ўзлигини белгиловчи ақлий-руҳий салоҳияти ва уни тараққиётга етакловчи ботиний салоҳиятдир. Ўзига хос маънавитга эга бўлмаган миллат бўлмайди. Шу маънода ҳам маънавият миллатларни бир-бирларидан фарқ қилдируви энг ёрқин, кўзга ташланувчи омил ҳисобланади. Миллат шундай вақтдагина чинакам миллат мақомини оладики, қачонки унинг ўзига хос, бошқа миллатларда такрорланмайдиган маънавиятга эга бўла олса. Масалан, уят, ор-номус, диёнат, эътиқод, виждон, шарм-ҳаё, гурур, имон, адолат, поклик, ҳалоллик, вафодорлик каби фазилатлар қайсидир кўринишларда ҳамма миллатларда бўлиши мумкин, аммо уларнинг амал қилиш даражалари ёхуд барчаларининг мукамал шаклда намоён бўлиши турли миллатларда бир хил бўлмайди. Ҳатто уларнинг айримлари тараққий этмаган бўлиши ёхуд бўлмаслиги, бўлса ҳам бошқа тушунчаларда ўз ифодасини топиши мумкин.

Аммо улар қайси даражада ривожланиши ёхуд қайси кўринишларда намоён бўлишидан қаяни назар миллатнинг “менлигини” таъминлайдиган ва ўзлигини англатадиган энг муҳим омиллар ҳисобланади.

Миллий маънавият қуйидагиларда намоён бўлади: а) миллий онг, гурур, урф-одат, анъаналар, қадриятларнинг миллат ҳаётида реал моддий кучга айланишида; б) миллатнинг ўзлигини англаши, унинг ўз тарихи, мероси ва ўз истиқболи учун масъуллиги-

нинг амал қилишида; в) маданият (моддий ва маънавий маданиятда), уларнинг кўринишлари ва инсонга таъсир кўрсатиш имкониятларида; г) миллий ғоя мафкура ва уларнинг миллатни улуғлаш, унинг эзгулик ва тараққиётга интилишига таъсир кўрсата билиш қабиларда. Миллат ўлмаганидек, унинг маънавияти ҳам боқийдир. У авлодларни бир-бирига боғлаб турадиган, уларнинг руҳан яқинлигини таъминлайдиган, миллатга завқ, шавқ, илҳом, гўзаллик бағишлаб, уни истиқболга интиштирувчи омилдир.

Миллий маънавият миллат бир бутунлигини ифода этирувчи, унинг умр боқийлигини таъминловчи, барча хусусиятларини сақлаб турувчи, ҳимоя қилувчи “қалқон” ҳисобланади. Шу маънода ҳам Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор бўлиб, мустақиллик шароитида миллий тикланишимизнинг назарий асосини белгилаб беради. У шундай ёзади: “Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз”<sup>5</sup>.

Маънавияти юксак, заминлари мустаҳкам миллатнинг бирлиги ҳам мустаҳкам бўлади. Ундай миллатни зўравонлик ва қурол ишлатиш йўли билан кучли ва замонавий қуролга эга бўлган мамлакатлар ёхуд миллат томонидан вақтинча ўзига қарам қилиши мумкин, аммо уни руҳан енга олмайди. Чунки, руҳият миллатнинг ички ботиний кудрати ва кучидир. Унинг асосий хусусияти ва имконияти шундаки уни кўз билан кўриб қулоқ билан эшитиб бўлмайди. Худди ана шу кўринмас ва эшитилмайдиган омиллар миллатни доимо “уйғотиб” ва сергакликка ундаб туради. Руҳияти бақувват миллат албатта, ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигини йўқотмайди, озодлик ва мустақил тараққиёт учун курашади. Шу маънода ҳам маънавияти бақувват миллатни қурол билан у ёки бу мамлакат ёки миллат вақтинча ўзига қарам қилиб олиши мумкин, аммо унинг устидан батамом ғалаба қилиб бўлмайди.

Фикримизни тасдиқлаш учун рус олими В.В. Бартольд (1869-1930)нинг қуйидаги фикрларини келтирамиз: У Россия томонидан босиб олинган Ўрта Осиёга бир кеча марта ўлкани ва унинг халқини ўрганиш учун илмий сафар уюштиради. Бу сафарларнинг ҳулосаларини Санкт-Петербург фанлар академияси маданий кенгашида ҳисобини бериб, шундай таъкидлайди: “...биз шу пайтгача маданий савияси ўзимиздан анча паст бўлган халқларнинг ерларини босиб олган эдик. Энди бўлса,



Туркистон мисолида тамом тескари аҳволга дуч келиб туриб-миз... Туркистонликлар бизнинг ҳарбий устунликларимизга тан беришди, аммо маънавий устунлигимизни тан олишгани йўқ. Вазифа ана шуни тан олдиришдан иборатдир. То шуни тан олмас экан, биз узил-кесил ғалаба қозондик, деб айта олмаймиз”<sup>6</sup>. Бу келтирган фикрдан кўриниб турибдики, маънавияти бақувват, илдизлари мустаҳкам бўлган миллатнинг иродаси мустаҳкам бўлади, у вақтинча қарамлик ҳолатига тушуши, турли қийинчиликка дуч келиши мумкин, аммо у ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди. Шунинг учун ҳам ўзининг истиқболи билан яшайдиган миллатлар маънавиятни сақлаб қолишни, уни ривожлантиришни ўзларининг абадийлигини таъминлашнинг бош манбаси сифатида қараб келганлар ва бу тамойилга амал қилганлар.

Маънавиятнинг инсон, миллат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида фикр билдирилганда, унинг шаклланиш омиллари ҳақида мулоҳазалар юритиш зарур бўлади. Чунки, у шахс камолоти, миллат абадийлигини таъминлайдиган муҳим манба ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиётида етакчи омил эканлиги ҳақида кўп гапирилади ва ёзилади. Аммо унинг ўзи қайси омиллар ва манбалар асосида шаклланади, деган масала эътибордан четда қолаверади. Аслида ҳам маънавият ўз-ўзидан пайдо бўладиган омил эмас. Унинг заминлари инсониятнинг пайдо бўлиши ва миллатнинг шаклланиши билан боғлиқ. У асрлар давомида миллатнинг вакили бўлган инсонларнинг такомиллашуви, яратувчилик фаолияти билан боғлиқдир.

Худди ана шу жиҳатдан қарагандагина маънавиятнинг моҳияти ва мазмунини тўлароқ тушунишимиз мумкин бўлади. Бу ғоядан келиб чиқадиган хулоса шуки маълум бир заминда инсонларнинг пайдо бўлиши, яшаши ва яратувчилик билан шуғулланиши уларнинг маънавиятини ҳам вужудга келтирган.

Бу борада ўзбеклар дунёдаги маънавияти юксак, заминлари мустаҳкам ва дунё цивилизациясини яратишда ўлкан ҳисса қўша олган бахтли ва истиқболи порлоқ миллатлардан биридир. Ўзбеклар бугун истиқомат қилаётган бугунги она заминда археолог олимларимизнинг гувоҳлик беришича, бир миллион 200 минг йиллардан олдин ҳам аجدодларимиз яшаганлар. Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши бошлаганига эса 3000 йил тўлмоқда. Давлатчиликнинг пайдо бўлиши эса миллат маънавиятининг заминларига бориб тақалади. Чунки маънавият маълум бир тараққиёт да-

ражасига кўтарилмаса, мустақил омилга айланмаса, давлат ҳам шакллана олмайди. Ўзбек давлатчилигининг узоқ тарихи, ўлкамизда авлод-аждодаларимизнинг турмуши, маънавияти ва ғояларининг бутунлигидан хабар берувчи “Авесто”нинг яратилганлигига Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Энг мўъабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганлиги 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралигида, мана шу заминда умр гузаронлик қилган аждодаларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатларни, уни ҳеч ким инкор этолмайди”<sup>7</sup>.

“Авесто”да дунёнинг яратилиши, инсоннинг халқ бўлиб камол топиши, эзгулик учун ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик, ижодкорлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топган.

Зараштура таълимоти, “Авесто”да олға сурилган эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амал ҳамон инсониятни эзгуликка чорлаб, одамларни руҳан поклаб, маънавият чамани томон етаклаб келмоқда.<sup>8</sup>

Маънавиятни инсон тарихий тараққиётнинг махсули экан, ўзбек миллати маънавияти ҳам қандайдир “бўш” “яланг” жойда эмас, балки унинг авлод, аждодалари яратган бойлик эканлиги яққол намоён бўлади. Унинг заминлар бақувват бўлганлиги учун ҳам, келгинди босқинчилар томонидан йўқ қилишга қанчалик ҳаракат қилинмасин; у яна ўз қаддини тиклаб, миллатимизнинг ўзлигини намоёиш этишда манба бўлиб келмоқда.

Ўзбекнинг миллатнинг жaxon тан олган ва бутун бир цивилизацияни яратган буюк мутафаккирлари ва улар яратган илмий кашфиётлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, балки шу она заминда яратилган моддий ва маънавий соҳада эришилган ютуқлар билан боғлиқдир. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Нажмиддин Кубро, Аз-Замаҳшарий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа бир қатор мутафаккирлар, давлат арбоблари шу она заминда яратилган улкан моддий ва маънавий бойликлар булоғидан баҳраманд бўлганлар, улардан руҳий озиқа, илоҳий куч-қувват олганлар. Улар қолдирган улкан мерос эса, ўзбекларнинг кейинги истиқболини таъминлашни кафолатлаган. Ана шу моддий ва маънавий манбалар ўзбекларни озодлик, мустақиллик ва та-

раққиётга етакловчи манба бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Миллий маънавият миллат озодлиги ва мустақиллигини таъминлашнинг муҳим омили эканлиги ҳақида юқорида бир неча марта фикр айтдик. Хўш, у қандай бу вазифани амалга оширади?

Юқорида “маънавият” тушунчасига берган таърифимизда, уни миллатнинг ўзига хослигини акс эттирувчи, “менлигини” кўрсатувчи, “ўзлигини” белгилувчи ботиний ақлий-руҳият эканлигига асосий эътиборни қаратдик, бу бежиз эмас, албатта. Чунки ички ботиний ақлий-руҳият шундай бақувват кучки, у ҳар қандай шароитда ҳам миллатнинг ўзлигини сақлаб қолишга ўз ор-номуси, гурури, обрў-эътибори учун курашга ундайди. У миллий туйғулар ва ғояларни бойитиб туради. Бу жараёнлар кўзга кўринмаса ва қулоққа эшитилмаса ҳам, у миллатнинг ўз озодлиги, мустақиллиги учун курашларида ўзга миллатлар билан ўзаро “фарқланишида” ютуқларга, тараққиётга интилишларида намоён бўлиб туради. Бу жараёнларни ҳаракатга келтирувчи асосий куч миллатнинг ўзлигини англаши бўлса, уни узликсиз равишда энергия билан таъминлаб турадиган асосий манба — миллий маънавиятдир.

Шунинг учун ҳам инсониятнинг ақл-заковати ва қударти ривожланиб бориши, қадрият тизими ҳақидаги тушунчалар ҳам ўзгариб борган сари, уларнинг “эскирган” айримларининг ўрнини янгилари эгаллаш, бойиш жараёнлари кечаётган шароитда ҳам миллий маънавиятнинг улкан қадрият сифатидаги мақомига путур етмайди, балки у мустаҳкамланиб бораверади. Чунки миллат ўзлигини маънавиятнинг улкан имкониятларида англайди ва миллат сифатидаги мақомини ҳам у орқали мустаҳкамлайди. Миллат эса қадриятлар ичида барҳаёти, бу ёруғ оламга гўзаллик, тароват ва ҳаёт бағишлаб турадиган, ўзини-ўзи “қайта ишлаб чиқишга” қодир бўлган ва инсониятни яратувчиликка ундайдиган муҳим омилдир. Унинг ўзига хос қадрият сифатидаги муҳим томони шундаки, бугун ҳам ва истиқболда ҳам инсонларнинг чинакам инсонлигини белгилайдиган асосий мезонлардан бири уларнинг миллат вакили сифатида унинг “қиёфасини” ва хусусиятларини сақлаб қола билиши белгилувчи устуворликни ташкил қилиб қолишидир.

Демак, миллат ўзини-ўзи “қайта ишлаб чиқарар” экан, унинг ўзлигини англаши, ўз манфаатлари, мақсадлари ва интилишлари уз-

луксиз жараён сифатида давом этаверади. Шунинг учун ҳам ўзлигини англашга қодир бўлган ҳар қандай миллат кимларгадир қарам ҳолатда яшайолмайди. Башарти бировларга қарамлик, мустахлака ҳолатда яшаш унга тўқин-сочинлик, иқтисодий баркамоллик олиб келса, ҳам ўз озодлиги ва мустақиллигини қўлга киритишни ўзинг асосий мақсади сифатида қарайди ҳамда унга эришиш учун барча имкониятларини ишга солади.

Миллат учун мустақиллик нима ўзи? У сиёсий ва иқтисодий қарамликдан қутилиш билан чекланмайди. У фақат мустақилликнинг бир томони ва чинакам мустақилликка йўл очадиган қисми ҳисобланади. Миллатнинг маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлиб, ўзини англашга мадори етмайдиган даражага келиб қолиши унинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун кураша олмайдиган ҳолатига олиб келади. Шунинг учун ҳам миллат учун мустақиллик бу маънавий қарамлик, касофатидан қутилиш, эркин нафас олиш, ўзгалар олдида “менлигини” таъминлашга эришишдир.

У қачонки, ўзлигини англаб, “менлигини” ҳис қила билсагина сиёсий ва иқтисодий қарамликдан батамом қутила олиши мумкин. Миллат сиёсий мустақилликни қўлга киритса ва ўзининг миллий давлатчилигини шакллантириш имкониятига эга бўлса-ю, ундан ўз вақтида удабуронлик билан фойдалана олмаса, миллатнинг маънавий қарамлик ва мутелик азобидан озод бўлишига, эркин нафас олишини таъминлашга эриша олмаса, унинг яна кимларгадир қарамлик ҳолатига тушуб қолиши муқаррардир.

Худди мана шунинг учун ҳам мустақиллик борасида кураш дастлаб, тўғридан-тўғри сиёсий жиҳатдан озод бўлишга маълум давр ичида миллат маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёрланади, унинг онги ўсиши, ўзлигини англаши энг муҳим вазифа сифатида туради. Ана шу вазифа маълум босқичга кўтарилгандан кейингина миллатнинг мустақиллигини батамом ва узил-кесил қўлга киритиш вазияти етилади.

Шундай қилиб, сийсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш яна маънавий қарамлик, мутеликдан қутилиш ва руҳий жиҳатдан озод бўлишга бориб тақалаверади. Ана шу боисдан ҳам, ўз истиқболини олдиндан кўришга салоҳияти етадиган, прагматик давлат арбоблари олдин иқтисод ва сиёсат эмас, балки уларни маънавиятни тиклаш вазифалари билан уйғун ҳолда

ривожлантиришни ўз сиёсатларининг асосий йўналишлари сифатида қарайдилар.

Миллат ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин, иқтисодий ва сиёсий соҳада амалга ошириладиган ислохотлар маънавий янги-ланиш билан қанчалик уйғун ҳолда таъминлансагина мустақилликни мустақамлаш ва ўзи танланган тараққиёт йўлига чиқиб олиш учун кенг имкониятлар юзага келади. Бу масала назарий жиҳатдан жуда содда ва жўн кўринса ҳам амалда ниҳоятда мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки гап миллатнинг вакиллари бўлган аҳолининг аксарият қисмининг онги ва қалбини тубдан ўзгартириш ҳақида бормоқда. Бу мураккаб вазифани амалга ошириш учун эса маълум вақт ва изчиллик билан меҳнат қилиш талаб этилади. Боз устига фақат тарбиявий ишларни кучайтиришнинг ўзи етарли эмас. У ўта зарур бўлгани учун ҳам уни комплекс тарзда ташкил қилиш, уйғун ҳолатда олиб бориш керак бўлади. Ўрни назария ва амалиёт бirlиги вужудга келгандagina миллий онгни ривожлантириш борасида кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади. Маънавиятнинг (маданиятнинг, шўролар ҳукмронлиги даврида маънавий маданиятнинг бир қисми шаклида қараб келинган) шахс, миллат ва жамият ҳаётидаги муҳим ўрни ҳақида ҳамма замонларда ҳам таъкидланиб келинган ва унинг имкониятларидан ўз мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қилинган.

Аммо, жамиятнинг бир тизимидан иккинчисига ўтишда маънавий соҳаларда амалга ошириладиган вазифалар: шу жумладан, инсонларнинг онгини ўзгартириш, уни миллий ғоялар билан бойитиш, шахс ва миллатнинг ўз-ўзини англашини ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда амалга оширилиши керак бўлган ислохотларда маънавий янгиланишга устуворлик билан қараш кабилар ҳар доим ҳам муҳим омил сифатида қарайверилмаган. Агар бундай ёндашувнинг натижаларига қарайдиган бўлсак, қўлга киритилган улкан ютуқлар фақат бир томонлама эканлиги шундоқ кўзга ташланиб туради. Жумладан, бугунги кунга келиб жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу ҳеч ким учун янгилик эмас. Аммо ана шу ютуқлар маънавият янгиланиш жараёнлари билан уйғун ҳолатда олиб борилмаганлиги оқибатида шахснинг тор доирадаги ўзини англаши (фақат ўз манфаатлари учун яшаш), миллий қадриятлардаги айрим ўта муҳим муносабатларнинг ҳам аҳамияти сусайиб кетди. Жумладан, ривожланган бир қатор Европа мамла-

катларида оила муқаддаслиги (оила қуриш, ўздан авлод қолдириш), ота-она, қариндош-уруғчилик муносабатларидаги ўзаро маъсулиятнинг йўқолиб бораётгани каби маънавий янгилинишга етарли даражада эътибор берилмаганлигининг оқибати ҳисобланади. Бу соҳада қўйилган камчилик ҳал этилмас экан, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ютуқлар қанчалик улкан бўлмасин, инсонлар ва миллатнинг маънавий қашшоқлашувига ҳамда жамиятнинг ич-ичидан емирилиши юзага келади.

Чунки, инсоният, миллат ва жамият тараққиётининг ҳозиргача ўтган тарихий тажрибаси кўрсатмоқдаки, иқтисодий жиҳатдан тараққий этиш ҳали юксакликнинг охириги мезони эмас. Агар ана шу юксаклик комил инсон шаклланишига миллий қадриятни улуғлаш, ривожлантириш, замон билан ҳамнафас ҳолатда уни бойитиш, жамиятда барқарорликни таъминлаш, ўзга мамлакатлар ва халқларга очкўзлик билан қарашдан қутилиш кабиларга хизмат қилмас экан, бу ёруғ оламда маънавий қашшоқлик давом этаверади. Бу эса инсонлар ўрталаридаги самимийликнинг йўқолиб бориши, ғаразғўйлик, эътиқодсизлик, диёнатсизлик, меҳр-оқибат, миллий, ирқий, диний низолар, мамлакатлар ўртасида ўзаро турли низолар, қарама-қаршиликларнинг авж олишига олиб келаверади.

Бугун худди ана шу салбий ҳолатларнинг содир бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Энг ачинарлиси шундаки, худди ана шу салбий ҳолатлар инсоният бошига оғир фожиаларни солмоқда. Шундоқ ҳам бутун инсоният бугунги кунда ўз бошидан мураккаб глобал (умуминсоний) муаммолар (турли касалликлар, нармкомания, озиқ-овқатнинг етишмаслиги, ядро хавфи ва ҳоказо)ни кечираётган бир шароитда маънавий жиҳатдан қашшоқлашиш жараёнлари ана шу глобал муаммолар қаторига жадал кириб бораётганлиги энг хатарли хавф ҳисобланмоқда.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, истиқболимизни барқарор ривожланишини маънавий янгилинишсиз ташкил этиб бўлмайди. Афсуски, бу ўта муҳим глобал вазифа ҳамма мамлакатларда бир хил даражада тушинилмаётир. Лекин ўз навбатида жаҳон маънавий янгилиниш вазифаси кўпгина мамлакатларда кун тартибига қўйилишига уринишлар ҳам содир бўлмоқда.

Собиқ шўролар ҳукмронлигининг тугаши ва жаҳон социализм тизими барбод бўлиши оқибатида ўз мустақиллигини қўлга киритган кўпгина мамлакатлар, ўзларнинг тараққиёт йўлларини

белгилар эканлар, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотларни маънавий янгиланиш билан уйғун ҳолатда олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Тўғри, бир қатор объектив ва субъектив сабаларга кўра бу вазифаларни уйғун ҳолатда олиб бориш ҳамма мамлакатларда ўзгаришларнинг талабидан орқада қолмоқда.

Бу борада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар ва тажрибаларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлмоқда. Энг муҳими иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислохотларга миллий маънавий янгила-ниш жараёни ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Маънавий янгиланишдан кўзлаган бош мақсад Президент Ислон Каримов таъкидланганидек, юрт тинчлиги, Ватан рав-нақи, халқ эркинлиги ва фарвонлигига эришиш, комил инсон-ни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағри кенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат.<sup>9</sup> Кўриниб турибдики, бизнинг мамлакатимизда янги жамиятни қуриш учун зарур бўлган барча вазифалар уйғун ҳолатда олиб борилиши стратегик вазифа сифатида белгиланган. Аслини ол-ганда ҳам барча ўзгаришлар заминиди миллий маънавий янги-ланиш орқали амалга оширилсагина кутилган мақсадга эришиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам ўзбекистонда миллий маъна-вий янгилаш, собиқ шўролар ҳукмронлиги дунёқарашидан қутилиш, миллий тикланиш каби вазифалар давлат сиёсати да-ражасига кўтарилди.

Юқорида янги жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларини маънавий янгилаш вазифаси билан уйғун ҳолатда амалга оширилишини умумий қонуниятга айла-ниши зарурлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурдик. Шунинг би-лан бирга бу вазифа тоталитаризм сиртмоғидан қутулиб, мус-тақил тараққиёт йўлига кириб бораётган Ўзбекистон учун алоҳида ўрин эгаллаши лозим бўлади.

Биринчидан, тоталитаризм тузуми фақат ўз ғоялари ва мафку-расини миллатимиз онги ҳамда қалбига зўравонлик билан синг-дирди, шунинг билан бирга уни дунёқарашга айлантиришга ҳам эриша олди. Шунинг учун ҳам бу ердаги асосий вазифа миллий маънавиятни тоталитар дунёқарашдан озод қилиш, миллатдошла-римиз онги ва қалбига эришилган мустақилликнинг моҳияти, мазмуни афзалликларини сингдириш;

**Иккинчидан**, собиқ тоталитаризм шароитида вужудга келтирилган маънавий салоҳиятдан бир зарба билан (яъни инқилобий тарзда, битта қонунни ёхуд битта фармонни қабул қилиш) қутилиб бўлмайди. Чунки буни амалга оширишга уриниш жамият ва миллат ҳаётида зиддиятларни кучайтириб юбориши мумкин. Чунки: а) собиқ шўролар тоталитаризм шароитида вужудга келтирилган маънавий салоҳият одамларнинг мустақил тафаккур юритишга эмас, тузумга итоаткор “робот”ларга айланишига улғуриб бўлган эди; б) одамларда жаҳонда умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилган шахс, миллат, миллий қадрият, жамият, Ватан, миллий маънавият, миллий ғоя, миллий манфаат, мулк ва бошқа бир қатор тушунчалар сохта ва собиқ марказ хоҳиши ҳамда манфаати руҳияти асосида шакллантирилиб одамларимизнинг турмуши ва ҳаёт кечиришларининг мазмунига айлантирилган эди;

**Учинчидан**, мустақилликни қўлга киритганимизнинг дастлабки босқичида, мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўта бошлаши муносабати билан моддий ва ижтимоий-сиёсий соҳада юзага келган қийинчиликлар, одамларимизнинг аксарият қисмида қурилмоқчи бўлган жамиятга нисбатан ишончсизлик, иккиланишлар, ҳатто, нафрат туйғулари ҳам юзага келди. Яъни бир қисм одамлар “тинчгина” яшаётган эдик, мустақиллик туйғули иқтисодий қийинчиликлар “пайдо” бўлди, деган нотўғри қарашлар ҳам шаклланган эди. Юзага келган бу хавфдан қутилиш вазифаси ҳам пайдо бўлди. Қачонки, илгари бундай хавф анъанавий (яъни жамиятнинг пастдан юқорига, бир босқичдан иккинчисига ўз йўналиши билан ўтиш) йўл билан мамлакатларда кун тартибида турмаган эди;

**Тўртинчидан**, тоталитаризм шароитида миллий маънавиятимизнинг анъанавий илдиэлари (ўз замини ва диний қадриятлар асосида) бутунлай тугатилиб юборилган эди. Шўроларнинг фан, техника, маориф, таълим, саноат, кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилган сиёсати, фақат собиқ марказ эмас, шунинг билан бирга битта миллат-рус миллати манфаатларига бўйсундирилган эди. Турли бўхтонлар билан Ўзбекистонга руси забон миллат вакиллари кўчириб келтириш, уларнинг сонини ва салмоғини изчиллик билан ошириб бориш, кўчиб келганлар эса миллатимизга рус тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва турмуш тарзини сингдиришдек вазифани амалга ошириб бўлган эдилар. Бу салбий ўзгаришларнинг бутун милла-



тимизнинг турмуш тарзига айланишидан фақат қишлоқда яшаётган миллатдошларимиз умумий аҳолининг кўпчилигини ташкил қилганлиги омили қутқариб турган эди ҳолос. Катта шаҳарларда эса рус турмуш тарзи, тили, урф-одатлари ва анъаналари ўзининг устуворлигини таъминлаб бўлган эди;

Бешинчидан, миллий кадрларга собиқ марказнинг ишончсизлиги, мамлакатимизда асосий сиёсатни рус миллатига мансуб кадрлар, олиб борши, айниқса, 80-йилларнинг ўрталарига келиб миллий кадриятларимизни турли баҳоналар билан айиблаб, жисмонан йўқ қилишнинг яна амалга оширилишига киришганлиги (худди 30-йиллар ўрталарида, 50-йиллар бошларида бўлганидек) кабилар мустақилликни қўлга киритган давримизнинг дастлабки пайтида бутун жамиятда, шу жумладан, маънавий янгиланишимиз учун мураккаб муаммоларни келтириб чиқарган эди.

Юқорида келтирилган барча қийинчилик ва муаммоларнинг аксарият қисми бозор муносабатларига изчиллик билан ҳаракат қилиш талаб этилди. Бугунга келиб ўтган давр ичида амалга оширилган ишлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Энг асосийси, миллий маънавий тикланиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим омили даражасига кўтарилганлигидадир. Чунки, тараққиётга эришишнинг энг асосий манбалари миллий заминларга таяниш, миллий ғояни ривожлантириш миллатнинг ўзлигини англаши, миллий манфаатлар моҳиятини тушуниб етиш, миллат истиқболи учун маъсулият ғояларининг дунёқараш даражага кўтарилиши кабилардир. Худди ана шуларнинг амалга ошиши, миллатдошларимизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакат тараққиётида фаол иштирок этиш имконини беради.

Бугун мамлакатимизда миллий-маънавий тикланиш борасида эришилган ютуқларимиз қанчалик саломоқли бўлмасин, навбатдаги вазифалар кўламининг ҳам ниҳоятда катта эканлигини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Фикримизча, уларнинг айримларига қуйдагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, мамлакатимизда миллий ғояларнинг ижодкори ва оммага етказувчилари бўлган зиёлиларнинг мавқеини кескин равишда кўтариш зарур. Зеро, бугун бу омил ислохотларнинг бориш жарёёнларидан орқада қолмоқда. Гап уларни фақат моддий жиҳатдан аҳолини яхшилаш ҳақида бораётгани йўқ (албатта, бу

ҳам энг муҳим масала), шунинг билан бирга уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш ҳақида бормоқда. Миллий маънавий тикланишни зиёлиларнинг фаол иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди. Чунки улар миллий ва тараққиёт ғояларининг ижодкори, миллатнинг “юзи”, салоҳият устуворлиги ҳисобланади. Боз устига XXI аср интеллектуал салоҳият устуворлиги асри, барча тараққиёт уларнинг имкониятларини қайси даражада ишга солиш билан боғлиқ бўлади;

**Иккинчидан**, собиқ шўролар давридан қолган ҳадиксираш иккиланиш, дунёқараш кабилардан тезроқ қутулишимиз лозим. Яъни мамлакатимизда тараққиётимизга хизмат қилоладиган, эркин тафаккур юрита оладиган интеллектуал салоҳиятни тарбиялаб етказишимиз зарур. Фақат турли фикрларнинг мавжудлиги миллий тараққиётимизнинг, мамлакатимиз ривожланишининг бир томонлама кетиб қолиши хавфининг олдини олиш имконини беради.

**Учинчидан**, миллий тикланишимизнинг асосий омили бўлган — кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда асосий эътиборни мактабгача ва мактабларда бериладиган таълим-тарбияни тубдан ўзгартиришга қаратишимиз лозим бўлади. Айниқса, ўқитувчилик касбининг мавқеини кўтариш, уларни мактабга қайтариш, мактабларнинг моддий базаларини мустаҳкамлаш муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Чунки, таълим-тарбиянинг энг зарурий, кейинчалик фарзандларимизнинг истиқболини белгилаб берадиган қисми мактабгача ва мактабларда берилади. Шунинг учун бу вазифани ҳал этишни умуммиллий вазифа даражага кўтарилишига эришишимиз лозим.

**Тўртинчидан**, миллий тикланишимизнинг муҳим қисми бўлган миллий ўзлигимизни англаш, миллий ғоямизни ривожлантириш, уни ёшларимиз дунёқарашига айлантириш жараёнларини давом эттириш билан бирга, илмий, бадий ва санъат асарлари яратишни кўпайтириш уларда миллий ва умуминсоний ғояларнинг ўз ифодасини топишга, бу маънавий бойликларнинг ёшлар ичида оммавийлашиб боришига эришиш ва бошқа бир қатор вазифаларни амалга ошириш бугунги кунда миллий-маънавий тараққиётимизнинг энг долзарб вазифаларидир.

Миллий-маънавий ривожланиш борасидаги ана шу вазифаларни амалга ошириш мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, миллатимизнинг жаҳон цивилизациясидаги адолатли ўрни тиклаш ва ҳозирги замон цивилизация жараёларида фаол иштирокини таъминлаш имконини беради.

### 3.2. Миллатпарварлик, шовинизм ва уларнинг миллат ҳаётида тутган ўрни

Мустақилликни қўлга киритган ҳар бир кўп миллатли мамлакатларда уни мустаҳкамлаш ва миллий тараққиётни таъминлаш кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатлар соҳасида содир бўлаётган турли жараёнларга реал баҳо бериш, уларда юзага келган ёки келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш қобилиятига, ҳозиржавоблигига, миллий ривожланишнинг прогрессив ва қарши тура оладиган кучларнинг белгилай билишга боғлиқ бўлади.

Миллий муносабатлар соҳасидаги аччиқ тажриба шуни кўрсатадики, "ютуқлар"ни ҳадеб мақташга берилиб кетиш, айниқса, собиқ совет ҳокимияти йилларида миллий масалани "ҳал" этиш соҳасидаги "эришилган" муваффақиятларни кўкка кўтариб мақтайвериш бу соҳадаги на фақат мавжуд муаммоларни, худди шунингдек, собиқ СССРда тоталитар социалистик жамиятни қуриш йилларида янги муаммоларнинг ҳам юзага келишига сабаб бўлган эди. Бу муаммолар тузум зўравонлиги, миллатни "ривожлантириш" борасида олиб борилган маккорона сиёсат оқибатида юзага чиқа олмаган эди. Аммо бу зимдан жамият ичидаги зиддиятларни кучайтириб боришига ўзининг салмоқли таъсирини ўтказиб, унинг ҳолатини тезлаштирган эди. Худди мана шунинг учун ҳам мустақиллик шароитида миллатларнинг бир-бирига қарама-қарши туришига сабаб бўлувчи руҳиятнинг пайдо бўлиши ва унинг кучайиб боришига ёрдам берадиган илдизларни аниқлаб, уларни чуқур таҳлил қилиш ҳар қандай кўп миллатли мамлакат учун сув билан хаводек зарурдир. Шунинг учун ҳам мамлакатлараро муносабатларда ва кўп миллатли айрим олинган мамлакат доирасида ҳам у ёки бу миллатнинг манфаатларига зид келувчи ҳатти-ҳаракатлар ёхуд турли салбий омилларнинг юзага келишининг олдини олишга хизмат қилувчи концепцияларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш долзарб вазифа сифатида ўзининг аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Бу масаланинг долзарблиги собиқ тоталитар совет тузумининг барбод бўлиши, унинг ўрнида собиқ иттифоқдош республикаларнинг мустақил давлат сифатида вужудга келган бугунги кунда айниқса, яна ошиб бормоқда. Чунки бугун ҳам собиқ иттифоқни кўмсаб, қандай бўлмасин уни тиклаш ниятидан қайтмаётган аламза-

далар борлиги ҳеч ким учун янгилик эмас. Улар бугунги мустақил давлатларда яшаётган ўз миллатдошлари омилини ишта солиш услубларидан фойдаланишдек, мутгаҳамлик йўлидан боришдек ниятларидан қайтмаётирлар.

Ана шу йўлда уларнинг айримлари шўролар давлатининг миллатларни ўзига итоат қилдиришнинг эски услубларини янги вужудга келган вазиятда ҳам қўллашга шай бўлиб турибдилар. Агар улар шўролар даврида собиқ иттифоқдош республикалардаги миллатларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишларини "миллатчилик" деб, уларни назарий ва жисмонан йўқ қилишган бўлсалар, бугун улар мустақил давлатларда русий забон халқларнинг ҳуқуқлари "паймол" этилмоқда, шовинизм "кучаймоқда", деган бўхтонларни уюштириш йўли билан мустақил давлатлардаги мавжуд тинчликларини бузиб, яна уларни "катта оға"га барқарорликни таъминлашга ёрдам сўраб боришларини хоҳламоқдалар. Бундай ниятларнинг заминида эса яна собиқ иттифоқни тиклаш ва улардаги миллатларни ўзларига қарам қилиш каби қобиҳ мақсадлар турибди.

Шу маънода ҳам "миллатчилик" ва "шовинизм" каби тушунчаларнинг моҳияти нима, унинг илдиэлари қасрда ва улардан фойдаланиш миллатлар ҳаётида қандай рол ўйнайди? каби масалаларнинг моҳият-мазмунини тушуниб етишимиз зарур бўлади. Бу ўз навбатида миллатлараро муносабатларда вужудга келиши мумкин бўлган нохуш жараёнларнинг олдини олиш имконини беради.

"Миллатчилик" тушунчаси ва унинг пайдо бўлиш сабаблари собиқ совет даврида жуда мукамал ўрганилиб ва таҳлил этиб келинган эди. Бу масала ҳам миллий ривожланиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларга ўхшаб, собиқ марказ олимларининг монополиясига айланиб, фақат уларнинг ғоялари охириги ҳақиқат сифатида миллий республикалар томонидан қабул қилиниб келинган эди. Шу маънода ҳам "миллатчилик" тушунчаси ва унинг шаклланишини ўрганиш бўйича ўз даврининг йирик мутахассисларининг фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир. Россиялик олим Э.А.Баграмов миллатчилик тушунчасига таъриф бериб, шундай ёзади: "Миллатчилик — бу бир миллат бошқа миллатдан афзал кўриладиган психология ва идеология, дунёқараш ва сиёсат бўлиб, ўз миллатини улуглаш, миллий низоларни авж олдириш, эксплуататорлар синфи манфаатларини акс эттирувчи иллатдир."<sup>1</sup>

М.С.Жунусов: "Миллатчилик — бу фақат миллий муносабатлар соҳасидаги буржуазия идеологияси ва сиёсатигина бўлиб қолмай, балки унинг миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасини белгилаб берадиган социал-психологик кўрсатмаси ҳамдир"<sup>2</sup>, деб ёзган бўлса, С.Т. Калтаҳчян: "Миллатчилик — бир миллатни бошқасидан афзал кўриш руҳияти (психологияси) ва мафқураси, дунёқараши ва сиёсатидир, ўз миллатини улуғлаш, миллий низони ва ирқий адоватни авж олдириш"<sup>3</sup>, деб кўрсатади. М.В.Иордан буржуа миллатчилигига кўйдагича таъриф беради: "Буржуа миллатчилиги — бу ижтимоий кучларни синфий белгилар бўйича ажратадиган шундай бир миллий маҳдудлик сиёсатки, у ушбу кучларни миллий белгиларга қараб ажратиш сиёсати билан маҳкам боғлиқ бўлади."<sup>4</sup>

А.Турсунов "Миллатчилик — кўп қиррали ва кўп қиёфали ҳодисадир, — деб ҳисоблайди. Бироқ конкрет тарзда ҳар қанча ранг-баранг кўринишда намоён бўлишига қарамасдан, барибир у муайян бир мантиқий белгига эгадир. Бу белги миллий алоҳидалик даъво қилиш ва шундан келиб чиққан ҳолда мазкур бошқа миллатлардан устун қилиб, уларга қарши қўйишдир".<sup>5</sup>

Шундай қилиб, турли муаллифларнинг юқорида келтирилган фикрларини жамлаб, уларни қўйидаги йўналишлар бўйича шартли равишда гуруҳларга ажратиб чиқиш мумкин: биринчидан, миллатчилик мафқура, психология, дунёқараш, сиёсат сифатида қараб чиқилади (Э.А.Баграмов, С.Т.Калтаҳчян ва А.И.Хмара), иккинчидан, миллатчиликни юқорида кўрсатиб ўтилган таърифига яна ижтимоий-психологик кўрсаткич ҳам қўшилади (М.С.Жунусов), учинчидан, кучларни синфий белгиларга қараб ажратиб, миллий маҳдудлик белгиси кўрсатиб ўтилади (М.В.Иордан), тўртинчидан, миллий алоҳидалик устунлик даъво қилинади (А.Турсунов).

"Миллатчилик"нинг шаклланиш жараёни, унинг манбалари ҳамда пайдо бўлиш шакллари Э.А.Баграмов, Г.Е.Глезерман, М.С.Жунусов, М.В.Иордан, С.Т.Калтаҳчян, А.И.Хмара, Н.З.Ярашук ва бошқа собиқ марказдаги олимлар томонидан ўрганилган эди.<sup>6</sup>

Бу муаллифларнинг фикрича, миллатчиликнинг сиёсат, идеология, психология ва дунёқараш сифатида юзага келиши эксплуататорлар синфининг хусусий мулкчилик манфаатларини пайдо бўлиши билан боғлангандир. Хусусан, Г.Е.Глезерман: "Миллатчилик хусусий мулкчиликнинг ижтимоий асосида юзага

келади ва ўз миллатининг бошқа миллатлардан ўта сезиларли равишда ажратиб қўйилганлиги билангина характерланмайди. Хукмрон синфларнинг ўз миллатини барча ижобий сифатларнинг бирлашмаси, деб қарашга интилиш, унинг бошқа миллатлардан устун эканлигини ифода этиши "бегона"ларга душманлик муносабатида бўлиши, миллий эгоизм — булар миллатчилик руҳининг айрим характерли белгиларини намоён бўлишидир",<sup>7</sup> деб ёзади. М.С.Жунусов "Миллатчилик хусусий мулк бор жойда бир миллатнинг иккинчиси устидан зўронлик қилиши мавжуд жойда шак-шубҳасиз юзага келади"<sup>8</sup>, деб ёзади. С.Т.Калтаҳчаннинг фикрича, "Капиталнинг ягона миллий бозор яратилишига, мамлакатнинг ўз ички ишчи кучларини монопол эксплуатация қилинишига, кейинчалик эса бошқа халқларни мазлум қилишга, уларнинг бойликларини талон-тарож қилинишига интилиши буржуа миллатчилиги ва космополитизмни юзага келтиради".<sup>9</sup> Н.И.Хмара миллатчиликнинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилган ҳолда, "Миллатчиликнинг пайдо бўлиш у ёки бу мамлакат буржуазиясининг ягона миллий бозорини яратишга, ўзга ерлик буржуазияни ундан йўқотишга, шунингдек, хом ашё манбааларидан монопол фойдаланиш учун курашга интилиши туфайлидир. Миллий буржуазия, ўзга ерлик бўлган чет эл тижоратчилари ва савдогарларини сиқиб чиқара бориб, хорижий барча нарсаларга, шу жумладан, бошқа мамлакатдаги халқларга ўз миллий туйғусини сингдириб боради"<sup>10</sup>, деб ёзади. М.В.Иордан, миллатчиликнинг реакцион моҳиятини очиб берар экан, шу билан бирга таъкидлаб ўтади: "...миллатчилик миллий-озодлик курашнинг шу курашнинг иқтисодий жиҳатини киритган ҳолда ифодаланиши бўлиб қолар экан, шунгача у ўзининг нисбатан прогрессив аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Лекин у социал-синфий табақаланишнинг чуқурлашиб боришига қарши норозиликни ифодалаган идеологияга айланган захоти, ўзининг ҳужумкор тараққиётини мутассил равишда, албатта ошириб бориб, у реакция идеологияга айланади."<sup>11</sup>

М.С.Жунусов миллатчиликнинг моҳиятини таърифлар экан, унинг синфий табиатини ва тарихий шаклларини очиб беришга асосий эътиборни қаратади. У: "Миллатчиликнинг таъсир мезони бўлиб миллат қиладиган нарса унинг синфий табиати ва тарихан намоён бўлиш шаклидир. Башарти миллатчиликнинг ташувчиси ҳисобланган синфлар назарда тутиладиган бўлса, у ҳолда миллатчиликнинг қуйидаги уч гуруҳини ажратиб кўрсатиш мум-

кин: 1. қулдорлар ва феодаллар миллатчилиги; 2. Майда буржуа миллатчилиги; 3. Буржуа миллатчилиги".<sup>12</sup>

Москвада чиқарилган ва ўзбек тилига таржима қилинган қисқача сиёсий луғатда миллатчилик — миллатлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги масала бўйича буржуа идеологияси, сиёсати ва психологияси миллатчилик учун бир "олий" табиатнинг ўзи "танлаб олган" миллатнинг бошқа — "паст", тўлақонли бўлмаган" миллатдан устулик ғояси билан характерлидир. Миллатчилик пайдо бўлиши капитализмнинг туғилиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик миллатчиликнинг иқтисодий асосидир, миллий антоганизмларнинг бир миллатнинг иккинчи миллат устидан ҳукмронлиги ва зулмининг манбаи бўлиб хизмат қилади"<sup>13</sup>, деб кўрсатилган.

Шундай қилиб, кўриниб турибдики, адабиётларда бир томондан, капитализм шароитида миллатчиликнинг пайдо бўлиш сабаблари таҳлил этилса, иккинчи томондан, унинг синфий табиати ҳамда ҳар бир тарихий шакlining хусусиятлари (М.С.Жунусов) таҳлил қилиб берилади.

"Миллатчилик" тушунчаси унинг капитализм шароитида пайдо бўлиш сабабларига ўзимизнинг муносабатимизни билдиришдан олдин, собиқ СССР шароитида унинг шаклланиши тўғрисида бир қатор олимлар томонидан билдирилган фикрларни келтирамиз. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, капиталистик жамиятда фақат миллатчиликнинг пайдо бўлишини таҳлил қилиш муҳим бўлибгина қолмай, шу билан бирга собиқ социализм тузуми шароитидаги "миллатчилик"нинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилишни ҳам муҳим, деб ҳисоблаймиз. Маълумки, сталинча қатағон йилларида ва турғунлик даврида миллатчилик фақат капитализм сарқити сифатида мавжуд бўлади, деб кўрсатиб келинди.

Бироқ жамиятимиз тараққиёт тарихи шуни кўрсатдики, барча миллатлар ва элатлар бир текис ривожлана олмайди, ҳар доим уларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммолари мавжуд бўлади, чунки миллатнинг ривожланиши унинг эҳтиёжларини ҳам ўсиб боришига олиб келаверади. У ҳолда шундай савол туғилади: бинобарин, фақат иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг мавжудлиги миллатчиликни келтириб чиқарар экан-да? Бу хусусда А.Ф.Дашдамиров: "Миллатчилик ўз ечимини топа олмаган зиддиятлар бор жойда миллий худбинлик ҳеч қандай

тўсиқларсиз ривожланиб, зарба берилмаган, зиддиятга — ўзига қарши кучларга дуч келмаган жойда пайдо бўлади”<sup>14</sup>, деб ёзади. А.Турсунов социализм шароитида миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида йўл қўйилган хатолар бузилган шаклда жонланиб, эски миллий гиналарга айланиб кетиши ва кейинчалик “мудофаа” тарзидаги (баъзи жойларда эса “хужумкор” шаклдаги) миллатчиликка айланиб кетиши учун тегишли замин ҳозирлайди”<sup>15</sup>, деб ҳисоблайди, Э.А.Баграмов, Ж.Г.Голотвин, Э.А.Тадевосянлар миллатчилик намоён бўлиши сабабларини икки — объектив ва субъектив гуруҳларга ажратадилар. Улар иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ривожланиш етарли, бир текис эмаслигини ҳамда айрим минтақалардаги халқларнинг социализмга ўтишининг ўзига хос шарт-шароитлари ва бошқаларни объектив сабаблар гуруҳига киритадилар. Улар айрим ходимлар фаолиятида йўл қўйилган турли ҳил хатоларни миллий сиёсатда ленинча принциплардан чекиниш ҳолларини субъектив сабаблар гуруҳига киритадилар.<sup>16</sup>

Бундай нуқтаи назар объектив ва субъектив қарашлар диалектикасини рад этади. Юқорида айтилган фикрларнинг маъноси шундан иборатки, бунда бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик тизими томонидан йўл қўйилган барча “гуноҳлар” (жиноятлар ва хатолар) айрим шахсларга тўнкалди ва “объектив” сабабларни “субъектив” сабабларга, умумий айбларни хусусий айбларга айлантиришга ҳаракат қилинади. Масалан, нима учун иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги нотекис ривожланиш — “объектив омил” (сабаб) бўлиши керак? Албатта, бу ҳол фактга айланганидан кейин биз яшаб турган реалликка айлангандан сўнг, уни шундай деб атаймиз? Лекин уни: бу — “объектив сабаб”, деб айтиш демак, ушбу масалани ҳал қилмаслик, деган сўз бўлади. Уни аксинча, фақат шундай йўл билан ҳал қилиш мумкинки, бунинг учун биринчидан, собиқ совет ҳокимияти йилларида бизга ўтмишдан мерос бўлиб келаётган ана шу нотекисликни асосан енгиб ўтиш мумкин эдими? Бунга имконият бормиди?, деган масалани ўрганиб чиқиш лозим, иккинчидан, бунинг учун барча зарур ишлар қилинган эдими ва ниҳоят, учинчидан, бир қатор субъектив сабаблар (хусусан, бизнинг минтақада пахта якка ҳокимлигини ривожлантиришга мўлжалланган ва минтақада саноат ривожланиши зарурияти ҳисобга олинмаган сиёсат ўтказилиши ва ҳоказолар ўша, илгариги нотекисликни энди ялпи “ривожланган” социализм шароитида қайтадан



тикланишига хизмат қилмадимикан? деган масаларни ўрганиб чиқиш керак. Шундай таҳлилнинг кўрсатишича, мана шу “объектив” сабабнинг ўзи ўша “субъектив сабаб” таъсирининг оқибати, маъмурий буйруқбозлик тизимининг идоравий зўрвонликнинг натижасидир, деган фикр келиб чиқади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Россия ФА академиги Ю.В.Бромлей, тожикистонлик файласуф А. Турсуновнинг социализм шароитида “мудофаа” миллатчилиги мавжуд бўлиши хусусидаги фикрига танқидий муносабатда бўлади.<sup>17</sup>

Хўш, муаллифларнинг юқоридаги фикрларидан келиб чиқадиган бўлса, собиқ совет тузуми шароитидаги миллатчилиги капитализм даврида мавжуд бўлган миллатчиликнинг бевосита давоми ҳисобланадими ёхуд у янги бир шаклда туғилиб келаётган миллатчиликми?

Аслини олганда, “миллатчилик” тушунчасига муаллифлар томонидан берилган таърифларни ёки унинг келиб чиқиши тўғрисидаги “назария” анализ қилинадиган бўлса, собиқ совет тузумини сақлаб қолиш мақсадида “тўлақонли” бўлмаган миллатларни итоатда ушлаб туриш ва уларни “катта оға” атрофига бирлаштириш ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган “назариялардан” бошқа нарса эмас.

Агар бир мамлакат доирасида яшаб туриб, ўзи билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий жиҳатдан ривожланиши учун катта имкониятга эга бўлиб турган шароитда худди ана шундай имкониятни ўз миллати учун яратилишини талаб қилган ёки унинг учун курашган миллат ёки унинг вакилини миллатчи, дейишимиз керакми? Бу “назария”нинг ғайри-илмийлиги яна шундаки, “миллатчилик” собиқ СССРда руслардан бошқа барча миллатларга нисбатан қўлланиб келинган. Ёки миллатчиликни халқларнинг феодализмдан охиригача “ўтмаганлиги” “капитализм” босқичини босиб “ўтмаганлиги” ва буржуа жамиятининг “иллати” сифатида талқин қилиниб келинганлигини юқоридаги келтирилган фикрларда кўриб ўтдик.

“Миллатчилик”нинг бир формаси сифатида собиқ совет олимлари томонидан империалистик давлатларнинг олиб борган сиёсатига нисбатан қўлланилиб келинган. Хўш, собиқ шўролар тузуми даврида “шовинизм”нинг моҳияти қандай талқин қилинган эди? Юқорида айтилган “қисқача” сиёсий луғатда, “Шовинизм — буржуа миллатчиликнинг ўта реакцион формаси.

Шовинизм сиёсати бошқа миллат ва халқларга нафрат ва душманликни авж олдиришга қаратилган.

Шовинизм гўё "тўлақонли бўлмаган" бошқа миллатлар ва ирқлар устидан ҳукмронлик қилишга даъват этилган бир миллатнинг алоҳидалигини ("мумтозлигини") тарғиб этишда (шунингдек, миллатчилик, ирқчилик) таранум этилган.

Давлатда етакчи (давлат мавқеига эга бўлган ўз миллатини) "олий" миллат деб эълон қилган миллат ҳукмрон эксплуататор синфларнинг идеологияси ва сиёсати бўлган буюк давлатчилик шовинизми, шовинизм ва миллатчиликнинг бир туридир. Буюк давлатчилик шовинизми буржуа миллатлари, миллий ва кўп миллатли давлатлар ҳамда мустамлака империялар ташиқил топаётган даврда вжудга келди. Буржуа ҳукмрон "буюк" миллатлар сиёсати бошқа миллат ва элатларни асоратга солишга ва эксплуатация қилишга, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда уларни камситишга қаратилган." <sup>18</sup>

Бу таърифга биноан шовинизм миллатлараро муносабатлар ёки ривожланиш даражалари турлича бўлган мамлакатлар фаолиятида "буюк" миллат ёки "буюк" давлатлар кўринишида намоён бўладиган сиёсий ва мафкуравий куч ҳисобланади. Юқорида келтирилган муаллифларнинг асарларида "миллатчилик" ва "шовинизм" мазмунан бир-бирига яқин бўлган тушунча сифатида талқин этилади.

Собиқ совет тузуми даврида бу иккала тушунча "кам" ривожланган мамлакатларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларига нисбатан қўлланиб келинган эди. Ўша пайтдаги адабиётларда собиқ КПСС ва совет ҳукумати ҳужжатларида собиқ иттифоқдош республикаларда яшаган ўз миллати томонидан миллий манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш борасида олиб борилган ҳаракатлари у ерда яшаётган "келгинди" миллатларга нисбатан "шовинизм" ҳамда "Марказга нисбатан" эса "миллатчилик", деб баҳолашиб келинган. Агар ўша пайтда эълон қилинган адабиётлар ва турли ҳужжатлар синчикланиб ўрганиладиган бўлса, "миллатчилик" ва "шовинизм" фақат иттифоқдош республикаларнинг туб миллати (ўз миллати) томонидан содир "этилади" ва шунинг учун ҳам байналмилал тарбияни республикаларнинг ана шу туб миллатига қаратиш лозим бўлади, деган "концепциялар" илгари сурилган ва амалга оширилган.

Собиқ иттифоқдош республикаларнинг ўз миллатини (туб миллатни) "шовинизм" ва "миллатчилик"да айиблаш давлат

сиёсати даражасигача кўтарилиб, уларни марказга итоатда бўлишни таъминлашнинг, ўз миллий маданиятларидан маҳрум этилишнинг ва рус маданиятини “ўзлаштиришга” мажбур қилишнинг қудратли воситаси сифатида фойдаланиб келинган эди. Аслини олганда собиқ ягона мамлакат доирасида миллий республикаларнинг, туб мамлакатларнинг (ўз миллатининг) “шовинизм” ёки “миллатчилик” ғояларини кўтариб чиқишлари учун имконият йўқ эди. Чунки республикаларга турли баҳоналар билан марказдан русий забон халқларни кўчириб келиш йўли билан “байналмилаллаштириш”нинг амалга оширилиши, колхозлар ёки совхозларнинг биринчи ёки иккинчи раҳбарларидан тортиб, то республиканинг биринчи ёки иккинчи раҳбарларининг русийзабон халқлар (аксарият ҳолларда рус) вакиллари бўлиши шарт қилиб қўйилганлиги, маҳаллий миллат манфаатидан ўз манфаатини устун қўйилишига мажбур этилганлиги ва ниҳоят республикаларнинг маҳаллий миллат ичида чиққан “фидоий” “байналмилалчи”лар (аслида ўз манфаати учун миллати ва ватанини сотувчи марказнинг айғоқчилари) республикаларда чиқиб турадиган “шовинистлар” ва “миллатчилар” ҳақида маълумотларни тегишли идораларга бериб борар эдилар.

Ана шу маълумотларга биноан маҳаллий миллатпарварлар эгаллаб турган мансабларидан бўшатилган ва кўпчилик ҳолларда улар бўйнига турли айиблар қўйилиб, қамаб юборилган ёки жисмонан йўқ қилинган.

Собиқ иттифоқдош республикаларнинг ўз миллатини ўзлигидан маҳрум қилиш ва уларда ягона дунёқарашни шакллантиришга қаратилган “байналмилал” тарбия ҳам русий забон миллат ёки уларнинг республикаларда яшаётган вакилларига эмас, балки республикаларнинг ўз миллатига (туб аҳолига) мўлжалланган эди.

Марказ олиб борган миллий сиёсатнинг энг жирканч ва хатарли томони шунда бўлган эдики, гўё русий забон халқлар қаерда яшашларидан қатъи назар уларнинг ҳаммаси “байналмилалчилар”, қолган бошқа миллатлар эса ана шу тарбияга “муҳтож” бўлганларни ташкил қилувчилар, деб ҳисобланар эди. Собиқ марказнинг бу олиб борган сиёсати республикаларда маҳаллий миллатларнинг бирлигига путур етказиш, уларнинг миллий руҳиятининг қашшоқлашиб боришига олиб келган эди.

Бир томондан, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий жиҳатдан мавжуд бўлган барча ички имкониятлари тугаб бўлганлиги, иккинчи томондан эса собиқ иттифоддош республикалар миллий маънавиятларининг қашшоқлашиб бориши собиқ тузум ва марказга нисбатан пинҳона қудратли куч тўплашига имконият яратган эди. Бу уларда “шовинизм” ва “миллатчилик” руҳиятининг “ичкаридан” (ички руҳиятдан яшириниб ётган) кучнинг юзага чиқишига олиб келган эди.

Аслида “шовинизм” ва “миллатчилик”нинг илдизлари “тўлақонли” бўлмаган, “кам” ривожланган мамлакатлар руҳиятининг маҳсули эмас, балки ривожланган миллатлар вакиллариининг ўз миллати манфаатларини мамлакатда яшаётган ўзга миллатлардан устун қўйишга қаратилган давлатни идора қилиш сиёсатидир. Гарчанд, бундай сиёсат қанча давр яшашидан қатъи назар охир-оқибатида ҳалокатга учраши муқаррар бўлган бўлса, у кўп миллатли давлатларда ҳар доим ҳам “буюк” миллатчилик руҳияти шаклланишига ва бу ўз навбатида давлатни ҳалокатга олиб келган.

Собиқ совет давлатида олиб борилган миллий сиёсатнинг асосий моҳиятини худди ана шу “буюк” “миллат”чиликни улуғлаш республикаларнинг туб миллатини уларга итоаткор қилишни ташкил қилганлиги ҳам унинг ҳалокатини тезлаштирган эди. Совет давлатининг вужудга келиши жараёнидан тортиб, то унинг ҳалокатга учрагунига қадар фақат миллий республикалардан чиққан миллатпарварларни қириш, улар онгига “байналмилалликни” сингдириш давом эттирилди. Миллатпарварлар “миллатчилик”да айибланган, шовинистлар эса “байналмилалчи”, деб ҳисобланган.

Миллат ичидан чиққан миллатпарвар зиёлиларга турли тухмаглар қилиб уларни қириб юбориш, миллатнинг салоҳиятини заифлаштириш собиқ совет давлати сиёсатининг асосий йўналиши бўлганлигини қуйидаги аниқ маълумотлардан ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихини аниқ ҳужжатлар асосида ўрганган Ҳайдарали Узоқовнинг келтирган маълумотларига қараганда “1936 йил охири ва 1937 йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан 5758 нафар зиёли-журналист, ёзувчи, педагог, давлат, жамоат арбоблари, аслзодалар “аксилнқилобчи” “халқ душмани” сифатида қамоққа олиниб, булардан 4811 таси отиб ташланди.

Биргина 1937 йилнинг ўзида қамоққа олинган 291 зиёлидан 161 таси журналист ва ёзувчи, 40 таси савдо ва маданият ходимлари, қолганлари ўқитувчилар ва санъат ходимлари эди.

Шоир Боту 1929 йилда “Маориф ва ўқитувчи” журналининг 7-сонида босилган “Тил луғати бойисун”, деб аталувчи лингвистик мақоласидаги:

“Мактаблардаги таълим олаётган ўқувчиларимизга ажнабий сўзлар ўрнига кўра кўпроқ ўзимизнинг сўзларимизни ўргатайлик, янги сўзларни ўзимиздан қолдирайлик, зарур бўлса арабча, форсча сўзлардан чўчимайлик ... сингари фикрлари учун қатағонлик гирдобига итарилган эди.”<sup>19</sup>

Биргина 1937—1939 йилларнинг орасида ички ишлар ходимлари томонидан 6920 та зиёли қамоққа олинган ва отиб ташланган.<sup>20</sup>

Бу сиёсатнинг бошида турган КПСС ўзининг пинҳоний кўрсатмаларида миллий онг ривожланиши, миллатнинг ўзлигини англашга йўл қўймаслик учун ўта маккорлик билан иш олиб борганлиги собиқ КПССнинг қуйидаги ўта махфий ҳужжатида ўз ифодасини топган. Ундан парчалар келтирамиз:

27-банд. Маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан раҳбарларнинг оммавий чиқишларида миллий бўёқ берилишига йўл қўйилади, аммо у миллатнинг ўсишига, бирлашувига хизмат қилмаслиги керак.

35-банд. Бошланғич ва ўрта мактабларда ... ўрта ва олий ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлаштирилиши лозим бўлади. Уларнинг ўрнига биз томондан белгиланган кишиларни қўйиш керак.

Тарих дарсларида ўтмишдаги сиёсатдонлардан кимлар Ватан равнақи учун хизмат қилган ёки хизмат қилишга урингани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшолар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади. Махсус мактабларда мутахассислик жуда чекланган ҳолда ўтилиши керак.

44-банд. Иш жойларида етук мутахассислар ишдан олинишига ҳамда улар ўрнига чала мулла ва мулоҳазасиз ходимлар қўйилишига эришмоқ даркор.

45-банд. Олий ўқув юртларида шундай кишиларни қабул қилишга эришиш керакки, улар халқнинг оми қатлаמידан бўлишсин ва уларни мутахассислик бўйича чуқур билим олиш эмас, балки фақат диплом қизиқтирсин.”<sup>21</sup>

Бу келтирилган аниқ маълумотларни изоҳлашга хожат талаб этилмайди. У шундай ҳам кўриниб турибдики, собиқ шўро давлати, унинг раҳбар ва етакчи кучи КПССнинг қандай даражада миллатимизга нисбатан ўтказиб келган зўравонлик сиёсатининг моҳияти, йўналиши ва амалиёти.

Собиқ совет давлати сиёсатида миллий ривожланишга қарши олиб борилган тadbирлардан яна бири — ислом динига қарши кураши эди. Унга қарши кураш “зарурияти” ислом динининг халқ дунёқараши ва маънавиятининг ажралмас қисми сифатида қабул қилинганлиги ҳамда унинг миллатни уюштирувчи омил даражасига кўтарилганлиги эди.

Ҳатто собиқ шўро давлатининг миллатларни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам марказ итоатида ушлаб туришга қаратилган сиёсати умрининг энг сўнгги пайтларида миллатларнинг ислом динига эътиқоди сусайган эмас эди. Уша давр ҳам зўравонликка қарамай, дин билан боғлиқ бўлган турли расм-русмларни ўтказиш давом этиб келган.

Масалан, “туғилган кунидан бошлаб, то ўлимига қадар, ҳатто ундан кейин ҳам ўзбеклар, тожиклар, уларнинг яқин кишилари ва қариндош-уруғлари тарихан таркиб топган, аниқ ишлаб чиқилган анъаналар, одатлар, расм-русмлар ҳамда байрамлар тизимига риоя қилиб яшаганлар. Башарти, бир маҳалла, гузарда яшайдиган оилани мисолга оладиган бўлсак, у ҳар йили 14 та исломий русмларни ва 22 та миллий-аралаш этник характердаги одатлар ва расм-русмларни, умуман, олганда у ёки бу даражада исломдан ҳоли бўлган удумларни амалга оширганлар”.<sup>22</sup>

Бу келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, миллий туйғулар ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг барқарорлигини сақлаб келган. Зўравонлик авжига минган пайтларда пинҳоний равишда “зимдан” миллат бирлигининг ҳимоячиси, унинг манфаатларини ифодачиси сифатида ривожланган.

Миллий ривожланиш жараёнлари собиқ марказни ҳар доим ҳам воҳима ва “хавотирланишига” сабаб бўлиб келган. Чунки, ўзлигини англаган миллатнинг ўзгаларга қарам бўлиб қолмаслигини ва ўз мустақиллиги учун кураши муқаррарлигини улар билар эди. Шунинг учун ҳам миллатларни итоаткорликда ишлаб туришнинг турли йўллари излаш “илмий” асослаш ва воситаларини топиш марказ олимлари зиммасига юклатилган асосий вазифа эди.

Бу вазифа аввал “назарий” жиҳатдан ишлаб чиқилар, кейинчалик эса амалиётчилар уни реал ҳаётга татбиқ қилар эдилар. Собиқ совет тузуми шароитида у **биринчидан**, сталинчилик ва турғунлик йилларида миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор ва бошқа миллий хис-туйғуларнинг ҳар қандай шаклда ифода этилиши, бу масалаларни ўртага қўйиб, муҳокама қилиш ва миллий манфаатларни ҳимоя этишнинг ҳар қандай кўринишига “миллатчилик” тамғаси босилар ҳамда қаттиқ таъқиб остига олинар эди. Бунинг устига мана шу тамғадан фойдаланиб, одамлардан шахсан ўч олинар, яъни бу тамғани важ қилиб, ҳар бир миллий маданиятга қарши террор воситаси билан курашиб, уни йўқ қилишга ҳаракат қилинар эди. Бу бир томондан “миллатчилик” тушунчаси нима эканлигини одамларга “кенгроқ” тушунтиришга уриниш бўлса ва бу билан кўп жиҳатдан миллатчиликнинг туғилишига сабаб бўлса, бошқа бир томондан миллий манфаатларни англаш ва миллий маданиятни ривожлантиришга интилиш ҳис-туйғуларининг миллатчиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу “миллатчилик” эмас, балки миллатнинг “менлиги”ни кўрсатувчи тушунча бўлиб, миллатнинг мавжудлигини ва унинг маданиятига хос бўлган миллий характернинг, миллат турмуши шаклининг табиий равишда намоён бўлишидир. Мана шу икки хил тушунчани атайлаб аралаштириб юбориб сунъий равишда миллатчиликни келтириб чиқаришнинг ва миллатчилик туйғуларини авж олдиришда фойдаланилган. Шу йўл билан бундай “миллатчилик”ка қарши кураш, яъни миллий маданиятга ва унинг тараққиётига қарши кураш авж олиб бораверади. **Иккинчидан**, миллатлар ўзаро муносабатларининг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиши асосида энг аввало, уларнинг объектив равишда юзага келтирган (иктисодиёт, ижтимоий тараққиёт, сиёсат ва ҳоказо соҳалардаги) зиддиятларни кўриш керак.

Бу ерда принципиал масалалар ҳам айна ана шундан иборат бўлиб, улар ҳозирги замон шароитида миллий ҳаракатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий сабаблари нималардан иборат эканлигини ҳамда нима сабабдан улар “миллатчилик” кайфиятлари ва ҳаракатларини туғдириб, миллатлараро низоларга, туқнашувларга, зиддиятларга айланиб, “миллатчилик”нинг пайдо бўлиши ва кучайиб кетиши билан боғлиқ бўлишини ифода этади?

Тоталитар давлат амалиётида ҳар бир халққа унинг ривожланишига эътибор бермаганлиги ҳар бир миллатда норозилик туғилишига, ҳар бир миллат бошқа миллат ҳаётини ва унинг муаммоларини яхши билмагани ҳолда ундан кўра ўзини камситил-

ган сезиш сингари ҳис-туйғуларга айланиб кетди. Бунга конкрет мисоллар келтириш мумкин.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳадаги аҳвол мураккаблашиб кетган эди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, аҳолисининг сони жиҳатдан собиқ СССРда учинчи ўринда турадиган республика чакана товар обороти ҳажми ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича 13 ўринда туради. Ўзбекистонда тоза ичимлик сув билан шаҳар аҳолисининг 73 фоизи ва қишлоқ аҳолисининг 51 фоизи марказий усулда таъминланган. Қишлоқ жойларда яшовчи 3,5 миллион аҳоли ариқдан сув ичиб келган эди. Холбуки, сувда пестицид — заҳарли модда миқдори 2,17 фоизини ташкил этган (умуман, собиқ мамлакат бўйича эса 164 фоиз), бу эса сурункали заҳарланиш ҳолларига олиб келган. Натижада ҳар йили 30 мингдан кўпроқ бола бир ёшга тўлмай ўлиб кетган. Мана шу аянчли кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунё статистикасида Парагвай ва Таиландан кейин турган. Мана шу хавfli омилларни тадқиқ этиш натижасида олинган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, болалар дуркун ўсмаслигига ва қишлоқ жойларда яшайдиган оилалардаги болаларнинг, озиб-тўзиб, касалманд бўлиб қолишларига худди ана шу заҳарланган ариқ сувларидан ичишлари сабаб бўлган. Худди ана шу пайтда республика мактабгача тарбия муассасаларининг 37 фоизига яқини водопровод ва канализацияга эга эмас эди. Ҳатто 1987 йилда Ўзбекистонда ҳар бир 10 минг аҳолига шифохоналарда 118,7 ўрин тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич собиқ умумиттифоқ кўрсаткичидан (130,1 фоиз) паст эди. Хоразм вилоятидаги тери-таносил касалликлари диспансери Хива хонлигидаги собиқ бойлардан бирининг қайта жиҳозланган отхонасида фаолият кўрсатиб келган. 1989 йилда Ўзбекистон худудида 3,6 миллиард сўмлик (ўша даврдаги пул бирлиги ҳисобида) озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинган, бу кўрсаткич бундан аввалиги йилгидан 1,6 фоиз камроқдир, республика колхоз бозорларида нарх-навонинг кўтарилиши давом этиб келди. 1988 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари бозор баҳоси ўрта ҳисобда 8 фоиз, гўштнинг нархи 5,5 фоиз, картошка 22 фоиз, ҳўл мева баҳоси 14 фоизга ортди. Республиканинг бошқа вилоятларида бўлгани сингари Фарғона водийсида ҳам иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик соҳаларда ғоят мураккаб вазият вужудга келди. Мана шуларнинг натижаси улароқ, улар Фарғона вилоятида содир бўлган июнь (1989 й.) фожиаларида ўз аксини топди. Фарғона воқеалари — бу фақат экстремистларнинг "иши" бўлмай, балки унинг илдиэлари анча чуқурроқ бўлган эди. Шу



муносабат билан "Ферганская правда" газетаси саҳифаларида айтилган қуйидаги фикрларга қўшилмасдан бўлмади: "Бу ерда фақат айрим безори элементларгина ҳаракат қилган эмас. Бу воқеалар аллақандай кучлар томонидан, аллақачон тузиб қўйилган кенг миқёсдаги яхшигина режа асосида мўлжалланган ҳамда моҳирлик билан амалга оширилган сиёсий тadbир учун фойдаланган. Бундан мақсад асосан, фақат Фарғона вилоятдаги вазиятни эмас, балки бутун республикадаги аҳволни беқарор қилишга қаратилган эди". Бундан ташқари, бўлиб ўтган воқеалар, албатта, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида собиқ марказ томонидан йўл қўйилган қўпол хатолар билан ҳам боғлиқ эди.

Ш.Абдуллаев Фарғона фожиасининг "миллий характерини ижтимоий ҳаётнинг мажмуини ташкил қилувчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, мафкуравий муносабатлар ва жараёнлар характери билан боғлайди".<sup>22</sup>

Тўғри, ҳали илмий адабиётларимизда Фарғона, Наманган, Ўш Паркент ва бошқа жойларда, собиқ СССР парчаланиши арафасида содир бўлган миллатлараро муносабатлардаги юзага келган фожиалар етарли даражада ўрганилганича йўқ. 90-йилларда бу воқеаларга билдирилган турли фикрларда ҳам воқеанинг моҳиятини адолат юзасидан очишдан кўра уни "юмшоқроқ" қилиб курсатишга ҳаракат қилиш устувор бўлиб қолган эди.

Аслини олганда, Ўзбекистоннинг Фарғона водийсида ва бошқа ҳудудларида бўлиб ўтган фожиалар Россиянинг Марказий Осиёни босиб олишидан бошланиб, собиқ совет тузуми шароитида марказ томонидан Ўзбекистонни "чинаккам байналмилал" республикага айлантиришга қаратган сиёсатининг инъикоси эди. Тўғри, бу фожианинг содир бўлишда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа сабаблар ҳам катта рол ўйнади. Уларни ҳам собиқ марказ юзага келтирилгани ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Лекин бу фожа юзага келишнинг бир томони бор эди. Унинг иккинчи томони эса Ўзбекистонга зўровонлик билан кўчирилиб келтирилган турли миллат ва элат вакиллариининг тузумнинг инқирозга учраши оқибатида, янги вазият шароитида ўз аждодлари яшаган она-Ватанларига қайтиб боришларига бўлган интилишларининг, хоҳишларининг "портлаб" юзага чиқиши ҳам катта рол ўйнаган эди.

Хусусан, Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон Россия империяси шароитида унинг жиноятчилари учун қамоқхоналар ва лагерларига айлантирилган бўлса, совет тузуми шароитида ўз она

юртларидан зўравонлик билан кўчириб юборилган халқларнинг заминига айлантирилган эди. Бу ерга корейслар, озарбайжонлар, болгарлар, крим татарлар, месхетиялик турклар, қалмиқлар, волга бўйи немислари, курдлар, чеченлар ва бошқа бир қатор халқлар кўчириб юборилган эди. Бундан ташқари, иккинчи жаҳон уруши даврида Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа республикалардан кўплаб одамлар кўчириб келтирилганди.

Ана шу халқларнинг кўпчилиги вужудга келган шароитда ўз она заминларига интилиши кучайиб кетди. Буни месхетиялик турк Ибрагим Сафаровнинг қуйдаги фикрларидан яққол билиш мумкин. У шундай ёзади: “Фарғона фожиаси содир бўлмаганича туркларнинг ҳаёти билан ҳеч ким қизиқмади. Ҳатто кўпчилик совет иттифоқида шундай халқ яшашини ҳам билишмас эди. И.Сталин ва унинг издошлари 1944 йил ноябрининг бир кечасида 115 минг кишини ўз она еридан кўчириб юбордилар. Поезд эшелони шарққа томон йўл олди, йўлда турли кассалик ва эпидемиядан 17 минг киши ҳалок бўлди. Бизни маҳаллий аҳоли ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар қардошларни кутиб олдилар. Халқимиз маҳаллий аҳоли билан қисқа вақт ичида алоқа боғлаб кетишди. Орадан 45 йил ўтди. Лекин биз она-Ватанимизни эсдан чиқармадик, биз у ерга қайтишни орзу қилиб яшадик ва ҳукуматдан тарихий ватанимизга қайтишни талаб қилдик». <sup>23</sup> Бу келтирилган фикрни изоҳлошга ҳожат йўқ. Миллат қайси жойда қанча йил яшашидан қатъи назар унинг ўз ватанига интилиши табиий ҳолат. Боз устига у зўравонлик билан кўчириб юборилган бўлса, унинг заминларига интилиши оддийга қараганда минг чандон устун бўлади. Чунки миллат зўравонликка ҳеч қачон бифарқ қарамаган, унга қарши курашиб келган.

Фарғона водийсида содир бўлган фожидада ҳам турк миллатининг ўз она-Ватанига бориб яшашига ҳаракатини марказ томинидан ўз қардошларига қарама-қарши қўйиш борасида олиб борган машҳум сиёсати муҳим рол ўйнаганлигини кўришимиз мумкин.

Умуман, Фарғона водийсидаги фожияларда ва Ўзбекистоннинг бошқа жойларида содир бўлган воқеаларда ҳам марказ бир вақтда икки мақсадни кўзлаган эди: биринчидан, бу ерга кўчирилиб келтирилган халқларнинг ўз ватанларига қайтиш истаги билан кўтарилишидан фойдаланиб, қардош ва қондош халқларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳамда шу йўл билан республикадаги барқарорликка барҳам бериб, уни яна марказга миллатлараро муносабатларда “содир” бўлган муаммони ҳал қилиб бериш учун мажбур этиш; иккинчидан, республикадаги

“миллатчилар”дан тезроқ қутилиш баҳонасида унинг ақл-салоҳиятини (қўзга кўринган зиёли, давлат арбоблари ва ёшларини) қириб юбориш ва ўзбек халқини “заифлаштириш” эди.

Бу тadbирларни амалга ошириш эса марказга яна ич-ичилан чириб, парчаланиб кетган собиқ тоталитар совет давлатининг умрини ҳеч бўлмаса бир неча йилга узайтириш имконини бериш мумкин эди. Боз устига бу вақтга келиб, Болтиқбўйи республикаларининг мустақил бўлиб чиқиши аниқ бўлиб, яна бир қатор халқларнинг мустақиллик учун кураши очиқ юзага чиққан эди. Марказ ҳеч бўлмаса Марказий Осиёни қўлдан чиқармаслик учун ҳаракат қилган эди.

Юқоридаги фикрларимизнинг хулосаси шуки, миллат ривожланишида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий омиллар “миллатчилик”нинг юзага келишида катта рол ўйнайди. Аммо улар ичида миллат ғурури, ор-номуси, кадр-қиммати ўзлигина ҳимоя қилишга интилиши “миллатчилик”нинг шакилланишида етакчи рол ўйнаб келади.

“Миллатчилик” шакилланишига собиқ тоталитар тузумнинг миллатларнинг ўзига хос хусусиятларини йўқ қилиб юбориш, уларнинг тиллари ва маърифатлари ривожланишига қарши қаратилган сиёсати ҳам ўзининг таъсирини кўрсатиб борганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, таниқли этнограф С.И. Брукнинг ёзишича, “...1926 йили аҳоли рўйхатига кўра собиқ СССРда 194 та этник бирлик, 1954 йили 109, 1970 йилда 104, 1979-101 тага тушиб қолган. Кейинги маълумотлар бўйича, кичик этник гуруҳларнинг йирик миллатларга “хазим” (ассимиляция) қилдириш эвазига собиқ ссрда илмий нуқтаи назардан халқларнинг сони деярлик икки бараварга камайиб кетган.

Агар 1940 йилда рус бўлмаган халқлар тилида собиқ итти-фокда чиқадиган китоблар ва брошюраларнинг 25,2 фоизини ташкил қилган бўлса, 1960 йилга келиб 18 фоиз, 1986 йилда 11 фоизни ташкил қилган.

Худди ана шундай аҳвол кундалик матбуот воситаларини чиқаришда ҳам амалга оширилган.

Бундан ташқари, маҳаллий аҳолининг рус тилини билмаганлиги уларнинг sanoat ишлаб чиқаришда қатнашишига салбий таъсир ўтказган, деб Марказ эса миллий республикаларга нисбатан камситиш сиёсатини қўлаб келган. Жумладан, рус олими В.Н. Кириченконинг фикрича, Ўрта Осиё, Закавказье ва Молдавия шаҳарларида қурилган йирик ва мураккаб sanoat корхоналари

соҳасида малакали кишиларнинг етишмаслиги, ҳудудда аҳолининг силжиши унчалик кўп эмаслиги, туб аҳолининг рус тилини билмаслиги, ишчи кадрлар тайёрлаш тармоқлари ривожланмаслиги сабабли маҳаллий меҳнат ресурслари билан таъминлана олмади.

Аслида, саноатда миллий кадрларнинг етишмаслиги маҳаллий аҳолининг камлиги, уларнинг силжиши (яъни бир жойдан иккинчи жойга юриши) номақбуллигидан, истамаганлигидан ёки рус тилини билмаганлигидан эмас, балки бу сиёсат заминида ҳам собиқ иттифоқдош республикаларга марказнинг русийзабон халқни кўчириб келтириши турар эди. Айниқиса, марказ бир томондан Марказий Осиёга русийзабон халқни кўчирган бўлса, иккинчи томондан бу минтақа халқларини Россиянинг ноқоратурпоқ ерларини ўзлаштириш ва БАМ қурилишига, яъни энг оғир ерларга юбориш тадбиралрини ҳам удабўронлик билан амалга оширган эди. Албатта, бу сиёсатнинг тўла амалга ошуви Марказий Осиё, шу жумладан ўзбекларнинг ҳам келажак истиқболида тарқалиб кетишига, бу заминда ўзгаларнинг ҳукмронлигини абадийлаштиришга олиб келиши мумкин эди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, “миллатчилик”нинг шакилланиши тасодифий ҳодиса эмас, балки собиқ марказнинг иттифоқдош республикаларнинг туб аҳолисига (миллатига) ўтказган зўравонлик ва маккорона сиёсатнинг натижаси эди.

Шу пайтгача адабиётларда қўлланиб келинаётган “миллатчилик”нинг моҳиятини анализ қилиш шуни кўрсатмоқдаки, у *гайриилмий тушунчадир*. Чунки ҳар қандай миллат у хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, агар ўзининг ғурури, ор-номуси, обрў-эътиборини сақлаб қолиш, ўзлигини англашга интиладиган бўлса ёки миллий маданияти, қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириш учун ҳаракат қиладиган бўлса-ю унга “ривожланган” миллат ўзининг зўравонлигини ўтказиш учун турли йўллар билан қарши кураш олиб борадиган бўлса, ана шу курашга ўзининг норозилигини билдирган бўлса, қандай қилиб уни “миллатчи”, дейиш мумкин?

Собиқ иттифоқдош республикалардаги туб миллатларнинг (ўз миллатининг) ўз ғурурларини топталишига, моддий ва маънавий бойликларнинг талон-тарож қилинишига, тиллар қадриятлари, маданиятларининг камситилишига қарши кўтарилиши СССР парчаланишини тезлаштирди ва уларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритишга олиб келувчи қудратли куч бўлиб хизмат қилди.

Миллат мустақил субъект сифатида мавжуд бўлар экан, унинг ўз озодлиғи учун кураши ҳам объектив қонуният ҳисобланади. Чунки миллат қарамлик ва зўравонликнинг ҳар қандай шакиллари мавжуд бўлган шароитда ривожлана олмайди, ўзлигини йўқотади. Шунинг учун ҳам миллий мустақиллик миллат тақдиридаги ҳаёт-мамот масаласи ҳисобланади. Бугунгача миллий тараққиётлар тарихида ўз мустақиллигини қўлга киритиш учун курашмаган биронта ҳам миллат учрамаганлиги миллатнинг қудратли куч эканлигини тасдиқлайди ва миллатлар томонидан ўз мустақиллиги учун олиб бориладиган кураш миллат мавжудлигининг объектив зарурияти ҳисобланади. Боз устига “миллатчилик” тушунчасининг келиб чиқиш жараёнини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, у эзилган маҳаллий миллатлар олимлари томонидан ишлаб чиқилган ёки илгари сурилган “концепция” эмас. Балки ягона тузум манфаатларига хизмат қилувчи, ягона мафкура ҳукмронлигини таъминлаш, миллатларни ягона миллат атрофида бирлашириб, битта миллатни шакллантириш ғоялари учун кураш олиб борган, “назарийчилар” томонидан ишлаб чиқилган давлат сиёсати ҳисобланади.

Моҳиятан миллатларнинг ўз она заминида ўзларини сақлаб қолишга, ўз ҳақ-ҳуқуқларининг топталишига қарши, манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатларини салбий баҳолаш, бу жараёни “миллатчилик” тушунчаси сифатида талқин этиш миллий ҳаракатларни ҳаст-пўстлаш, унинг моҳиятини бузиб кўрсатишга қаратилган ғайриилмий ғоя ҳисобланади.

Амалда “миллатчилик”ка қарши кураш “келгинди” миллатлар вакилларининг маҳаллий миллатларнинг ўзлигини англаш жараёнлари оқибатида ўз қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқларини, мерос ва қадриятларини тиклаш учун қилаётган ҳаракатлари олдида, улар устидан ҳукмронлигининг кетиб қолишидан “ҳадиксирашнинг” ифодаси ҳамда уларга имконият юзага келиши вақти-вақти билан зарба бериб туриш воситасидир.

“Миллатчилик” аслида ўз она заминида топталган ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклашга, она тилини, меросларини, урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини ривожлантириш йўлида маҳаллий миллатлар томонидан олиб бориладиган “миллатпарварлик” ҳаракатидир. Миллатпарварлик ҳар бир миллатнинг миллий ўзлигини англашнинг муҳим белгиси ҳисобланади. У миллатнинг қадр-қиммати, ғурури, ифтихори ва қадриятлари топталган ша-

роитларда миллат бирлигини таъминлашга хизмат қилувчи ҳаракат сифатида вужудга келади.

Миллатпарварлик ташқаридан, ўзгаларнинг миллат манфаатларига зид бўлган ҳаракатларнинг инъикоси сифатида шакилланади. Гарчанд у миллий тараққиётда узлуксиз ўсиб борса ҳам, унинг салоҳиятини ҳар доим ҳам “сезиб” бўлмайди. Аммо миллат манфаатлари ҳисобга олинмаган ёки унинг ҳақ-ҳуқуқлари паймол этиладиган вазият юзга келадиган бўлса, миллатпарварлик туйғулари миллатни бирлаштирувчи омил сифатида маълум муҳлат ичида юзга чиқади ва миллий тараққиётга зид бўлган ҳар қандай ҳаракатга қарши акс куч ролини бажаради. Аммо маҳаллий миллатларнинг анъанавий “ито-аткорлигига” ўрганиб қолган, ўз ҳукмронлигининг “абдийлигига” шубҳа қилмаган ўзга миллатлар вакиллари бу янги кучга нисбатан “норозилигининг” ифодаси сифатида турли ғоявий ва ҳарбий формаларни қўллайдилар. Яъни миллатпарварлик маҳаллий миллатларнинг ўзлигини тиклаш ва ҳимоя қилишнинг ғоявий-амалий ифодаси бўлса, “миллатчилик” ўзга миллат вакилларининг маҳаллий миллатлар устидан ҳукмронлигини таъминлашга қаратилган ғоявий ва ҳарбий инъикоси сифатида сунъий равишда тўқиб чиқарилган ғайриилмий тушунчадир.

Миллатлараро муносабатларда, хусусан кам тараққий этган миллатлар устидан, ривожланган ёхуд зўравон мамлакатларнинг ўз ҳукмронлигини таъминлашга, уни абадийлаштиришга хизмат қилувчи мафкура сифатида “шовинизм” тушунчаси қўлланилиб келинган. Аммо собиқ совет тузуми шароитида олимлар ва собиқ марказда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган ҳужжатларда ҳам “шовинизм” тушунчаси ҳамда унинг амалда намоён бўлиши деярлик ўз ифодасини топмаган эди. Чунки у юқорида таъкидланганидек, “тўлақонли бўлмаган” собиқ иттифоқдош республикалардаги миллатларни ягона рус миллати атрофига бирлаштириш бу миллатнинг бошқа миллатларга нисбатан устуворлигини абадийлаштиришга қаратилган давлат сиёсати эди.

Моҳияти ва мақсади жиҳатидан “шовинизм” миллатпарварликка бутунлай қарама-қаршидир. Агар миллатпарварлик айрим олинган у ёки бу миллатнинг бошқа миллатлар манфаатларига зид мақсадларни қўймасдан, ўз миллатининг қадр-қиммати, мерос, урф-одатлари, анъаналари, тили ва қадриятларини ривожлантириш ҳамда ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутса, “шовинизм” у ёки бу миллатнинг ўзга миллатлар устидан ҳукмронлигини таъминлашга қаратилади.

Шунинг учун ҳам собиқ совет тузуми шароитида мавжуд рус шовинизм сиёсатини биров "юмшатиш" мақсадида ҳар қандай миллий ҳаракатларга "миллатчиликнинг" кўриниши сифатида қараб келинган. Амалда эса собиқ совет тузуми шароитида "миллатчилик" эмас, балки унга қарама-қарши бўлган "шовинизм" ҳукмронлик қилиб келган эди.

Миллат мавжуд бўлар экан, "миллатчилик" (миллатпарварлик) ҳам мавжуд бўлади. У миллатни бирлаштирувчи, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи омил бўлиб хизмат қилаверади. "Шовинизм" ҳар қандай миллат учун, ҳатто у энг юксак даражада ривожланган бўлса ҳам ўта хатарли иллат ҳисобланади. Бу гоё миллатнинг ўзга миллатлардан ажралиб, яққаланиб қолишига олиб келади.

Инсониятнинг янги цивилизацияга кириб бориши, унинг олдида жуда катта умумбашарий аҳамиятга молик бўлган муаммоларнинг қўйилаётганлиги жаҳон халқларининг баҳамжihat ҳаракат қилишини тақозо этаётган бугунги кунда миллатпарварлик ҳаракатлари мавжуд муаммоларни ҳал қилишда кучларни уйғунлаштиришга хизмат қилса, "шовинизм" гоёлари ва ҳаракатлари дунёда янги-янги ҳалоқатларнинг юзага келишига сабаб бўлишига олиб келади.

Шундай қилиб, "миллатчиликнинг" моҳияти ва мақсади миллат манфаатларини ўзида ифода эттирганлигини ҳисобга олинадиган бўлса, миллатпарварликни ўзида тўла мужассамлаштирган тушунча ҳисобланади. Уни илмий адабиётларда ва реал ҳаётга татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг билан бирга унинг ҳали ўрганилмаган қирраларини чуқур таҳлил қилиш зарурдир.

Миллатпарварлик қарама-қарши, миллатлараро муносабатларни чигаллаштиришга, миллатлар ўртасида ўзаро норозилик, ишончсизлик, раҳна солувчи, оқибатда огир талафотларга ва ҳалоқатларга олиб келувчи тушунча сифатида "шовинизм" гоёларини қўллаш ва уни кенг ўрганиш лозимдир. Бугунги мураккаб иқтисодий қийинчиликларга бардош бериб, ўзининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ўзлигини англашга интилиши, ўз гурури, обрў-эътиборини тиклаш, тили, мероси, урф-одатларини, анъана, меросларини ўзлаштириш, ўзининг қаддини кўтариш йўлида олдинга қараб дадил интилаётган миллатларнинг ҳаракатлари миллатпарварликнинг ёрқин ифодаси бўлса, жаҳонда ёхуд минтақаларда миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва миллий ғалаёнларни вужудга келтириш

Йўли билан ўзининг ўзга миллатлар устидан ҳукмронлигини таъминлашга қаратилган мақсадлари билан ҳаракат қилаётган миллатлар ёхуд уларнинг айрим вакилларининг интилишлари "шовинизм"нинг реал кўринишидир.

Тўғри, бугунги кунда шовинизм ўзининг анъанавий классик (очикдан-очик зўравонлик қилиш) шаклида камдан кам учрамоқда. У бугунги кун тараққиёти, имкониятлари ва муаммоларининг моҳияти ҳамда салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўта маккорона, айрим ҳолатларда илғаб олиш мураккаб бўлган жараён шаклида намоён бўлмоқда. Хусусан, у кам тараққий этган миллатларга (мамлакатларга) "беғараз" ёрдам кўрсатиш, улар билан "яқинлашиш", уларни бошқалардан "ҳимоя" қилиш каби кўринишларда намоён бўлмоқда. Бу ҳар бир миллатнинг ана шу мудҳиш ва маккор кучлар интилишларидан огоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Жаҳонда инсонпарварлик, миллатпарварлик туйғуларининг ривожланиб бориши, башарият олдидан турган ўта мураккаб муаммоларнинг одамлар томонидан англашга интилишнинг кучайиши "шовинизм" имкониятларини чегаралаб бораверади. Шовинизм миллий тақдири, унинг келажаги учун қанчалик хатарли бўлса, миллатпарварлик миллий тараққиётни таъминлашда етакчи омил бўлиб хизмат қилаверади.

### **3.3. Миллий ғоя ва мафкура — миллий тараққиётнинг маънавий-руҳий омиллари**

Мустақиллик шарофати туфайли миллий тикланишимиз амалга ошмоқда. Бу жараёнда миллий заминларимиз булоғидан озуқа олаётган миллий истиқлол ғоямиз етакчи аҳамият касб этмоқда. Ана шу булоғдан миллий ғоямизни қанчалик мустақам тўйинтирсак, миллий тикланишимиз шунчалик жадаллашиб бораверади.

Миллий ғоя миллат тараққиётини, унинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий манбаси ҳисобланади. Чунки миллатнинг мустақиллигини, унинг ўзига хослигини фақат миллий ғоялар, уларнинг моддий кучга айланиши натижасида таъминлаш мумкин бўлади. Хўш, миллий ғоя нима?

Миллий ғояга "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалари ва тамойиллари" концепциясида қуйидагича таъриф берилган "«Миллий ғоя — инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу-мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи-



дир"<sup>1</sup>. Агар мазкур таъриф моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, айтиш мумкинки, миллий ғоя — миллий онгни уйғотувчи, миллатнинг ўзлигини англатувчи, ўзига хосликка, менталитетга “қиёфа” бахш этувчи, миллий руҳият, гурур, ифтихор, эътиқод ва масъуллиқ туйғуларини шакллантирувчи фикрдир.

2. Миллий ғоя ҳар бир инсоннинг ўзини англаши жараёнида шакллана бошлайди. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши эса унинг ўзини англашидан бошланади. У ота, она, оила ва ташқи муҳит билан бўладиган муносабатлар орқали ўзининг кимлигини англай бошлайди. Шунинг учун ҳам миллий ғоя инсонда асосий манбалари, кундалиқ соддагина урф-одат, анъана ва қадриятлардан бошланиб, маънавий мерос, тарихий хотира ва миллат тараққиётида тўплаган тажрибаларни ўз ичига олади. Миллий ғоя ота, она, оила, миллат вакилларининг ўзаро муносабатлари, хатти-ҳаракатлари ва менталитет таъсирида шаклланади. Шу маънода ҳам миллий ғоя манбалари мустаҳкам бўлгандагина, у турли муносабатлар, миллий удумлар, урф-одатлар, анъаналарга амал қилиш орқали онг билан ривожланиб келади ва улғайган сари унинг ҳам умумий дунёқараши, оннинг ажралмас қисмига айланиб боради. Миллий ғоя тизимида миллий онг, миллий ўзликни англаш ва миллий менталитет етакчи ўрин эгаллайди. Чунки миллий онг бўлса, у ривожланса, ҳар бир миллат ўзлигини англаса, у ким, қаердан келиб чиққан, илдизлари нималар билан боғлиқ, нималарга қодир кабиларни билса ва ўзининг турмуши ҳамда ҳаёт кечириш жараёнида ўз миллатига хос бўлган удумлар, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларга амал қилишгина миллий ғоялар уйғониб, ривожланиб ва такомиллашиб боради. Миллий онг ва миллий ўзликни англаш миллий ғояга туртки беради, унинг шаклланишидаги асосий омил сифатида миллий тараққиётга руҳият бағишлаб, уни “ҳаракатга” келтириб туради.

Миллий ғоянинг таъсир доираси ниҳоятда кенг бўлиб, у миллатнинг ўзига хослигини сақлаб туриш, миллат манфаатлари йўлида миллат вакилларини бирлаштириб, уюштириш ва тараққиёт йўналишларини белгилаш кабиларга ўзининг таъсирини ўтказиб туради.

Миллий ғоянинг миллий ўзига хослигини сақлаб туриш — миллий манфаатларни амалга ошириш, миллат истиқболини белгилаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки у миллат вакили бўлган ҳар бир шахснинг дунёқараши ва кундалиқ фаолиятида ўз ифодасини топади. Миллий ғояси мустаҳкам бўлган инсон-

лар миллат вакилларининг аксарият кўпчилик қисмини ташкил қилган шароитдагина миллий манфаатлар учун умуммиллий ҳаракат вужудга келади. Худди мана шу умуммиллий ҳаракатни вужудга келтириш миллий ғоянинг муҳим вазифаси ҳисобланади, бу биринчидан. **Иккинчидан**, унинг миллат вакилларидан ватанпарварлик, она заминнинг муқаддаслиги туйғусини уйғотиш, уни кўз қорачиғидай ҳимоя қилиш кераклигини тушиниб етишига таъсирини ўтказиш; миллий ғоя ҳар бир миллат вакилида унинг авлод-аждодлари шу она заминда дунёга келган, унинг ҳузур-ҳаловатидан баҳраманд бўлган, ундан илҳом, завқ, шавқ олган, кўним топганлигидан хабар бериб туради. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "... миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур".<sup>2</sup> Бу ўз навбатида она-Ватан заминига меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлайди; **Учинчидан**, миллий ғоя тарихий хотирани мустаҳкамлайди ва унинг такрорланмас имкониятларидан манбаа сифатида (туртки заряд) илҳом олиб туради. Биз умуминсоний қадриятларнинг улуғворлиги ва умумбашариятни бирлаштирувчанлиги ҳақида қанчалик кўп гапирмайлик, барибир унинг илдиэлари, заминлари, миллатнинг тарихий хотираси, мерос ва асрлар давомида тўпланган ҳаётий тажрибалари билан боғлиқ эканлигини назарда тутишимиз лозим бўлади. Худди мана шу жараёнда миллий ғоянинг ўрни, салоҳияти, имконияти ва юксаклиги намоён бўлиб туради. **Тўртинчидан**, миллий ғоя миллат вакилларида миллат тақдири учун масъуллик туйғуларини ҳам уйғотиб туради. Миллат реал ҳаётда уни ташкил этувчи шахслардан иборат экан, ўзга миллатлар доирасида ўз миллат вакилларининг эришган ютуғидан хурсанд бўлиш, шу миллат вакили бўлганлиги билан фахрланиш ёки аксинча миллатдошининг бошига оғир кунларни худди ўзининг энг яқинларининг бошига тушган оғир кунлар каби руҳиятнинг мавжудлиги миллий ғоянинг қудратидандир. Бундай ҳолат ҳар бир миллат вакили учун муқаддас қадриятдир.

Агар миллатнинг вакиллари ҳалол йўл билан бой, бадавлат бўлганини ҳамда мамлакатнинг ўзга мамлакатларга нисбатан тез ривожланаётганлигини, катта муваффақиятларни қўлга киритаётганлигини кўриб руҳинг кўтарилади, келажакка ишончинг ортади ёки аксинча, муаммоларнинг тўпланиб бораётганлигини кўрсанг, руҳан эзиласан, қайғурсан ва уни ҳал қилишда ўз

ҳиссамни қўшолсам эди, деган фикрлар ҳаёлингдан ўтади. Бундай туйғуларнинг замини ва илдизи яна миллий ғояга бориб тақалади. Фақат миллий ғоя ва уни инсонийликнинг барча ижобий қирраларини ўзида мужассамлаштирган шахсда ана шундай туйғулар бўлиши мумкин. Бешинчидан, миллий ғоя фақат тор доирадаги туйғуларни (яъни миллий манфаат доирасидаги) шакллантирибгина қолмасдан, миллат билан ёнма-ён яшайдиган ўзга миллат ва элат вакилларини ҳамда уларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш, уларни ўз атрофига бирлаштириш, мамлакат тараққиёти йўлида барча миллатларни уюштириш, диний ва инсоний бағрикенглик каби фазилатлар шаклланишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Миллий ғоянинг заминлари “мўрт” ва қашшоқ бўлса ёхуд қандайдир зўравонлик таъсири остида ҳиралаштирилган бўлса, миллат ўзлигини йўқота бошлайди, ўзи ҳақидаги қарашлари саязлашиб, оқибатда унинг истиқболи ҳам хавф остида қолади. Лекин авлод-аждодлари мустақкам интеллектуал салоҳият, мерос ва тараққиёт тажрибаларини яратган миллатнинг миллий ғояларини маълум давр ичида зўравонлик билан жиловлаб туриш мумкин. Аммо, уни миллатнинг тарихий хотирасидан батамом йўқ қилиб бўлмайди. Зеро, миллий интеллектуал салоҳият мерос ва миллий тараққиёт давомида тўпланган тажрибалар умуминсоният мулкига айланиб, ер куррасининг бошқа заминларида яшаётган ўзга халқларга хизмат қилиб келаверади. Мустахлакачилик ва қарамлик йилларида аждодларимиз меросидан баҳра олиш мумкин бўлмаган бир шароитда у жаҳоннинг бошқа халқларига хизмат қилиб келганини бугун ҳаммамиз биламиз. Миллат ҳаётидаги муҳим хусусият шуки, миллат маънавияти ва руҳиятини ундан узоқлаштиришга қаратилган зўравонлик кучайган сари, миллатнинг ўз заминларига интилиши кучайиб бораверади. Миллий тараққиётнинг ривожланиш муҳлати қанчалик узоқлашса, миллатнинг эҳтиёжи шу даражада ошиб бораверади. Миллий тараққиётда яна бир муҳим ўзига хос жараён ҳам мавжудки, у ҳам бўлса, сон жиҳатдан камчиликни ташкил қилган миллатларда “миллатчилик” туйғулари кўп сонли миллатларга қараганда кўпроқ бўлади. Яъни миллатпарварлик, ўз миллатини сақлаб қолиш, урф-одат, анъаналар, қадриятларни кенг тарғиб қилиш руҳиятига интилиш, кам сонли миллатларда умуммиллий ҳаракат сифатида яққолроқ намоён бўлишини кузатиш мумкин. Чунки кам сонли миллатлар ҳар доим, ўз миллий ғояларидан марҳум бўлишдан ҳавотирда

яшайдилар. Миллий ғоядан маҳрум бўлиш эса миллатнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келишини улар яхши ҳис этадилар.

Миллий ғоянинг битмас-туганмас имкониятлари шу даражада кенги, у фақат миллатни ўз-ўзини англаши, миллий онг ривожланиши билан чекланмайди, балки у миллатни ўзгаларга танитади ва унинг умумжаҳон цивилизацияси жараёнларига мустақил субъект сифатида кириб боришга ўзининг таъсирини ўтказади.

Миллий ғоянинг муҳим имкониятларидан бири, унинг миллий маънавий тикланишдаги манба эканлигида намоён бўлади.

Миллий-маънавий тикланиш эса юқорида таъкидланганидек, фақат меросни ўзлаштириш, тарихий хотирани тиклаш билан чекланмайди.

Бугунги кунда матбуотда миллий тикланиш ҳақида кўп гапирилади. Аммо бу тушунчага ҳали "қиёмига" етган илмий таъриф берилганича йўқ. Аксарият эълон қилинаётган мақолаларда миллий тикланиш фақат миллий меросни ўзлаштириш доирасида чекланиб қолмоқда. Бундан ташқари миллий тикланиш, миллий тараққиёт тушунчаси бир маънони англатиш маъносида талқин қилинмоқда.

Аслида, миллий тараққиёт — эволюцион характерга эга, пастан юқорига томон ривожланишдан иборат бўлган жараён ҳисобланади. У миллатнинг шаклланиши, такомиллашиши ва юксалиши каби узлуксиз жараёндир. ✓

Миллий тикланиш, миллат тараққиёти тарихининг маълум бир босқичида маълум сабаблар оқибатида бой берилган салоҳиятни қайтадан миллат тараққиётига йўналтириш билан боғлиқ бўлган жараёндир. Хўш, миллий тикланиш деганда нимани тушунмоқ керак ва у ўз ичига нималарни қамраб олади?

Миллий тикланиш — у ёки бу миллат ҳаётида содир этиладиган, зўравонлик йўли билан унинг авлод-аждодлари томонидан яратилган мерос, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлардан маҳрум этилган, тарихий хотираси топталган, миллий ўзликини англаши чекланган, манфаатлари, мақсадлари, ҳуқуқлари паймол этилган, тарихий тараққиётнинг маълум босқичига келиб эса ўз мустақиллигини қўлга киритиш натижасида миллий ривожланиш борасида ана шу бой берилган имкониятлардан фойдаланиш, яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожлантиришга йўналтиришга қаратилаган умуммиллий фаолиятдир.

Миллий тикланиш тушунчасининг бу тавсифи эҳтимол унинг моҳиятини тўла очиб бермас. Айни пайтда бу концептуал ғояни алоҳида мавзу сифатида ўрганиш ҳам мақсадга муво-

фиклиги долзарб масаладир. Лекин, миллий тикланишнинг асосий йўналиши тарихий тараққиётнинг маълум босқичида у ёки бу миллат томонидан миллий тараққиёт борасида бой берилган имкониятларини мустақилликни қўлга киритиш шарофати билан яна миллий ривожланишнинг асосий манбаига айлантириш борасидаги умуммиллий ва миллий ўзликни англаш жараёни фаолияти билан боғлиқдир. Чунки, миллатимизнинг мустамлакачилик ва қарамлик асоратига тушиб қолиши, ўз мустақиллигини ва қўлга киритилган кейинги барча интилишлари ҳамда фаолияти юқорида илгари сурилаётган фикримизга асос бўла олади.

**3M** Бугун ўзбек миллати миллий тикланиш ва тараққиёт сари дадил қадам ташламоқда. Миллий ғоямиз ана шу жараён учун асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Бу жараёнда миллий ўзликни англаш етакчи рол ўйнайди. Бунда миллий ғоя миллий тикланишга маънавий-руҳий озуқа бериб, уни ҳаракатга келтириб турибди.

Ҳақиқатан ҳам мустақиллик йилларида миллий тикланиш борасида жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Миллатимиз ўзлигини англамоқда, мустақилликнинг маъно ва мазмунини тушуниб етмоқда. Авлод ва аждодларимиздан қолдирилган бой маънавий мерос қайтадан халқимизга қаратилмоқда, миллий урф-одат, анъана, қадриятлар миллий-маънавий салоҳиятимизни бойитишнинг манбасига айланишида умуммиллий ҳаракат ривожланмоқда. Яъни мустақиллик шарофати туфайли миллий тикланишимиз амалга ошмоқда. Бу жараёнда миллий заминларимиз булоғидан озуқа олаётган миллий ғоямиз еттакчи аҳамият касб этмоқда. Ана шу булоғдан миллий ғоямизни қанчалик мустаҳкам тўйинтирсак, миллий тикланишимиз шунчалик даражада жадаллашиб бораверади.

Миллий ғоянинг Ватан туйғулари билан уйғунлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳар бир миллат вакилининг ўз Ватани фаровонлиги учун фидойилик кўрсатиши муқаддас қадрият ҳисобланади. Миллий ғоянинг моддий кучга айланиши миллатнинг бугуни ва истиқболини аниқ белгилаш, тараққиёт йўналишларини аниқ тасаввур эта билиш каби вазифаларни ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Ана шу вазифалардан келиб чиқадиган бўлсак, мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, бугун изчиллик билан реал ҳаётга татбиқ қилинаётган концептуал ғоялар тараққиётимизнинг назарий ва амалий манбаидир.

Ана шу ғояларга мувофиқ <sup>✓</sup>бизнинг бош стратегик мақсадимиз — бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Юртимизда яшыйдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланган турмуш ва эркинликларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг мазмун-маҳиятини ифодалайди. Бу халқимизнинг асрий ағъаналарига муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан кўр-кўрона нусха кўчирмасдан, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир.”<sup>3</sup>

Бу вазифаларни амалга оширишда бизнинг ҳар бир қилаётган ишимизга илҳом ва қудрат бағишлайдиган асосий манба — бу миллий ғоя ҳисобланади. ✓

Зеро, “Миллий ғоя ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиз отмайди ва ривожланмайди. Ватаннинг равнақиға хизмат қилмайдиган ғоя ҳеч қачон миллий ғоя бўлолмайди. У Ватан равнақини белгилаб берадиган тамойилларни ўзида акс эттирсанига куч-қудрат манбаиға айланади”.

Ватан — бу инсон ва унинг авлод-аждодлари киндик қони тўкилган муқаддас даргоҳдир. Ватан — бу аждодлар маскани, эл-юрт, халқ вояға етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари чинакамиға шаклланиб, ўсиб, камол топиб борадиган заминдир.

Ватан деганда, ҳамиша ўзимиз туғилиб ўсган, кўз очиб кўрган, таълим-тарбия олиб вояға етган, неча-неча авлод-аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақл-идроки, меҳнати сарф қилинган юрт кўз олдимизға келади.

Ватан — бу халқанинг ўтмиши, бугуни ва келажигидир. Ватан — муқаддас қадрият. Тараққиёт Ватандан бошланади. У инсоннинг киндик қони тўкилган жой, инсонни ижтимоий етимликдан асровчи манзил, маънавий камолат ва фуқаролик майдони, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва бахт-саодат ўчоғидир. Инсон учун Ватан яғонадир. Ватаннинг катта-кичиги ҳам, бой-камбағали ҳам бўлмайди. Ватан танламайди. Ватан бизнинг молимиз эмас. Шунинг учун ҳам у пулға сотилмайди ва сотиб олинмайди. Ватан инъом этилмайди, қарзға берилмайди. Ватан ҳар бир фуқаро учун муққадас ва бетакрордир. Президентимиз келтирган иборадек, “Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир”. Ватанни энг олий неъмат синғари бошимиз узра баланд кўтариб, ҳар он ва ҳар сонияда унинг тупроғини кўзларға суртиб, унга

таъзим бажо айлашимиз фарзандлик бурчимиздир. Муқаддас хадиси шарифларда “Ватанни севмоқ имондандир”, дейилган. Яъни имони бут, виждони пок ҳар бир инсон Ватанни севади, уни ганимлар кўзидан асрайди, унинг яшнаши ва яшashi, ҳурлиги учун курашади.

Ватан меҳрини, Ватан сеҳрини унинг муътабарлигию, улугворлигини сўз билан ифодалаш ва мезонини белгилашнинг мумкинлиги йўқ. Ҳар бир баркамол инсон Ватан камолати ва истиқбол учун, юртининг озодалиги ва мустақиллиги учун ҳамма нарсани, ҳатто ширин жонини ҳам аямайди. Бу ҳақда Мавлоно Фузулийнинг, “Менинг битта ҳаётим бор, бордию мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлур эдим”, деб айтган сўзлари ҳар биримиз учун бебаҳо ўғитдир.

Шўролар даврида миллий манфаат, Ватанга, она заминга меҳр-мухаббат, деган хис-туйғулар аста-секин сўна бошлади. “Ватан” тушучаси мавҳум бир умумий ҳолга келиб қолганди. Ҳамма нарса “Умумсовет” манфаатига қаратилганди, ҳар бир миллат, халқ минг йиллардан бери яшаб келаётган ўз Ватани учун қайғуришга ҳақли эмасди.

Охир оқибатда шунга етдики, собиқ совет даврида бу мамлакатда яшаётган халқлар, шу жумладан, ўзбеклар ҳам ўз Ватанида беватан бўлиб яшашга мажбур бўлдилар. Буни Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов “Ватан умиди” шеърисида шундай ифодалайди:

Агарчи исмим Эркин,

Эрки йўқ, банди кишан бўлдим.

Кўзим боғлиқ, дилим боғлиқ,

Тилим йўқ бесухан бўлдим...

Муаззам Сайхуну Жайхун, Лабида  
ташналаб қолдим, кийинтирдим жаҳонни,

Жисмим урён, бекафан бўлдим.

Чекибдур Бобуру Фурқат

Ватан хажрида афғонлар

Мен эрсам, не гурбатким, Ватанда

беватан бўлдим.

Олисда, оҳ, диёрим деб

Соғинган, эй Ватандошим, Демасен,  
ўзни бебахт,

Бахти йўқ аслида мен бўлдим...

Инсон учун на давлат ва салтанат, на тожу-тахт, ҳеч бир нарса Ватанга, эл-юрт меҳрига тенг келолмайди. Ватандан жудолик — инсон учун энг катта бахтсизликдир.

Инсон истаган жойда бир парча нонга қорнини тўйғазиши мумкин. Лекин Ватаннинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Ватанда яшаш ҳақиқий бахтдир.

Мустақиллик туфайли биз ўзимизнинг ҳақиқий Ватанимизни топдик. Бу мустақилликнинг бизга берган энг олий неъматидир. Ватани мустақил халқнинг ўзи ҳам мустақил бўлади. Юрти озод ва эркин одамнинг эрки ўз қўлида бўлади.

Тарих ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига гоят буюк вазифани юклади. Бу Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш, унинг довригини олам узра ёйиш, шуҳратига-шуҳрат қўшишдир. Бунда эса Ватан, Президентимиз айтганидек, фидойи ватанпарварларга таянади. Ҳар биримиз ўзимизнинг яратувчилик, бунёдкорлик фаолиятимиз, ҳалол меҳнатимиз билан ўзимиздан кейинги авлодларга озод ва обод Ватанни қолдиришимиз келгуси авлодлар, насл-насабларимиз олдидаги бурчимиздир.

Миллий истиқлол ғоясининг кучи, қудрати ва ҳаётийлиги шундаки, унинг бош стратегик мақсади — ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТНИ ҚУРИШДИР.

Бу улкан мақсадларни амалга ошириш борасида қўлга киририлган ютуқларимиз ниҳоятда катта. Улар билан бугун ҳар бир Ватандошимиз фахрланмоқда.

Бугунги кунда жамиятимиз, тадбиркорлик, эркин иқтисодий фаолият кенг ривожланаётганлиги, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ортаётганлиги, халқимизнинг маънавий бойиб, илм-зиё салоҳияти юксалаётган Ватан равнақининг асоси бўлади.

Бу ўзгаришлар жараёнининг устувор хусусияти — халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятидир. Бунда ана шу бунёдкорлик салоҳиятини тўла юзага чиқариш, иқтисодиётни илғор технологиялар асосида модернизация қилиш, ёшларимизни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Уларни амалга оширишда ҳар бир ватандошларимизнинг масъуллик руҳиятининг кучли ва мустаҳкам бўлишига эришаш энг долзарб вазифа ҳисобланади.



Бу вазифаларни амалга оширишда миллий мафкуранинг роли ниҳоятда каттадир. Чунки миллий дунёқарашни, миллий руҳиятни мустаҳкамлашда ҳамда миллат олдида турган мақсадларни амалга ошириш йўлида миллат ва бугун халқни фаоллаштиради. Шу маънода ҳам мафкура фақат назария эмас, балки у амалиёт ва моддий куч ҳамдир. Унинг бу хусусиятлари қуйидаги вазифаларни амалга оширишда намоён бўлади: Биринчидан, у жамият ривожланишининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий соҳаларини ўзида мужассамлаштириб, уларни ягона тизимга бирлаштиради.

Иккинчидан, турли миллат, элат, синф ва ижтимоий гуруҳларни бирлаштириб, ягона мақсадга йўналтиради.

Учинчидан, фуқороларни давлат белгилаб берган вазифалар ва миллий мақсадларни амалга оширишда фаоллаштиради.

Тўртинчидан, давлат сиёсатини фуқароларга етказди, улар онгига сингдиради ва бу жараёнда қатнашишига ёрдамлашади.

Бешинчидан, жамиятда сиёсий ва миллатлараро барқарорликни таъминлашда, аҳолини ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, шафқат, мурувват, олижаноблик, юксак дид, дўстлик, давлатга садоқат, миллий ва диний қадриятларга эътиқод руҳида тарбиялайди.

Олтинчидан, у маънавиятнинг муҳим бўлаги сифатида инсонларнинг маънавий баркамол бўлишига жамият, маънавий қудратнинг ошиб боришига ва шу аснода бутун жамиятнинг илгарилаб кетишига ўзининг салмоқли таъсирини ўтказди.

Етинчидан, давлатнинг ташқи сиёсати, унинг турли мамлакатлар билан муносабати мақсадларини аҳолига етказди. Натижада аҳоли томонидан давлат ташқи сиёсатининг қўллаб-қувватланишига, унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига ижобий таъсир кўрсатади.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги миллий мафкура фақатгина мустақиллик йилларининг маҳсули эмас. Балки у миллатимизнинг узоқ тарихий тараққиёти жараёнида шакланган. Унинг илдизлари миллатимиз этник бирлик сифатида шакллана бошлаган даврларга бориб тақалади. Худди ана шу маънода ҳам Президентимиз қуйидагича таъкидлайди: "Албатта, мафкурани бир кун ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки мафкура шаклланади, шакллантириб борилади." <sup>47</sup>

Бугун миллий ҳоя ва мафкураимизнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаши ва комил инсонни

тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида фикр юритганимизда, уларнинг дастлабки манбаларини билишимиз ва ўзлаштиришимиз зарурлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим бўлади. Зеро, миллат қанчалик юксак тараққиётга кўтарилгани сари унинг ўз илдишларига талпиниб яшаш руҳияти кучайиб бораверади. Бу табиий ҳол. Чунки ҳар қандай истиқбол ўтмиш тажрибаларига ва ғояларига, ундан чиқарилган хулосаларга таянсагина, пировард мақсад ва муддосига эриша олади. Шунинг учун ҳам жаҳонда тараққий этган халқлар тажрибалари кўрсатмоқдаки, улар ўз эҳтиёжларини тўла қондиришга, тўла фаровон ҳаёт кечиришга эришганлари, интеллектуал салоҳиятлар юксакликка кўтарилиб борганлари сари ўзлигини англашга ва ўз заминларига интилишлари кучайиб бормоқда. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан, жаҳонда миллий тараққиётнинг яна бир ҳақиқати ҳам мавжуд, у ҳам бўлса, ҳали жаҳонда яшаётган энг қашшоқ халқлар ҳам ўз тарихидан авлод-аждоглари томонидан яратилган моддий ва маънавий меросларидан ўзгалар томонидан бериладиган (ёхуд кўрсатиладиган) моддий фаровонлик эвазига воз кечмаган. Аксинча, қашшоқ халқлар ҳатто, улар сон жиҳатдан камчиликни ташкил қилган бўлсалар ҳам авлод, аждодларидан қолган моддий-маънавий бойликларни, тарихий хотираларини сақлаб қолиш учун ўзларининг фаровин ва тинч ҳаётларидан вос кечиш ҳисобига бўлса ҳам уларга барҳаётлик бахш этаётганларининг бугун гувоҳи бўлиб турибмиз. Шунинг учун ҳам Президентимиз, "инсон учун тарихдан жудо бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш демакдир"<sup>5</sup>, деб таъкидлаган эди.

Албатта, халқларининг ўз ўтмиши, авлод-аждодларидан қолдирилган мероси ва тарихий хотираларига кўрсатилаётган фидойиликлари бежиз эмас. Чунки халқ чинор бўлса, унинг илдиши таянчи, уни ушлаб турадиган ва вояга етказадиган қудратли манба унинг мероси, тарихий хотираси ҳисобланади.

Халқ ўз тарихий хотирасини тиклаш, меросини ўзлаштиришган сари руҳан бақувват бўлади, ундан илҳом олади, маънавий бойида, истиқбол йўлида интилиб яшайди ва унинг фаоллиги табиий равишда ошиб боради.

Ана шу концептуал фикрларимиз асосида айтиш мумкинки, бугунги ўзбеклар ҳам дунёдаги бахтли халқлар ичида энг бахтлилардан бирини ташкил қилади. Чунки уларга куч, қувват, илҳом шодлик ва фидойилик бахш этувчи авлод-аждодлардан қолдирилган. "Авестодек" буюк мерос бир ноёб мерос фақатгина халқимизнинг қадимийлигини тасдиқловчи тарихий ҳужжат

бўлибгина қолмасдан, авлод-аждодларимизнинг ҳали дунёнинг бошқа бир заминларида, хусусан, ҳозир тараққий этган мамлакатларида давлат, уни шакллантириш, идора этиш, эзгуликни улуглаш каби гоёлари ҳали бўлмаган вақтда Ўзбекистоннинг авлод-аждодлари шакллантира олганликларини тасдиқловчи моддий бойлик ҳамдир. Унинг моддийлиги шундаки, у инсон ақл-заковати ва фаол меҳнати эвазига дунёга келган.

“Авесто” она-Ватанимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритганлиги шарофати билан халқимизга қайтарилди. У мустақиллик ва шўролар зўравонлиги йилларида дунёнинг бошқа халқларининг маънавий бойлигига хизмат қилиб келди, аммо, у авлод-аждодлари яратган ўзбекларга хизмат қила олмади. Лекин ҳар қандай зўравонликлар “Авестони” халқимиз қалби, хотирасидан бутунлай йўқ қилолмади. Ана шу сабабли ҳам мустақиллик йилларида халқимизнинг миллий-маънавий тикланиши шундай жадал суръатда бордики, она халқимиз ўзлигини англаш ва ўз илдиэларига интилиши, ҳатто кундалик иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қараганда ҳам устувор даражага кўтарилди. Бу жараён халқимизнинг маънавияти улуглигидан, илдиэлари мустақамлигидан далолат бериб турибди.

Қачонки, миллат руҳияти кучли бўлса, унинг моддий фаровонлиги, давлат тараққиёти ва истиқболи порлоқ бўлади. Чунки моддий бойлик ҳам руҳан бақувватлик асосида яратилади. Бугун шу нуқтаи назардан қараганда, халқимизнинг қўтаринкилик руҳияти ва истиқбол сари бораётганлигимизнинг муҳим омили сифатида улуг меросларимизнинг алоҳида ўрини борлигини таъкидлашимиз адолатли бўлур эди.

“Авесто”нинг миллий-маънавий тикланишимизда тутган ўрни масаласи ҳақида фикр юритар эканмиз, унда бундан уч минг йиллар олдин илгари сурилган ҳар бир гоё бугун шакллантирилаётган миллий гоёмизга муҳим манба эканлигига имон келтирасан, киши.

Бозор муносабатларига асосланган демократик жамият куриш даврида миллий гоёмизнинг ўзаги, бош йўналиши — Озод ва Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ташкил қилади. Ана шу гоё заминда мустақиллигимизни мустақамлаш миллий давлатчиилигимизни ривожлантириш, Ватанимизнинг иқтисодий юксакликка эришишини таъминлаш, унинг кут-қудрати ва нуфузини ошириш, миллатимизнинг жаҳон цивилизациядаги муносиб ўрнини тиклаш, мамлакатимизда яшаётган барча

фуқароларнинг миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қаби назар тенглиги ва фаровонлигига эришиш вазифалари туради.

Агар “Авесто”да илгари сурилган ғояларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугун миллий ғоямизнинг бош йўналишини ташкил қилган вазифалар билан ҳамоҳанг эканлигини кўрамиз. Тўғри, улар ўртасида замон билан боғлиқлик бор, лекин “Авесто”да илгари сурилган фикр бугун шакллантирилаётган миллий ғоямизга манба бўла олади. Чунки жамиятнинг маълум мафкурасиз яшай олмаслиги, унинг турли қараш ва манфаатга эга бўлган кишиларни бирлаштиришдаги роли, мафкуравий кураш (яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш) ҳар қандай фаровонлик манбаи ҳалол меҳнат, идеал, давлат бошлиғи, тарбия, комил инсон, экологик тозаллик ва бошқа бир қатор ўта зукко ғоялар мавжудки, улар ўз моҳияти, руҳияти билан мадад бериб туради.

Маълумки, “Авесто”нинг бизгача етиб келган қисми тўрт китобни ўз ичига олиб, “Ясна” (дуолар ёки қурбонлик келтириш), “Висперед” (ибодат қўшиқлари) “Яштлар” (маъбудаларга мадҳиялар) ва “Видевдат” (девларга қарши қонун) кабилардан иборатдир. Уларда илгари сурилган ғоялар моҳиятан бири иккинчилари билан боғлиқдир. Чунки улардаги бош ғоя — эзгуликнинг устуворлигини улуғлаш билан боғлиқдир.

“Авесто”да эзгулик ғоялари жуда содда ва моҳирона тараннум этилган:

“Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман” (“Ясна”; 14), деб таъкидлашган. Бу фикрларни илгари сурган Ахурамазда, инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро самимийлик, ҳурмат, беғаразлик, ёрдам ва оқибатли бўлиш зарурлигига ишора қилади. Бу ғоялар бугунги кунда инсоният ақл-заковвати юксалган паллага етган шароитда манфаатларини ҳимоя қилишни рўкач қилиш оқибатида юзага келган ўзаро ҳурматсизлик, икки юзламачилик, бирининг муваффақиятини иккинчисининг кўра билмаслиги, ғаразлиқнинг кучайиши каби иллатларни тугатишга ёрдам бера олади.

Миллий ғоямизнинг муҳим томондаридан бири ҳам шундаки, у инсонни улуғлайди ва инсоний муносабатлар шаклланишига муҳим вазифа сифатида қарайди. Жумладан, миллий истиқбол ғоясидан толерантлик (динлараро бағрикенглик) моҳиятига кўра, хилма-хил диний эътиқодга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватан, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб яшаш шароитини яратиш вазифасини илгари суради. Бу олижа-

ноб ғоя “Авесто”дан юқорида келтирилган ғоя билан җамоҳанг эканлигини кўриш мумкин.

Маълумки, “Авесто”нинг дунёга келиши ҳам бежиз эмас, у даврнинг шу замонда яшаган одамлар, қабилалар ва улар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришга эҳтиёжнинг зарурияти сифатида юзага келган.

Тарихчиларнинг келтирган маълумотларига кўра “Авесто”нинг муаллифи зардушт (спитма заратуштра) етук шоир, илоҳият билимдони файласуф олим бўлган. У турли динларнинг, қабилалар тарқоқлиги ва ўзаро курашлар даврида яшаган. Бунинг оқибатида юзага келган вайронагарчилик ва фожасаларни ўз кўзи билан кўрган, уларга барҳам бериш зарурлигини тушуниб етган. У ўз даврининг етук одами сифатида юзага келган оғир шароитда чиқиб кетиш йўлини излаган ва яқка худолик ғоясини илгари сурган.

У одамларни ягона ғояга ва мақсадга йўналтириш орқалигина улар ўртасидаги турли низоларга барҳам бериш ва барқарорликка эришиш мумкин, деб ҳисоблаган. Албатта бугун бизнинг миллий ғоямизда бош Қомусимиз — Конституциямизда бирон-бир мафкуранинг давлат мафкураси даражасига кўтарилиши мумкин эмаслигини ҳам белгилаб қўйилган. Лекин, миллий ғоямиз миллати, ирқи, этниқодларидан қайси назар мамлакатимизда яшаётган барча халқларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги ва мамлакатимизнинг тараққиётини таъминлашга йўналтирилганлиги билан ҳам “Авесто”дан баҳра олади, ундан рухий ва маънавий озуқа олиб туради.

Бундан ташқари, “Авесто”да турли диний этниқодга ва манфаатга эга бўлган кишиларни ўзаро келиштириш, уларни эзгулик, яхшилик, яратувчилик каби ғоялар атрофга бирлаштириш зарурлигининг илгари сурилаётганлиги жамиятнинг (давлатнинг) мафкурасиз яшайолмаслигини тасдиқловчи ёрқин мисолдир.

Шу жиҳатдан қараганда ҳам миллий истиқлол ғояси концепциясида ҳам бу фикр қизил чизиқлар билан ўтганлигини кўриш мумкин ва мафкура масаласи авлод-аждодларимиз томонидан, унинг бирлаштирувчилик, уюштирувчилик ва яратувчиликка, ундовчиликка, имкониятларига алоҳида эҳтибор берганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Миллий истиқлол ғояси концепциясида инсоният тарихи турли ғояларнинг эзгулик ва ёвузлик, озодлик ва истибдод, маърифат ва жаҳолатга хизмат қиладиган мафкуралар шаклида намоён бўлганлиги ҳақида фикрлар бор. Бу фикрлардан келиб

чиқадиган хулоса шуки, инсоният пайдо бўлибдики, яратувчилик ва вайроналарга олиб келувчи, тараққиётга хизмат қилувчи ва инсоният бошига оғир фожиаларга келтирувчи (вайронагарчилик ва бунёдкорлик) ғоялар ва мафкуралар ўртасида кураш давом этиб келмоқда. Бу курашда ҳар доим яхшиликка, яратувчиликка хизмат қилувчи кучлар ва мафкуралар ғолиб келганлар.

Бу ғояларнинг илдизларини изласак унинг “Авесто”га бориб тақалганлигини кўрамиз. “Авесто”да яхшилик, гўзаллик, адолат ёруғликнинг ҳимоячиси Ахура - Мазда тимсолида кўрсатилса, - зулм, ноҳақлик, хунуклик каби барча салбий ҳаракатларни тарқатувчи сифатида Анхра-Манё (Ахримон Майнйу) тимсолида кўрсатилган. Улар ўртасидаги кураш ниҳоятда катта бўлганлиги ва ҳар доим Ахура-Мазданинг ғолиб келганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Ғояларнинг бундай тарзда қўйилиши инсоният ҳар доим ўз бошидан қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, вайронагарчиликлар билан бирга шодлик, бахтиёрлик, яхшилик, адолатнинг устунлигидан иборат бўлган икки ҳолатни ўз бошидан кечирган, дунё ана шу кучларнинг ёнма-ён яшашидан иборатдир, деган фалсафани илгари суради. “Авесто”нинг яратилганига уч минг йилдан ортиқ вақт ўтибдики, бу фалсафанинг моҳиятини англаш мумкин. Бугун жаҳонни ларзага солаётган икки куч яратувчилик ва ёвузлик икки мафкура инсонни камолат ва юксакликка олиб борувчи ҳамда ҳалокат ва фожиаларга хизмат қилувчи мафкуралар мажуд, улар ўртасидаги кураш “Авесто” дунё юзини кўрган даврга қараганда ҳам шиддатлироқ, бешафқатлироқ давом этмоқда. Шунинг учун ҳам “Авесто”да илгари сурилган бу ғоялар вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини йўқатмайди, балки қадри ошиб бораверади. Шу маънода ҳам улар миллий ғоямиз учун муҳим манба бўлиб қолади.

“Авестода” илгари сурилган ғоялардан яна бири — давлат ва уни идора этувчи ҳокимлар ҳақидага фикрдир. “Яхшилик таълимини ва садоқатни амалга ошириб... яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахтсаодат келтирадиган адолатли қонунларни амалга оширсинлар...” (“Ясна”, 48), деб кўрсатилган.

Бундан кўриниб турибдики, “Авесто” яратилгунгача она заминимизда давлат бўлган, қонунлар ишлаб чиқилган, улар ҳаётга татбиқ қилинган. Демакки, ўз миллий давлатчилигимиз уч минг, эҳтимол тўрт минг йиллик тарихга бориб тақалар. Чунки барқарор давлат тизими шаклланмаган жойда ҳали қонунлар қабул қилиниши мумкин эмас. Бундан ташқари адолатли қонунлар ва яхши ҳокимлар тўғрисида илгари сурилган фикр-

ларга таяниб айтиш мумкинки, “Авесто”да демократияга инти-  
лишнинг илк кўринишлари тўғрисидаги ғоялар ўз ифодасини  
топган.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, мус-  
тақиллик йилларида мамлакатимизда қарор топаётган демократик  
жараёнларнинг шаклланиши, Президентимиз томонидан илгари су-  
рилаётган фуқаровий жамиятни қуриш вазифаларининг илк  
қадамлари буюк меросимиз “Авесто”да қўйилган.

“Авесто”нинг миллий ғоямизнинг манбаси бўлиб хизмат  
қиладиган яна бир муҳим томони шундаки, унда меҳнатнинг  
барча фаровонликнинг асоси эканлиги кўрсатилади. Унда, “ким  
агар сўл ва ўнг қўли, ўнг ва сўл қўли билан бу заминга ишлов  
берса, спитама-заратуштра, у манфаат келтиради”, деб кўрсатади  
Ахурамазда. Бу фикрларни ҳаёлдан ўтказиб кўз олдимизда бугун  
еримиздан йилига икки, ҳатто уч марталаб ҳосил олаётган  
деҳқон гавдаланади. Эҳтимол бободеҳқонларимизнинг қишин-  
ёзин ерга ишлов бериши, тинмай меҳнат қилаётганлиги “Авес-  
то”дан мерос бўлган бўлса ажаб эмас.

Бугун шакллантирилаётган миллий ғоямизнинг муҳим  
йўналишларидан бирини ҳам ёшларимизнинг замонавий техни-  
ка ва технологияни ўзлаштиришлари она заминимизда ҳалқимиз  
учун, унинг эҳтиёжини қондирадиган даражада мўл ҳосил етиш-  
тириш борасида фидокорона меҳнат қилишлари зарурлиги асос-  
ланган. Чунки она заминимизда ҳосил етиштиришимиз учун зар-  
ур бўлган барча имкониятлар Оллоҳ томонидан ато этилган.

“Авесто”да ерга, уни ишлашга бўлган муносабатларнинг ўта  
муҳим вазифа сифатида қўйилганлиги ҳам ана шу имкониятлар-  
дан унумли фойдалана билиш зарурлигидан келиб чиққандир.  
Кўриниб турибдики, бу масалада ҳам ўтмиш билан замонавий-  
лик, “Авесто” билан миллий ғояларимиз ўртасида узвийлик  
мавжуд. Бу узвийлик миллий ғоямизга куч-қувват бахш этади,  
миллий тикланишимизга хизмат қилади.

“Авесто”да комил инсон ғояларининг жуда чиройли ва ўз  
навбатида талабчанлик руҳида қўйилганлиги билан одамнинг  
диқатини ўзига тортади. Унда: “Буюк уйғонишлар ва тараққиёт  
йўлида эришиладиган балоғатга содиқ қолайлик. Ахурамаздага  
қўйган, ўз халқига хайрихоҳ, одил тузумга мос яхшиликлар  
қиладиган бўлайлик. Бизнинг ниятларимиз ҳақиқий донолик  
истиқомат қиладиган манзилларга интилсин. Комиллик таркиб  
топган, бузғунчилик бўрони ёлғончилик шайтони устига қулаб,  
уни барча кирдикорлари кунпоякун бўлгай. Кимки ўз ҳаёти

йўлида яхши шуҳрат ва виждон билан юрган бўлса, тезда Ахура-Мазда порсолари билан олий тангри даргоҳида тўпланадилар (“Ясна”, 30), деб кўрсатилади.

Бу сатрлар ҳам миллий ғоямиз учун манба эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, “Ўз халқига хайрихоҳ, одил тузумга мос яхшиликлар каби ғоялар ниҳоятда чуқур мазмунга эга бўлиб, комиллик мезонларининг қирраларини ташкил қилади. Айниқса, “Комиллик таркиб топгач...”, деган ғояларда инсоннинг юксак маънавий соҳиби даражасига кўтарилишидек вазифа кўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади.

Агар илгари сурилаётган ана шу ғояларнинг маъно ва мазмунини умумлаштирадиган бўлсак, “Авесто”да комил инсонни тарбиялаш, унга хос бўлган хусусиятларни шакллантириш ва унинг жамият олдидаги масалалар муҳим вазифалар қаторида турганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Комил инсонни тарбиялашдек вазифа “Авесто”да алоҳида соҳа қанчалик мустақкам кўйилган бўлса, у бугун ҳам миллий ғоямизда шу даражада муҳим вазифа сифатида кўйилган. Лекин “Авесто”да комиллик ҳақидаги ғоялар илк бор жамият ва маънавий юксалишининг асосий омили сифатида, гарчанд унга кўйилаётган талабалар ҳозирги кун даражасида кўйилмаган бўлса ҳам, бугун миллий ғоямизни шакллантириш учун катта аҳамият моликдир. Чунки ғоялар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки узоқ тарихий мазмун заминларига бориб тақалади, уларнинг бағрида янгилари шаклланади. Худди шу маънода ҳам халқимиз маънавий ҳаётида комиллик “Авесто”дан бошланган муқаддас Ислоҳ динимиз яна ҳам такомиллашиб келган ва диний, миллий, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган миллий ғоямизда янада мукамал қилиб кўйилганлигини кўришимиз мумкин.

“Авесто”да инсоннинг ҳаво, сув, заминнинг тозаллигини, табиатни асраб-авайлаш ғояларини ўқиб, унинг нақадар ноёб маънавий бойлик эканлигини билиш мумкин бўлади. Эҳтимол “Авесто”да кўйилган ана шу ғояларга амал қилинганда Орол бу даражада қуриб битмаган, атроф-муҳитимиз бу қадар ифлосланмаган ва ҳозиргидек турли касалликлар келиб чиқмаган бўлур эди. Бугун ана шу салбий ҳолатларни ҳеч бўлмаганда тўхтатиб қолиш миллий ғоямизда муҳим вазифага айланади. Кўриниб турибдики, бу масалада ҳам “Авесто” миллий ғоямиз шаклланишида муҳим манба вазифасини бажариб келмоқда.



Хуллас, “Авесто” ўзининг моҳияти, мазмуни, унда қўйилган вазифаларнинг қўлами, аҳамияти жиҳатдан миллий ғоямизни шакллантиришнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб қолаверади.

Юқорида келтирилган концептуал фикрлардан кўриниб турибдики, миллий ғоя ва мафқурасиз миллат ривожлана олмайди. Лекин миллатнинг ана шу маънавий омиллари, бўш жойда пайдо бўлмайди, балки унинг заминлари, авлод-аждодлар томонидан яратилган меросларнинг энг илғор қирралари билан чамбарчас боғлиқдир. Миллат ўзининг ҳар бир тарихий тараққиёт босқичида уларга таянсагина янги истиқбол сари бориши мумкин бўлади.

### 3.4. Ўзбек ёшларида миллий ўзлигини англаш омилларининг ўсиш жараёни

Миллий ўзлигини англаш жараёнида миллат келажаги бўлган ёшларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки ёшларимизнинг миллий ўзлигини англаши аждодларимиздан қолдирилган моддий ва маънавий меросни, урф-одатлар, аънаналар, қадриятларни ўзлаштириш билан бирга, уларда миллий манфаатларни, Ватан тақдири ва мамлакат тараққиёти учун маъсуллик туйғуларининг мустақамланишини ҳам таъминлайди.

Шунинг учун ҳам Президентимиз бугунги кунда маънавий соҳадаги вазифаларни белгилаб берар экан, комил инсон тарбиялаб етказишни бу йўналишдаги асосий фаолиятимиз бўлиши зарурлигини курсатиб берди. У шундай ёзади: “Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади — имон-эътиқоди бутун, ирдаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат”.<sup>1</sup>

Ана шу жиҳатдан қараганимизда мамлакатимиз ва миллатимиз тараққиётининг истиқболи кўп жиҳатдан ёшларимизнинг миллий ўзлигини англашининг ўсиш жараёнига ҳам боғлиқдир.

Афсуски, мустақиллик йилларида ёшларнинг миллий ўзлигини англашининг ўсиши ва бу жараёнда юзага келаётган янги муаммолар деярлик ўрганилмай келинмоқда. Бу ўз навбатида умуммиллий тараққиётимизда юзага келаётган муаммоларни олдиндан билиш ва унинг олдини олишга салбий таъсир

кўрсатмоқда. Жумладан, 1999 йилнинг 16 февралда Тошкентда содир этилган фожиалар мисолида бу яққолроқ кўзга ташланди.

Бу масаланинг ўта долзарблиги келиб чиққан ҳолда ёшларнинг миллий ўзлигини англашнинг ўсиши, унинг умуммиллий тараққиётга таъсири масаласи бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга ҳаракат қилдик<sup>2</sup>. Бу масалани ўрганишда социологик сўровларни ўтказиш баъзи илмий хулосаларни ишлаб чиқишимиз учун асос бўлди.

Социологик сўровларга биноан айтиш лозимки, унинг турли гуруҳлари, маълумотлиги даражалари ва касбларига қараб уларнинг миллий ўзлигини англашнинг у ёки бу турлари намоён бўлди. Жумладан, анъанавий-диний тури билан бир қаторда мақсадга мувофиқ прагматик турга ўтиш жараёнинг шаклланаётганлигини кузатдик. Албатта, унинг устувор даражага кўтарилиши учун катта ташкилий ва тарбиявий ишларни амалга ошириш зарур эканлиги намоён бўлди.

Бизнинг ёшлар ўртасида ўтказган социологик (анкета сўров) тадқиқотнинг таҳлили қуйидаги натижаларни кўрсатди: Биринчидан, уларнинг мустақиллик йилларида маънавий меросни, миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни ўзлаштиришга интилишлари жадал ўсиб келмоқда;

Иккинчидан, Ватан ва ватанпарварлик тушунчаларини англаш, миллий руҳиятнинг ўсаётганлиги, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишда фаоллик кўрсатишга интилиш кучайганлиги ва ниҳоят, учинчидан, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги жуда тез ўсиб бораётганлиги каби миллий тараққиётимиз учун ўта муҳим омилларнинг мустаҳкамланаётганлигини кузатдик.

Бу ижобий ҳолатларнинг ҳаммасини умумлаштириб айтиш мумкинки бугун ёшларимизда миллий ўзлигини англаш тез ўсиб бормоқда.

Ёшларда миллий ўзлигини англашнинг ўсиши, уларнинг миллий заминларга интилиши кучаётганлигига асосланиб айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг XXI асрда ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда, жамиятда барқарорликни таъминлашда ва жаҳон қадриятлари тизимига кириб боришда миллий ғоямиз асосий "механизми" бўлиши мумкин.

Миллий ўзликни англашнинг энг муҳим манбаларидан бири бўлган миллий ғоянинг моҳияти, ривожланиш жараёнлари ва миллий тараққиётда тутган ўрни ниҳоятда каттадир. Фикримизча, миллий ғоянинг миллат тараққиётидаги ўрни ва миллий

Ўзликни англаш жараёнларининг шиддат билан ўсишида қуйидаги уч ҳолат аниқроқ кўзга ташланади:

**Биринчидан**, миллий манфаатларга зид хавф-хатарлар, миллат ҳуқуқлари паймол этилиши, миллий тил, урф-одат ва қадриятларга нисбатан хурматсизлик каби ҳолатлар вужудга келган пайтда. Бундай ҳолатда миллий ғоя миллий ўзликни англашни кескин ўсишига олиб келади ва бу ўз навбатда миллий ҳис-ҳаяжонларнинг "портилашига" олиб келиши мумкин; **Иккинчидан**, давлат ягоналиги ва ҳудуднинг бир бутунлигига хавф-хатар вужудга келса; **Учинчидан**, жамиятнинг бир босқичдан иккинчисига (ёки бир тизимдан иккинчисига) ўтиши каби ҳолатларида.

Бундай жараён миллий бирликнинг мустақамланиши, манфаатлар учун ягона умуммиллий ҳаракатларнинг вужудга келишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Миллий ўзлигини англашнинг ривожланиш даражасини аниқлашда миллатнинг маънавий бирлиги мустақамланаётганлигини асосий омил (мезон) сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Чунки у миллатни бирлаштиради ва унинг ўзига хос жиҳатларини намён этади. Маънавий омил ўз ичига қуйидаги элементларни олади. Булар: миллий маданият, этик ва эстетик тасаввур, миллий руҳият, миллий онг, миллий ғоя ва миллий мафкура каби-лардир. Уларнинг ривожланиш даражасига қараб, миллий ўзлигини англашни шартли равишда IV турга ажратиш мумкин. Булар: анъанавий, диний, рационал-прагматик ва рационал-гуманистик (идеал тури). Бу турлар бир биридан, **биринчидан**, эволюцион ривожланиш (соқдадан мураккабгача) билан; **иккинчидан**, устун бўлган қадриятлар билан (асосий омил); **учинчидан**, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш даражалари билан фарқланадилар.

Мана шу назарий ҳулосалар асосида мамлакатимиз ёшларининг миллий онг ва миллий ўзлигини англашни ривожланиш жараёнини ўрганиш асосий вазифалардан бири бўлиб турибди. Айниқса, диний экстремизм ва фундаментализм ғояларининг тарқалиш сабабларини ҳам объектив таҳлил қилишга эҳтиёж ўсиб бормоқда. Бунда биз жамиятни полиэтник, демографик таркибини, маълумот даражаси, ҳаёт тарзи ҳамда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳолатни ўрганишга асосий эътибор қаратмоғимиз лозим.

Худди шу аснода ёшларнинг миллий ўзлигини англашни ривожланиш жараёнини беш йил мобайнида ўрганишга ҳаракат қилдик. Назарий ҳулосаларимизни исботлаш мақсадида биз

"Мустақиллик шароитида ўзбек миллатининг миллий ўзлигини англаш, ривожланиши ва амал қилиш хусусиятларини ўрганиш" мавзусида социологик тадқиқот ўтказдик. Шу мақсадда социологик тадқиқот программаси ва анкеталар тайёрланди.

1995 йил, 1997-1998 йиллар ва 1999 йил бошларида биз Тошкент шаҳри, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида сўров ўтказдик. Сўров ўқув юртларда, Ўзбекистон Республикаси Давлат ва жамият қурилиш академиясида, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида, Молия вазирлигида ва ниҳоят жамоат жойларида ўтказилди.

Ушбу қисмда биз ёшларнинг миллий ўз-ўзлигини англашни ривожланиши таҳлилининг бир қисмини келтирамиз. 24 ёшгача бўлган респондентлар — 82 фоиз, 25-29 ёшгача респондентлар — 16,8 фоиз. Сўров ўтказилган респондентлар шу асосда танланган.

Сўровда қатнашганларнинг 94 фоизи ўзларини диндор, деб ҳисоблайди ва 6 фоизи динга эътиқодсизлигини айтганлар.

Тадқиқот асосига миллий ўзлигини англашни аксиологик йўналиши олинган. Ҳар бир қўйилган саволларда маълум бир қадриятларга муносабат ўз аксини топган, улар орқали респондентлар у ёки бу ҳодисалар, жараёнларга ўз фикрларини билдирганлар. Бу эса ўз навбатида шу жавобларни маълум бир миллий ўз-ўзлигини англаш турига ажратишга имкон берди.

Ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатдики, биринчидан, оилада бўлган аҳвол шахснинг ишдаги, жамоадаги ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади; **иккинчидан**, жавоблардан кўриниб турибдики, респондентларда Худога бўлган иттиқ ва диний урф-одатларни бажариш орасида ажратиш мавжуд. Шу билан бирга бугунга келиб Худога бўлган иттиқ ва жамиятдаги мувозанатни, олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни муваффақиятли амалга оширилишини муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда; **учинчидан**, афсуски, бугун жамоа одамлар ҳаётида кўзга кўринадиган аҳамиятга эга даражада эмас, чунки моддий муаммоларни ҳал қилиш масаласи одамларнинг кўп вақтини олмоқда. Бу бир томондан одамларнинг фаоллигида ижобий ҳолат бўлса, **иккинчи** томондан, миллатимиз учун умумий қадрият бўлган жамоанинг тараққиётдаги ролига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Бозор шароитида одамларнинг манфаати жамоа манфаатига зид бўлиш ҳолатлари содир бўлиши мумкин. Буни ўтказилган сўров натижалари кўрсатмоқда, респондентлар учун иш бугун жамоага қараганда 6 мартаба аҳамиятли.

Шахсга мос бўлган хулқ-атвор ўзгариши кўзга ташланмоқда. Ёшлар бозор иқтисодиёти шароитида керак бўлган сифатларни ажратишмоқда.

Ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатади, **биринчидан**, Ўзбекистонда миллатчиликнинг ривожланиш даражаси деярлик кўзга ташланмайди. **Иккинчидан**, миллатнинг жипслашиш жараёни тезлашмоқда, сиёсий барқарорликни сақланиш зарурлигини англаш ошиб бормоқда; **учинчидан**, мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларда миллий ўзлигини англашнинг ўсишида миллатчилик, сепаратизм ва экстремизм каби салбий жараёнлар кўзга ташланган. Бунинг асосий сабаби шўролар даврида миллатлар ҳуқуқларининг паймол этилганлиги ва мустақиллик шароитида шиддат билан уни қайта тиклашга интилишнинг кучайиб кетганлиги бўлса, ҳозирги кунга келиб тарихга, маданиятга, маънавий қадриятларни ўзлаштиришга интилиш орқали ўз аксини топмоқда.

Олий ўқув юртлари талабалари қайси чет эл давлатлари билан бизнинг мамлакатимиз қалин алоқалар ўрнатиши керак, деган саволга: Фарбий Европа давлатлари, АҚШ ва Канада (42,3 фоиз), Жанубий-Шарқий Осиё (35,3 фоиз) ва ҳамма давлатлар билан (34,6 фоиз). Жуда кам респондентлар диний-сиёсий системаси мавжуд бўлган давлатларни кўрсатишган (3,4 фоиз).

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, миллатга мансубликни авлоддан-авлодга ўтишнинг анъанавий тушунчаси кўпчилик сўралган, томондан қайд этилди. Шу билан бирга сўровда қатнашган 3 фоиз ёшлар миллатга мансубликни аниқлашни хожати йўқ, уни фуқаролик (гражданлик) билан алмаштириш зарур дейишган. Бу ёшларимизда умуминсоний қадриятларни ўзлаштиришга интилиш кучаяётганлигини кўрсатади.

Тадқиқотни муҳим босқичи бу ёшлар томонидан маданиятни ривожланиш даражасини тушунишидир. "Миллатнинг асосларини сақлаб қолувчи барча бойликларни ва инсоният томонидан яратилган энг сара қадриятларни ўзлаштириб олиш зарур", деган фикрни 45 фоиз ёшлар таъкидлашган, "фақат инсоният томонидан яратилган энг сара қадриятларни ўзлаштириб олиш зарур", деб ҳисоблаган ёшлар 11,3 фоизни ташкил қилган.

Ёшлар ҳаётида диний қадриятлар ўрнини аниқлаш мақсадида улар олдига бир қатор саволлар қўйилди. Олинган натижалар қуйидагича: 72,8 фоиз респондентлар "дин ижобий: аҳамиятга эга", деб кўрсатишган, 0,4 фоиз респондентлар "дин салбий

аҳамиятга эга", дейишган, 6,7 фоиз сўровда қатнашганлар "динни аҳамияти йўқ", деб ҳисоблайдилар. 7,7 фоиз сўровда қатнашган ёшлар "дин бир дунёқараш сифатида зарур", деб биладилар.

Умуман айтганда, динга ижобий қарашлар устунроқ бўлиб турибди. Бугунги кунга келиб дин жамиятни бирлаштиришда катта аҳамиятга эга. Давлатнинг динга бўлган муносабати мустақиллик шароитида тубдан ўзгарди. Ҳозирги пайтда давлат динни ривожланиши учун ҳамма шароитни яратган, шу билан бирга Ўзбекистон Конституциясига биноан дин давлат фаолиятида қатнашмайди.

Ўтказилган сўровлар шуни кўрсатдики, кўпчилик ёшлар ўзларини мусулмон, деб ҳисоблайдилар (бу сўровда — 94 фоиз), шу билан бирга диний урф-одатлар, қоидаларни 2,2 фоиз респондентлар ижро этар эканлар. Бу бизга динни ёшларни маънавий тарбиялашда, миллатлараро муносабатлар барқарорлигини сақлашда имкониятлари юқорилигини кўрсатади.

Динни хусусиятлари салбийга қараганда юқорилиги диний қадриятларнинг ўзбек миллати ривожига таъсирини кучайтирмоқда. Ундан ташқари, диний қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунланиши уларни таъсир доирасини кенгайтиради.

49,7 фоиз респондентлар "фан одамни ривожланишига ёрдам беради", "фанни ривожланиши моддий аҳволни яхшилайти" (35,8 фоиз), 4,8 фоиз респондентлар эса "фан халқни бошқа онг формалари ичида ўз ўрнини топа олгани йўқ", деб ҳисоблайдилар.

Кўпчилик респондентлар фаннинг ривожланиши жамият фаровонлигини оширади, деган фикрни айтмоқдалар.

Тадқиқотнинг муҳим босқичлари сифатида аъёналар ва урф-одатларни ёшлар ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикрлар ҳам бўлди.

43 фоиз сўралганлар аъёналар ва урф-одатлар миллатимизнинг ривожланиш омилларидан бири, деб таъкидлаганлар. Бугунги кунга келиб, прогрессив аъёналар ва урф-одатлар ривожланиши бизнинг давлатимизда мувозанат сақлашда ва очиқ бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш учун катта аҳамиятга эга.

Ўзбек миллатини аъёнавий қадриятларга таянган миллий ўзлигини англаши олий ўқув юрлари талабаларининг социал ҳаракатига таъсир кўрсатувчи омил сифатида намоён бўлади. Шунинг учун маънавий асослар, ўзбек миллатининг аъёналари ва урф-одатларида ўз аксини топмоқда, улар умуминсоний қадриятлар бўлганлиги учун ҳозирги замон демократик жамият-ни қуришда асос бўлиши мумкин.

Касб танлашда 17,5 фоиз талабалар сиёсий фаолиятни кўрсатганлар, 13,2 фоиз респондентлар "нима билан шуғуланишни фарқи йўқ, асосийси даромад олиш муҳим", деб ҳисоблайдилар. Талаба-ёшларда биринчи ўринда катта бизнес (27,5 фоиз), 17,7 фоизини фан ва саънатни ўрганишга устуворлик бериш ташкил қилган.

70,1 фоиз талабалар ота-онаси шуғунланган касбни эмас, балки бошқа касбни танлашмоқда. Бу ўз хоҳиши (41,5 фоиз), Худо хоҳиши (20,8 фоиз), оила анъаналари (10 фоиз) билан боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги кунга келиб талабалар биринчи ўринга одамларни ҳаёт даражасини кўтариш ва бошқа ривожланган давлатлар билан алоқаларни ривожлантиришни қўймоқдалар.

Шундан келиб чиқиб, халқнинг ҳаёт даражасини кўтариш, дунёдаги прогрессив қадриятларга интилиш, ижтимоий барқарорлик шароитида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш миллий ғояси XXI асрда давлатимиз ва миллатимиз тараққиёти учун маънавий-руҳий асос бўлиши мумкин. Бу ғоя халқни миллий ўзлигини англашни ўсишига олиб келади, рационал-прагматик қадриятларни сингдириб, биз демократик, фуқоравий жамият, бозор иқтисодиётига интилган давлат сифатида бошқа давлатлар ичида ўз ўрнимизни эгаллаيمиз, деб биламиз.

Ўзбек ёшларини миллий ўзлигини англаши анъанавий ва рационал-прагматик қадриятларга таянган миллий ривожланишнинг асосий омили сифатида намоён бўлмоқда. Ўтказилган социологик сўров натижалари шуни кўрсатдики: биринчидан, ўзбек ёшларининг онгида анъанавий ва диний қадриятлар фарқланмайди; иккинчидан, рационал-прагматик қадриятлар ёшларнинг қадриятлари системасида кенг ўрин эгаламаган; учинчидан, аҳолини таркиби, урбанизация омили катта аҳамиятга эга, шаҳар талаба-ёшларида рационал-прагматик қадриятлар юқорида даражада ривожланган, қишлоқ аҳолисида эса анъанавий-диний қадриятлар устувордир.

Шундай қилиб, ёшларга миллий ўзлигини англашни анъанавий-диний тури ҳос, унинг таркибида анъанавий қадриятлар юқори ўрин эгалайди. Рационал-прагматик қадриятлар динамик ўсган, аммо у ҳозирча ўзбек ёшларини миллий ўзлигини англашнинг юқори даражасига кўтарилмаган. Шунинг билан бирга, бу жараён тез суръатларда ўсиб келаётганлиги кўзга ташланаётганлигини кўзатиш мумкин.

Бу ижобий кўрсаткич мамлакатимиз раҳбариятининг миллий тикланиш ва янги жамиятни қуриш борасида олиб бораётган фаолиятининг натижасидир. Шунинг билан бирга ёшларнинг миллий ўзлигини англашни ривожлантириш умуммиллий тараққиётимизнинг асосий шарти сифатида энг муҳим вазифалар қаторида турибди.

Миллий ўзликни англашни ўсишида, миллий онгни ривожлантириш — бош йўналиш бўлмоғи зарур. Зеро, миллий онг миллат мавжуд бўлиши, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболи билан боғлиқ бўлган омил ҳисобланади. У миллат шаклланиши тараққий этишини ва абадийлигини таъминлайди.

Миллий онг миллатнинг ўзи билан шаклланиб келади. Унинг бошқалардан фарқ қилувчи, фақат ўзига алоқадор бўлган манфаатлари ва мақсадлари шаклланиши миллий онг вужудга келишига "мажбур" этади. Шунинг учун ҳам миллий онгнинг миллат билан параллел равишда узоқ тарихий даврда унинг турмуш тарзи, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва кенг маънодаги маънавий-маърифий салоҳияти таъсири натижасида шаклланиб келади.

Фикримизча, миллий онг деб, миллатнинг тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган манфаатлар ва муаммоларни ифодаловчи миллат вакиллари фаолиятига мақсад-йўналишлар берадиган ғоялар, фикрлар тизими, деган таърифни бериш мумкин.

Миллий онгга таъриф берганда, унинг онг салоҳиятига устуворлик бериш билан бирга, фаоллик кўрсатиш даражаларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Яъни миллатда унинг манфаатлари ва мақсадлари ифода этирувчи онг бўлса-ю уни амалга оширишга ҳаракат қилмаса, миллатнинг онглилиги ўзининг реал ифодасини тополмайди. **Шу маънода ҳам миллий онг ҳар миллатнинг манфаатлар ва мақсадларни амалга ошириш борасида фаоллик кўрсатиш даражаси ҳамдир.**

Миллий онг миллий манфаатларини акс эттирувчи омил сифатида, миллатнинг моддий ва маънавий бойликларини ишлаб чиқариш ҳамда ўзга миллатлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида шаклланиб боради.

Ана шу жараёнда ҳар бир миллатга ҳос бўлган хусусиятлар, урф-одат, анъаналар ва қадриятлар шаклланади. Улар миллатни ўзгалар (бошқа миллатлардан)дан фарқ қилдириб боради. Бу фарқ ўз навбатида миллий манфаатлар ва мақсадларни юзага келтиришда етакчи омил ролини бажаради.

Шунинг учун ҳам миллатнинг барча тарихий даврдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий кэмолоти миллий онгда ўз ифодасини топади.



Агар миллий онг бўлмаса, нафақат миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, улар билан бир қаторда миллатнинг ўзи ҳам реал субъект, ижтимоий этник институт сифатида мавжуд бўлмайди.

Миллий онг ва унинг ривожланишигина оламоннинг миллат даражасига кўтарилишининг таъминлайдиган асосий омил ҳисобланади.

Чунки етук миллий онг заминидagina миллий вужудга келади, миллат яхлит уюшган куч сифатида тарих майдонига чиқиши мумкин бўлади. Миллий онг миллий манфаат ва мақсадларни вужудга келтиради.

Ана шулар заминидa миллат истиқболи учун хатарли бўлган миллий тарқоқлик, уруф-аймоқчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик каби иллатлар барҳам топади. Миллий онгнинг ривожланиши давлатнинг барқарор тараққий қилишини таъминлайдиган омилларидан бири ҳисобланади.

Чунки онги ривожланган миллатда шовинизм, миллатчилик, ўзи билан ёнма-ён яшайдиган миллат ва элат вакиллариға нисбатан менсимаслик ёхуд ёвузлик, жоҳиллик каби салбий иллатлар ва руҳиятлар бўлмайди.

У ўз манфаатлари ва мақсадларини ўзгалар манфаатларига ҳеч қачон қарама-қарши қўймайди, балки ўзга миллат вакиллариға ўз атрофида уйғунлаштиришга ҳаракат қилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, миллий онг фақат миллий тараққиётнинггина эмас, шу билан бирга давлатнинг барқарор ривожланишининг ҳам муҳим омили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам миллат онгини ривожлантириш давлат сиёсатида етакчи ўрин эгаллайди.

Миллий онги ривожлантиришда мавжуд ижтимоий тизим, миллатнинг ички маънавий-маърифий салоҳияти ва унинг фаоллиги етакчи аҳамиятга эгадир.

Миллат ўзининг шақилланиш жараёнида ўз яхлитлиги ва ўзига ҳос бўлган барча омилларни ҳам вужудга келтириб боради. Ўз ўрнида ана шу омиллар ҳам миллий онги ривожлантиришга ўзининг таъсирини ўтказиб боради.

Яъни миллат, миллий онг ривожланишида ўзининг салоҳиятини ярағади, ўз навбатида ана шу салоҳият миллий онг ривожланишига таъсирини ўтказади. Яна ҳам аниқроғи, миллий онг ривожланишида таъсир ва акс таъсир жараёни амал қилади.

Ана шу диалектик жараён миллат абадийлигини таъминлайди.

Афсуски, миллий ривожланишнинг бошқа муаммолари каби миллат абадийлигини таъминлайдиган ана шу жараёнлари Ўзбекистонда мукаммал ўрагилмаган.

Собиқ тоталитар совет тузуми парчалангандан кейин ўтган давр ва бутун миллий тараққиётнинг жаҳон тажрибалари кўрсатмоқдаки, миллий онг, минталитет, руҳият ҳар бир инсон онгли ҳаётнинг маҳсули сифатида абадийдир. У олам ва инсоният гўзаллигининг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Ана шу маънода ҳам миллий онг шаклланишда кенг маънодаги маънавий заминлар салоҳиятининг роли ва аҳамияти олиб бораверади.

Миллий онг ривожланишининг маънавий асосларини миллий тил, мерос, тарихий хотира, урф-одат, анъаналар, қадриятлар, миллий тарбия, талим, таъзим кабилар ташкил қилади.

Мана шу омиллардан миллат маънавий озуқа олади, улар орқали инсон ва миллат ўз-ўзини англайди. Худди шунинг учун ҳам Президентимиз Й.А.Каримов: “хоҳ ўтмишда, хоҳ бугун бўлсин, бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёсатни юритганлар, яъни қарам халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш”ни<sup>3</sup> ўзларининг асосий мақсади бўлганлигини алоҳида таъкидланган эди.

Мамлакатимизда демократик жамият куриш вазифалари амалга оширилаётган бугунги кунда эртанги кунимизнинг яратувчилари ва ижодкорлари бўлган талаба-ёшларнинг миллий онгини ривожлантириш энг долзарб вазифаларидан бирини ташкил қилиб турибди.

Агар ана шу вазифаларнинг муҳимлигидан келиб чиқадиган бўлсак, талаба-ёшларнинг миллий онгини ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бирини ташкил қилади.

Талаба-ёшларимизнинг миллий меросимизнинг мукаммал ўрганишлари, миллатимизнинг вуждга келиши, ривожланиш тарихини, урф-одатларимизнинг, анъаналаримизнинг ва қадриятларимизнинг ўзлаштиришларига катта эътибор беришмаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Талаба-ёшларимиз миллий онгда ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғуларининг ривожланиб боришига олий ва ўрта махсус таълим вазириликимиз томонидан ўтказилаётган бир қатор тадбирлар ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Хусусан, вазирлик томонидан 1995 йилда талабалар ўртасида “Ватанни севмоқ имондандир” ва 1997 йилда “Маънавият — қалбим куёши” мавзуларида ўтказилаётган иншолар танлови талабаларимизнинг миллий онги ва маънавиятларини бойишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Тарбия билан боғлиқ бўлган мавзулардан маърузалар ўқитганимизда ёки амалий машғулотлар ўтказганимизда ана шу иншоларда талабалар томонидан ватанпарварлик, миллатпарварлик ва юксак маънавият ҳақида билдирилган фикрлардан фойдаланиш уни тинглаётган талабаларимизда катта қизиқиш уйғотганлигини гувоҳи бўлаётимиз. Талабалар иншолар тўпламини кутубхоналаримиздан олиб, амалий машғулот дарсларида ўзига хос мамнуният билан, худди ўзларининг қалбларидан чиқаётган фикрлардек ишонч билан гапирётганимизни ҳам кўриб турибмиз.

Ҳақиқатан ҳам ана шу иншолардан талабаларимиз томонидан Ватан ва миллатнинг улуғловчи фикрлар мавжудки, уларни, нафақат талабаларни, улар билан бирга муаллимларининг ўзларини ҳам тўлқинлантиради ва қувонтиради.

Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети талабаси Ниёзжон Наврўзовнинг куйидаги айтганлари фикрларимизнинг далилидир: “Ватан нима ўзи? Ватан она алласи таралган бешигининг излари чизилган замин, аجدодлари кўмилган қабристон, ота-онанинг излари қолган кўчалар, нақ сенинг лаҳжангда сўзлашадиган, қошу-кўзи худди сенинг кабилар яшайдиган қадрдон ер — Ватандир”<sup>4</sup>, дея ёзади. “Тилимиз ҳам Ватанимиздир”, “ғалағовур бегона шаҳар кўчаларида тўсатдан она тилимизда гапирган одамни учратсак, дилимиз орзиқиб кетади, уни тўхтатиб суҳбатлашгимиз келади”<sup>5</sup>.

Талабаларимиз томонидан ёзилган иншоларда Ватан ва миллатни тараннум этувчи ана шундай фикрларни жуда кўплаб ўқиш мумкин.

Талабалар ўртасида ўтказилаётган ана шундай тадбирлар уларнинг миллий онгининг ўсишига кўрсатаётган ижобий таъсирини ҳисобга олиб, вазирлигимиз раҳбарлигида ҳар йили аввало, минтақалараро ва яқун сифатида республика даражасида талаба-ёшларнинг ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференциясининг ўтказиб туриш ёшларнинг миллий онги ривожланишига ижобий таъсир ўтказди.

Талаба-ёшларнинг миллий онгини ривожлантириш ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳиятини шакиллантириш билан бирга уларнинг умумий маънавий-маърифий салоҳиятини ри-

вожлантиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу ўта муҳим омилнинг роли айниқиса, миллий ривожланишнинг ҳозирги даврада ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Шунинг билан бир қаторда талаба-ёшларнинг миллий мерос, урф-одатлари, анъаналар, қадриятларимиз ва умуман олиб бораётган тарбиявий ишларимизнинг натижаларини, уларнинг маънавий эҳтиёжларининг қайси даражада қондирилаётганлигини мунтазам равишда аниқлаб олиш шу асосда олий таълим тизимида олиб борилаётган тарбияни такомиллаштириш, янги услуб ва йўналишларни ишлаб чиқиш мақсадида ҳар йили икки марта талабалар ўртасида социологик сўровлар ўтказишни йўлга қўйиш ҳам тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш имконини беради.

Талаба-ёшларнинг миллий онгини ривожлантириш фақат миллий меросимиз, урф-одатларимиз, анъаналар ва қадриятларимизнинг ташвиқот қилиш билан чекланмаслиги лозим. Чунки миллий онг фақат ўзининг маънавий салоҳиятини ўзлаштириш доирасидагина ривожланмайди, у онг ривожланишини бир томонлама ташкил қилади. Иккинчи томони эса ўз салоҳиятини ўзгаларники билан солиштириш, уларнинг кўрсаткичлардан орқада қолмасликка бўлган интилишини, ҳаракатини вужудга келтириш ташкил қилади. Худди ана шу сабабли ҳам талаба-ёшларимизни миллий маънавий меросимизнинг ўзлаштиришга ёрдам бериш билан бирга жаҳон халқлари маънавияти ютуқларидан хабардор қилиш ҳам катта аҳамиятга моликдир.

Талаба-ёшларимизнинг миллий онгини ривожлантиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ролини ошириш ва уни ўқитишнинг сифатини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу борада мустақиллик йилларида талайгина тадбирлар амалга оширилди ва бугунги кунда улар такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ёшларнинг миллий онгини ривожлантириб боришда миллий тарбиянинг роли айниқиса, катта амалий аҳамиятга моликдир. Ҳўш, миллий тарбия, деганда нимани тушунмоқ керак?

**Миллий тарбия у ёки бу миллат, златни ташкил қилувчи этник бирликнинг, ўз миллат маънавияти, мероси, урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини ўз миллатдошлари томонидан ўзлаштиришга, миллий мифатларни ҳимоя қилиши, миллат олдида масъуллагини англаш туйғуларини шакллантиришга қаратилган амалий фаолият ҳисобланади.**

Худди ана шу туйғуларни ҳар бир миллат вакили оилада шакллантира бошлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг бозор му-

носабатларини шакллантириш, миллий тикланишимизнинг бугунги мураккаб шароитида уларнинг миллий тарбияга эътибори асосий ўринни эгалламоқда.

Хўш, бугунги кунда миллий тарбиянинг оила томонидан олиб бериладиган йўналишлари нималардан иборат бўлмоғи керак? Фикримизча улар қуйидагилардан иборат: **биринчидан**, миллий бирликни мустаҳкамлаш, миллий манфаат устуворлигини ва ҳар бир миллатдошларимизнинг ўз миллати олдидаги масъулиятини тушуниб етишларидан; **иккинчидан**, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашдан. Унда ҳар бир миллатдошларимизнинг она заминимизни саждагоҳ каби муқаддаслигини англаши, уни кўз қорачигидай асраш, ҳудуд бутунлигини, чегараларимизнинг мустаҳкам бўлишини таъминлаш, ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш туйғуларини мустаҳкамлаш; **учинчидан**, мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларига ҳурмат, эътибор. Уларга давлат тилини, миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларимизни ўзлаштиришларига ёрдамлашиш, уларнинг ўз миллий маданиятларини ривожлантиришларига кенг имкониятлар яратиш. Бу вазифаларни амалга ошириш орқали мамлакатимизда миллатлараро барқарорликни ривожлантириш; **тўртинчидан**, миллатдошларимизнинг жаҳон халқлари маданияти ютуқларини ўзлаштириш зарурлигини англашлари, миллий нигилизмдан огоҳ бўлишлари; **бешинчидан**, бозор муносабатларини шакллантириш тараққиётимизнинг энг муҳим шарти эканлигини, уни шакллантиришда фаоллик кўрсатиш зарурлигини англашлари. Айниқса, улар тафаккуридаги собиқ шўролар даврида шакллантирилган давлат "ҳамма фаровонлигини таъминлаб берувчи" институт сифатидаги қарашлардан тезроқ қутилиб, "ўз тараққиётим ўз қўлимда", деган қарашларнинг ҳаётий позицияга айланишига эришиш; **олтинчидан**, сиёсий онг ва сиёсий маданиятни ривожлантириш, демократик тамойилларни ўзлаштириш ва уларни реал ҳаётга табиқ қилишга ёрдамлашиш; **еттинчидан**, миллатимизнинг жоҳон цивилизациясида эгаллаб келган муносиб ўрнини тиклаш учун ҳар бир миллатдошимизнинг ўз меҳнати, фаоллиги, яратувчилиги, масъулияти билан ҳиссасини қўшишлари кераклигини англашлари кабиларни ташкил этиш зарур.

Миллий тарбиямизнинг бош йўналишини миллий тикланиш ғояси ташкил қилмоғи керак. Бунинг мазмуни, ҳар бир ёш шуни тушуниб етиши керакки, ўзбеклар ҳеч қачон қолоқ бўлмаганлар, балки улар жаҳон цивилизациясига ўзларининг муносиб

ҳиссаларини қўшиб келганлар. Улар фақат якқдилликни вужудга келтира олмаганликлари, мустамлакачилик, тоталитаризм каби зўравонлик оқибатида ўзлари яратган цивилизациядан маҳрум бўлиб қолганларни тушуниб етишлари зарур. Миллий тикланиш — бу зўравонликлар оқибатида оёқ ости қилинган, паймол этилган, бой берилган имкониятларни ўз жойига ва ўз эгасига қайтарилиши тарзида тушунилмоғи лозим.

Худди ана шу вазифани амалга оширилишида тарбиявий ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил қилмоғи зарурдир.

## Х У Л О С А

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги ўтган давр ичида мамлакатимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, миллий-маънавий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар содир бўлди.

Айниқса, миллатимизнинг ўзлигини англаш жараёнлари, ўз миллий-маънавий меросни ўзлаштириш, миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятларимизни тиклаш ва муқаддас динимизнинг улкан имкониятларидан баҳраманд бўлиш борасида ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Лекин бу борада қўлга киритилган ютуқлар қанчалик катта бўлмасин, маънавий салоҳиятнинг илдизлари мустаҳкам ва дунё цивилизациясида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб турган Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, ўзбек халқининг иялиги тўқ, бақувват...<sup>1</sup> миллатимизнинг ички маънавий-руҳий имкониятларини юзага чиқариш учун ҳали тинмай меҳнат талаб этилади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, миллий, маънавий-руҳий имкониятимизни юзага чиқариш фақат мамлакатимиз ва миллий тараққиётимиз манфаатлари доираси билан чекланиб қолмайди, унинг қўлами ниҳоятда кенг бўлиб, инсоният тараққиёти ХХI асрда интеллектуал салоҳиятнинг қайси даражасида ривожланиши ва бу тизимда миллий-маънавий омилнинг устувор бўлиб қолиши билан ҳам боғлиқдир.

Ана шу глобал (умумбашарий) вазифадан келиб чиқиладиган бўлса, мустақиллик йилларида миллий тикланиш борасидаги ютуқларимизнинг моҳияти ва мазмунини тўла тушуниб етиш, бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалар йўналишларини библи олишимиз энг долзарб масалалардан бири сифатида олдимизда турибди. Ана шу вазифалар қаторида миллий омил, миллий ўзликни англаш ва уларнинг миллат абадийлигини таъминлашдаги роли ҳамда ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда бу йўналишдаги айрим оммабоп мақолаларни ҳисобга олмаганда, сезиларлик илмий ишлар эълон қилинмади. Бу ўз навбатида миллий ривожланиш, миллий, маънавий-руҳий

салоҳият назарияси борасида мукамал концепцияни ишлаб чиқишда “бўшлиқ” пайдо бўлганлигини ҳам билдирмоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий истиқлол ғояси концепцияси ана шу бўшлиқни ўз вақтида тўлғазиб боришда барча илмий тадқиқотларнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилиши лозим бўлади.

Миллий ўзлигимизни англаш ва миллий, маънавий-руҳий тикланиш, чеккадан қараганда “оддий” ва “содагина” туюлсада, реал ҳаётда жуда ҳам мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки у миллий нигилизмнинг келиб чиқмаслиги ва мамлакатимизда кўп миллатлар истиқомат қилиши каби ўта мураккаб муаммолар билан боғлиқдир. Шунингдек, миллий тараққиётга нисбатан собиқ шўролар ҳукмронлиги давридаги қотиб қолган қарашлардан тезроқ қутилиш ва ўзбекларнинг “менлигини” қарор топтиришдек масалалар мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади.

Миллий, маънавий-руҳий тикланиш муаммоларини илмий таҳлил қилиш, тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқиш фақат назарий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, шунинг билан бирга амалий аҳамият ҳам касб этиб турибди. Чунки бизнинг олдимизда ўтмишнинг асоратларидан озод бўлган, ўзининг мустақил фикрига эга, ўз миллати ва Ватани манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етказиш вазифаси ҳам турибди.

Бундай, ҳеч қандай асосга таянмайдиган мавҳум қарашлар ва ғоялар билан тарбиялаб бўлмайди, балки у миллий заминларга, авлод-аждодлар яратган мерослар, асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлар ва тажрибаларга таянган ҳолдагина тарбиялаш мумкин бўлади.

Боз устига ўзга миллатларнинг (ҳатто, у умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилган бўлса ҳам) маънавий-руҳий салоҳиятлари миллий тикланиш ва миллатнинг баркамол авлодини тарбиялашда белгилловчи омил бўлолмайди. У қачонки, миллий салоҳият билан уйғунлашган бўлсагина, миллатнинг баркамол авлодини шаклланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиш мумкин.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва мамлакатимизда демократик жамият қуриш жараёнида миллий, маънавий-руҳий тикланишимиз борасида олиб бориладиган барча илмий, тарбиявий ва ташкилий ишларимиз ана шу концептуал ғоялар асосига йўналтирилгандагина қутилган натижаларни бериши мумкин бўлади.



Мустақил, қарамлик ва мутъеликдан озод бўлган миллатгина миллий, маънавий-руҳий тикланиш имкониятига эга бўлади. Шу маънода, миллатнинг сиёсий мустақилликни қўлга киритиши ҳали тўла маънодаги мустақилликка эга бўлиш, қолаверса, мустақилликни қўлга киритиш томон қўйилган муҳим қадам эмас. Қачонки, миллат қарамлик ва мутелик тафаккурдан батамом озод бўлсагина, ўзининг “менлигини” англасагина тўла маънодаги мустақилликка эришган бўлади.

Ана шу маънода ҳам миллатнинг ўз-ўзини англаши билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганиш, миллий чуқур таҳлил қилиш ва тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқишга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу мураккаб вазифани амалга ошириш учун эса турли соҳалар олимларининг яқидлик билан фаолият кўрсатиши лозим бўлади.

## Фойдаланилган адабиётлар

### МУҚАДДИМА

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 78-бет.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000, 7-бет.

### БИРИНЧИ БОБ. МУАММОНИНГ МЕТОДОЛОГИК ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

#### 1.1. Миллий ўзликни англаш: моҳияти ва мақоми

1. Қаранг: П.М. Рогачев, М.А. Свердлов. О понятии “нация”, “Вопросы истории”, 1966, №1; М.С. Джунусов. Нация как социально-этническая общность людей. Там же, №4; С.Т. Калтачян. К вопросу о понятии “нация” государственность. Там же, №9; Т.Б. Т.Ю. Бурмистрова. Некоторые вопросы теории нации. Там же, №12; В.И. Козлов. Некоторые проблемы теории нации. Там же – 1967; И.П. Цамерян. Актуальные вопросы марксистско-ленинской теории нации. Там же, №5 ва бошқалар.
2. Маркс К. ва Энгельс Ф. Уч томлик танланган асарлар. 1-том. Тошкент, «Ўзбекистон», 1980, 111-бет.
3. Ўша асар, 125-бет.
4. Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами, 26-том, 83-бет.
5. Ўша жойда, 30-том, 26-бет.
6. Қаранг: Социологические исследования, №12, 1992, с.123.
7. Сорокин П.А. Проблема социального равенства. Сорокин П.А. Человек, цивилизация, общество. М., 1992, с.248.
8. Тишков В.А. Постсоветский национализм и российский антропологии – Постсоветское пространство: этнополитические проблемы. /“Круглый стол”/. – Социологические исследования, №1, 1997, с.52.
9. Яковенко И.Г. Описание категорий и явлений – Политические исследования, №6, 1996, с.118.

10. Хоназаров Қ. Миллат назариясига танқидий назар — миллий тикланиш, 16-июн, 1998 й.
11. Геллнер Э. Нации и национализм — Вопросы философии. №7, 1989й, 124-бет.
12. Рогачев П.М., Свердлин М.А. Нации — народ человечество. М.: Политиздат, 1967, с.12.
13. Джунусов М.С. Введение в марксистско-ленинскую теорию нации. Ашхабад: Ылым, 1988, с.291.
14. Калтахчян С.Т. Ленинизм о сущности нации и пути образования интернациональной общности людей. М.: Издательство МГУ, 1976, с.74.
15. Калтахчян С.Т. Марксистско-ленинская теория нации и современности. М.; Политиздат, 1983, с.189.
16. Куличенко М.И. Расцвет и сближение нации в СССР. Проблемы теории и методологии. М.: Мысль, 1981, с.71.
17. Баграмов Э.А. Национальный вопрос в борьбе идей. М.; Политиздат, 1982. 12-бет Цамерян И.П. Национальные отношения в СССР. М.; Мысль, 1987, 15-бет.
18. Глезерман Г.Е. Классы и нации. М.: Политиздат, 1977, 19-бет.

## 1.2. Миллий маданият — миллат белгиси

1. Агаев А.Г. Социалистическая национальная культура. М.; Политиздат, 1975, 33-бет.
2. Джунусов М.С. Сближение советских национальных культур и развитие общенародного... В кн.: Национальный язык и национальная культура. М., 1978, 50-бет.
3. Джунусов М.С. Две тенденции социализма в национальных отношениях. Ташкент: Узбекистон, 1975, 49-бет.
4. Буранов К.Б. Диалектика развития социалистической культуры. Ташкент: Узбекистон, 1975, 57-бет.
5. Головнев А.И., Мельников А.П. Сближение национальных культур в процессе коммунистического строительства. Минск, 1979, 20-бет.
6. Дамена О.Н. Культура и её национальные формы. Вопросы философии. №6, 1981, 115-бет.
7. Рогачев П.М., Свердлин М.А. Нации — народ — человечество. М.; Политиздат, 1967, с.152.
8. Қаранг: Развитый социализм. М.; Политиздат, 1978, 273-бет.

9. Гуревич П.С. Культура как объект социально-философского анализа. Вопросы философии. №5, 1984, 57-бет.
10. Римский-Корсаков Н.А. Летопись моей музыкальной жизни. М., 1955, 217-бет.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 78-бет.

### 1.3. Миллий ўзлиқни аянглашнинг тузилмаси ва элементларининг ўзаро алоқаси

1. Философские проблемы теории и практики национальных отношений социализма. Материалы “круглого стола”. Вопросы философии, №6, 1988, 31-бет.
2. Арутюнян М.С. Нация и её психологический склад. Автореферат дисс. на соискание учёной степени к.ф.н. М., 1969, с.18-19.
3. Рогачев П.М., Свердлин М.А. Нация-народ-человечество. М., 1967, с.61.
4. Қаранг: Хабибулин К.Н. Самосознание и интернациональная ответственность социалистических наций /Философские и социально-психологические проблемы национальных отношений развитого социализма. Автореферат дисс. на соискание учёной степени д.ф.н. Ленинград, 1977, с.10-11.
5. Джунусов М.С. Вопросы теории интернационального воспитания. Ташкент, «Ўзбекистан», 1980, 34-бет.
6. Джандиладин Н.Е. Единство интернационального и национального в психологии советского народа. Алма-ата, 1988, с.55.
7. Зотеев В.И. Национальные отношения: сущность, законы развития /Философско-социалистический аспект проблемы. Автореферат дисс на соискание учёной степени д.ф.н. М., 1989, с.38.
8. Джунусов М.С. Введение в марксистско-ленинскую теорию нации. Ашхабад: Ыльм АНТССР, 1988, с.135.
9. Агаев А.Г. Нация, её сущность и самосознание. Вопросы истории, №7, 1967, с.90.
10. Бромлей Ю.В. Этносоциальные процессы: теория, история, современность. М.: Нация, 1987, с.61.
11. Рогачев П.М., Свердлин М.А. Актуальные вопросы интернационально-патриотического воспитания. Научный Коммунизм, №6, 1982, с.54.

12. Мирский Р.Я. Патриотизм советского человека: Интернационализм, гражданственность, труд. М., 1988, с.108.

13. Бегматов А.С. Стимулы: сущность и действия. Ташкент, 1990.

14. Иминов Б.К. Республика Узбекистан: интересы-источник политики и идеологии. Автореферат дисс. на соискание ученой степени д.полит.н.Ташкент, 1994.

15. Абдурахманов Ф.Р. Мустақиллик ва миллий манфаатлар. Тошкент, 1994, 6-бет.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 44-бет.

#### 1.4. Миллий маданият ва миллий ўзлиқни англашнинг шаклланиш хусусиятлари

1. Философский словарь под ред. М. Розенталя, П.Ф. Федина. Издание второе. М.: Политиздат, 1968, с.54.

2. Шермухамедов С. Расцвет и сближение национальных культур. М.: Мысль, 1974, 71-бет.

3. Шерматова Г. Взаимодействие национальных культур и духовное формирование личности. Ташкент: Фан АНУзССР, 1986, с.24.

4. Арутюнян Ю.В., Дробижова Л.М. Многообразие культурной жизни народов СССР. М.: Мысль, 1967, с.237.

5. Соколов Э.В. Культура и личность. Ленинград, 1972, 97-98 бет.

6. Духовное производство. Социально-философский аспект проблемы духовной деятельности. М.: Наука, 1981, 237-бет.

7. Макарян Э.С. Понятие "культура" в системе современных социальных наук. М., с.3.

8. Арутюнов С.А. Место национальных традиций в развитии современных этнических общностей. Вопросы совершенствования национальных процессов в СССР. Ташкент: Фан АН УЗССР, 1987, с.168.

9. Коган. М.С. Человеческая деятельность /опыт системного анализа/. М., 1974, с.328.

10. Лунин Ю.А. Многонациональная социалистическая культура. М., 1987, с.62.

11. Қаранг: Джунусов М.С. Вопросы теории интернационального воспитания. Ташкент, «Узбекистан», 1980, 200-бет.

12. Шувалов Б.А. Человек в системе национальных отношений /философско-социологические аспекты проблемы. Автореферат дисс. на соискание ученой степени д.ф.к. М., 1980, с.15.

13. Қаранг: Хабибулин К.Н. национальное самосознание и интернационалистическое поведение. Ленинград: Знание, 1989, 9-16 бет.

14. Ўша жойда, 9-бет.

15. Ўша жойда.

## **ИККИНЧИ БОБ. МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **2.1. Ўзбек миллий маданияти ва миллий ўзликни англашнинг ривожланиш диалектикаси**

1. Қаранг: Культура, нравственность, религия /материала круглого стола/. Вопросы философии, №11, 1989, с.34.

2. Баллер Э.А. Социальный прогресс и культурное наследие. М.: Наука, 1987, 49-бет.

3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 140-бет.

4. Усмонов О., Дониёров Р. Ўзбек тилидаги русча-интернационал ўзлаштирма сўзлар изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон ССР, «Фан», 1965, 185-бет.

5. Қаранг: Русча-ўзбекча луғат. 2-томлик. Тошкент, ўзб., СЭБР, 1983, 1-том, 395-бет.

### **2.2. Миллий маданият - миллий ўзликни англашнинг моддий-лашгарининг асоси**

1. Қаранг: Духовное производство /социально-философский аспект проблемы духовной деятельности/. М.:Наука, 1981, с.237.

2. Қаранг: Уледов А.К. Духовная жизнь общества /проблемы методологии исследования/. М.: Мысль, 1980, с.19.

3. Хоназаров Қ. Тил ва дил. Тошкент, «Ўзбекистон», 1991, 8-бет.

4. Мансуров Ш. Маънавий мерос ва ахлоқий тарбия. Тошкент, «Ўзбекистон», 1983, 37-бет.

5. Гоголь Н.В. Собрание сочинений. М., 1978, Т-8, 64-бет.
6. Файзий Р. Ҳазрати инсон. Тошкент, «Ўқитувчи», 1984, 148-бет.
7. Фадеев А. Литература и искусство. М, 1939, 51-бет.
8. Айтматов Чингиз. Дунёни ҳайратга солайлик. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1985 йил 8 сентябр.
9. Қаранг: Юсупов Э. Маданий мерос – бебаҳо бойлигимиз. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987 йил 4 сентябр.
10. Тошкент оқшоми, 5 ноябр, 1987 йил.
11. Қаранг: Уманский Л.А., Шаболдин С.С. Годы труда и побед 1917-1987 г.г. Попул.справочник. М.: Политиздат, 1987, с.309.
12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000, 25-бет.

### **2.3.Миллий ўзликни англаш ва миллий маданият ривожланишидаги зиддиятлар, уларнинг юзага келиш хусусиятлари ва ечимлари**

1. Қаранг: Халлин К. Некоторые вопросы интернационализации национальной жизни. Нация и культура. /мақолалар тўплами/. Таллин, 1985, 73-бет.
2. Аллахбердиев К.Г. Интернационализация духовной жизни и совершенствование социалистического образа жизни в условиях развитого социализма. Автореферат дисс. Баку, 1986, с.10.
3. Сулайманов Олжас. Возвысить степень не унижая горы. Правда, 27 январ, 1989.

### **2.4.Миллат — миллий ўзликни англаш ва маданият ижодкори**

1. Қаранг: Формирование социалистических наций в СССР. М.: Политиздат, 1962.
2. Октябрьская революция, расцвет Узбекской социалистической нации и сближение её нации СССР. Ташкент, Госиздат, 1962.
3. Ваҳобов М.Г. Формирование Узбекской социалистической нации. Ташкент, Госиздат, 1961.

4. Умурзокова О.П. Об основных препадах и своеобразиях формирования Узбекской социалистической нации. Автореф.дисс. на соси.учен.степ. к.ф.н., Ташкент, 1961.

5. Буранов Н.Б. Развитие Узбекской социалистической нации на путях сближения её с другими советскими нациями. Автореф.дисс. на соси.учен.степ. к.ф.н., Ташкент, 1965.

6. Умамбетов С. Формирование Казахской нации. Автореф.дисс. на соси.учен.степ. к.ф.н., М., 1956 г.

7. Карасаев Л. Формирование и развитие Казахской социалистической нации. Автореф.дисс. на соси.учен.степ. к.ф.н., Алма-ата, 1962 г.

8. Сабилов К.О. Консолидация и дальнейшее развитие Таджикской социалистической нации. Автореф.дисс. на соси.учен.степ. к.ф.н., Сталинабад, 1955.

9. Салиев А. Формирование Киргизской социалистической нации. Автореф.дисс. на соис.учен.степ. к.ф.н., М., 1961.

10. Овезбердиев Ч. Образование и развитие Туркменской социалистической нации. Автореф.дисс. на соси.учен.степ. к.ф.н., М., 1953.

11. Каранг. История исторографии национальноосвободительных движений второй половине XIX начале XX в.в. Срдней Азии и Казахстана: итоги, поиски, перспективы изучения. Ташкент: Фан, УзССР, 1989 г.

12. Вахобов М.Г. Формирование Узбекской социалистической нации. 566-бет.

13. Умурзокова О.П. Об основных препадах и своеобразиях формирования Узбекской социалистической нации. Автореф.дисс. на соси.учен.степ. к.ф.н. 21 бет.

14. Карасаев Д. Формирование и развитие Казахской социалистической нации. Автореф.дисс. на соси.учен.степ. к.ф.н. 17-бет.

15. Сабилов К.О. Консолидация и дальнейшее развитие Таджикской социалистической нации. Автореф.дисс. на соси.учен.степ. к.ф.н. 20-бет.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997, 78-бет.



17. Саламов Б.С. Регионально-особенное в системе национальных отношений развитого социализма — научный коммунизм. №1, 1984, 68-бет.

18. қаранг: Кокорев С.М. Социалистический образ жизни: общее и регионально особенное. М.: Знание, 1988, 9-бет.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 155-бет.

20. Вахобов М. Формирование Узбекской социалистической нации. 45-бет.

21. Карасаев Л. Формирование и развитие Казахской социалистической нации. Автореферат. 7-бет.

22. Сабилов К.О. О консолидации дальнейшего развития Таджикской социалистической нации. Автореферат. 7-бет.

23. Геллнер Э. Нации и национализм. Вопросы философии №7, 1989, 124-бет.

24. Постсоветское пространство: Этнополитические проблемы. /Круглый стол/. Социологические исследования, 1997, №1, 52-бет.

25. Яковенко И.Г. описание категорий и явлений. Политические исследования, 1996, №6, 118-бет.

26. Қаранг: Хоназаров Қ. Миллат назариясига танқидий назар. Миллий тикланиш, 1998 йил, 16 июн.

27. Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши ҳақида. Тошкент, «ЎзФан», 1941.

28. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғилилар. Тошкент, «Фан», 1990.

29. Эрматов М. Ўзбек халқининг миллий шаклланиши. Мулоқот. №7-8, 1994, 19-24-бетлар.

30. Аҳмедов Б. Ўзбек қавмлари. Сирли олам, №10, 1992.

31. Аҳмедов А. Туркликми, ўзбекликми? Мулоқот, №11-12, 1994.

32. Дониёров Х. Ўзбекнинг ёши. Ўзбекион адабиёти ва санъати. 1991 йил 1 март.

33. Хоназаров Қ. Миллат назариясига танқидий назар. Миллий тикланиш, 16 июн 1998 йил.

34. Ўша жойда.

35. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, «Шарқ», 1998, 17-бет.

36. Аминов Р. Коллективизация в Узбекистане: Как это было? Коммунист Узбекистана, №9, 1989, 83-бет.

37. Қаранг: Ким П.Г. Уйдирма ва ҳақиқат. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 20 сентябр 1989 йил.

38. Директивы ЦК КП(б) и Постановления Советского правительства о народном образовании. Выпуск 2, М.Л., 1947, 118-бет.

## **УЧИНЧИ БОБ: МИЛЛАТ БАРҲАЁТЛИГИНИНГ ОМИЛЛАРИ**

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000, 6-бет.

### **3.1. Миллий маънавият ва миллий ўзликни англаш миллий мустақилликка эришишнинг асоси**

1. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 111-бет.

2. Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти. Тошкент: «Ўзбекистон», 1996, 29-бет.

3. Эркаев А. Маънавият — миллат нишони. Тошкент, «Маънавият», 1997, 27-бет.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 17-бет.

5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент: «Шарқ», 1998, 18-бет.

6. Қаранг: Ўзбекистон овози, 1991 йил, 27 сентябр.

7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, «Шарқ», 1998, 10-бет.

8. Қаранг: Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. Тошкент, «Шарқ», 2000, 5-бет.

9. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000, 19-бет.

### **3.2. Миллатпарварлик, шовинизм ва уларнинг миллат ҳаётида тутган ўрни**

1. Баграмов Э.А. Национальный вопрос в борьбе идей - М. Политиздат, 1982, 40-бет.

2. Джунусов М.С. Вопросы теории интернационального воспитания. Ташкент, «Узбекистан», 1980, 101-бет.

3. Калтахчян С.Т. Ленинизм о сущности нации и пути образования интернациональной общности людей. М. МГУ, 1976, 363-бет.

4. Иордан М.В. Интернационализм против национализма. М. Наука, 1980, 31-бет.

5. Турсунов А. Феномен национализм. «Правда» газетаси, 5 май 1988 йил.

6. Қаранг: Баграмов Э.А. Национальный вопрос в борьбе идей - М. Политиздат, 1982, Глезерман Г.Е. Классы и нации (изд. 2-е том) - М.: Политиздат, 1977, Джунусов М.С. Вопросы теории интер-национального воспитания. - Ташкент, Узбекистан, 1980, шу муаллиф. Введение в марксистско-ленинскую теорию нации. - Ашхабад, ЫЛЫМ, АнТССР, 1988, Иордан М.В. Интернационализм против национализма. М. Наука, 1980, Калтахчян С.Т. Ленинизм о сущности нации и пути образования интернациональной общности людей. М. МГУ, 1976, Шу муаллиф. Марксистско-ленинская теория нации и современность. М. Политиздат, 1983, Хмара Н.И. Буржуазный национализм и милитаризм, 1986, Ярашук Я.Н. Почему национализм обречен. М. Мысль, 1985.

7. Глезерман Г.Е. Классы и нации (изд. 2-е том) М.: Политиздат, 1977, 39-бет.

8. Джунусов М.С. Вопросы теории интернационального воспитания. Ташкент, «Узбекистан», 1980, 97-бет.

9. Калтахчян С.Т. Ленинизм о сущности нации и пути образования интернациональной общности людей. Изд. 2-е М. МГУ, 1976, 363-бет.

10. Хмара Н.И. Буржуазный национализм и милитаризм, 1986, 7-ст.

11. Иордан М.В. Интернационализм и национализм. Анализ логики их противоборства в современную эпоху. Автореф. На соиск. докт. ф.н. М.:1987, 25-бет.

12. Джунусов М.С. Вопросы теории интернационального воспитания. Ташкент, «Узбекистан», 1980, 102-бет.

13. Қисқача сиёсий лугат. (тузувчилар Л.А.Оников ва Н.В.Шишлин). рус. нашридан таржима. Тошкент, «Ўзбекистон», 1983, 16-бет.

14. Вопросы философии. №9, 1988, 53-бет.

15. Турсунов А. Феномен национализм. «Правда» газетаси, 5 май, 1988 йил.

16. Қаранг: Актуальные проблемы развития национальных отношений, интернационального и патриотического воспитания (Э.А.Баграмов, Ж.Г.Голотвин, Э.В.Тадевосян) - М.:Политиздат, 1988, 264-282-бетлар.

17. Вопросы философии. №9, 1988, 39-бет.

18. Қаранг: Қисқача сиёсий луғат. (тузувчилар Л.А.Оников ва Н.В.Шишлин). рус. нашридан таржима. Тошкент, «Ўзбекистон», 1983, 390-391 бетлар.

19. Қаранг: Узоқов Х. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи. 1900-1940 йиллар (журналистлар фаолияти мисолида), тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг автореферати. Тошкент, 1996, 40-41-бетлар.

20. Ўша жойда.

21. Қаранг: Турон тарихи. Оммабоп мажмуа. 1993, 4-бет.

22. Қаранг: Журн. Звезда Востока, №6, 1991, 132-136-бетлар.

23. Журн. Дружба Народов, №11, 1989, 184-бет.

### **3.3. Миллий ғоя ва мафкура — миллий тараққиётнинг маънавий-руҳий омиллари**

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000, 9-бет.

2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998, 15-бет.

3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000, 28-29-бетлар.

4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998, 11-бет.

5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, «Шарқ», 1998, 10-бет.

### **3.4. Ўзбек ёшларида миллий ўзлигини англаш омилнинг ўсиш жараёни**

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000, 24-бет.

2. Қаранг: Масаланинг асосий таҳлили: Отамуратов С.С. "Ёшларнинг социал фаол қисмининг миллий ўзлигини англаши ва унинг Ўзбекистоннинг мустақиллиги шароитида амал қилиши" (социологик таҳлил), социология фанлари номзодлиги илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2000 йил.

3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, «Шарқ», 1998, 24-бет.

4. Ватанни севмоқ имондандир (иншолар тўплами). Тошкент, 1995, 10-бет.

5. Ўша жойда, 12-бет.

### Хулоса

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, «Шарқ», 1998, 20-бет.

## МУНДАРИЖА

<b>МУҚАДДИМА</b> .....	3
<b>БИРИНЧИ БОБ</b>	
<b>МУАММОНИНГ МЕТОДОЛОГИК ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	10
1.1. Миллий ўзликни англаш: моҳияти ва мақоми.....	11
1.2. Миллий маданият — миллат белгиси. ....	29
1.3. Миллий ўзликни англашнинг тузилмаси ва элементларининг ўзаро алоқаси.....	39
1.4. Миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг шаклланиш хусусиятлари .....	63
<b>ИККИНЧИ БОБ</b>	
<b>МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ</b> .....	92
2.1. Миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг ривожланиш диалектикаси. ....	93
2.2. Миллий маданият — миллий ўзликни англашни моддийлаштиришнинг асоси. ....	111
2.3. Миллий ўзликни англаш ва маданиятнинг ривожланишдаги зиддиятлар, уларнинг юзага келиш хусусиятлари ва ечимлари .....	129
2.4. Миллат — миллий ўзликни англаш ва маданият ижодкори. ....	147
<b>УЧИНЧИ БОБ</b>	
<b>МИЛЛАТ БАРҲАЁТЛИГИНИНГ ОМИЛЛАРИ</b> .....	173
3.1. Миллий маънавият ва миллий ўзликни англаш миллий мустақилликка эришишнинг асоси.....	174
3.2. Миллатпарварлик, шовинизм ва уларнинг миллат ҳаётида тутган ўрни.....	197
3.3. Миллий ғоя ва мафкура — миллий тараққиётнинг маънавий-руҳий омиллари.....	218
3.4. Ўзбек ёшларида миллий ўзлигини англаш омилининг ўсиш жараёни.....	235
<b>ХУЛОСА</b> .....	249
<b>ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b> .....	252

Садулла Огамуратов, Сарвар Огамуратов

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ТИКЛАНИШ**  
(социал-фалсафий таҳлил)

Тошкент — 2003

Нашр учун масъул: *Н.Ҳалилов*  
Таҳририят мудири: *М.Миркомиллов*  
Муҳаррир: *С.Нарзиев*  
Мусахҳиҳа: *О.Меденова*

*ИБ №3637*

Босишга рухсат этилди: 6.02.2003 й. Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>  
Офсет қоғози. Шартли босма табағи 16,5.  
Нашр табағи 19,7. Адади 1000. Букюртма 15.

«IKAR-MAIK» маъсулияти чекланган жамият.  
700011, Ташкент, Навоий кўчаси 9-уй.

«ЎАЖБНТ» Маркази, 700078, Тошкент,  
Мустақиллик майдони, 5.

Андоза нусҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлиги «ЎАЖБНТ» Марказининг  
компьютер бўлимида тайёрланди.

